

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

34-сон
(1210)
2025 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

476. «Ижро иши бўйича қафолат маблағларини киритиш институти жорий этилиши муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 19 августдаги ЎРҚ–1082-сон Қонуни
477. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 21 августдаги ЎРҚ–1083-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

478. «Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 августдаги ПФ–137-сон Фармони
479. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик

мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 августдаги ПФ–138-сон Фармони

480. «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ–140-сон Фармони
481. «Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ–141-сон Фармони
482. «Телекоммуникациялар соҳасида тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ–142-сон Фармони
483. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сон қарори
484. «Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПҚ–255-сон қарори
485. «Ўзбекистонда футбол соҳасини рақамлаштириш ва оммавийлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПҚ–262-сон қарори

Учинчи бўлим

486. «Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 августдаги 521-сон қарори
487. «Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 августдаги 522-сон қарори
488. «Самарқанд вилоятида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 августдаги 526-сон қарори

489. «Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини жалб қилган ҳолда ваучер асосида касб ва хорижий тилларга ўқитиш тизимини жорий қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 августдаги 527-сон қарори
490. «Олий таълим ташкилотлари талабалари учун тайёрланган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 августдаги 530-сон қарори

Бешинчи бўлим

491. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 7-avgustdagi 440-son "Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3481-2*)
492. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 24-iyuldagi 274-son hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 15 yuldagi 01/62-4/1-6285-son "Kasb-hunar kollejlari o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan ta'minlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2427-1*)
493. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 31 июлдаги 427-сон "Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-3*)
494. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 28-iyuldagi 6-son "Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro'yxatiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3611-1*)
495. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 4-avgustdagi 15-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi

Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3668*)

496. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 1-avgustdagi 19/1-son "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3669*)
497. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta'limi vazirining 2025-yil 8-avgustdagi 8-mh-son "O'quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o'rta ta'lim muassasasidan boshqasiga o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 5-bobini o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2684-5*)
498. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 30-iyuldagi 17/7-son "Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3263-3*)
499. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 12-avgustdagi 277-son "O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3558-2*)
500. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 4-avgustdagi 275-son "Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risidagi yo'riqnomaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2169-9*)
501. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 19 июлдаги 403-сон "Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2025 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3670*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**

476 Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш институту жорий этилиши муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
27 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 июнда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга суд қарори ўз фойдасига қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида суд қарорларини ижро этиш босқичига даъвони таъминлаш институтини жорий этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мулкый тусдаги суд ҳужжати бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан таъминлашга, яъни ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш орқали амалга оширишга оид нормалар киритилмоқда.

Бунда ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш ижро иши юриштишни тўхтатиб туриш, қарздорга ва унинг мол-мулкига нисбатан қўлланилган чекловларни бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун суд қарори ўз фойдасига қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 августда эълон қилинган.

№ 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 4, 522-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 11-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қарздор ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш ҳуқуқига ҳам эга»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги 33¹-модда билан тўлдирилсин:

«33¹-модда. Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш

Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш қарздор томонидан унга нисбатан мулкӣ тусдаги суд ҳужжати бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ миқдорида ёки бажарилмаган қисми миқдорида пул ўтказиш йўли билан таъминлашдан иборатдир, бундан даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатлари мустасно.

Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш ижро иши юритишни тўхтатиб туриш, қарздорга ва унинг мол-мулкига нисбатан белгиланган чекловларни бекор қилиш учун асос бўлади.

Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш:

1) ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан берилган шикоят ёки келтирилган протест суд томонидан қабул қилинганда;

2) давлат ижрочисининг ҳаракати (қарори) устидан шикоят берилганда қўлланилади.

Мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига ўтказилган ижро иши бўйича кафолат маблағлари ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш учун ушбу Қонунда белгиланган муддат давомида сақланади.

Ижро иши бўйича кафолат маблағлари:

1) ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати бекор бўлганда;

2) ижро ҳужжати амалда ижро этилганда қарздорга уч кунлик муддатда қайтарилади.

Ижро иши бўйича кафолат маблағлари, ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, ижро ҳужжатининг талабларини қаноатлантиришга йўналтирилади.

Ушбу модда учинчи қисмининг 2-бандига асосан киритилган ижро иши бўйича кафолат маблағлари давлат ижрочисининг ҳаракати қонунга хилоф

деб топилган ёки қарори бекор бўлган кундан эътиборан яна йигирма кун мобайнида мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағида сақланади. Агар ушбу муддат давомида ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан шикоят берилмаса ёки протест келтирилмаса, ижро иши бўйича қафолат маблағларига ушбу модданинг олтинчи қисмида белгиланган тартибда ундирув қаратилади. Агар ушбу муддат давомида ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан шикоят берилса ёки протест келтирилса, ижро иши бўйича қафолат маблағлари ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш учун ушбу Қонунда белгиланган муддат давомида сақланади»;

3) **34-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) қарздор томонидан ижро иши бўйича қафолат маблағлари киритилганда»;

4) **38-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатлов ижро ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд ҳужжатида назарда тутилган тақдирда, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун белгиланган муддатга олиб ташланади»;

саккизинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) **66-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган чекловлар алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни, шунингдек ахлоқ тузатиш ишлари тарзида жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақини ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жазодан ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликдан ушлаб қолиш миқдори ходимга ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақининг етмиш фоизидан ошиши мумкин эмас».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 август,
ЎРҚ–1082-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

477**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
15 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 30 апрелда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш, шунингдек жамоатчилик назоратини, ижтимоий шерикликни такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини аниқ белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаганлик, ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятни амалга ошириш тартибини бузганлиги учун жавобгарлиги қайта кўриб чиқилмоқда.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек фуқаролик жамияти институтларига давлат органлари томонидан бевосита давлат ижтимоий буюртмалари берилишининг янги механизмлари белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг мажбуриятлари, уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари қайта кўриб чиқилмоқда, қайта рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи миқдори, шунингдек ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартиби аниқлаштирилмоқда.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига жамоат фонди муассислигига бўлган талаблар кучайтирилишини, жамоат фондини давлат рўйхатидан ўтказиш шартлари ва тартиби аниқлаштирили-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 августда эълон қилинган.

шини, жамоат фондининг мол-мулкидан фойдаланиш янада эркинлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бир календарь йилда банк ҳисобварақларида пул айланмаси мавжуд бўлмаган жамоат фонди учун ушбу календарь йилда ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ихтиёрий тартибда амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ушбу Қонун фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга, ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга, жамоат фондлари фаолиятидаги ортиқча бюрократик талабларни бартараф этишга, шунингдек ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-модда-

лар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197⁸-модда** билан тўлдирилсин:

«197⁸-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиш

Давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **198⁷-модда** билан тўлдирилсин:

«198⁷-модда. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаслик

Жамоатчилик назорати натижаларига кўра, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда жамоатчилик назорати субъектлари томонидан тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаслик ёки уни кўриб чиқиш муддатини узрли сабабларсиз бузиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **239-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари (бундан диний ташкилотлар мустасно), шунингдек уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолиятни амалга ошириши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда уларнинг чет эл фуқаролиги бўлган ва фуқаролиги бўлмаган ходимларининг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролиги бўлган ва фуқаролиги бўлмаган ходимларининг бирор-бир сиёсий фаолиятда ҳамда мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставларида белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлмаган бошқа фаолиятда иштирок этиши, худди шунингдек уларнинг сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ҳамда тадбирларни молиялаштириши, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқиши ва бундай ташкилотларни тузишни қўллаб-қувватлаши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгиларни ишлатиши, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (бундан сиёсий партиялар мустасно), уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари томонидан тадбирлар ўтказиш ҳақида хабардор қилиш тартибига риоя этмаслик ёки қонунчиликда тақиқланган тадбирлар ўтказиш, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтказётган тадбирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилининг эркин киришини рад этиш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан рўйхатдан ўтказувчи органнинг розилигисиз пул маблағлари ва мол-мулк олиши ёхуд ушбу манбалардан олинган пул маблағларидан ва мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган лойиҳанинг натижаси тўғрисидаги маълумотни белгиланган тартибда эълон қилмаслиги, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этмаслиги, ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиши, ўз фаолияти тўғрисида била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этиши, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборотни, шу жумладан улар томонидан мол-

мулк ва пул маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаслиги, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 239¹-модда:

биринчи қисмининг санкциясидаги «ўттиз бараваридан эллик бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) қуйидаги мазмундаги **239²-модда** билан тўлдирилсин:

«239²-модда. Ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш

Ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини бузиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хайрия қутисини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш, —

фуқароларга ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳомийлик ташкилоти томонидан ўз таъминоти (шу жумладан фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари) учун молия йилида сарфлайдиган молиявий маблағларнинг қонунчиликда белгиланган миқдордан ошириб юборилиши, башарти жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) 245-модданинг биринчи қисмидаги:

«197⁷» рақами «197⁷, 197⁸» рақамлари билан алмаштирилсин;

«198⁶» рақами «198⁶, 198⁷» рақамлари билан алмаштирилсин;

«239¹» рақами «239¹, 239²» рақамлари билан алмаштирилсин;

7) 245²-модданинг иккинчи қисмидаги:

«198³ ва 198⁴-моддаларида» деган сўзлар «197⁸, 198³, 198⁴, 239, 239¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«назарда тутилган» деган сўзлар «239²-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 248-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги

«185¹-моддасида (бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мустасно)» деган сўзлар «185¹-моддасида (бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мустасно), 239²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»ги 763–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 105-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилоти:

қонунчилик ва таъсис ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши, шу жумладан молиялаштириш манбалари ҳамда мақсадлари тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинган пул маблағлари ва мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда ўз расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида ёхуд ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат хизматлари кўрсатиладиган махсус электрон платформасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқлаган шаклда эълон қилиб бориши;

рўйхатдан ўтказувчи органни ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиши (бундан сиёсий партиялар мустасно) ва унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллариининг чет мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиши;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиши, шунингдек ушбу манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган лойиҳанинг натижаси тўғрисидаги маълумотни белгиланган тартибда эълон қилиши;

рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт»;

2) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «бўлиши мумкин» деган сўзлар «бўлади» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **21-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «вилоятлараро» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган» деган сўзлар «Ҳудудий» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 22-модда:**биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошисидаги «юридик шахс бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошисидаги «ва вилоятлараро» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий раҳбар органи томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади»;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) 25-модданинг биринчи қисми:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи мақсадларга эга бўлса»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ташаббускорлари (таъсисчилари, муассислари) ёки раҳбар органи аъзолари қонунчилик ҳужжатларига кўра террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган, шунингдек суд тартибида экстремистик деб топилган ташкилотларнинг аъзолари ва раҳбар органлари аъзолари бўлган шахслар бўлса»;

ташаббускорлари (таъсисчилари, муассислари) ёки раҳбар органи аъзолари ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ёхуд фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар бўлса (жамоат фондлари ташкил этилаётганда)»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

6) 29-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулк»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

7) 30-модданинг:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда уларнинг чет эл фуқаролари бўлган ва фуқаролиги бўлмаган ходимлари, шунингдек бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирор-бир сиёсий фаолиятда ҳамда мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставларида белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлмаган бошқа фаолиятда иштирок этишга ҳақли эмас. Уларнинг сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ҳамда тадбирларни молиялаштиришига, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқишига ва бундай ташкилотлар тузишни қўллаб-қувватлашига йўл қўйилмайди»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулк ҳисобидан қуйидагиларни амалга ошириш тақиқланади:

референдум ва сайлов натижаларига таъсир ўтказиш ёки таъсир ўтказишга уриниш;

Ўзбекистон Республикасида тузилган сиёсий партияларнинг сайловолди кампанияларини қўллаб-қувватлаш»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Жамоат фондлари тўғрисида**»ги 527–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 592-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 105-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг иккинчи қисмидаги** «Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг» деган сўзлар «Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 10-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлиги ёхуд фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун судланганлик ҳолати ту-

галланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар фонд муассислари (муассиси) ёки раҳбар органи аъзолари бўлиши мумкин эмас»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) 13-модданинг:

номи ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Фондни ҳамда унинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Фондни ҳамда унинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) 14-модда:

номидаги «ва ҳисобга қўйиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси «кўрсатилган» деган сўздан кейин «белгиланган шаклдаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошиси «(республика фонди учун тегишли ваколатхоналар ва филиалларни ташкил этиш, уларнинг раҳбар органлари ҳамда бошқа органлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «юридик шахс бўлган ваколатхона» деган сўзлар «фонднинг ваколатхонаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) 15 ва 16-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор

Фондни ёки унинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилган рўйхатдан ўтказувчи орган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш ҳақида бир ой ичида қарор чиқариши шарт.

Рўйхатдан ўтказилган фондга, унинг ваколатхонаси ва филиалига, бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро фонднинг ва чет эл фондининг ваколатхонасига ёки филиалига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда фонднинг рўйхатдан ўтказувчи орган муҳри билан тасдиқланган, рўйхатга олинганлиги ҳақида белги қўйилган устави (низоми) берилади.

16-модда. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш асослари

Фондни, унинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонунда назарда тутилган ҳолларда рад қилиниши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш асослантирилган бўлиши керак. Фондни, унинг ваколатхоналари ва филиалларини ташкил этиш мақсад-

га мувофиқ эмас деган важ билан давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилишга йўл қўйилмайди.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг фондни, унинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек мазкур органнинг давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин»;

6) **24-модданинг учинчи қисмидаги** «йигирма» деган сўз «ўттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **25-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фонднинг йиллик молиявий ҳисоботини, аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўрсатган ҳолда (бундан ҳисобот даврида банк ҳисобварақларида пул айланмаси мавжуд бўлмаган фонднинг ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказмаганлиги ҳоллари мустасно)»;

8) **33-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бир календарь йилда банк ҳисобварақларида пул айланмаси мавжуд бўлмаган фонд учун ушбу календарь йилда ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–76-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 2-модда; 2008 йил, № 12, 634-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» деган сўзлар «Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг алоҳида бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат субсидияси Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмақдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади»;

3) **13-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат гранти нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджет-

лари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат грантларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади»;

4) 14-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **иккинчи — бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади.

Давлат органлари ҳар йили социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмасини бериш бўйича танловлар ташкил этади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тегишли соҳалар ва тармоқлардаги муаммоларнинг ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида давлат органига таклиф киритиши мумкин. Ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибда давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдордаги давлат ижтимоий буюртмаси тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан берилиши мумкин.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаси бериш, шунингдек танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) 17-модданинг учинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майда қабул қилинган **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–96-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 218-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 3-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хайрия қутиси — нақд пул шаклидаги ҳомийлик хайрияларини йиғиш учун мўлжалланган идиш бўлиб, ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳомийлик ташкилотларига, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахсларга тегишли бўлади»;

учинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ҳомийлик ташкилоти** — ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти»;

2) **5¹-модда:**

биринчи хатбошисидаги «ва якка тартибдаги тадбиркорлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошиси «веб-сайтларида» деган сўзлардан кейин «ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳомийлик оловчи жисмоний шахслар ҳомийлик хайрияларининг миқдори ва улардан мақсадли фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотни ушбу хайрияларни берган шахсларнинг талабига кўра тақдим этади»;

3) қуйидаги мазмундаги **5² ва 5³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«5²-модда. Ҳомийлик хайрияларини йиғиш

Ҳомийлик хайрияларини йиғиш муайян ҳомийлик оловчиларнинг манфаатларини кўзлаб, олдиндан эълон қилинган муддат давомида амалга оширилади.

Ҳомийлик хайриялари ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик оловчи юридик шахслар томонидан ўз банк ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиш орқали, нақд пул ёки мол-мулк шаклида йиғилиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик оловчи юридик шахслар томонидан ҳомийлик хайрияларини нақд пул шаклида йиғиш фақат хайрия қутиси ёрдамида амалга оширилади, бундан нақд пул шаклидаги ҳомийлик хайрияларини уларнинг банк ҳисобварақларига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш ҳоллари мустасно.

Ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик оловчи юридик шахслар томонидан ҳомийлик хайриялари мол-мулк шаклида йиғилган тақдирда, қабул қилиб олинган мол-мулк рўйхати шакллантирилиб, мол-мулкнинг тури, миқдори (ҳажми) кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади.

Ҳомийлик хайрияларини йиғиш жараёни бошланишидан камида бир кун олдин ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик оловчи юридик шахслар ҳомийлик хайрияларини йиғиш шакллариغا қараб, улар йиғиладиган банк ҳисобварақлари, хайрия қутилари жойлаштириладиган ва мол-мулк йиғиладиган манзиллар, ҳомийлик хайрияларини йиғишнинг мақсади, муддатлари, зарур бўлган пул маблағининг (мол-мулкнинг) миқдори тўғрисида ва ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик оловчи юридик шахслар билан боғланиш учун маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёки ўз расмий веб-сайтида ёхуд ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилади.

Ҳомийлик ташкилотлари ва ҳомийликни амалга оширувчи юридик шахс-

лар йиғилган ҳомийлик хайриялари миқдори тўғрисидаги маълумотни ҳомийлик хайриялари йиғиш жараёни тугагач бир кун ичида оммавий ахборот воситаларида ёки ўз расмий веб-сайтида ёхуд ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилади.

Ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахслар йиғилган ҳомийлик хайрияларидан ҳомийлик мақсадларида фойдаланилганлиги тўғрисидаги батафсил маълумотни тегишли солиқ ҳисоботида акс эттириши шарт.

Жисмоний шахс ҳомийлик хайрияларини фақат ўзи ёки яқин қариндошлари (ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укаси ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзанди, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, бобоси, буви-си, неваралари, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) учун ўз банк ҳисобварақларига ёки шахсий банк картасига пул ўтказиш орқали, нақд пул ёки мол-мулк шаклида йиғишга ҳақли.

Кўнгиллилар ҳомийлик олувчиларнинг манфаатларини кўзлаб, ҳомийлик хайрияларини йиғишга фақат эълон бериш орқали кўмаклашади, бундан ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда ҳомийлик хайрияларини йиғиш ҳомийлик олувчи жисмоний шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари номларига очилган банк ҳисобварақларига ёки шахсий банк карталарига пул ўтказиш орқали ёки уларга бевосита нақд пул (мол-мулк) бериш орқали, шунингдек ҳомийлик олувчи юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиш ёки уларга мол-мулк бериш орқали амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан ҳомийлик олувчиларнинг манфаатларини кўзлаб ҳомийлик хайрияларини йиғишга ҳамда пул йиғиш учун ўзига тегишли бўлган банк ҳисобварақлари ва банк карталари рақамлари ҳақида эълон беришига йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

5³-модда. Хайрия қутиларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш

Ҳомийлик хайрияларини йиғиш учун хайрия қутиларидан фақат ҳомийлик ташкилотлари, ҳомийликни амалга оширувчи ва ҳомийлик олувчи юридик шахслар фойдаланади.

Хайрия қутиси шаффоф бўлиши ва уни очиш жойи ҳомийлик ташкилотининг, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахснинг раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланган ҳамда ҳомийлик ташкилотининг, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахснинг муҳри билан муҳрланган қоғозли пломба ёки рақамланган пломба билан пломбаланган бўлиши шарт.

Ҳомийлик ташкилоти, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахс томонидан хайрия қутисида ҳомийлик хайрияларини йиғиш мақсади тўғрисидаги ахборот, ўзининг расмий номи ва юридик манзили, у билан алоқа боғлашга доир маълумотлар, шунингдек расмий веб-сайти ёки

ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт.

Хайрия қутисини ўрнатиш кўчмас мулк эгаси ёки у ваколат берган шахс ва ҳомийлик ташкилоти, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахс ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилади (бундан кўчмас мулк ҳомийлик ташкилотининг, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахснинг эгалигида ёки фойдаланишида бўлган ҳоллар, шунингдек хайрия қутисининг ҳомийлик ташкилоти, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахс томонидан ташкил этиладиган тадбир жойида ва тадбир вақтида ўрнатилганлиги ҳоллари мустасно). Хайрия қутисини кўчмас мулк ҳудудида сақлаш шартлари шартномада кўрсатилади.

Хайрия қутисидаги йиғилган пул маблағлари хайрия қутиси тўлганда, тўпланган маблағлардан фойдаланиш эҳтиёжи юзага келганда ёки ҳомийлик хайрияларини йиғиш муддатлари тугаганда олинади.

Хайрия қутиси ҳомийлик ташкилотининг, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахснинг ваколатли ходими томонидан камида икки нафар ҳолис ҳозирлигида хайрия қутиси ўрнатилган жойда очилади ва ҳисоблаб чиқилади. Хайрия қутисини очиш ва маблағларни ҳисоблаб чиқиш жараёни видеоёзувга олинади.

Хайрия қутисидан олинган пул маблағларининг миқдори ҳомийлик ташкилотининг, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахснинг ваколатли ходими ва камида икки нафар ҳолис томонидан имзоладиган далолатномада қайд этилади.

Далолатнома ва видеоёзув ҳомийлик ташкилотида, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахсда сақланади ҳамда далолатнома тузилган кундан эътиборан бир кун ичида далолатномадаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ёки уларнинг расмий веб-сайтида ёхуд ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

Пул маблағлари ҳомийлик ташкилоти, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахс томонидан хайрия қутисидан олинган кунда ёки кейинги иш кунида ҳомийлик ташкилотининг, ҳомийликни амалга оширувчи ёки ҳомийлик олувчи юридик шахснинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

Ушбу модданинг қоидалари эҳсон қутиларини ўрнатган диний ташкилотларга ва улар томонидан ташкил этилган жамоат фондларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

4) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «20» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

5) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «80» рақами «70» рақами билан алмаштирилсин;

6) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳомийлик олувчилар томонидан ҳомийлик хайрияларининг олиниши уларнинг қонунчиликда белгиланган бошқа ёрдам турларидан, тўловлардан ёки имтиёзлардан фойдаланишини чеклаш ёки тўхтатиш учун асос бўлмайди».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ЎРҚ–376-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2014 йил, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 8-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 3-модданинг:

биринчи қисмидаги «давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан» деган сўзлар «давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари (бундан буён матнда фуқаролик жамияти институтлари деб юритилади) билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 6-модданинг:

иккинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 7-модда:

номидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «**фуқаролик жамияти институтларининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик жамияти институтлари»;

бешинчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқа-

ролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 8-модда:

номидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари» деган сўзлар **«Фуқаролик жамияти институтлари»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар **«Фуқаролик жамияти институтларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаролик жамияти институтлари»;

5) 9-модданинг иккинчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 12-модданинг:

иккинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 13-модданинг:

биринчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига» деган сўзлар «Фуқаролик жамияти институтларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 14-модданинг:

биринчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 15 ва 16-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ҳамда

бунда фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этишига қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди деб юритилади) ва унинг алоҳида бўлинмалари тузилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлайди, бу маблағлар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар масалаларни ҳал этишда уларнинг иштирок этишига қаратилган дастурларни амалга ошириш учун тақсимланишини ташкил этади;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳат, ташкилий, техник жиҳатдан ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда қўмаклашади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ҳамда тугатилишининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда иштирок этишига қўмаклашиш мақсадида тузилади.

Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенатининг аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Парламент комиссиясининг таркибига раис, раис ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзолари киради. Парламент комиссиясига унинг таркибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзоси ҳар йили навбатма-навбат раислик қилади.

Парламент комиссияси ўз фаолиятига вазирликлар ва идоралар мутахассисларини ҳамда жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин.

Парламент комиссияси:

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларининг фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун тақсимланишини ташкил этади, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг таклифларини ўрганиш асосида аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқади;

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини тақсимлашда очиклик ва шаффофликни таъминлайди, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ўтказилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларда, демократик қадриятларнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда иштирок этиши масалаларини муҳокама қилишга жамоатчиликни жалб этади;

жойлардаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун маблағларнинг ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг (бундан буён матнда жамоат комиссиялари деб юритилади) таклифлари асосида аниқлайди ҳамда тақсимлайди, ушбу комиссиялар фаолиятига услубий раҳбарликни таъминлайди;

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, молиялаштирилган дастурлар ҳамда лойиҳалар устидан назоратни (мониторингни) амалга оширади, ўз мажлисларида молиялаштирилаётган дастурлар ҳамда лойиҳалар амалга оширилишининг бориши ва натижалари тўғрисида фуқаролик жамияти институтларининг ҳисоботларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотини эшитади, ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга доир зарур тавсияларни ишлаб чиқади ва топширади;

социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш жараёнларига кўмаклашади;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини, жамоатчилик экспертизасини ташкил этишда давлат органларига ёрдам кўрсатади, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича тизимли ишлар олиб боради;

ижтимоий шериклик соҳасида кўриб чиқиляётган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

бажарилган ишлар тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ахборот тақдим этади;

ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг вазифасини кенгаши вазифасини бажаради.

Парламент комиссияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Парламент комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан белгиланади»;

10) **17-модда** чиқариб ташлансин;

11) **18-модда:**

биринчи қисмидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролик жамияти институтларининг жойларда ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган социал ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга, уларни амалга ошириш учун маблағларнинг зарур ҳажмларини аниқлашга доир тақлифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Парламент комиссиясига тақдим этиб боради;

жойларда фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат субсидияси, грантлари ва ижтимоий буюртмалари доирасида амалга ошириладиган фаолият самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш борасида Парламент комиссиясига қўмаклашади»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат субсидияси социал ва ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширадиган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан бериладиган ҳамда аниқ лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий қўмақдир.

Давлат субсидияларидан фақат фуқаролик жамияти институтларининг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учунгина фойдаланилади.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат субсидиясини олиш учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига буюртмалар билан мурожаат этади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди фуқаролик жамияти институтларининг буюртмаларини умумлаштиради, субсидиялаш ҳажмларига доир таклифларни тайёрлайди ҳамда уларни Парламент комиссиясига киритади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, субсидиялашнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарур ҳажмлари тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тасдиқланганидан кейин Парламент комиссиясига давлат субсидияларини тақсимлашга доир таклифларни тақдим этади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг таклифлари олинганидан кейин фуқаролик жамияти институтларига ажратиладиган давлат субсидияларининг ҳажмларини аниқлайди.

Давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади.

Қонунчиликда айрим фуқаролик жамияти институтлари учун давлат томонидан субсидиялашнинг бошқача тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин»;

13) 20-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат гранти ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг маблағлари ҳисобидан фуқаролик жамияти институтларига танлов асосида бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Давлат грантларини ажратиш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ва унинг алоҳида бўлинмалари орқали амалга оширилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди давлат грантини тақсимлаш мақсадида грант танловларини ташкил этади.

Грант танловларида ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни тақдим этган фуқаролик жамияти институтлари иштирок этишга ҳақлидир.

Грант танловларига тақдим этилган лойиҳаларни танлаб олиш ва ғолибларни аниқлаш Парламент комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлат гранти ажратилаётганда грант берувчи ва грант олувчи ўртасида грант ажратилганлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат грантларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади»;

14) 21-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ижтимоий буюртмаси давлат органи ва фуқаролик жамияти институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан социал ва ижтимоий аҳамиятга

молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажаришга ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топшириғидан иборат бўлади.

Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, унинг алоҳида бўлинмалари орқали ёки бевосита давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ижтимоий буюртмалари Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ёки унинг алоҳида бўлинмалари орқали берилган тақдирда, давлат органлари ушбу Қонунда назарда тутилган ижтимоий шериклик соҳалари доирасида ўз фаолиятининг фуқаролик жамияти институтлари қўллаб-қувватлашини талаб этадиган устувор йўналишларини белгилайди ва келгуси молия йили учун давлат ижтимоий буюртмаларини бериш тўғрисида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига ёки унинг алоҳида бўлинмаларига буюртмалар юборadi. Буюртмада давлат органи фаолиятининг устувор йўналишлари, ишлар бажаришга ёки тадбирлар ўтказишга доир топшириқнинг мақсадлари, вазифалари ва шартлари, шунингдек талаб этиладиган маблағлар миқдори, унда давлат органининг улуши кўрсатилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, унинг алоҳида бўлинмалари давлат органларининг буюртмаларини умумлаштиради ҳамда Парламент комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади. Парламент комиссияси буюртмаларда назарда тутилган тадбирларнинг долзарблигини ва ижтимоий аҳамиятини баҳолайди, шунингдек буюртмаларни молиялаштириш мақсадга мувофиқлиги, ҳар бир буюртма учун ажратиладиган маблағлар миқдори ва танловларни ташкил этиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов ташкил этади, бунда давлат буюртмачилари, буюртмаларнинг мақсадлари, вазифалари ва шартлари, ажратиладиган маблағлар миқдори ҳақидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтида, махсус электрон платформасида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилади.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондига тақдим этади.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини умумлаштиради ва кўриб чиқиш учун Парламент комиссиясига киритади.

Парламент комиссияси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан киритилган фуқаролик жамияти институтларининг давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини кўриб чиқади, баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди.

Давлат ижтимоий буюртмаси берилётганда давлат ижтимоий буюртмасини бериш тўғрисида буюртма юборган давлат органи, фуқаролик жамияти институти ва Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Давлат органлари Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланган давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча молиялаштиришни амалга ошириши мумкин. Бунда қўшимча молиялаштириш миқдори умумий молиялаштириш суммасининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, унинг алоҳида бўлинмалари орқали давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан белгиланади.

Давлат органлари ҳар йили социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан фуқаролик жамияти институтларига бевосита давлат ижтимоий буюртмаси бериш бўйича танловлар ташкил этади. Танловлар ҳақидаги ахборот давлат органининг веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинади.

Давлат органларига фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушадиган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари томонидан амалга оширилади. Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов ғолиби лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш натижаларига кўра аниқланади. Давлат органи ва танловда ғолиб деб топилган фуқаролик жамияти институти ўртасида шартнома тузилади.

Фуқаролик жамияти институти тегишли соҳалар ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларнинг ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида тегишли давлат органига таклиф киритиши мумкин.

Фуқаролик жамияти институтининг давлат ижтимоий буюртмасини олиш учун киритган ташаббусли лойиҳаси тегишли давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ташаббусли лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, уни киритган фуқаролик жамияти институтига мазкур давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдордаги давлат ижтимоий буюртмаси тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан берилиши мумкин.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан фуқаролик жамияти институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш, шунингдек танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

15) 23-модда:

номидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар **«Фуқаролик жамияти институтларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган сўзлар «Фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган сўзлар «Фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **24-модда:**

номидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг» деган сўзлар «**Фуқаролик жамияти институтларининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаролик жамияти институтлари»;

иккинчи қисмидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган сўзлар «Фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **25-модда биринчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ишчи гуруҳлар ва комиссиялар тузишга, шу жумладан улар вакилларининг ўз ваколатларига қирадиган масалалар бўйича давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик-маслаҳат органлари ишида иштирок этишини таъминлашга»;

тўртинчи хатбошисидаги «нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган сўзлар «фуқаролик жамияти институтлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **26-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат органлари ижтимоий шериклик соҳасида:

фаолиятнинг фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган устувор йўналишларини, шу жумладан улар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали аниқлаши;

фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий шерикликда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиши;

фуқаролик жамияти институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифларини, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишининг бориши бўйича зарур ҳолларда жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиши, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг уларни амалга ошириш самарадорлигини юксалтиришга доир таклифларини кўриб чиқиши;

фуқаролик жамияти институтлари билан олдиндан маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказилишини таъминлаши;

соҳавий ва ҳудудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳар йили камида бир марта очиқ мулоқот ўтказиши;

ижтимоий шериклик соҳасидаги битимлар ва шартномалар, дастурлар ҳамда лойиҳалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши шарт»;

19) **29-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «**Жамоатчилик назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–474-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2018 йил, № 4, 222-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **17-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Якуний ҳужжат давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, бундан қўшимча ўрганишни талаб этадиган якуний ҳужжатлар мустасно бўлиб, бу ҳақда якуний ҳужжатни киритган жамоатчилик назорати субъектига ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-ило-ва; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-мод-да; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-мод-далар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар) **22-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирил-син:

«Чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатлар-нинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағларини ёки мол-мулкни қуйидаги мақсадларда олган юридик шахслар тегишли солиқ ҳисоботида, жисмоний шахслар эса жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда олинган пул маблағлари ёки мол-мулки ҳақидаги маълумотни акс эттириши шарт:

жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш

(бундан тижорат мақсадларида ўтказиладиган тадқиқот ва сўровлар мустасно);

маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш (бундан ушбу фаолият тижорат мақсадларига қаратилган ҳоллар мустасно).

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган мажбурият қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларига;

нодавлат нотижорат ташкилотларга;

чет эл дипломатик ваколатхоналарига ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига;

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ташкилотларнинг ихтисослаштирилган муассасаларига»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг 11-бандидаги** «халқаро жамоат ташкилотларини рўйхатга олганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан диний ташкилотлар, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилганлик» деган сўзлар «нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини ҳамда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказганлик, шунингдек бундай ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитациядан ўтказганлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-модданинг 5-бандидаги** «хорижий» деган сўз «чет эл» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **илова 7-бандининг:**

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

а) адлия органлари томонидан	
халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини	— БҲМнинг 12,5 бара- вари
республика нодавлат нотижорат ташкилотларини	— БҲМнинг 3 бара- вари
худудий нодавлат нотижорат ташкилотларини	— БҲМнинг 50 фоизи
диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари ва диний ўқув юртларини	— БҲМнинг 20 бара- вари
бошқа диний ташкилотларни	— БҲМнинг 10 бара- вари
нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини, шунингдек диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	— уларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган сумманинг 50 фоизи

»;

«г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

г) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан чет эл тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун	— БҲМнинг 48 бара- вари
---	----------------------------

»;

«д» кичик банди чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) **35-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси** «бошқа фондлар» деган сўзлардан кейин «(бундан бир календарь йилда банк ҳисобварақларида пул айланмаси мавжуд бўлмаган жамоат фондлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура-си ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижро-чиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунти-рилишини таъминласин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

13-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси 5-банди, 6-банди тўртинчи хатбошиси, 7-банди учинчи хатбошиси, 8-банди ва 5-моддаси мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 август,
ЎРҚ–1083-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

478 Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Аҳолини сифатли, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, уларнинг муомаласини тартибга солиш жараёнларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига интеграция жараёнларини жадаллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар дори воситалари ва тиббий жиҳозларнинг муомаласини тартибга солишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) аҳолини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тан олинган ва тартибга солиш тизими юқори етуклик даражасида бўлган давлатларда рўйхатдан ўтган сифатли, хавфсиз ва самарадор дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш;

(б) дори воситалари ва тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказиш тартибини халқаро талабларга мослаштириш;

(в) Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида халқаро сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солиш.

II. Тан олиш орқали рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидаги хорижий ташкилотлар томонидан рўйхатдан ўтказилган дори воситалари Ўзбекистон Республикасида тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказилади:

(а) мазкур Фармон кучга кирган санага қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти рўйхатига киритилган тартибга солувчи органлар (WHO Listed Authorities);

(б) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Глобал таққослаш воситаси (Global Benchmarking Tool) бўйича етукликнинг 4-даражасидаги (Maturity Level 4) тартибга солувчи органлар.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 августда эълон қилинган.

III. Дори воситалари ва тиббӣй жиҳозлар муомаласини тартибга солишни такомиллаштириш

3. 2026 йил 1 январдан бошлаб тиббӣй буюмлар ва тиббӣй техникаларнинг муомаласи қуйидагича тартибда амалга оширилсин:

(а) тиббӣй буюм ва тиббӣй техникалар тиббӣй жиҳозлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказилсин;

(б) тиббӣй жиҳозлар инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган эҳтимоли юқори хавфларни ҳисобга олган ҳолда 4 та хавфсизлик даражасига кўра таснифлансин;

(в) тиббӣй жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш инсон ҳаётига эҳтимоли юқори бўлган хавфларни инобатга олган ҳолда табақалашган талаблар асосида амалга оширилсин;

(г) тиббӣй жиҳозлар клиник тадқиқотларнинг ижобӣй натижаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилсин (инсон ҳаётига эҳтимоли паст бўлган хавф синфига мансуб, тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган ва рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тиббӣй жиҳозлар бундан мустасно).

4. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш учун «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» миллий сертификатига эга бўлиши талаб этилади (тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори воситалари бундан мустасно);

(б) дори воситалари ва тиббӣй жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларга амал қилиш муддати беш йил бўлган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга илгари муддатсиз берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаларининг амал қилиш муддати мазкур Фармон кучга кирган санадан эътиборан беш йил этиб белгиланади;

(в) дори воситалари ва тиббӣй жиҳозларни ишлаб чиқариш уларнинг ҳуқуқ эгасининг буюртмаси асосида тегишли лицензияга эга бўлган ишлаб чиқарувчилар томонидан шартнома (шу жумладан, технология трансфери) орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда дори воситалари ва тиббӣй жиҳозларнинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси ҳуқуқ эгаси ёки уларни бевосита ишлаб чиқарадиган корхона номига расмийлаштирилади;

(г) тиббӣй жиҳозларни чакана реализация қилиш фаолияти учун лицензия талаби бекор қилиниб, ушбу фаолият ваколатли органни хабардор қилиш орқали амалга оширилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра дори воситалари ва тиббӣй жиҳозлар учун мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришда қуйидагилар талаб қилинади:

(а) дори воситалари учун — 2027 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчининг дори воситалари турига «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» миллий сертификати;

(б) тиббий жиҳозлар учун — 2027 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчининг «ISO: 13485» миллий стандартига мувофиқлик сертификати.

6. Белгилаб қўйилсинки, дори воситалари ва тиббий жиҳозлар учун мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти — GMP» ҳамда «ISO:13485» миллий стандартларига мувофиқлик сертификати қўйидагиларга нисбатан талаб қилинмайди:

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси бўйича давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда импорт қилинган орфан дори воситалари ҳамда орфан касалликларга ташхис қўйишда ва уларни даволашда қўлланидиган тиббий жиҳозлар, ўта хавфли инфекциялар, шунингдек, эпидемиологик жиҳатдан хавф туғдирадиган инфекциялар профилактикасида, уларга ташхис қўйишда ҳамда уларни даволашда қўлланидиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар;

(б) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш мажбурий бўлмаган тиббий жиҳозлар;

(в) тан олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар;

(г) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда:

(а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда «ISO: 13485» халқаро стандарти билан уйғунлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров белгилансин.

Фармон ижросига масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва

* 1-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 август,
ПФ-137-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

479 Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

2025 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти ҳамда уни ташкил қилиш доирасида ўтказилган 20 та учрашувда келиб тушган 15 мингта мурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда очик мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Молиявий ресурслар

1. 2026-2027 йилларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, зарур молиявий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш учун жами 270 триллион сўм йўналтирилсин, хусусан:

(а) эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм;

(б) драйвер лойиҳалар доирасида — 5 триллион сўм;

(в) танлаб олинган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш дастурлари учун — 6 триллион сўм;

(г) тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес учун — 250 триллион сўм, шу жумладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 30 триллион сўм;

(д) «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан камида 5 мингта тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун — 4 триллион сўмлик молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари.

2. 2026 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш жараёнида уларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш учун харажатлар (солиқ, коммунал тўловлар, транзакцион операциялар ва бошқа ижобий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни), товар айланмаси, экспорт операциялари каби давлат органлари ва хусусий сектор вакилларининг маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар орқали муқобил скоринг қилиш тизими жорий қилинсин.

II. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қулайликлар яратиш ва туризмни ривожлантириш

3. Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун устав капиталда давлат улуши бўлмаган хўжалик юритувчи субъект-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 августда эълон қилинган.

ларга жарималар қўллаш ва ундиришга 2027 йил 1 январга қадар мораторий эълон қилинсин. Бунда мораторий даврида муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳолатлари бартараф этилганда қўлланилган жарималар бекор қилинади.

4. 2026 йилдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи Туризмни ривожлантириш дастури жорий этилсин:

(а) 2026 — 2028 йилларда жойлаштириш воситаларини ташкил қилиш учун камида 5 минг гектар ер участкаларини электрон онлайн аукционга чиқариш. Бунда:

(i) ер участкаларининг аукцион савдоларида шаклланган нархидан келиб чиқиб, қуриладиган меҳмонхона устав капиталининг 50 фоизидан ошмаган қисмигача давлат улуши билан шерик бўлиб кириш механизми жорий қилинади;

(ii) давлат улушини 10 йил давомида бозор қийматида мулк иштирокчиси ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилиш имконияти яратилади;

(б) 2026 — 2028 йилларда тижорат банклари томонидан барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига меҳмонхона қуриш учун 7 йил муддатгача қуйидаги миқдорларда кредитлар ажратилади:

(i) вилоят марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари, туризмга ихтисослашган туман (шаҳар)ларда қурилаётган меҳмонхоналар учун — 30 миллиард сўмгача;

(ii) бошқа ҳудудларда — 10 миллиард сўмгача;

(в) ҳар йили сайёҳларнинг энг кўп эътиборини қозонган ва нуфузли халқаро платформаларда ижобий эътироф этилган жойлаштириш воситаларини аниқлаш ва тақдирлаш бўйича мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг танлов ўтказиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, мазкур Фармоннинг 4-банди «б» кичик бандига мувофиқ «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан:

(а) 30 миллиард сўмгача кредитларнинг:

(i) 50 фоизига, бироқ 10 миллиард сўмдан ошмаган миқдоригача кафиллик тақдим этилади;

(ii) Марказий банк асосий ставкасининг 2 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитларнинг асосий ставкадан 4 фоизлик пункт юқори, бироқ 8 фоиз пунктигача бўлган қисми қоплаб берилади;

(б) 10 миллиард сўмгача кредитларнинг:

(i) 50 фоизига кафиллик тақдим этилади;

(ii) Марказий банк асосий ставкасининг 2 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитларнинг асосий ставкадан 4 фоизлик пункт юқори, бироқ 10 фоиз пунктигача бўлган қисми қоплаб берилади;

(в) компенсация тўловлари «2+3» тамойили асосида аввал кредитнинг дастлабки икки йилига тақдим этилади, кейинги уч йил давомида меҳмонхона хизматларини кўрсатишдан тушган йиллик тушум 15 фоиз ва ундан ортиқ миқдордан ошган тақдирда амалга оширилади;

(г) тадбирларни амалга ошириш учун Иқтисодиёт ва молия вазирли-

ги 2026 йилдан бошлаб Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармасига йўналтириш учун зарур бўладиган маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб боради.

6. 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) республика туман ва шаҳарларида (вилоятлар марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга киритилган туризм салоҳияти юқори бўлган туман (шаҳар)лар ва туристик зоналар бундан мустасно) жойлашган жойлаштириш воситалари учун туристик (меҳмонхона) йиғимни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби бекор қилинсин;

(б) оилавий меҳмон уйи сифатида тан олиш учун бир вақтнинг ўзида вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатиш мумкин бўлган ташриф буюрувчилар (туристлар) сони бўйича белгиланган чегара миқдори 2 баравар оширилсин.

7. 2026 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг янги меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун кетган харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан қоплаб бериш тизими меҳмонхонани қўшимча бино ва иншоотлар қуриш орқали кенгайтириш ёки мавжуд бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини меҳмонхона фаолиятига ўзгартиришга ҳам татбиқ этилсин.

8. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини киритсин:

(а) санитария, фитосанитария ва ветеринария (SPS) соҳасида ягона давлат бошқарувини ташкил этиш, «даладан дастурхонгача» тамойили асосида самарали назорат тизимини жорий этиш, рухсат бериш ҳужжатларини «хавфни таҳлил қилиш» тизими асосида «бир дарча» тамойили орқали расмийлаштириш, барча жараёнларни рақамлаштириш;

(б) техник тартибга солиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро стандартларга мос техник регламентлар ва декларация тизимини кенг жорий этиш, нуфузли халқаро лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш учун шароитлар яратиш.

9. Белгилансинки, 2026 йилдан бошлаб:

(а) давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдори ҳудудда шаклланган ижара тўловининг минимал бозор нархидан келиб чиқиб белгиланади;

(б) давлат кўчмас мулкни ижарага бериш муддати 3 йилдан 5 йилгача оширилади.

III. Солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чоралари

10. 2026 йил 1 январдан бошлаб айланмадан олинadиган солиқ тўловидан илк марта қўшилган қиймат солиғи тўловига ўтган тадбиркорлик субъектларига қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўллансин:

(а) бир йил давомида фойда солиғини тўлашдан озод қилиш;

(б) бир йил давомида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида со-

лик органларида ҳисобга қўйиш тартибини бузганлик учун молиявий жари-ма қўлламаслик;

(в) 6 ой давомида бухгалтерия хизматлари харажатларининг ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,5 бараваридан ошмаган қис-мини тўлаётган солиқ тўловлари ҳисобидан чегириб ташлаш.

11. 2026 йил 1 январдан бошлаб солиқ мажбуриятларини бажаришнинг қуйидаги проактив тартиби жорий этилсин:

(а) юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи, жисмо-ний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича со-лиқ ҳисоботларини шакллантириш вазифаси солиқ органларига ўтказилади ва ушбу мажбурият солиқ тўловчилар учун бекор қилинади;

(б) солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботларига солиқ тўловчи томонидан 5 иш куни ичида зарур тузатишларни киритиш ва тузатиш киритилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳуқуқи берилади.

12. Белгилансинки:

(а) фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлик субъектлари даромадининг чегаравий миқдори 10 миллиард сўмдан 20 миллиард сўмга оширилади;

(б) тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари ҳисобидан ижтимоий ин-фратузилма тармоқлари қуриб, бегараз топширганда, ушбу объектлар учун қилинган харажатлар фойда солиғи базасидан камайитирилади;

(в) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар учун бел-гиланган жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нақд пул-га харид қилинганда, ушбу товарлар учун кириш ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш тартиби барча тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади;

(г) тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудити натижалари бўйича мо-лиявий санкцияларни 6 ой ичида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича молиявий санкцияларга ҳам татбиқ этилади;

(д) 2025 йил 1 август ҳолатига «Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш» тизими орқали солиқ текширувларига номзод сифатида шакл-ланган ва солиқ хавфи 16 триллион сўм бўлган 20 мингдан ортиқ субъектга солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломатларини ихтиёрий бартараф этиш имко-нияти берилган ҳолда, ушбу рўйхат 2025 йил 1 ноябрь ҳолатига қайтадан шакллантирилади;

(ж) 2026 йил 1 январдан бошлаб сайёр солиқ текширувини ўтказишда:

(i) мобил видеокамерадан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади;

(ii) мобил видеокамерадан фойдаланмасдан ўтказилган текширувлар ноқонуний ҳисобланади.

13. Солиқ қўмитаси икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

(а) солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун маъмурий жа-рима миқдорини кичик тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахсла-рига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 3 бараварига

тушириш, фуқаролар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан 1 бараварига тушириш;

(б) ҳисобот даврида бир нечта солиқ турлари бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаган ҳолатда, барча тақдим этилмаган ҳисоботлар бўйича умумий битта жарима қўллаш;

(в) охириги 3 ойда солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиб келган тадбиркорлик субъектларига солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун маъмурий жаримани 5 кунгача қўллагаслик.

14. Солиқ қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 июлдан бошлаб солиқлар бўйича тўловларни амалга ошириш, ортиқча тўлов ва қарздорлик суммаларини ягона разначилик ҳисобварағи орқали ўзаро ҳисобга олиш тизимини жорий қилсин.

15. Олий суд Бизнес-омбудсман билан биргаликда 2025 йил якунига қадар тадбиркорлик субъектларига иқтисодий ва маъмурий судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш имкониятини яратиш бўйича қонун лойиҳасини киритсин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида қуйидагилар:

(а) ишлаб чиқиладиган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) 1-иловага* мувофиқ;

(б) амалий тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Мазкур Фармонга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ:

(а) қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилиши, келишилиши ва ўрнатилган тартибда киритилиши, шунингдек, тадбирлар сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирлик ва идоралар раҳбарларига юклансин;

(б) топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки ижросини таъминламаган вазирлик ва идоралар раҳбар ва масъул ходимларига топшириқ ижроси муддати тугаган кундан бошлаб ижроси таъминлангунга қадар бўлган муддатда барча рағбатлантириш тўловлари тўхтатилиши белгилансин.

18. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Адлия вазирлиги ҳар ҳафтада Рўйхат ва амалий тадбирлар режасидаги вазифалар ижроси ҳолати ҳақида тезкор маълумотни, ҳар ойда — ба-тафсил ахборотни Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга ижро қилинмаган топшириқлар бўйича маълумотлар киритиб боради;

(б) Рўйхат ва амалий тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳолати ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисла-рида кўриб чиқилади, юзага келаётган муаммолар ечими бўйича ҳамда йўл қўйилган камчиликлар учун тегишли масъулларга чоралар кўриб борилади;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамаси Рўйхат ва амалий тадбирлар режасидаги вазифалар ижроси ҳолати ҳақида ҳар ҳафтада тезкор маълумотни, ҳар ойда — батафсил ахборотни ҳамда топшириқлар ижросида юзага келаётган масалалар ечими бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

19. Давлат органлари тегишли қонуности ҳужжатлари ва идоравий кўрсатмалар қабул қилинишини кутмасдан мазкур Фармон нормалари кучга кирган пайтдан эътиборан сўзсиз ва тўғридан-тўғри амалда қўлланилишини таъминласин.

20. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев белгилансин.

22. Фармон ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 август,
ПФ–138-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

480 Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, рақамлаштириш ишларини изчил давом эттириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, судларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришнинг келгуси йиллардаги устувор мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида «Рақамли суд» концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш;

(б) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш, суд ҳужжатларидан нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризанинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш, шунингдек, суд томонидан тақиқланган манба ва контентларнинг электрон реестрини юритиш;

(в) судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

(г) Олий суднинг ахборот тизимлари негизида суд ҳужжатлари архиви модулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

(д) судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича «Кибер ҳуқуқ» йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш;

(ж) иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва ягона суд амалиётини шакллантириш;

(з) «Рақамли суд» концепцияси асосида босқичма-босқич суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 августда эълон қилинган.

II. Судлар фаолиятига «Рақамли суд» концепциясини жорий этиш

2. Олий суд, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган «Рақамли суд» концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

3. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда суд ишларини кўришни соддалаштириш мақсадида белгилансинки, «Рақамли суд» концепциясини амалга ошириш доирасида:

(а) судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар шакллантирилади;

(б) мурожаатлар судга электрон шаклда юборилади;

(в) ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмайди ва суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этади;

(г) тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилади;

(д) суд харажатлари электрон шаклда ҳисобланади ва тўланади, шунингдек, ижро варақалари автоматик равишда ижрога юборилади;

(ж) суд ишлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритилади;

(з) сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланади;

(и) суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилади.

4. 2025 йил якунига қадар, тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида «Рақамли суд» концепцияси асосида иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий низоларни кўришга мўлжалланган суд мажлиси заллари ташкил этилсин.

5. Олий суд:

(а) икки ой муддатда «Рақамли суд» концепцияси доирасида кўриладиган низолар бўйича ишлар тоифасини тасдиқласин;

(б) тажриба натижалари асосида «Рақамли суд» концепциясини 2026 — 2027 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларида татбиқ этсин.

III. Суд соҳасини рақамлаштиришнинг истиқболдаги режалари

6. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб фуқаролар, адвокатлар, юристлар, судьялар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш платформасини ишга тушириш;

(б) 2025 йил якунига қадар суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш маҳсус ахборот дастурини яратиш;

(в) 2026 йил 1 январдан бошлаб «my.sud.uz» интерактив хизматлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модулини жорий этиш, бунда сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчини яратиш, ҳуқуқий муурожаатларга жавоб бериш ҳамда суд маълумотларини автоматик етказиш;

(г) 2026 йил 1 мартдан бошлаб фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки суд маълумотларини фуқароларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имкониятини яратиш;

(д) 2026 йил якунига қадар фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида 5 та янги интерактив хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, суднинг ахборот тизимидаги «Шахсий кабинет» платформасининг фойдаланувчилар учун янада қулай бўлган янги версиясини ишлаб чиқиш.

IV. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали суд ишларини юритиш самарадорлигини ошириш

7. Олий суд 2025 йил якунига қадар:

(а) Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда санкциялар ва мажбурлов чоралари бўйича судларга киритиладиган илтимосномаларни электрон шаклда юритиш мақсадида Олий суд ахборот тизимлари билан тергов органларининг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш;

(б) Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган барча жарималарни онлайн кузатиш, уларнинг тўлов муддатлари ҳақида огоҳлантириш ва тўловларни электрон амалга ошириш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқиш;

(в) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда судда иштирок этувчи шахслардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш мақсадида «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд маълумотларни судларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиш чораларини кўрсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) 2025 йил 1 октябрга қадар маъмурий жазо қўллаш ваколатига эга вазирлик ва идоралар томонидан маъмурий иш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни Ички ишлар вазирлигининг «E-ma'muriy ish» ахборот тизими орқали судларга тўлиқ электрон шаклда тақдим этиб бориш тартибини йўлга қўйсин.

9. Олий суднинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси негизида Рақамли техно-

логиялар ва сунъий интеллект департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин.

10. Рақамли технологиялар вазирлиги ва «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ ҳамда Департамент судлар фаолиятига «Рақамли суд» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш учун масъул этиб белгилансин.

Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш дастури доирасида рақамли трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш ва амалга оширишда Департаментга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

V. Сунъий интеллект технологияларини самарали татбиқ этиш чоралари

11. «UZINFOCOM» МЧЖ судлар фаолиятига рақамли технологиялар ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича ягона интегратор функциясини (кейинги ўринларда — Ягона интегратор) бажаради.

Ягона интеграторнинг вазифалари қуйидагича этиб белгилансин:

(а) илғор халқаро тажриба асосида суд тизимида бизнес жараёнларини рақамлаштириш;

(б) «Рақамли суд» ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

(в) суд соҳасида рақамли технологиялар ва коммуникациялар сиёсати ва стандартларини жорий этиш.

12. Қуйидагиларга:

(а) судлар фаолиятига рақамли технологиялар ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш харажатларини Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга рухсат берилсин;

(б) Ягона интеграторга Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг резиденти мақомини сақлаб қолган ҳолда, истисно тариқасида, судлар фаолияти учун аппарат ва дастурий комплексларни, ахборот тизимларини, муҳандислик инфратузилмасини, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар, бутловчи қисмлар, технологик ҳужжатлар ва дастурий таъминотни етказиб бериш ҳуқуқи берилсин;

(в) Олий судга:

(i) лойиҳа ва техник ҳужжатларни тайёрлаш, дастурий-аппарат комплекслари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва муҳандислик инфратузилмаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар, бутловчи қисмлар, технологик ҳужжатлар ва дастурий таъминотни етказиб бериш бўйича Ягона интегратор билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш;

(ii) дастурий-аппарат комплекслари, ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва муҳандислик инфратузилмаси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш

доирасида ускуналар, бутловчи қисмлар, технологик ҳужжатлар ва дастурий таъминотни етказиб бериш ва тегишли хизматлар кўрсатиш бўйича Ягона интегратор билан тузилган шартномалар бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

VI. Иқтисодий судлар тузилмасини мақбуллаштириш

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши ва Савдо-саноат палатасининг 2026 йил 1 январдан бошлаб иқтисодий судлар тизимида қуйидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) иқтисодий судларни мақбуллаштириш орқали туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларини тугатиш;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро иқтисодий судлар фаолиятини йўлга қўйиш.

VII. Судларнинг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш

14. 2025 — 2030 йилларда суд биоларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар режаси) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда янги суд биоларини қуришда ва мавжудларини мукаммал таъмирлашда «Рақамли суд» концепцияси асосида суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Олий суд билан келишилган ҳолда янги суд биоларини қуриш учун белгиланган тартибда ер ажратиш чораларини кўрсин.

16. Олий суд Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига суд биоларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини 2025 — 2030 йиллар давомида ҳудудлар ва ҳар бир объект кесимида амалга ошириш бўйича манзилли дастурни (кейинги ўринларда — манзилли дастур) тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2026 йилдан бошлаб манзилли дастур доирасида қуриш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган суд биоларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдоларини ўтказиш ҳар йили август ойидан бошланади;

(б) 2026 йил манзилли дастури доирасида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағлар жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Суд ҳокимияти органларини ри-

* 2-илова берилмайди.

вожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан ажратилади;

(в) 2025 йилда қўшимча ажратиладиган маблағлар «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатлари сифатида акс эттириб борилади.

18. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш. Хидоятлов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун Олий судга ҳар томонлама қўмаклашсин.

VIII. Молиявий ресурслар

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Олий суднинг асосланган ҳисоб-китобларига асосан:

(а) чора-тадбирлар режасида назарда тутилган харажатлар учун 2-иловага мувофиқ 2025 йилда Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратсин;

(б) 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисмини 2026 йилда фойдаланиш учун Жамғарма ҳисобига йўналтирсин.

20. Белгилансинки, 2026 — 2030 йиллар учун манзилли дастурда кўзда тутилган харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушаётган суммаларининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий суд томонидан келишилган миқдорларда Жамғармага йўналтирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда 2026 — 2030 йиллар давомида Жамғарма тушумлари йиллик белгиланган прогнозлардан ортиқча тушган маблағлар манзилли дастурни кейинги йилда молиялаштириш учун инобатга олинади.

IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

21. 2025 — 2030 йилларда суд соҳасини рақамлаштириш ҳамда суд биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий ишчи комиссиялар 3 ва 3а-иловаларга* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Республика ишчи комиссияси (А. Арипов):

(а) мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ва топшириқлар бажарилишини таъминлаш бўйича қатъий назорат ўрнатсин ҳамда бу борада ҳудудий ишчи комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

(б) ҳудудий ишчи комиссиялар билан биргаликда ҳудудлар кесимида амалга оширилаётган ишларни мунтазам равишда танқидий муҳокама қилиб, камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбарларга чоралар кўриб борсин;

(в) Фармон ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чо-

* 3-За-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

22. Олий суд Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Олий суд раиси Б.Д. Исламов белгилансин.

25. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Н.Ж. Хакимова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 август,
ПФ–140-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

481 Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантириш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар суд-ҳуқуқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий этишдаги устувор мақсадлар этиб белгилансин:

(а) суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

(б) судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш;

(в) бўлажак судьяларда мустақил, холис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

(г) тингловчи ва талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш, таълим жараёнида коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш;

(д) судьялик лавозимларига номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

(ж) суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

(з) ўқув жараёни сифатини оширишга қаратилган идоралараро тажриба алмашиш, шунингдек, суд тизими учун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи, шу жумладан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослашган хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 августда эълон қилинган.

II. Судьялар олий мактаби фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш

2. Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини (кейинги ўринларда — Академия) ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

(а) Академияда таълим жараёни устоз-шогирд анъанаси асосида «бўлажак судьяни судья ўқитади» тамойилига мувофиқ ташкил этилади;

(б) Академия Судьялар олий кенгаши ҳузурида фаолият юритувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

(в) Академия Судьялар олий мактабининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(г) Академияга Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ректор раҳбарлик қилади;

(д) Академия ректори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шартларига кўра Олий суд раисининг ўринбосарига тенглаштирилади;

(ж) Академия проректорлари Судьялар олий кенгаши раиси билан келишилган ҳолда Академия ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

(з) Академия проректорлари ва профессор-ўқитувчиларига Олий суд судьялари учун, Академиянинг бошқа ходимларига эса Олий суд аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари ва бошқа имтиёзлар татбиқ этилади;

(и) Академиянинг олдинги иш жойи бўйича ҳарбий, махсус ва даражали унвонлар ҳамда малака (мансаб) даражасига эга ходимларига Олий суд учун назарда тутилган мансаб даражалари тегишлилигича берилади, кўп йиллик хизматлари учун устама ва қўшимча тўловлар тўланади, уларнинг Академияда ишлаган даври ҳарбий, махсус ва даражали унвонлар ҳамда малака (мансаб) даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

(к) Академияга ишга жалб этилган ва малака даражасига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья учун белгиланган устама ва қўшимча тўловлар, имтиёзлар, тиббий ва пенсия таъминоти шaroитлари сақлаб қолинади. Ушбу шахсларнинг Академияда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

4. Судьялар олий кенгаши раиси Академия фаолиятини самарали ташкил этишга, натижадорликни таъминлашга ҳамда унинг бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан идоралараро ҳамкорлигини мувофиқлаштириб боришга шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Академия ходимларига махсус унвонлар ва мансаб даражалари бериш Судьялар олий кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

III. Судьяларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 октябрдан бошлаб:

(а) судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида (кейинги ўринларда — касбий қайта тайёрлаш курслари) давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилади;

(б) касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади;

(в) касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорида ҳар ойда стипендия тўланади;

(г) касбий қайта тайёрлаш курсларига кириш учун Судьялар олий кенгаши томонидан номзодларнинг бенуқсон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқатлилиги бўйича касбига муносиблиги ўрганилади;

(д) касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш психология, чет тиллари ва суд ихтисослиги бўйича тест синовларини ўтказиш ҳамда Судьялар олий кенгаши томонидан ташкил этиладиган идоралараро комиссия томонидан ўтказиладиган ёзма имтиҳон ва яқка тартибдаги суҳбатдан иборат танлов орқали амалга оширилади. Бунда тест синовлари Академия буюртмасига биноан Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан амалга оширилади;

(ж) касбий қайта тайёрлаш курслари қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда «назария — амалиёт-имитация» тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилади;

(з) касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар деонтологик услубда ўтказилади. Бунда тингловчиларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ва бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланади;

(и) касбий қайта тайёрлаш курсларида суд мажлисларини реал вақт режимида кузатиш ва судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш имконини берувчи «виртуал суд» машғулотлари жорий этилади, шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув дарслари ташкил этилади;

(к) касбий қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганда Судьялар олий кенгаши раҳбарлигида ташкил этиладиган идоралараро комиссия томонидан якуний аттестация имтиҳони ўтказилади ҳамда ундан муваффақиятли ўтган битирувчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади;

(л) касбий қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатганлиги

тўғрисидаги сертификатга эга бўлган шахслар аризасига асосан бўш судьялик лавозимларига ўтказиладиган танловларда иштирок этадилар;

(м) касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини ўзлаштирмаган ва якуний аттестация имтиҳонидан муваффақиятли ўтмаган тингловчилар, бўш судьялик лавозимига уч йилгача муддатда ариза топширмаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган битирувчилар ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб берадилар.

IV. Академияда малака оширишнинг янгича услубларини татбиқ этиш

7. Академияда судья ва суд аппарати ходимларининг мажбурий малакасини оширишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

(а) беш йил муддатга тайинланган судьялар — ҳар икки йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган;

(б) ўн йил муддатга тайинланган судьялар — ҳар уч йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган;

(в) Олий суд судьялари, суд раислари ва раис ўринбосарлари, шунингдек, муддатсиз даврга тайинланган судьялар — ҳар уч йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган;

(г) фаолият самарадорлиги рейтингининг паст кўрсаткичларига эга судьялар — навбатдан ташқари икки ҳафтадан кам бўлмаган;

(д) суд аппарати ходимлари (судья ёрдамчиси, девонхона ва архив мудирилари) — ҳар икки йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқитилади.

8. Белгилансинки:

(а) амалдаги судьялар учун Олий суд томонидан белгиланадиган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади;

(б) суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш Олий суд буюртмаси асосида режали, шунингдек, уларнинг хоҳишига кўра ихтиёрий амалга оширилади.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) туман (шаҳар) ва вилоят судларининг тегишли раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьялар давомийлиги икки ойгача бўлган раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитилади;

(б) раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курслари тингловчиларининг ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади;

(в) туман (шаҳар) ва вилоят судларида тегишли раҳбарлик лавозимларига, қоида тариқасида, фақат раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган судьялар тайинланади;

(г) раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ишдан ажралган ҳолда ташкил этилади ҳамда курсларни тамомлаган судья ва суд аппарати ходимларига белгиланган намунадаги сертификат берилади.

V. Академияда ўқитишни ташкил этиш

10. Академияда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб «Суд фаолияти» мутахассислиги бўйича амалий магистратура дастури асосида ўқитиш ташкил этилсин.

11. Белгилансинки:

(а) магистратура босқичида ўқув жараёни таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида ташкил этилади;

(б) Академияга қабул қилишда номзодларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим ташкилотларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

(в) Академияда таълим олиш муддати магистратура дастури бўйича бир йилни ташкил этиб, битирувчиларга олий юридик таълимнинг тегишли босқичини якунлаганлигини тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом берилади;

(г) Академия магистратура дастурлари бўйича қабул параметрлари ҳар йили Академия Кенгаши таклифи асосида Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланади;

(д) Академия магистратурасида ўқитиш тўлов-контракт асосида ташкил этилиб, унинг қиймати Академия Кенгаши ва Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланади.

VI. Академия фаолиятини самарали ташкил этиш ва Фармон ижросини назорат қилиш

12. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 2-иловага* мувофиқ;

(в) Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг штат жадвали 3-иловага* мувофиқ;

(г) Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

(а) Судьялар олий кенгашига — ҳудудларнинг ихтисослик бўйича судья кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилишда ҳудудлар кесимида квоталарни белгилаш;

(б) Судьялар олий кенгаши ва Олий судга — Академияга номзодларни ўқишга қабул қилиш тартибини белгилаш;

(в) Академия Кенгашига:

(i) Академияда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари, дастурлари ва малакавий талабларни Судьялар олий кенгаши ва Олий суд билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

(ii) профессор-ўқитувчилар таркибининг меҳнатини меъёрлаштириш, иш

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вақтини фақат ўқув тадбирларига асосланган ҳолда мустақил ташкил этиш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни бажаришни рағбатлантириш;

(iii) бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан Академия ходимларига ойлик устамалар белгилаш мезонларини тасдиқлаш;

(г) Академияга:

(i) етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув жараёнларига жалб этиш. Бунда жалб этиладиган мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари Академия Кенгаши томонидан белгиланади;

(ii) тўлов-контракт асосида ўқитиш ва пулли хизматлардан тушган маблағларни Академия тасарруфида қолдириш ва ушбу маблағларни Академия тингловчиларининг хорижий мамлакатларда стажировка ўташига, хорижий экспертларни ўқув жараёнига жалб этишга, пулли ўқув курслари маърузачиларининг иш ҳақини тўлашга, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтириш;

(iii) илмий фаолият, таълим, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият йўналишлари бўйича пулли хизматлар кўрсатиш;

(iv) Академияда илмий-педагогик фаолиятни амалга оширишда Олий суднинг «Адолат» ахборот тизимлари комплексида фойдаланиш;

(v) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг буюртмасига асосан судга мурожаат қилиш ва низоларни кўришда уларнинг процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари бўйича ходимларнинг билимларини ошириш мақсадида тўлов асосида махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш;

(д) Академия ректорига:

(i) Академия тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

(ii) етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва битимлар тузиш.

14. Қўйидагилар Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

(б) Академияда тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

(в) шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган тушумлар;

(г) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижалари асосида ажратиладиган маблағлар;

(д) халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант ва мақсадли маблағлари;

(ж) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда 2025 йилда Академияни сақлаш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан Судьялар олий мактабини сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борилади.

15. Академияда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш махсус жамғармаси билан бирга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёғдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизигача миқдорида ташкил этилсин.

16. Ташқи ишлар вазирлиги:

(а) Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг етакчи хорижий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш курсларида иштирок этиши ва стажировка ўташида қўмаклашсин;

(б) Академиянинг буюртмасига биноан ўқув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

17. Вазирлар Маҳкамаси:

(а) 2025 йил якунига қадар Академияни жойлаштириш ҳамда бино ва хоналарни реконструкция қилиш, замонавий ускуналар, алоқа ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек, Академияни зарур ўқув-услубий база билан таъминлашни назарда тутадиган Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

(б) 2025 йил 1 октябрдан бошлаб Судьялар олий мактабининг амалдаги ўқув муддатларини қисқартиришдан иқтисод қилинаётган маблағлар ҳисобидан Академия тузилмасига 20 тагача профессор-ўқитувчилар штат бирлигини киритиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4096-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Судьялар олий кенгаши раиси Х.Б. Ёдгоров белгилансин.

21. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Пре-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зиденти Администрацияси раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Н.Ж. Хакимова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 август,
ПФ–141-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**482 Телекоммуникациялар соҳасида тартибга солиш тизими-
ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Телекоммуникациялар хизмати бозорида эркин рақобат муҳитини шакллантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, телекоммуникациялар тармоқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад телекоммуникациялар хизматлари бозорида эркин рақобат муҳитини шакллантириш, телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш ҳисобланади.

II. Соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш

2. Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 9- ва 11-моддаларига мувофиқ, Рақамли технологиялар вазирлиги телекоммуникациялар соҳасидаги ваколатли давлат органи, Агентлик телекоммуникациялар соҳасини тартибга солувчи орган ҳисобланади;

(б) Агентлик:

(i) республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

(ii) ўз ваколатларини «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ амалга оширади;

(iii) оператор ва провайдерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатининг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқланган режага мувофиқ ҳар ойда камида бир маротаба мониторинг қилиб боради;

(iv) молиявий ва тузилмавий жиҳатдан ҳамда ваколати доирасида қарор қабул қилишда мустақил ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор бўлади.

4. Агентлик бошқарув ходимларининг штатлар сони 31 та этиб белгилансин. Бунда Агентлик штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 июндаги ПФ–105-сон Фармонига мувофиқ:

(а) Рақамли технологиялар вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларидан 16 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 августда эълон қилинган.

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида қисқартирилган 15 та штат бирлиги ҳисобидан шакллантирилади.

III. Молиялаштириш манбалари

5. Қуйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

(а) 2025 йилда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

(б) 2026 йилдан бошлаб:

(i) Давлат бюджети маблағлари;

(ii) телекоммуникациялар соҳасидаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилгани учун давлат божидан тушумларнинг Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисмидан 5 фоизи;

(iii) қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети параметрлари шакллантирилишида 2026 йилдан бошлаб Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағлар инobatга олиншини таъминласин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Вазирлар Маҳкамаси:

(а) бир ой муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

(б) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги бир ой муддатда Агентликни Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 114а-уй манзилидаги бино ва иншоотларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чорасини кўрсин.

9. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 август,
ПФ–142-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

483 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш бўйича ташкилий-профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда алоҳида ёндашув асосида манзилли ишлаш механизмларини жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) охириги беш йил давомида криминоген вазияти мураккаб бўлган «қизил» тоифага киритилган маҳаллаларда жорий йил якунига қадар алоҳида ташкилий-профилактик тадбирларни ўтказиш орқали хавфсиз муҳитни яратиш;

(б) криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни сунъий интеллектда ишловчи махсус дастурий таъминотга интеграция қилинган замонавий кузатув камералари билан тўлиқ қамраб олиш;

(в) жорий йил якунига қадар жисмоний шахслар мол-мулкани техник қўриқлаш қамровини 30 фоизга, юридик шахслар мол-мулкани қўриқлаш қамровини эса 60 фоизга етказиш;

(г) криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда манзилли тадбирларнинг натижадорлигини таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш.

II. Ташкилий-профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

(а) охириги беш йил давомида криминоген вазияти мураккаб бўлган «қизил» тоифага киритилган маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича алоҳида ёндашув асосида манзилли ишлаш механизмларини кўзда тутувчи концепцияни тасдиқлаш ҳамда уни татбиқ этиш орқали ташкилий-профилактик тадбирлар олиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 августда эълон қилинган.

(б) криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда номма-ном бириктирилган масъул раҳбарлар томонидан ташкил этиладиган «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» лойиҳаларига қўйиладиган намунавий талабларни тасдиқлаш;

(в) ички ишлар органларида юқори малакали кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Академиясида масофавий таълим шаклини жорий этиш ҳамда бакалавриат дастури бўйича қабул квоталарини босқичма-босқич ошириш.

III. Қарор ижросини самарали ташкил этишда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш

3. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишга қаратилган концепцияни тўлақонли жорий этиш бўйича қуйидагиларга шахсий жавобгарлик юклансин ҳамда улар жойларда ишларни самарали йўлга қўйиш зарурлиги юзасидан қатъий огоҳлантирилсин:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳар бир криминоген вазияти мураккаб маҳалла кесимида ойлик «йўл хариталари» манзилли ишлаб чиқирилишига, ижроси таъминланишига ҳамда маҳаллаларда «намунавий хавфсиз кўча» ва «намунавий хавфсиз уй» лойиҳалари амалга оширилишига;

(б) Бош прокуратура (Б. Валиев), Ички ишлар вазирлиги (А. Рахматуллаев, Б. Абдуллаев), вилоят ва туманлар даражасидаги барча масъул раҳбарлар криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда самарали ижтимоий профилактика тизими йўлга қўйилишига ва белгиланган манзилли чора-тадбирлар тўлақонли бажарилишига;

(в) Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Жамоат хавфсизлиги университетининг биринчи раҳбарлари «илмий хулоса — тавсия — натижа» тамойили асосида бириктирилган криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда хавфсиз ҳудуд яратилишига.

4. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н. Йўлдошев ҳамда ички ишлар вазири А. Ташпулатов белгилансин.

5. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация департаменти бошлиғи Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 август,
ПҚ–253-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 18 августдаги
ПҚ–253-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 11-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Вазирлик тасарруфидаги таълим ташкилотларининг ўқув жараёнини белгилайди»;

(б) ўн тўртинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишинча ўн бешинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3216-сон қарорида:

(а) 2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Академияда ички ишлар органларида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари учун масофавий таълим шакли жорий этилиб, унда ўқитиш муддати олий маълумотга эга бўлмаган шахслар учун тўрт йил, олий маълумотга эга бўлган шахслар учун тўлов-контракт асосида уч йилни ташкил этади;

Академия кундузги таълим шаклига ҳар йилги қабул квотаси 2025/2026 ўқув йилидан 900 кишини, 2026/2027 йилдан бошлаб 1 100 кишини, масофавий таълим шаклига эса 400 нафар ички ишлар органлари ходимларини ташкил этади»;

(б) 6-банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академиянинг бакалавриат дастури бўйича кундузги таълим шаклига қабул квотасининг 80 фоизи бўйича қабул фақат идоравий академик лицейлар, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари орасидан амалга оширилади («Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти» таълим йўналиши бўйича қабул бундан мустасно)»;

(в) 8-банддаги «сиртқи» сўзи «масофавий» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «сиртқи» ва «касб-ҳунар» сўзлари тегишинча «масофавий» ва «профессионал таълим олган» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 15-банднинг бешинчи хатбошиси «номзодлар» сўзидан кейин (шу

жумладан, «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида дастурни муваффақиятли тамомлаган ва битирувчи сертификатини олган номзодлар)» сўзлари билан тўлдирилсин;

(в) 17-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда ходимларни тегишли лавозимга тайинлаш территориал ва экстерриториал тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин»;

(г) 75-банд «розилигига ёхуд» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси фармойишига ёки» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5076-сон қарорида:

(а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 7-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 9-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги «сиртқи» сўзи «масофавий» сўзи билан алмаштирилсин;

(б) 7-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида дастурни муваффақиятли тамомлаган ва битирувчи сертификатини олган Академиянинг «Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти» таълим йўналишига ўқишга кираётган номзодларга математика, информатика ва ахборот технологиялари фанлари бўйича тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизи миқдорда қўшимча балл берилади. Энг юқори балл тўплаган 5 нафар номзод мазкур йўналишнинг 2-босқичига тўғридан-тўғри қабул қилинади;

«Бир миллион дастурчи» лойиҳаси битирувчиларига Академиянинг «Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти» таълим йўналишига ўқишга кириш учун имтиёзлар берадиган сертификатлар тури ва даражалари ички ишлар вазири томонидан белгиланади»;

(ii) учинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(в) 1-илованинг «Таълим шакли» устуни 3-позициясидаги «сиртқи» сўзи «масофавий» сўзи билан алмаштирилсин;

(г) 3-илованинг «Ўқитиш шакли ва муддати» устунда «Офицерлар таркиби» бўлимидаги «сиртқи» сўзи «масофавий» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–10-сон қарорининг 3-бандида:

(а) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(б) тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025

йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1-сон қарорида:

(а) 2-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 5-иловага мувофиқ»;

(ii) олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iii) еттинчи хатбошидаги «5» сони «6» сони билан алмаштирилсин;

(iv) тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар «Дастур» сўзидан кейин «Концепция» сўзи билан тўлдирилсин;

(б) 3-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги «6» сони «7» сони билан алмаштирилсин;

(ii) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«криминоген вазияти мураккаб ёки оғир бўлган маҳаллаларда жиноятлар содир этилишига таъсир қилаётган асл омилларни ўрганиш ҳамда уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, манзилли ташкилий-профилактика тизимини йўлга қўйишга қаратилган илмий асослантилган таклифларни 2025 йилнинг ҳар чораги учун ишлаб чиқиладиган ҳудудий «йўл хариталари»га киритиш»;

(в) 4-бандда:

(i) биринчи ва тўртинчи хатбошилар «Дастур» сўзидан кейин «Концепция» сўзи билан тўлдирилсин;

(ii) бешинчи хатбоши «оғир» сўзидан кейин «мураккаб» сўзи билан тўлдирилсин;

(г) 5-бандда:

(i) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Белгилансинки, криминоген вазияти мураккаб ёки оғир маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйишга қаратилган манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида барча туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларига (кейинги ўринда — масъул раҳбарлар) 2025 йилда маҳаллалар номма-ном бириктирилади»;

(ii) тўртинчи хатбоши «оғир» сўзидан кейин «ва мураккаб» сўзлари билан тўлдирилсин;

(д) 6-бандда:

(i) «г» ва «д» кичик бандларда «оғир» сўзидан кейин «ва мураккаб» сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) «д» кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардия» сўзлари «ички ишлар органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

(ж) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар ойда ҳудудий «йўл хариталари»да белги-

ланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар бир туман (шаҳар)нинг криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларида 8-иловага мувофиқ намунавий та-лаблар асосида камида иккитадан «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» ташкил этиш чораларини кўрсин»;

(з) 11-бандда «7» сони «9» сони билан алмаштирилсин;

(и) қуйидаги мазмундаги 5 ва 8-иловалар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 3 январдаги
ПҚ–1-сон қарорига
5-ИЛОВА

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) охириги беш йил давомида криминоген вазияти бўйича «қизил» тоифада турган маҳаллаларда (кейинги ўринларда — маҳаллалар), яъни мураккаб маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва хавфсиз муҳитни яратиш соҳасидаги давлат масъул органлари фаолиятининг устувор йўналишларини ва бу борада амалга ошириладиган ишлар бўйича алоҳида механизмларни белгилайди.

2. Маҳаллаларда алоҳида ташкилий-профилактик тадбирлар ҳамда манзилли чоралар билан илмий-амалий ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва пировардида хавфсиз муҳитни яратиш Концепциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

3. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш манзилли профилактик тадбирларнинг устуворлиги, қонунийлик, «хонадонбай» ва «фуқаробай» мақсадли ишлаш ҳамда илмий-амалий ёндашувлар жорий этилиши каби асосий тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилади.

4. Бош прокурорнинг ва ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарлари, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари ва прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Жамоат хавфсизлиги университети (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимлари Концепция ижроси учун шахсан масъул ҳисобланади.

5. Концепция доирасида белгиланган манзилли тадбирлар масъул давлат органлари томонидан жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

6. Маҳаллалардаги криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатиб келаётган асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

«маҳалла еттилиги»нинг ижтимоий профилактика объектлари ва алоҳида тоифадаги шахслар (ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли бор шахслар, ички ишлар органлари ҳисобида турувчи шахслар) билан олиб бораётган профилактик тадбирлари натижадорлигининг пастлиги;

«маҳалла еттилиги» вакилларининг ижтимоий профилактикага оид вазифаларни бажариш учун билими, тажрибаси ва маҳорати етарли эмаслиги, профилактика инспекторларининг хизмат юкласининг юқорилиги;

«маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш ва мувофиқлаштиришдаги тизимли муаммолар, кадрлар салоҳиятининг пастлиги ва кадрлар қўнимсизлиги;

маҳаллада ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқорилиги, бу борада тизимли ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги;

маҳалладаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки қўриқлови даражасининг пастлиги;

маҳаллалар ҳудудидаги давлат ва нодавлат идора ва ташкилотлар, савдо ва бозор мажмуалари атрофида, шунингдек, жамоат жойлари ва аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқ-тартибот тизимининг куч ва воситаларининг етарли эмаслиги;

маҳаллаларда атроф-муҳитни лойиҳалаштириш орқали жиноятларнинг олдини олиш бўйича илғор хорижий тажрибалар татбиқ этилмаганлиги, «намунавий хавфсиз кўча» ва «намунавий хавфсиз йўлак»лар турли ёндашувлар асосида ташкил этилаётганлиги;

йирик шаҳар марказларидаги ички миграция жараёнлари тўлиқ назоратга олинмаганлиги ҳамда туман (шаҳар) марказларидаги бозор атрофидаги ноқонуний савдо расталари ва автотураргоҳларни тартибга солиш чоралари қўрилмаётганлиги;

маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш ва унинг барвақт олдини олиш чора-тадбирлари илмий-амалий ёндашув асосида етарли даражада ташкил этилмагани;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш ва тарбиялашга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг таъсирчан эмаслиги.

7. Маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш ва хавфсиз муҳитни яратиш борасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан куч ва воситаларни тақсимлаш, бошқариш (мувофиқлаштириш)нинг янги тизимини жорий этиш;

маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими таъсирчанлиги ва натижадорлигини ошириш борасида манзилли тадбирларни уйғунликда амалга ошириш;

алоҳида тоифадаги шахслар (вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар, ишсизлар, муқаддам судланганлар, пробация ҳисобида турганлар ва бошқалар) билан манзилли, таъсирчан ишларни тизимли ташкил қилиш;

маҳаллаларда жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш қамровини изчил ошириб бориш;

инновацион ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design — атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепцияси асосида маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» лойиҳаларини ташкил этиш;

маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик муҳитини яратишда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш;

маҳалладаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини тизимли равишда илмий ёндашган ҳолда таълим муассасалари томонидан ўрганиб бориш.

2-боб. Концепцияни амалга ошириш механизмлари

8. Концепцияни амалга ошириш механизмлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан куч ва воситаларни тақсимлаш, бошқариш (мувофиқлаштириш)нинг янги тизимини жорий этиш. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари ва прокурорлари ҳамда бириктирилган таълим муассасаси раҳбари билан биргаликда Концепцияга асосан ҳар бир маҳалла кесимида алоҳида ойлик «йўл хариталари»ни (туман ва маҳалла кесимида) тасдиқлаб, ижрога қаратишни таъминлайди;

маҳаллаларга вилоят даражасидаги прокурорнинг ва ички ишлар органи бошлиғининг ўринбосарлари ҳамда тегишинча тармоқ ва соҳавий хизмат раҳбарлари номма-ном бириктирилиб, ҳафтада уч кун уларнинг иши бевосита ушбу маҳаллаларда ташкил этилади, самарадорлик индикатори юритилади ва ҳар ойда фаолиятни баҳолаб бориш йўлга қўйилади;

туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи ва прокурорнинг хизмат хонаси 2025 йил якунига қадар бевосита маҳаллада ташкил этилиб, кундалик ишининг бошланиши ва якуни айнан ўша ерда амалга оширилади;

вилоят ҳокимликлари маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳулосаларига асосан тезкорлик билан ҳал қилиш учун шахсан масъул ҳисобланади ва тегишли манзилли чораларни кўради;

маҳаллаларда ички ишлар органларининг кечаю-кундуз хизматини ҳамда куч-воситаларнинг тезкор ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида камида 2 нафар, вазиятдан келиб чиқиб 3 нафаргача профилактика инспекторлари (шундан биттаси профилактика катта инспектори) штати ташкил этилади, камида 2 нафардан иборат патруль-пост хизмати нарядларининг хизмати йўлга қўйилади ҳамда тезкор ходим бириктирилади;

маҳаллаларда босқичма-босқич маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилади;

маҳаллаларда профилактика катта инспектори лавозимларида профилактика соҳасида кўп йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ходимлар хизмат ўташи йўлга қўйилади;

ҳар ҳафта пайшанба — «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»да маҳаллаларга бириктирилган вилоят даражасидаги ички ишлар органи масъул раҳбарлари профилактика катта инспекторлари билан бирга уларнинг вазифасини бажаради (амалий маҳоратини кўрсатади);

б) маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими таъсирчанлиги ва натижадорлигини ошириш борасида манзилли тадбирларни уйғунликда амалга ошириш. Унга кўра:

профилактика катта инспекторлари бошчилигида «маҳалла еттилиги» томонидан маҳаллаларда таълим муассасалари томонидан тақдим этилган алоҳида методика асосида ижтимоий профилактика объектларига аниқлик киритилади;

ҳуқуқбузарликлар содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган жой (объект)лар, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир қилиш ёки жиноят қурбонига айланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар бўйича «маҳалла еттилиги» аъзолари номма-ном тақсимланади (жавобгарлик ҳудуди ва шахслар бириктирилади);

вилоят ва туман даражасида бириктирилган масъул раҳбарлар маҳаллалар учун тасдиқланган «йўл харита»ларнинг натижадорлиги бўйича жойига чиққан ҳолда ҳафталик сўровни амалга оширади;

маҳаллаларда содир этилган жиноятлар маҳаллага бириктирилган масъул томонидан маҳалла аҳолиси ўртасида, шунингдек, суд ҳукми чиққандан сўнг жиноят содир қилган шахснинг яшаш кўчасида (маҳалласида) муҳокама қилинади;

туман (шаҳар) халқ депутатлари ҳар ойда жойига чиққан ҳолда маҳаллаларга бириктирилган масъул раҳбарларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва маҳаллада криминоген вазиятни яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботини эшитиб, уларнинг фаолиятига баҳо беради ва амалий жиҳатдан кўмаклашади;

туман (шаҳар) халқ депутатлари томонидан маҳаллада содир этилган жиноятларнинг асл омиллари айнан «маҳалла еттилиги»нинг фаолиятига ёхуд бошқа давлат органлари мутасаддиларининг фаолиятига тааллуқлилиги бўйича хулосалар тайёрланади ва таъсир чоралари тўғрисида таклиф киритилади;

маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиларига ижтимоий профилактика тадбирларининг натижадорлиги бўйича самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида қўшимча ҳақ тўлаш амалиёти йўлга қўйилади;

в) алоҳида тоифадаги шахслар (вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар, ишсизлар, муқаддам судланганлар, пробация ҳисобида турганлар ва бошқалар) билан манзилли, таъсирчан ишларни тизимли ташкил қилиш. Бунда:

ижтимоий профилактика объектлари, айниқса, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг (жанжалкаш ва низоли оила-

лар) ҳолидан мажбурий равишда камида ҳар уч кунда хабар олиш амалиёти йўлга қўйилади;

адлия органлари томонидан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда низолашаётган оилаларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориш амалиёти йўлга қўйилади;

тажриба тариқасида ижтимоий профилактика объектлари ҳолидан хабар олиш тизимининг таъсирчанлигини ошириш учун «маҳалла еттилиги»нинг электрон планшетлари орқали ижтимоий профилактика объектларини биометрик идентификация қилиш амалиёти йўлга қўйилади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш мақсадида ички ишлар органлари вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли юқори бўлган ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш фаолиятини «маҳалла еттилиги» билан биргаликда ҳар ой якунида муҳокама этиб боради;

маҳаллаларда «маҳалла еттилиги» вакилларининг касбий маҳоратини ошириш борасида бириктирилган таълим ташкилотлари, адлия органлари раҳбарлари томондан амалий маҳорат дарслари (мастер-класс) ўтказилади;

Криминология тадқиқот институти томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маблағлари ҳисобидан малакали ходимлар ҳамда криминолог олимлар жалб қилинган ҳолда маҳаллалар кесимида мақсадли илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилади;

г) маҳаллаларда жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш камровини изчил ошириб бориш. Бунда:

ички ишлар органлари қўриқлаш хизматининг хизмат кўрсатиш тасдиқланган тарифлари асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлашни янги механизмлар асосида амалга ошириш чоралари кўрилади;

бозорлар, савдо марказлари, автошоҳбекатлар, метронинг аҳоли гавжум бўлган бекатлари ва истироҳат боғлари, ресторанлар, кафе, бар ва бошқа кўнгилочар масканлар, шунингдек, бўш турган хонадонлар учун қўриқлаш хизматидан фойдаланиш мажбурий қилиб белгиланади;

туман (шаҳар) марказидан узоқда жойлашган ҳудудларда маҳалладаги криминоген вазият барқарор бўлгунга қадар вилоятнинг маҳаллий бюджет-и ҳисобидан мажбурий қўриқлаш-патруль гуруҳини ташкил этиш чоралари кўрилади;

д) инновацион ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, атроф-муҳитни лойиҳалаштириш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш концепцияси асосида маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» лойиҳаларини ташкил этиш. Бунда:

«Хавфсиз шаҳар» ягона интеграциялашган тизимларини яратиш ва ривожлантириш концепцияси доирасида маҳаллалар ҳудуди тунги ёритқичлар ва кузатув камералари ҳамда сунъий интеллект билан ишловчи махсус дастурий таъминот билан тўлиқ қамраб олинади;

маҳалланинг кириб-чиқиш жойлари маҳаллий бюджет ҳамда бошқарув

сервис компаниялари ҳисобидан интеллектуал видеокамералар билан жиҳозланиб, ҳудудий ички ишлар органлари ҳамда профилактика катта инспектори хизмат планшетиға интеграция қилинади;

маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш йўлга қўйилади;

СРТЕД концепциясининг миллий стандартлари ишлаб чиқилади ва шаҳар-созлик қоидалари ҳамда нормаларига татбиқ этилади, хусусан, атроф-муҳитни лойиҳалаш, тураржойлар, бино-иншоотлар, бозорлар, савдо мажмуалари, боғ ва бошқа жамоат жойларини қуришда янги стандартларга риоя этилади;

маҳалладаги жамоат жойлари, кўп қаватли тураржой ва уйлар олди (йўлаклар)да «ташвиш» тугмалари ўрнатилади ва уларга хизмат кўрсатиш маҳаллий бюджет ҳамда бошқарув сервис компаниялари ҳисобидан молиялаштирилади;

маҳаллалар ҳудудидаги давлат ва нодавлат идора ва ташкилотлар, банк, савдо ва бозор мажмуалари атрофида, метронинг аҳоли гавжум бекатлари ва автотураргоҳларда жиноятдан жабрланиш эҳтимолини олдини олиш бўйича ташкилот ва идоралар масъул раҳбарларига шахсий жавобгарлик белгиланади;

ж) маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик муҳитини яратишда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш. Бунда:

ҳудудий маданият бўлимлари томонидан ҳар ойда маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва маданий ҳордиқ чиқаришига қаратилган тарғибот компаниялари ўтказилади;

жамоатчилик вакилларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва қўшимча рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилади;

маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида «маҳалла еттилиги» томонидан фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боровчи «маҳалла тарғиботчиси» жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан маҳаллаларда хизмат ўтаётган профилактика (катта) инспекторларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки баравари миқдорида махсус устама тўлаш ва ушбу маҳалла йил якуни билан «қизил» тоифадан чиқарилса рағбатлантириш тариқасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида бир йил давомида қўшимча устама ҳақ тўлаш амалиёти йўлга қўйилади;

йил якуни бўйича маҳалладаги криминоген вазиятни барқарорлаштиришга эришган (қўмаклашган) давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари вакилларини Бош прокуратура қошидаги мувофиқлаштирувчи штаб таклифига кўра тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан рағбатлантириш чоралари кўрилади;

з) маҳалладаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини тизимли равишда илмий ёндашган ҳолда таълим муассасалари томонидан ўрганиб бориш. Бунда:

Криминология тадқиқот институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Ҷамоат хавфсизлиги университети бириктирилган ҳудудлардаги маҳаллаларни илмий-амалий танқидий ўрганиб, таклифлар (хулоса ва тавсиялар) ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этиш натижадорлигини таъминлайди;

таълим муассасаларининг биринчи раҳбарларининг «илмий хулоса — тавсия — натижа» тамойилига шахсан жавобгарлиги белгиланади;

маҳаллаларда илмий хулоса ва тавсиялар (методика)ларнинг татбиқ этилиши натижасида баҳолаш рейтингига мувофиқ, уларнинг натижадорлиги (маҳаллалардаги барқарорлик даражаси, «қизил» тоифадан чиқиши ва бошқа) бўйича таълим муассасаларининг самарадорлик рейтинги юритилади.

3-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

9. Концепцияни амалга ошириш орқали қўйидагиларга эришилади:

маҳаллаларда ижтимоий профилактика объектларини барвақт аниқлаш ва улар билан узлуксиз, доимий ва тизимли ишлаш механизми яратилади;

2025 йил якунига қадар жисмоний шахслар мол-мулкани техник қўриқлаш қамрови — 30 фоизга, юридик шахслар мол-мулкани қўриқлаш қамрови 60 фоизга олиб чиқилади;

маҳаллалардаги жиноят содир этишга қулай, овлоқ ва чекка жойлар хавфсиз жойларга айлантирилади;

фуқароларда маҳалладаги тинчлик ва осойишталикка дахлдорлик ҳисси ва фуқаровий жавобгарлик туйғуси шакллантирилади;

ижтимоий профилактика объектлари ҳолидан доимий хабар олишни йўлга қўйиш орқали жиноятларнинг барвақт олди олинади ва оиладаги ҳақиқий муҳит ўрганиб борилади;

«маҳалла еттилиги» фаолияти тўлиқ рақамлаштирилади, барча платформаларни бирлаштириш орқали ягона бошқарув ва назорат механизмлари йўлга қўйилади;

жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва «иссиқ изи»дан очиш самарадорлиги ошади;

давлат органлари ва Ҷамоатчилик ўртасида ишончли ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилади;

«маҳалла еттилиги» ва давлат органларига илмий-услубий кўмаклашиб борилади, мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари орқали долзарб муаммоларнинг илмий ечимлари ишлаб чиқилади.

4-боб. Тизимли назорат қоидалари

10. Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи аъзолари томонидан алоҳида режа-график асосида маҳаллаларда амалга оширилаётган

ишлар, Концепция ва «йўл харита»ларида белгиланган вазифалар ижроси ҳолати танқидий ўрганилиб, уларга амалий ва услубий кўмак кўрсатилади ҳамда таъсир чоралари кўрилади.

11. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари ўз хизмат мажбуриятлари юзасидан мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиши ҳамда уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминламаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

12. Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи томонидан ҳисобот йили якунида маҳаллаларда амалга оширилган ташкилий-профилактик тадбирлар ҳамда манзилли чоралар, шу жумладан бириктирилган масъуллар фаолияти натижадорлиги танқидий муҳокама қилиниб, ушбу Концепцияда назарда тутилган манзилли чора-тадбирларни кейинги йилда давом эттириш зарурати мавжуд маҳаллалар ва уларга бириктирилган масъул раҳбарлар рўйхатини тасдиқлаш учун Бош прокурор ва ички ишлар вазирига киритилади»;

«Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 3 январдаги
ПҚ–1-сон қарорига
8-ИЛОВА

Криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» ташкил этиш бўйича НАМУНАВИЙ ТАЛАБЛАР

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий талаблар криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда (кейинги ўринларда — оғир маҳаллалар) «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»ларни ташкил этишнинг минимал талаблари ва тартибини белгилайди.

2. Оғир маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»лар ташкил этишнинг мақсадлари:

жамоат жойлари (шу жумладан, аҳоли гавжум бўладиган жойлар), кўчалар, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларида назорат тизимини жорий этиш орқали хавфсиз муҳитни яратиш;

фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиш.

3. Оғир маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»лар ташкил этишнинг асосий вазифалари:

маҳаллаларнинг кириш-чиқиш жойларини юзни таниб олувчи, транспорт воситаси давлат рақамини аниқловчи дастурий-техник воситалар билан жиҳозлаш, уларни ички ишлар органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкани қўриқлаш қамровини ошириш;

жиноят содир этилиш эҳтимоли юқори бўлган хилват (овлоқ) жойларни техник тартибга солиш;

худудларнинг тунги вақтларда ёритилиши, кузатув камералари билан назоратга олиниши, «ташвиш» тугмалари қамрови оширилиши, кўп қаватли уйлар кириш эшигига домофонлар ўрнатилишини таъминлаш;

кўча бўйлаб уйларда яшовчи барча фуқароларнинг жиноятдан жабрланиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадида техник-профилактик ишлар олиб бориш.

2-боб. «Намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» ташкил этишга оид асосий талаблар

4. Инфратузилмавий талаблар:

тунги вақтда кўчанинг аҳоли истиқомат қиладиган ва ҳаракатланадиган қисми тўлиқ ёритилиши;

берк кўчалар, ички йўлаклар ва аҳоли кам юрадиган, жиноят содир этилиши эҳтимоли бўлган қоронғу худудларнинг қисман ёритилиши;

транспорт воситалари учун автотураргоҳларнинг техник кузатув талабларига жавоб бериши;

кўчаларда ноқонуний (ёйма) савдо расталари фаолияти тартибга солиниши;

қаровсиз ертўла, чордоқ ва чиқиндихоналар мавжуд бўлмаслиги.

5. Техник талаблар:

жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар ҳамда кўп қаватли уйларнинг ҳовли қисми тўлиқ кузатув камералари билан қамраб олиниши ва «ташвиш» тугмаларининг ўрнатилиши;

хонадонлар, савдо ва майший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўнгилочар масканлар, кафе, ресторан ва барларнинг қўриқловга олиниши;

видеокузатув камераларининг профилактика инспектори хизмат планшети интеграция қилиниши;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз ҳудудига кузатув камералари ва ёритиш чироқлари ўрнатилиши;

кўчанинг кириш-чиқиш жойларига юзни таниб олувчи интеллектуал камералар ўрнатилиши;

кўп қаватли уйларнинг кириш эшикларига хонадонлардан бошқарилувчи домофонларнинг ўрнатилиши ҳамда йўлаклардаги эшиклар автоматик ёпилиши таъминланиши, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва масъул ходимларнинг телефон рақамлари жойлаштирилиши;

дўконлар, хонадонлар, кўп қаватли уйлар ва бошқа ижтимоий объектларга «худуд камера назоратида» каби стикерларнинг ўрнатилиши.

6. Куч-воситаларга бўлган талаблар:

воқеа ва ҳодисаларга тезкор жавоб бериш тизими талаб даражасида йўлга қўйилганлиги, айниқса, тунги вақтда куч-воситаларнинг ҳаракатланиш алгоритми белгиланиши;

кўчабоши, уйбоши тайинланганлиги, жамоатчилик, кўнгиллилар гуруҳи ва маҳалла ҳамкорлиги йўлга қўйилиши;

вилоят ва шаҳар марказларидаги жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда патруллик йўналишлари йўлга қўйилиши;

профилактика (катта) инспектори лавозими малакали ходимлар билан тўлиқ жамланиши, «маҳалла еттилиги» таркибида вакант лавозим бўлмаслиги.

7. Ижтимоий-иқтисодий чоралар:

кўча бўйлаб уйларда ҳамда кўп квартирали уйларда яшовчи барча фуқароларнинг жиноятдан жабрланиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадида профилактик ишлар олиб борилиши (буклетлар, флайерлар тарқатилганлиги);

кўча бўйлаб уйларда ҳамда кўп квартирали уйларда яшовчи ижтимоий профилактика объектларининг муаммолари ўз вақтида ҳал қилиниши;

кўча бўйлаб уйларда ҳамда кўп квартирали уйларда яшовчи алоҳида тоифадаги шахслар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилиши.

3-боб. «Намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» ташкил этиш тартиби

8. Оғир маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»лар ташкил қилиш бўйича аниқ вазифалар ҳар чорак ва ҳар ойда маҳалла, туман ва вилоят даражасида ишлаб чиқиладиган «йўл хариталар»га манзилли киритилади ва муддатлари белгиланади.

9. Оғир маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»лар ташкил қилиш учун вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимларига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланишга, маҳалла раисларига маҳалланинг жамғармаси маблағларидан фойдаланишга рухсат берилади.

10. Худудларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»ларни ташкил қилишга бириктирилган масъуллар, маҳалла раиси, туман (шаҳар) ва вилоят ҳокимлари шахсан жавоб берадилар.

11. Оғир маҳаллаларда ташкил этилаётган «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»ларнинг талаб даражасида эканлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг қўшма ишчи гуруҳлари томонидан баҳолаб борилади.

12. «Маҳалла еттилиги» томонидан «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»ларнинг бошланиш ва тугаш нуқталарига ушбу ижтимоий

мақомни билдирадиган стикерлар ўрнатилиши ва аҳолининг хабардорлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

13. «Намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй»ларни талаб даражасида ташкил этган, маҳаллаларда кескин ўзгариш қилган, хавфсиз муҳит яратганларни, шунингдек, ташкил қилишда ҳомийлик (хайрия) кўрсатган юридик ва жисмоний шахсларни маҳаллий ҳокимликлар ваколати доирасида рағбатлантириш чоралари кўрилади.

14. Мазкур талаблар минимал ҳисобланади ҳамда қўшимча бошқа тадбирларни амалга ошириш мумкин»;

(к) 5, 6 ва 7-иловалар тегишинча 6, 7 ва 9-иловалар деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги «Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–22-сон қарорида:

(а) 6-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«илмий-ишлаб чиқариш лабораториясида илмий тадқиқот натижалари асосида техника воситаларини ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш»;

(б) 7-бандда:

(i) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«илмий тадқиқот натижалари асосида техника воситаларини ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариб сотишдан тушган маблағлар»;

(ii) олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

484 **Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, соҳада самарали назорат механизмларини яратиш орқали инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда бизнесни молиялаштиришда қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб аҳолидан инвестиция лойиҳаларига маблағларни жалб қилиш бўйича оммалашиб бораётган амалиётни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, инвестиция фаолиятини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишнинг шаффоф ва ишончли механизмларини жорий этиш белгилансин.

II. Инвестицияларни жалб қилишнинг муқобил шакллари

2. 2025 йил 1 октябрдан 2026 йил 1 октябрга қадар инвестиция платформаларидан «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимида (кейинги ўринларда — махсус ҳуқуқий режим) қуйидаги йўналишларда фойдаланишга рухсат берилсин:

- (а) қимматли қоғозларни жойлаштириш ва сотиб олишда;
- (б) венчур ва пай фондларини молиялаштиришда;
- (в) коммандит ширкатларга ҳисса киритишда.

3. Махсус ҳуқуқий режим доирасида:

(а) юридик шахс ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари инвестиция жалб этишни талаб этадиган лойиҳаларини ҳамда улушга эга бўлиш орқали тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишга оид таклифларини инвестиция платформаларида жойлаштиришга ҳақли;

(б) инвесторлар инвестиция платформаларида эълон қилинган инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларга маблағ киритиш орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда шу орқали фойда олиш ҳуқуқига эга;

(в) инвестиция платформалари орқали амалга ошириладиган лойиҳалар инвестиция ва бошқарув компаниялари орқали ҳам бошқарилиши мумкин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 августда эълон қилинган.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра инвестиция платформаси орқали киритилган инвестициялар рақамли электрон гувоҳномалар билан тасдиқланади ва инвестицияларни жалб этувчи шахс номидан инвестиция платформалари орқали тақдим этилади.

5. Инвестиция платформалари оператори (кейинги ўринларда — платформа оператори) учун қуйидаги талаблар белгилансин:

(а) резидент юридик шахс мақомига эга бўлиши;

(б) ваколатли давлат органи томонидан юритиладиган махсус электрон реестрга киритилган бўлиши;

(в) ўз фаолиятини ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши;

(г) инвестиция платформаси орқали расмийлаштирилган шартномалар реестрини юритиши.

6. Белгилаб қўйилсинки, инвестицияларни жалб этувчи шахслар инвестиция лойиҳалари ёки таклифлари билан бир вақтда қуйидагиларни инвестиция платформасига жойлаштириши шарт:

(а) инвестиция жалб этувчи шахсларда тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд эмаслиги ҳамда улар томонидан ўтган молия йили давомида солиқ ва бухгалтерия қонунчилигига риоя этилгани тўғрисидаги аудиторлик ташкilotининг хулосаси;

(б) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, уни бошқаришда иштирок этиш ҳамда инвестицияни қайтариб олиш тартиби, киритилган инвестиция қаерга йўналтирилиши ҳамда у орқали инвестор бевосита ёки билвосита эга бўладиган мулк ҳақидаги маълумот, инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда хавф-хатарлар юзасидан ахборот.

7. Белгилансинки:

(а) инвесторлар томонидан инвестиция платформаси орқали киритилган маблағлар гаров объекти ҳисобланмайди ва бошқа мақсадларда фойдаланилмайди, шунингдек, платформа операторлари ва учинчи шахслар томонидан ва уларнинг фойдасига ундирилмайди, бундан суд қарори асосида амалга ошириладиган ҳолатлар мустасно;

(б) жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, норезидентларга инвестиция платформалари орқали инвестиция киритишга рухсат берилди;

(в) инвестиция платформалари орқали жалб этиладиган маблағлар фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига йўналтирилади;

(г) инвестиция платформалари орқали киритилган инвестициялар қайтарилиши ва рентабеллиги учун тўлиқ жавобгарлик инвестицияларни жалб этувчи шахс зиммасига юкланади;

(д) инвестиция платформалари орқали инвестиция фаолиятини амалга оширган инвесторлар, улуш ёки ҳиссага эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар тегишлича «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ

ва мажбуриятларга эга бўладилар ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан тўлиқ фойдаланадилар;

(ж) инвестиция платформалари иштирокчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ва тўхтатиш «ақлли шартномалар» (smart contract) ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

8. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги платформа операторлари фаолияти соҳасида тартибга солиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

9. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги:

(а) платформа операторларининг фаолиятига рухсат бериш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилайди;

(б) инвестиция платформалари ва платформа операторларининг электрон реестрларини юритади;

(в) инвестиция платформалари ва платформа операторлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

10. Белгилансинки:

(а) инвестиция платформалари орқали инвестиция киритишга оид битимлар электрон шаклда тузилади ва инвестиция платформаларидан олинган маълумотлар асосида қўшимча ҳужжатларсиз реал вақт режимида Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилади;

(б) улуш эгаси ва ҳиссадорлар таркиби ўзгариши юзасидан инвестиция платформаларидаги маълумотлар асосида Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб уч ой ичида коммандит ширкатлар таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги:

2025 йил 1 октябрга қадар платформа операторларининг фаолиятига рухсат бериш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилларини тасдиқласин;

2027 йил 1 январга қадар Адлия вазирлиги билан биргаликда махсус ҳуқуқий режим доирасида эришилган натижалар асосида инвестиция платформаларини хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Рақамли технологиялар вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Адлия вазирлиги платформа операторлари билан биргаликда инвестиция платформалари «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинишини ва реал вақт режимида ахборот алмашувини таъминласин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р. Ли белгилансин.

14. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 август,
ПҚ–255-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

485 Ўзбекистонда футбол соҳасини рақамлаштириш ва оммавийлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда футбол спорт турини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини яхшилаш, мавжуд футбол майдонларидан самарали фойдаланиш, иқтидорли футболчиларни эрта аниқлаш ва уларни профессионал спортга йўналтириш ҳамда ушбу жараёнларни рақамлаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) моддий-техник базани халқаро талабларга мослаштириш ва футбол майдонларини кўпайтириш орқали футбол билан мунтазам шуғулланувчилар сонини ошириш;

(б) иқтидорли футболчиларни саралаб олиш, уларни профессионал футболчи сифатида тайёрлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш;

(в) хорижий давлатларда профессионал футбол билан шуғулланаётган ўзбекистонлик футболчиларни қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш.

II. Рақамли технологияларни жорий этиш

2. Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг қуйидаги имкониятларга эга «Миллий футбол электрон платформаси» ахборот тизимини (кейинги ўринда — ахборот тизими) яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

(а) Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси талабларига мувофиқ стадионлардаги аудио ва видеотасвирларни бир нуқтага узатиш орқали футбол учрашувларида видео ёрдамчи ҳакам (VAR) тизимини янада кенгайтириш;

(б) футбол академия ва мактаблари, шу жумладан, футбол секциялари мавжуд спорт мактаблари ўқув машғулотларини онлайн назорат қилиш, футболчиларнинг тиббий ва жисмоний кўрсаткичларини мониторинг қилиш ҳамда шаффоф селекция тизимини жорий қилиш;

(в) соҳада амалга ошириладиган лойиҳаларнинг концепциялари, техник-иқтисодий параметрлари ва бошқа лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда ваколатли органларда экспертизадан ўтказиш;

(г) футбол академия ва мактаблари, шу жумладан, футбол секциялари мавжуд спорт мактабларида ходим, тренер ва футболчилар давоматини юртиш, видеоконференцалоқа тизимини ташкил этиш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 августда эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(i) футбол академия ва мактаблари, шу жумладан, футбол секциялари мавжуд спорт мактаблари босқичма-босқич ахборот тизимига уланади;

(ii) тажриба-синов тариқасида футбол академия ва мактабларининг ўқув машғулотларини онлайн кузатиш, футболчилар селекцияси ҳамда тиббий ва жисмоний кўрсаткичларини мониторинг қилиш ахборот тизими орқали амалга оширилади;

(б) 2026 йил 1 мартга қадар футбол академия ва мактаблари Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсни биометрик идентификация қилиш имкониятига эга планшетлар билан таъминланади;

(в) 2026 йил 1 мартдан бошлаб футбол ўйинларига чипталарни харид қилиш шахсни идентификация қилиш ҳамда матрицали штрих-код (QR код) технологияларини қўллашни назарда тутувчи махсус онлайн ахборот тизими орқали амалга оширилади;

(г) Миллий футбол марказида:

(i) иқтидорли футболчиларни эрта аниқлаш бўйича Рақамли футбол ситуацион маркази ташкил этилади ҳамда унинг фаолиятига тажрибали мураббийлардан иборат таҳлилчилар жалб этилади;

(ii) футбол учрашувларини марказлашган тарзда видео ёрдамчи ҳакам (VAR) тизимидан фойдаланган ҳолда кузатиш учун «VAR» маркази ташкил этилади;

(iii) ахборот тизимидаги маълумотларни сақлаш учун «DATA футбол» маркази ташкил этилади;

(д) 2026 йил 1 апрелга қадар футбол академия ва мактаблари, шу жумладан, футбол секциялари мавжуд спорт мактабларида ўқув машғулотларини онлайн кузатиш, футболчилар селекцияси ҳамда уларнинг тиббий ва жисмоний кўрсаткичларини мониторинг қилиш имконини берувчи махсус дастур ва мобил илова ишга туширилади;

(ж) 2026 йил 1 декабрга қадар ахборот тизими «Рақамли соғлиқни сақлашнинг ягона платформаси» ахборот тизимига интеграция қилинади.

III. Футболчилар селекцияси ва футбол инфратузилмасини ривожлантириш

4. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ва маҳаллаларда иқтидорли ёш футболчиларни саралаш тартиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг:

(а) Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Легионерлар клуби» фаолиятини йўлга қўйиш;

(б) «Легионерлар клуби»га хорижда фаолият юритаётган (юритган) ўзбекистонлик юқори маҳоратли профессионал футболчилар ва бошқа футбол мутахассисларини жалб қилиш;

(в) «Легионерлар клуби»га республикадаги футбол академия ва мактабларини бириктириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Спорт вазирлигига давлат спорт таълим ташкилотларининг бўш турган ер участкаларини кейинчалик нодавлат футбол таълим ташкилотлари ва футбол клубларини ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Легионерлар клуби» аъзоларига ажратишга рухсат берилсин.

7. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб маҳаллаларда футбол майдонларини барпо этиш бўйича «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури жорий этилсин.

8. Белгилансинки, «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури доирасида:

(а) маҳаллалардаги бўш турган давлат мулки объектлари (ер участкалари) уларнинг бир қисмида футбол майдони барпо этиш ва камида 10 йил мобайнида унинг фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаслик шarti билан электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилади;

(б) электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига харид қилинган бўш турган давлат мулки объекти (ер участкаси)нинг қолган қисмидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи берилади;

(в) электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилган давлат мулки объектлари (ер участкалари) уч ой давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич 10 фоиздан, лекин кўпи билан 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ва сотиб олиш тўловларини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан савдоларга чиқарилади.

9. Давлат мулки объекти бўлган футбол стадионлари ва майдонларининг фойдаланиш мақсадларини ўзгартириш ва сотувга чиқариш тақиқлансин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Футболни оммалаштириш ва иқтидорли ёш футболчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарор ижросини тўлақонли ва самарали амалга ошириш учун 2025 йилда Ўзбекистон футбол ассоциациясига Давлат бюджетидан қўшимча 15 миллиард сўм маблағ ажратсин.

12. Спорт вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси Б.Н. Курбанов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

14. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош ва-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 август,
ПҚ-262-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 21 августдаги
ПҚ-262-сон қарорига
1-ИЛОВА

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим
муассасалари ва маҳаллаларда иқтидорли
ёш футболчиларни саралаш
ТАРТИБИ

1. «Мактаблар футбол лигаси» янги форматда «Футболимиз келажаги сенинг қўлингда» мусобақаси сифатида ҳар йили умумий ўрта таълим ташкилотларининг 1 — 4 ва 5 — 8-синфлари жамоалари ўртасида уч босқичда (туман (шаҳар) — вилоят — республика) ўтказиб бориш тартиби жорий қилинади.

2. «Футболимиз келажаги сенинг қўлингда» мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган умумий ўрта таълим ташкилотларига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан ҳар йили бирламчи спорт жиҳозлари учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари етказиб берилади.

3. «Маҳалла лигаси» ва «Футболимиз келажаги сенинг қўлингда» мусобақаларида иштирок этувчи барча футболчилар тўғрисидаги маълумотлар «Миллий футбол электрон платформаси» ахборот тизимида юритиладиган электрон реестрга киритилади.

4. Мазкур реестр Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан юритилади ва мусобақаларда иштирок этувчи футболчилар тўғрисидаги маълумотлар тегишлича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан киритиб борилади.

5. «Маҳалла лигаси» ва «Футболимиз келажаги сенинг қўлингда» мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган умумий ўрта таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига 40 фоизгача ҳар ойлик устама тўланади.

Изоҳ: «Маҳалла лигаси» ва «Футболимиз келажаги сенинг қўлингда» мусобақаларини ўтказиш тартиби тегишлича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан келишган ҳолда тасдиқланади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

486 Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловаға мувофиқ тасдиқлансин:

Дин ишлари бўйича қўмитанинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари;

Дин ишлари бўйича қўмитанинг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Дин ишлари бўйича қўмита раҳбариятининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 октябрдаги 668-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги «Зиёрат» жамғармаси тўғрисидаги низомға 2-иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 29 сентябрдаги 612-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Дин ишлари бўйича қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорға мувофиқлаштирсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 августда эълон қилинган.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси С.Д. Тошбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 август,
521-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 521-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Қўмита алоҳида мустақил мақомга эга республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиб, дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади, ушбу йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

3. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Қўмита ўз фаолиятини республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Қўмита юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкларга, мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги

Газначилик хизмати қўмитасида шахсий газна ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги шахсий газна ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Қўмитанинг расмий номи:

давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси, қисқартирилган номи — Дин ишлари қўмитаси;

рус тилида:

тўлиқ номи — Комитет по делам религий Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — КПДР;

инглиз тилида:

тўлиқ номи — Committee of Religious Affairs of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — Committee of Religious Affairs.

8. Қўмитанинг жойлашган ери (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 12-уй.

2-боб. Қўмитанинг ташкилий тузилмаси

9. Қўмита тизимига қуйидагилар киради:

Қўмитанинг марказий аппарати;

Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти;

Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар).

10. Ҳудудий бошқармалар юридик шахс ҳисобланмайди ва уларнинг тузилмасида туманлар ва шаҳарлар бўйича бош мутахассислар фаолият юритади.

3-боб. Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат принципини рўёбга чиқариш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини, аҳолининг дини ва эътиқодидан қатъи назар ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш, виждон эркинлиги бузилишининг ҳар қандай кўринишини олдини олиш;

диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг ўзаро аҳил-иноқ ва ҳамжиҳат ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

жамиятда диний-маърифий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ушбу жараёнларда диний-маърифий соҳа вакиллариининг иштирокини кенгайтириш;

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ҳамда давлат сиёсатида диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириш;

аҳоли орасида конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

фуқароларнинг хорижий давлатларга ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

экстремизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш, жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликка қаратилган маърифий-тарбиявий ишларни олиб бориш, бу борада илғор хорижий тажриба асосида таклифлар тайёрлаш;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида диний-маърифий соҳадаги ягона давлат сиёсатига нисбатан ноҳолис маълумотлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда диний мутаассиблик ва экстремизм руҳидаги ахборотларга тезкор ва илмий раддиялар бериш;

диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-тадқиқот марказларининг тадқиқот йўналишларини мувофиқлаштириш;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини ўрганиш бўйича ижтимоий сўровлар ташкил этиш.

12. Қўмита ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида:

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасидаги масалаларни ҳал қилишда ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси юзасидан назоратни амалга оширади;

дин ишлари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва принципларини кенг жамоатчиликка, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ва ходимларига тушунтириш, уларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш ишларини олиб боради;

диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан ҳулоса олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқади, ҳудудий бошқармалар томонидан бундай мурожаатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини жойларда ўрганилишини назорат қилади;

диний таълим муассасалари ҳамда «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва

ўтказиш фаолиятини белгиланган тартибда лицензияланишини таъминлайди, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни ташкил қилади, лицензиялар реестрини юритади;

диний таълим муассасаларининг фаолиятини, уларнинг ўқув жараёни ва дастурларини, ўқув-тарбиявий ишларни, фанлар бўйича ўқув режаларини, диний мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради, уларга ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий-ҳуқуқий ва методик ёрдам кўрсатади;

республикада чиқариладиган ёки хориждан келтириладиган диний мазмундаги материалларни (китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле, кино ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчиларни (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинadиган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) экспертизадан ўтказди, хулосалар беради ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштиради;

диний мазмундаги материалларни ноқонуний тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида назорат тадбирларини ўтказди ва натижаси бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилади;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

б) Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат принципини рўёбга чиқариш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини, аҳолининг дини ва эътиқодидан қатъи назар ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш, виждон эркинлиги бузилишининг ҳар қандай кўринишини олдини олиш борасида:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек, диний эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг диний эркинлигини таъминлашнинг қонуний чораларини кўради;

фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш борасида тегишли чораларни белгилайди ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

диний ташкилотлар раҳбарларининг дунёвий давлат принциплари, давлатнинг дин ишлари соҳасидаги сиёсатининг моҳияти, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги тушунча ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида маърифий тадбирлар ташкил этади;

виждон эркинлиги кафолатларининг бузилиши ҳолатларига нисбатан тезкор чора-тадбирлар кўради;

диний ташкилотлар вакилларининг ибодат маросимларида ўқиладиган маърузалари мазмуни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсати принципига мувофиқ бўлишини таъминлайди;

рўйхатдан ўтган диний ташкилот аъзоларининг эркин ибодат қилиши, диний расм-русумларни адо этиши учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади;

в) диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг ўзаро аҳил-иноқ ва ҳамжиҳат ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш борасида:

диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтириш ҳамда диний вазиятга салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда илмий-тадқиқот марказлари, ташкилотлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

Ўзбекистонда ва хорижда юз бераётган диний-ижтимоий соҳага оид муҳим воқеаларни чуқур таҳлил қилади ҳамда республикадаги барқарор диний-ижтимоий вазиятга таҳдид солиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ва тажриба алмашади, уларни олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаб, киритиб боради;

тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш ман этилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши тақиқланган диний мазмундаги материалларнинг рўйхатини хизмат доирасида фойдаланиш учун манфаатдор ташкилотларга тақдим қилиб боради;

жамиятда «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғояси асосида динларининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, диний бағрикенгликни тарғиб қилиш бўйича тарғибот тадбирларини амалга оширади, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларга бу борадаги фаолиятини амалга оширишга кўмаклашади;

диний ташкилотларнинг диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришининг олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиради;

ижтимоий тармоқларда ҳамда диний-маърифий йўналишдаги веб-сайтларда экстремизм ва терроризмга қарши қаратилган тарғибот ишларини амалга оширишни ташкил этади;

г) жамиятда диний-маърифий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ушбу жараёнларда диний-маърифий соҳа вакилларининг иштирокини кенгайтириш борасида:

республика ҳудудлари ва хорижий давлатлардаги диний-ижтимоий жараёнларни, давлат органлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мунтазам ўрганади, таҳлил қилади ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлигини таъминлаш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради;

республикада диний-ижтимоий вазиятни мониторинг ва таҳлил қилади, диний-маънавий муҳитни яхшилаш, барқарорлигини таъминлаш, янада

соғломлаштириш бўйича манзилли «йўл хариталари»ни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

диний мавзуларга оид нашрлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва оммавий ахборот воситалари материалларини чуқур таҳлил қилади;

диний-маърифий фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритиб бориш;

диний-маърифий соҳада аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билимини ошириш, жамиятда бағрикенглик ғояларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўради;

жамиятда экстремизм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ноанъанавий диний ҳаракатлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

д) давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ҳамда давлат сиёсатида диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириш борасида:

давлат органлари ва муассасаларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

диний ташкилотларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқаларига кўмаклашади ва ҳал этилиши талаб қилинадиган масалалар бўйича зарур ёрдам кўрсатади;

диний ташкилотлар, шунингдек, хорижий диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларга доир масалалар бўйича ишларни амалга оширади;

диний ташкилотларнинг фаолиятига оид ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

диний ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ва уларнинг ўз фаолияти билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда ёрдам беради;

диний ташкилотлар раҳбарлари иштирокида маърифий учрашувлар ташкил этади;

е) аҳоли орасида конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш борасида:

фуқароларнинг виждон ва дин эркинлиги масалалари юзасидан ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширади;

диний ташкилотларга республикада ва чет элларда ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатишга кўмаклашади;

конфессиялараро тотувликни ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органлари, диний ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайди;

конфессиялар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро дўстлик ҳамда бағрикенгликни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боради, ушбу соҳада ташкилий, маънавий-маърифий ва тарғибот ишларини амалга оширади;

республикада истиқомат қилувчи турли дин вакилларининг Янги Ўзбекистон тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш йўналишидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди;

турли конфессиялар ўртасида ўзаро адоватни юзага келтиришга қаратил-

ган ҳолатлар, материалларни аниқлайди ҳамда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади;

ж) фуқароларнинг хорижий давлатларга ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш борасида:

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширилишини ташкил этади;

«Ҳаж ва Умра ягона портали» орқали «Ҳаж» тадбирига боровчи фуқароларнинг ягона электрон навбати ҳамда «Умра» тадбирларига юбориладиган зиёратчиларнинг электрон рўйхати шакллантирилишини таъминлайди, ушбу жараёнда тегишли идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда зиёратларни ташкил қилишда белгиланган тартибга қатъи риоя этилишини таъминлайди;

«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясига эга юридик шахслар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳаж ва Умра ягона портали»дан фойдаланиш имкониятини таъминлайди;

зиёратларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини кузатиб боради, таҳлил қилади, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар беради;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, чет элларда Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясининг маданий, тарихий ва илмий-маънавий марказларидан бири сифатидаги ўрни ва ролини, шунингдек, диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб этиш ишларини олиб боради;

республика ва хорижий давлат муассасалари, диний ташкилотлар ўртасида зиёрат туризми соҳасида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш масаласида ишларни ташкил қилади;

зиёрат туризми тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий зиёрат туризми маҳсулотларини жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, зиёрат туризми соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаб, киритиб боради;

з) экстремизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликка қаратилган маърифий-тарбиявий ишларни олиб бориш борасида:

экстремистик гуруҳлар ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни реабилитация қилиш бўйича комплекс профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорлик қилади;

экстремистик гуруҳлар фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйишга кўмаклашади;

терроризм ва экстремизмни тарғиб қилиш мақсадида республика ҳудудига шахсларнинг ноқонуний кириб келишига қарши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда чоралар кўради;

аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари ҳамда диний ташкилотлар билан биргаликда ноқонуний диний оқим ва гуруҳларнинг фаолияти, ёт ғоялари динга зид эканлиги ҳақида тушунтириш ишларини ташкил этади;

турли бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолган шахслар билан ишлаш бўйича хориж тажрибасини ўрганади ва амалиётга жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ва киритиб боради;

аҳоли, шу жумладан, ёшлар, мигрантлар ва хотин-қизлар орасида ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, бундай ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган тизимли ва таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширади;

миллий ва диний урф-одатлар, қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашади ва уларга салбий таъсир кўрсатадиган таҳдидларга қарши қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

экстремизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган хотин-қизларни соғлом ҳаётга қайтариш борасида тадбирлар ўтказиши ҳамда илғор хорижий тажриба асосида таклифлар тайёрлаб киритиб боради;

жазо муддатини ўтаётган шахслар орасида диний-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш чораларини кўради;

и) оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғида диний-маърифий соҳадаги ягона давлат сиёсатига нисбатан ноҳолис маълумотлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда диний мутаассиблик ва экстремизм руҳидаги ахборотларга тезкор ва илмий раддиялар бериш борасида:

диний-маърифий соҳада ягона давлат сиёсатини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарғиб қилиш фаолиятини ташкил этади;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик тамойилларига зид бўлган материалларни аниқлайди, илмий асосда таҳлил қилади ҳамда хавф-хатар йўналишларини белгилайди;

диний-маърифий соҳадаги илмий-тадқиқот марказлари ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан мавжуд таҳдидларга нисбатан халқчил раддиялар тайёрлаш йўналишидаги фаолиятни мувофиқлаштиради;

жамиятда диний-ижтимоий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни ўрганади, таҳлил қилади ва уларнинг олдини олиш чораларини кўради;

Интернет жаҳон алоқа тармоғидаги дин омили билан боғлиқ материалларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам мониторинг ва таҳлил қилиб, уларни тизимли бошқариш амалиётини ташкил этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўради;

к) диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-тадқиқот марказларининг тадқиқот йўналишлари бўйича тавсиялар бериш борасида:

диний-маърифий соҳада салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига давлат ва нодавлат ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказларининг етук мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ҳамда таълимнинг ўзаро интеграциясини ташкил этади;

илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш мақсадида илмий-тадқиқот марказларига тегишли тавсиялар бериб боради;

диний-маърифий соҳадаги муассасалар фаолиятини ўрганиб бориш, ўқув-тарбия жараёнига илғор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, инновацион ишланмаларни татбиқ этиш ҳамда илмий ва услубий фаолиятини мувофиқлаштиради;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бажариладиган диний мавзудаги тадқиқотларнинг мавзу ва йўналишларининг аҳамияти, долзарблиги юзасидан тегишли тавсияларни беради;

илмий-тадқиқот марказларининг бой илмий-маънавий мерос, дунёвий ва диний илмлар бўйича тадқиқот натижаларини ўқув-тарбия жараёнида қўллаш ва кенг жамоатчиликка етказишда қўмаклашади;

жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг тажрибасини ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритади.

л) тегишли маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини ўрганиш бўйича ижтимоий сўровлар ташкил этиш борасида:

диний-ижтимоий жараёнларни ўрганади, улар юзасидан ўтказиладиган ижтимоий сўровномаларнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқади;

аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини тадқиқ қилиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиб боради ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини маҳаллий сўровномаларга жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ўтказилган ижтимоий сўровномаларнинг натижалари бўйича таҳлилий маълумот ва таклифлар тайёрлайди.

4-боб. Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

13. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

ўз ваколати доирасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

Қўмитанинг ваколатига кирувчи масалаларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ўзига юклатилган вазифалар доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда жойларга чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказиш;

Қўмига тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистика, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

ўзига юклатилган вазифалар доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга кўриб чиқирилиши мажбурий бўлган тақдимнома, кўрсатма ва ёзма равишда огоҳлантиришлар киритиш;

ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш;

ўз ваколати доирасида юридик шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жарималар қўллаш;

давлат, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, Қўмига тизими манфаатларини кўзлаб судларга аризалар ва даъволарни киритиш;

Қўмига фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий илмий-тадқиқот марказларининг мутахассис ва экспертларини шартнома асосида жалб қилиш;

соҳага доир илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Қўмига ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва бошқа турдаги мукофотлаш тартибини, миқдори ва шартларини белгилаш;

Қўмига ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Вазирлар Маҳкамасига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига кўриб чиқиш учун киритиш;

Қўмига ваколати доирасида халқаро шартномалар ва идоралараро битимлар тузиш, халқаро, ҳукуматлараро битим лойиҳаларини тақдим этиш;

Қўмига ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш;

Қўмига ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

диний ташкилотлардан зарур ахборотларни белгиланган тартибда олиш, шунингдек, улар томонидан ўтказиладиган фаолияти билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмитанинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

таркибий бўлинмаларнинг функционал вазифалари ҳамда бошқа хужжатлари, смета ва штат жадвалларини тасдиқлаш;

Қўмита тизимида кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини самарали ташкил этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда саҳифалар очиш, конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджетдан ташқари маблағларни ҳамда Қўмита тизимининг депозит ҳисобварақларида жойлашган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит рақамларида миллий ва чет эл валютасида жойлаштириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳоз ва ускуналар, автотранспорт, алоқа ҳамда ҳисоблаш воситалари, компьютер ва ташкилий техника воситаларини сақлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш, дастурий таъминотни сотиб олиш тўғрисида белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Қўмита ҳамда идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш;

Қўмита тизимидаги мол-мулкдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир таркибий тузилмадан бошқа тузилмага белгиланган тартибда ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Қўмитанинг ижтимоий инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда Қўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва мукофотлашнинг ягона тизимини шакллантириш;

юкланган вазифаларни бажариш ва фаолиятни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш учун белгиланган тартибда бўлинмалар, кенгашлар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар ва жамғармалар ташкил этиш;

Қўмита қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Қўмита қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, Қўмита томонидан қабул қилинаётган қа-

рорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари учун жавоб бериш;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажариш;

тегишли соҳада фуқаролар ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш.

Қўмитанинг қарорлари, унинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари бўйича шикоят қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2-§. Қўмита ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

15. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита зиммасига юкланган вазифаларни ўз ҳудудларида самарали ташкил этиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларидан статистика, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

зарур ҳолларда, зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

дин ишлари соҳаси бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, хўжалик бирлашмаларининг, бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

соҳа фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг малакали мутахассисларини ахборот-таҳлилий материаллар ва дастурий ҳужжатларни тайёрлашга жалб қилиш;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмаларининг дин ишлари соҳасига оид масалаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари ва йиғилишларида иштирок этиш;

жойлардаги диний ташкилотлардан зарур ахборотларни белгиланган тартибда олиш, шунингдек, улар томонидан ўтказиладиган фаолият билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш.

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Қўмига юкланган вазифаларни ҳудудларда сифатли бажарилишини ташкил этиш, таъсирчан назоратни амалга ошириш;

ҳудудларда, дин ишлари соҳасига оид давлат сиёсатининг ҳолати тўғрисида тегишли ахборот, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, ҳисоботларни Қўмига киритиш;

тегишли ҳудудда дин ишлари соҳасига оид давлат сиёсатининг ҳолати тўғрисида Қўмига ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш;

соҳани ривожлантириш ва ҳудудларнинг муаммоли масалаларини ҳал қилиш бўйича дастур, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

ҳудудда тегишли соҳада фуқаролар ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш.

5-боб. Қўмига раҳбариятининг асосий функционал вазифалари

17. Қўмига раисининг асосий функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Қўмига фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Қўмига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмига фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва чора-тадбирлар режаларини амалга ошириш бўйича танқидий ва чуқур таҳлиллар ўтказиш;

Қўмига ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, вазирлик ва идоралар билан Қўмига фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Қўмига оид масалаларнинг Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмаларининг, Бош вазири ва Бош вазир ўринбосарлари топшириқлари ва кўрсатмаларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини ташкил этиш;

ўринбосарлари ва таркибий тузилмалар раҳбарларининг ваколатларини ҳамда шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш, мажбуриятларини тақсимлаш;

Қўмита фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Қўмита ва тизим идораларида рақамлаштиришни жорий этиш;

Қўмита, унинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар ва ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишига эришишни сўзсиз таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари ижросини ташкил этиш, уларнинг мониторингини олиб бориш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Қўмита тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Қўмитага ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг касб маҳорати, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига ҳамда ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилишини, улар «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасида пухта ишланиши ва ҳимоя қилинишида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқирилишида иштирок этиш;

Қўмитага киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқирилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда, республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

Қўмита ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш,

хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, уларга ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинмалар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Қўмита ҳайъат мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Қўмита таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Қўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан, келгусида уларнинг эгаллаб турган лавозимларига лойиқлиги масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

Қўмита ходимларининг Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши бўйича назоратни ташкил этиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

«Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги ва очиклигини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқирилишини таъминлаш;

давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Қўмита марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар низомлари, штат жадвали ва харажатлар сметасини, шунингдек, Қўмитанинг идоравий мансуб ташкилотлар уставларини тасдиқлаш;

Қўмитанинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари (бошлиқла-

ридан ташқари) ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари — ҳудудий бошқармалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишга розилик бериш;

Қўмита тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда ташкил қилиш;

Қўмита фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ва белгиланган тартибда ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий давлатларнинг органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Қўмита номидан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш;

зарур ҳолларда, белгиланган тартибда бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмитанинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қўмита ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Қўмита тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни фахрий ёрлиқлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

Қўмитанинг мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасаруф этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

Қўмита ҳайъат мажлисларида раислик қилиш.

Қўмита раиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Қўмита раиси ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Қўмита раиси вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Қўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмита фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишларини янада такомиллаштириш бўйича дастур ва чора-тадбирлар ижроси ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилигидаги таркибий бўлинмалар томонидан кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича чоралар кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботини тизимли эшитиб бориш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмаларининг, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, топшириқлари ва кўрсатмаларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини ташкил этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни кўриш, шу жумладан, топшириқлар ўз вақтида ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш;

Қўмитанинг ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Қўмита раисига мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича таклифлар тақдим этиш, уларнинг касб маҳорати, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

ходимлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, Қўмитада тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси Регламентлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Қўмита раиси топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон, 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, Қўмитанинг ҳайъат йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Қўмита фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қабул қилиш, дин ишлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомил-

лаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Қўмита раисига киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиш-қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш тўғрисида Қўмита раисига таклифлар киритиш, уларнинг функционал мажбуриятини ва юкланган вазифалар бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чоралар кўриш;

Қўмита ходимлари томонидан Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилиши таъминланишини назорат қилиш;

хуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунига риоя қилиш, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

Қўмита раисига давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Президентнинг Виртуал қабулхонасидан тушадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъи риоя қилиш;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги норматив-хуқуқий ва бошқа соҳавий норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Қўмита ва тизим идоралари ходимларини тизимли равишда қайта тайёрлаш ва хорижий мамлакатларда уларнинг малакасини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

19. Қўмита таркибий бўлинмалари раҳбарларининг функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар ижросини таъминлаш;

ўз ваколати доирасида идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

таркибий бўлинмалар фаолиятни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва улар томонидан қайд этилган кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга йўналтирилган қўшимча чоралар кўриш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Қўмита раисининг мутасаддилик қиладиган ўринбосарига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмаларининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, топшириқлари ва кўрсатмаларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни кўриш, шу жумладан, топшириқлар ўз вақтида ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш;

хайъат қарорлари, Қўмита раиси ва ўринбосарларининг буйруқлари ва топшириқлари ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун киритиш, уларда қайд этилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Қўмита раҳбариятига киритиш;

Қўмита раҳбариятига таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Қўмита раҳбарияти топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқилишида иштирок этиш;

таркибий бўлинмаларга тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон, 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўла мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, йиғилишларда улар-

нинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларни кўриб чиқиш якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;

ходимларининг Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Қўмита раҳбариятига давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда кўриб чиқиш, мурожаат билан ишлашни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига қатъи риоя қилиш.

20. Қўмита ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

ҳудудий бошқармалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва уларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

фаолиятни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва қайд этилган кўрсаткичларга ҳудудий бошқармалар томонидан сўзсиз эришишни таъминлаш, соҳа фаолияти юзасидан Қўмитага таклифлар киритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмаларининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, топшириқлари ва кўрсатмаларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, ҳудудий бошқармалар ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, топшириқларни ўз вақтида бажарилиши учун шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Қўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни

тақсимлаш, ҳудудий бошқармаларни бошқаришда ходимларнинг жавобгарлигини белгилаш;

ҳудудий бошқармалар фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда ижроси юзасидан Қўмитага ҳисобот киритиб бориш;

Қўмита раҳбариятига ҳудудий бошқармаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

ҳудудий бошқармалар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиш-қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Қўмита раисига таклифлар киритиш, уларнинг функционал масъулияти ва юкланган вазифалар бажарилишида шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чораларни амалга ошириш;

ҳудудларда ходимларнинг Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

ҳудудларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, барта раф этиш;

ҳудудий бошқармалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини доимий танқидий таҳлил қилиб бориш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларни кўриб чиқиш якунлари бўйича зарур чораларни кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда кўриб чиқиш, мурожаат билан ишлашни самарали ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул қилиш;

давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш.

6-боб. Қўмита раҳбарларининг жавобгарлиги

21. Қўмита раиси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил

10 февралдаги ПФ–6166-сон ва «Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонлари ҳамда «ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарори ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши;

мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Қўмитага юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Қўмита ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегия ва концепцияларда кўзланган натижаларга эришилиши, уларнинг дин ишлари соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга таъсири;

тегишли соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган параметрлар ва кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши;

Қўмита тизимида ижро интизомига қатъи риоя этилиши учун жавоб беради.

22. Қўмита раисининг ўринбосарлари:

қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган йўналишлар ва соҳалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб беради.

23. Қўмита таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

фаолият йўналишларига оид қонунчилик ҳужжатлари, Қўмита раҳбарларининг топшириқлари бажарилишининг ҳолати тўғрисида ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни сифатли тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавоб беради.

24. Қўмита ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

ҳудудий бошқармаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

тегишли ҳудудда қонунчилик ҳужжатлари, Қўмита раҳбарларининг топшириқлари бажарилишининг ҳолати тўғрисида ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни сифатли тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавоб беради.

7-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

1-§. Қўмита раҳбарияти ҳамда ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби

25. Қўмитага раис раҳбарлик қилади.

Қўмита раиси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

26. Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган биринчи ўринбосари ва икки нафар ўринбосари бўлади.

27. Қўмита раиси мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига кўра — вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

28. Қўмита раиси бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари раиснинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса раиснинг тегишли буйруғига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

29. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари — ҳудудий бошқармалар бошлиқлари Қўмита раиси билан келишилган ҳолда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қўмитанинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ходимлари, Қўмитага идоровий мансуб ташкилотлар раҳбарлари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

2-§. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

30. Қўмитанинг марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари таъминлайди.

31. Қўмитанинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳудудий бошқармалар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда:

топшириқларни ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотларга етказди ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиб боради;

ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотларга бевосита таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича сўров жўнатади ва уларнинг ижросини назорат қилиб боради;

ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотлар фаолиятини текширади ва ўрганади, амалиётини умумлаштиради, такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотлар фаолиятининг ташкил этилиши ва натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

ҳудудий бошқармалар ҳамда идоровий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

худудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади;

худудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил этади, уларнинг қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тушган таклифларини кўриб чиқади.

32. Худудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Қўмита раҳбарияти топшириқларининг ижроси тўғрисида ахборот беради;

фаолиятнинг белгиланган соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга маълумот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш асосида ишда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларнинг бартараф этилганлиги натижалари ҳақида ахборот беради;

Қўмитанинг марказий аппаратига белгиланган тартибда ва муддатда ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорлик натижалари ҳақида ахборот беради;

ваколатли органлар томонидан ўз фаолиятини текширишлар натижалари ҳақида ахборот беради.

3-§. Қўмитанинг республика ижро этувчи ҳокимият органлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби

33. Қўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

34. Қўмита фаолияти Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

4-§. Қўмитанинг ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат, эксперт органлари

35. Қўмитада раис, (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, шунингдек, Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий тузилмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

36. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Қўмита фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Қўмита тизимидаги ходимлар ва раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Қўмита фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини тизимли равишда ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

Қўмита фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш-ни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан, жойларда сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш;

Қўмита ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Қўмита номенклатурасига кирадиган лавозимларни юклатилган вазифаларга мос, уларни профессионал даражада бажаришга қодир, малакали, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган масъулиятли кадрлар билан жамлаш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш;

Ҳайъат Қўмита ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақли.

37. Ҳайъат мажлисига республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

38. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

39. Ҳайъат қарорлари Ҳайъат раиси томонидан имзоланади ва Қўмита раисининг буйруғи (қарорлари) билан амалга оширилади.

40. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Қўмита раиси юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрларини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилиши мумкин.

41. Ҳайъат фаолиятининг тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқлан-диган регламенти билан белгиланади.

42. Қўмита ҳузурида кенгаш, маслаҳат ва экспертлик органлари тузили-

ши мумкин. Уларнинг таркиби ва низомлари раис томонидан тасдиқланади, уларнинг таркиби ва низомлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан тасдиқланадиган ҳоллар бундан мустасно.

**8-боб. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва
натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

43. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

44. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тегишли мезонлар ва ишчи индикаторларга асосланади.

45. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Қўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Қўмита фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

46. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

**9-боб. Қўмита фаолиятини молиялаштириш ва моддий-
техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ
тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

47. Қуйидагилар Қўмита фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ пуллик хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

48. Қўмита ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақ, устамалар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа рағбатлантирувчи тўловлардан иборат.

49. Қўмита, унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим маоши Ягона тариф сеткасининг тасдиқланган разрядлари бўйича белгиланади.

Илмий даражага (PhD, DSc) эга ходимларига амалдаги қонунчиликда белгиланган талаблар асосида тўловлар амалга оширилади.

50. Қўмитанинг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан қонунчиликда белгиланган ишланмайдиган байрам кунларида ва бошқа муҳим саналарда мукофотлаш, шунингдек, устама, рағбатлантириш ва қўшимча ҳақ, мукофотлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида иш ҳақига бошқа тўловлар миқдори Қўмита раиси томонидан белгиланади.

51. Қўмита ходимларига ойлик устамалар, моддий ва кўп йиллик меҳна-

ти учун рағбатлантиришлар тарзидаги лавозим маошларига қўшимча тўловлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

52. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги «Зиёрат» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари Қўмита ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қуйидагиларга йўналтирилади:

иш ҳақи (лавозим маоши);

кўп йиллик ишлаганлик учун қўшимча ҳақ ва устамалар тўлаш;

лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устама белгилаш (рағбатлантириш коэффицентини ҳамда қўшимча тўловларни инобатга олган ҳолда);

байрамларда ва муҳим саналарда бир марталик мукофотлаш;

фаолиятда ижобий натижаларга эришганлиги учун мукофотлар;

овқат пули учун тўлов;

йўлқира харажатлари учун тўлов;

ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун бир йилда бир мартаба моддий ёрдам кўрсатиш;

юбилей саналар, пенсияга чиқиш, тўй, фарзандли бўлиш муносабати билан эсдалик совғалар ёки пул маблағлари бериш;

қонунчиликда белгиланган бошқа тўловлар.

53. Шахсий ойлик устамалар лавозим маошига нисбатан фоизда белгиланади.

Қўмитанинг марказий аппарати ходимлари учун шахсий устаманинг энг юқори миқдори (устама ва рағбатлантириш коэффицентини ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун устамани ҳисобга олган ҳолда) — 200 (икки юз) фоизгача, ҳудудий бошқармалар ходимлари учун шахсий устаманинг энг юқори миқдори — 100 (бир юз) фоиздан ошмаслиги лозим.

54. Хизмат вазифаларини виждонан ва ташаббускорлик билан бажарган Қўмита ходимлари қонунчиликда белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари муносабати билан лавозим маоши (рағбатлантириш коэффицентлари ҳисобга олинган ҳолда) бир баробаригача миқдорда мукофот билан моддий рағбатлантирилади.

55. Байрам саналарига мукофотлар:

1 январь — Янги йил;

8 март — Хотин-қизлар куни;

21 март — Наврўз байрами;

9 май — Хотира ва қадрлаш куни;

1 сентябрь — Мустақиллик куни;

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни;

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрами;

Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адха) диний байрамлари муносабати билан барча ходимлар рағбатлантирилади. Ушбу мукофотлар миқдорлари ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган даврларига боғлиқ бўлмайди.

Болаларни парваришлаш, ўқиш билан боғлиқ ҳамда ижодий таътиллار даврида, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга, ҳарбий йиғинга чақирилган давридаги байрам саналарига мукофотлар берилмайди.

56. Қўмита ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида, уларга ҳар ойда ҳар бир штат бирлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) бараваридан кўп бўлмаган миқдорда овқат пули, йўлкира харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўловлар амалга оширилади.

Қопланадиган харажатлар миқдори базавий ҳисоблаш миқдори энг кам миқдори ошишига қараб ортиши мумкин.

Транспорт ва овқатланиш харажатларини қоплаш учун тўловларнинг аниқ миқдори Қўмита раисининг буйруғи билан белгиланади.

Мазкур бандда кўрсатилган тўловлар ходимнинг ишлаган даврига мутаносиб равишда тўланади.

57. Қўмита ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йилда бир марта (қоида тариқасида куз ойларида) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) бараваридан кўп бўлмаган миқдорида моддий ёрдам амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун моддий ёрдамнинг аниқ миқдори Қўмита раисининг буйруғига биноан белгиланади.

58. Қўмита ходимларига молия йилида бир марта (меҳнат таътилига чиқиш вақтида соғлигини тиклаш мақсадида ёки меҳнат таътилга чиқмаган ходимларга молия йилининг декабрь ойида) бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (лавозим маоши ва рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Моддий ёрдам кўрсатиш ходимнинг аризаси ёки Касаба уюшмаси қўмитаси илтимосномасига асосан буйруқ билан амалга оширилади.

59. Қўмита раисини мукофотлаш, шахсий устамаларини белгилаш, моддий рағбатлантириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

60. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан алоҳида соҳа ходимларига устама белгиланган ҳолларда устамалар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-боб. Қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши

61. Қўмита раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига, Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ўз фаолияти соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқаруви тизимини мақбуллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва таҳлилий маълумотлар тайёрлашини таъминлайди;

дин ишлари соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларнинг мунтазам равишда кўриб чиқилиши ва бартараф этилишини ташкил қилади;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

62. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Қўмита раҳбарларига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боради, Қўмита фаолияти самардорлигини ҳолисона баҳолайди.

63. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра Қўмитанинг алоҳида ўрнатилган кўрсатган раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади, жиддий камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарлик чоралари қўлланади.

11-боб. Яқунловчи қоида

64. Қўмита қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 521-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 октябрдаги 668-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги «Зиёрат» жамғармаси тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда — Дин ишлари бўйича қўмита)нинг шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади ва ушбу Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади».

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасидан ўтказиш учун ундириладиган тўловлар;

диний таълим муассасалари ҳамда «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини лицензиялашда аризани кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғимнинг қонунчиликда белгиланган қисми;

диний таълим муассасалари ҳамда «Умра» тадбирларини ташкил этиш фаолиятини лицензиялашда ундириладиган давлат божининг 30 фоизи;

лицензиялаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахслардан ундирилган жариманинг 10 фоизи;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар».

4. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Жамғарманинг вақтинчалик бўш турган маблағлари Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига жойлаштирилиши мумкин.

Дин ишлари бўйича қўмита раиси Жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлиги ва сақланишини назорат қилади».

5. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

«Умра» хизматлари сифатсиз кўрсатилишидан жабр кўрган зиёратчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар ўрнини қоплаш;

Дин ишлари бўйича қўмитага юклатилган вазифаларни бажариш, жумладан диний-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Дин ишлари бўйича қўмита ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш (санатория, курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, мукофотлар тўлаш, маошларга устамалар белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш);

Дин ишлари бўйича қўмита ходимларининг хизмат сафари харажатлари, шу жумладан хорижий давлатлардаги хизмат сафарлари харажатларини қоплаш;

Дин ишлари бўйича қўмитанинг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташи, шу жумладан, уларнинг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этиш ва хорижий давлатларда ўтказиладиган конференция, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш харажатларини қоплаш;

Дин ишлари бўйича қўмита фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг ташрифларини ташкил этиш;

Дин ишлари бўйича қўмита бино ва иншоотларини сақлаш ҳамда бошқа жорий харажатлар, ёрдамчи техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари таъминоти, ушбу Қўмита фаолиятини янада яхшилаш билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш;

Дин ишлари бўйича қўмитанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни амалга ошириш».

6. 10-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Қўйидаги мазмундаги 9¹ — 9⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«9¹. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Дин ишлари бўйича қўмитанинг ривожлантириш дастурларини маблағ билан таъминлаш орқали амалга оширилади ҳамда ушбу дастурлар ҳар йили маблағлар ва эҳтиёжлар прогнози асосида шакллантирилади.

9². Жамғарма маблағларини сарфлаш Дин ишлари бўйича қўмита томонидан тасдиқланган Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тегишли ғазна ҳисобварақларидан амалга оширилади.

9³. Жамғармадан пул маблағларини ажратиш тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

9⁴. Жамғармадан ажратилган пул маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги даромадлар ва харажатлар акс эттирилган ҳисобот ҳар чорак якуни бўйича бухгалтерия балансида акс эттирилади».

8. Қўйидаги мазмундаги 3¹ ва 3²-боблар билан тўлдирилсин:

«3¹-боб. Жамғармани бошқариш

9⁵. Жамғарма маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Дин ишлари бўйича қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

9⁶. Дин ишлари бўйича қўмитанинг Молия-иқтисод бўлими Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

9⁷. Жамғарма маблағларининг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш ҳамда жорий хизмат кўрсатиш ишлари Дин ишлари бўйича қўмитанинг Молия-иқтисод бўлими томонидан амалга оширилади. Жумладан:

Жамғарманинг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқади;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлари сметасини тайёрлайди, зарур ҳолларда, тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига тузатишлар киритиш бўйича таклифлар киритади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ушбу Низомда ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тutilган харажатларни амалга оширади;

Жамғарма маблағларининг тушуми ва улардан фойдаланиш ҳисобини юритади;

Жамғармадан ажратилган пул маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги даромадлар ва харажатларини бухгалтерия балансида акс эттирилишини таъминлайди;

Жамғарма сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма сметасининг ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этилишини таъминлайди.

3²-боб. Жамғарманинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш

9⁸. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Дин ишлари бўйича қўмитанинг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварақларида алоҳида юритилади.

9⁹. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

9¹⁰. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

9¹¹. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича тузилган шартномалар рўйхатлари Дин ишлари бўйича қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

9¹². Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий назорат хизматлари томонидан амалга оширилади».

9. Қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

487 Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини самарали тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш билан боғлиқ хизматларни давлат хизматлари марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки кредит бюrolари орқали кўрсатилишини таъминласин;

ЯИДХПда ушбу хизматларни кўрсатишнинг ҳар бир босқичида ариза берувчиларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини кузатиб бориш имкониятини яратсин;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан уларнинг фаолияти доирасида ушбу қарорга мувофиқ хизматлар кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 612-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентига 2-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 август,
522-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 522-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар — жисмоний шахсининг Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги аризаси асосида шакллантирилган ҳамда унинг шахсга доир маълумотларини ўз ичига олган ахборотлар мажмуаси;

Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестри (кейинги ўринларда — реестр) — кредит битимини тузиш тақиқланган жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ва кредит бюрolari томонидан юритиладиган ягона маълумотлар базаси.

**2-боб. Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни
Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрига
киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш тартиби**

3. Жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни реестрга киритиш ёки ушбу реестрдан чиқариш бўйича аризаларни тақдим этиш ҳамда уларни кўриб чиқиш (кейинги ўринларда — хизмат) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП), давлат хизматлари марказлари ёки кредит бюрolari орқали ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Хизматни кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

5. Ариза берувчи хизматдан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказларига ёки кредит бюросига шахсан келиб ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХП ёки кредит бюрolarининг веб-сайтлари орқали ушбу ташкилотларга мурожаат қилади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари марказлари ёки кредит бюроси ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали ёки кредит бюроси веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат этганда эса ариза берувчи мустақил равишда паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда тўлдиради.

Давлат хизматлари марказлари ёки кредит бюрolari томонидан ариза

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, мобил ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, маълумотномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

8. Ариза берувчи хизматдан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи хизматдан фойдаланишдан бош тортган тақдирда, унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади.

9. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилганда, давлат хизматлари марказлари ходими ариза тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида уни кредит бюrolарига юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ариза автоматик тарзда кредит бюrolарига юборилади.

Кредит бюrolари орқали ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилинганда дарҳол реестрга киритилади ёки реестрдан чиқарилади.

10. Кредит бюrolари ариза берувчи реестрга киритилган ёки реестрдан чиқарилгани тўғрисида ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани ариза берувчи ўзи келиб давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда — давлат хизматлари марказларига, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда — ариза берувчининг шахсий кабинетига юборади.

Ариза берувчи ўзи келиб, кредит бюросига ёзма мурожаат этган тақдирда, ариза берувчининг ўзига QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотнома берилади, кредит бюросининг веб-сайти орқали мурожаат этганда эса ушбу маълумотнома кредит бюросининг веб-сайтидаги ариза берувчининг шахсий кабинетига жойлаштирилади.

11. Давлат хизматлари марказлари хизматнинг натижасини у келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа ичида ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари марказлари ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра унга маълумотномани электрон ёки қоғоз шаклида бериши лозим.

3-боб. Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрини юритиш тартиби

12. Реестрни шакллантириш ва юритиш ҳамда жисмоний шахсларнинг кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги аризалари рўйхатини шакллантириш кредит бюrolари томонидан ягона ахборот тизими орқали ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади. Бунда кредит бюrolари томонидан ахборот хавфсиз-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги ва технологик талабларга тўлиқ жавоб берадиган маълумотлар базаси яратилади. Ушбу база орқали жисмоний шахслардан тақиқлаш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги аризалар қабул қилинади.

13. Кредит бюrolари томонидан жисмоний шахсларнинг кредит битими-ни тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш тўғрисидаги ариза юборилган сана ва вақт, тақиқ белгиланган ёки олиб ташланган сана ва тақиқ шартлари ҳақидаги маълумотлар жисмоний шахсларнинг кредит тари-хи маълумотида акс эттириб борилади.

14. Реестр давлат тилида юритилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Давлат хизматлари марказлари ва кредит бюrolари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органла-ри ушбу Низом талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа таш-килотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

17. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари-нинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатла-рида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

18. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қо-нунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

488 Самарқанд вилоятида давлат ва тадбиркорлик субъект- лари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимини жо- рий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд вилоятини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 7 августдаги ПҚ–244-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Самарқанд вилоятида замонавий менежмент тамойиллари ҳамда давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимини жорий этиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсади-да Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Самарқанд Инвест компанияси» АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўрта-сида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини ер участ-каларида амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транс-порт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилоятида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага муво-фиқ;

Самарқанд вилоятида шаҳарсозлик реновация лойиҳаларини амалга оши-риш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Самарқанд шаҳрида қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни рақамли кўринишда расмийлаштириш тартибини на-зарда тутувчи маъмурий регламентни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ушбу қарорга 2-илова 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи А.М. Бобоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 август,
526-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 526-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Самарқанд Инвест компанияси» АЖ ва тадбиркорлик
субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида
инвестиция лойиҳаларини ер участкаларида амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом инвестиция лойиҳаларини Самарқанд вилоятида тижорат мақсадида фойдаланиш имкони мавжуд бўлган давлатга тегишли ер участкаларида (кейинги ўринларда — ер участкалари) юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ёки оддий ширкат шартномаси асосида амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

инвестиция лойиҳаси — юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ёки оддий ширкат шартномаси асосида ер участкаларида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун 10 миллион АҚШ доллари ва ундан юқори бўлган эквивалентдаги инвестицияларни киритиш ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

корпоратив шартнома — ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки амалга оширишдан ўзини тийиш (воз кечиш), жамият акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилишида овоз бериш, жамиятни бошқариш бўйича ҳаракатларни келишилган ҳолда амалга ошириш ҳамда устав капиталидаги улушларини маълум нархда ёки муайян ҳолатларда қўлга киритиш ёки бегоналаштиришдан ўзини тийиш тартибини белгилаш мажбуриятини белгилайдиган шартнома;

оддий ширкат шартномаси — «Самарқанд Инвест компанияси» АЖ (кейинги ўринларда — Компания) ва аукцион ғолиби томонидан фойда олиш ёки қонунчиликка зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда ишлаш мажбуриятини белгилайдиган шартнома;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда буюртмачи — инвестиция лойиҳаларини ер участкаларида амалга ошириш ваколатига эга юридик шахс — Компания;

аукцион ғолиби — «E-auction» электрон савдо платформасида ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдоларида (кейинги ўринларда — аукцион савдолари) ғолиб деб эътироф этилган иштирокчи;

хўжалик жамияти — Компания ва аукцион ғолиби таъсисчилигида ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамият ёки акциядорлик жамияти;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати — баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини баҳолаш қиймати

ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, баҳолаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар қиймати йиғиндиси;

инвестор — ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкӣ бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестиция сифатида киритувчи инвестиция фаолияти субъекти.

3. Инвестиция лойиҳалари ер участкаларида юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ёки оддий ширкат шартномаси асосида амалга оширилади.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган механизмлар асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танланган ер участкалари Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Компанияга 49 йилдан ошмайдиган муддатга тўғридан-тўғри ижарага берилади.

Бунда ер ижара ҳуқуқи учун тўлов ва лойиҳа қийматининг камида 10 фоизига тенг кафолат маблағини жойлаштириш талаб этилмайди.

2-боб. Инвестиция лойиҳасини ер участкаларида амалга ошириш учун таклиф этиш тартиби

5. Ер участкаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг мастер-режаси, лойиҳа ҳужжатлари ва бошқа рухсат бериш ҳужжатлари (кейинги ўринларда — лойиҳа ҳужжатлари) Компания томонидан расмийлаштирилади.

Бунда инвестиция лойиҳаси юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали амалга оширилганда — ташкил этиладиган ҳўжалик жамиятининг устави, таъсис шартномаси ва корпоратив шартнома, оддий ширкат шартномаси орқали амалга оширилганда — оддий ширкат шартномаси лойиҳалари ҳам тайёрланади.

6. Компания томонидан белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлаш орқали лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун профессионал лойиҳа ташкилотлари ва ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини баҳолаш учун баҳолаш ташкилотлари жалб қилинади.

7. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга халқаро экспертлар ва халқаро молия ташкилотлари ҳам жалб этилиши мумкин.

8. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати Компания томонидан ушбу Низомга асосан белгиланади.

9. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини ушбу Низомнинг 2-бобида назарда тутилган ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг Компания томонидан онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича буюртма берилади.

Бунда «E-auction» электрон савдо платформасига юклаш учун баҳолаш ташкилотининг ҳисоботи, лойиҳа ҳужжатлари Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан келишилгандан сўнг Компания томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда, инвестиция лойиҳаси юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали амалга оширилганда — ташкил этиладиган

хўжалик жамиятининг устави, таъсис шартномаси ва корпоратив шартнома, оддий ширкат шартномаси орқали амалга оширилганда — оддий ширкат шартномаси «E-auksion» электрон савдо платформаси операторига тақдим этилади.

10. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини савдога чиқаришда қуйидагилар кўрсатилади:

инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи учун тўловларни амалга ошириш муддатлари;

лойиҳанинг фаолият тури ёки йўналиши;

лойиҳа амалга ошириладиган ер участкаси ва унинг жойлашган жойи (локацияси);

Компания белгиланган аудиторлик ташкилоти томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнининг аудитдан ўтказилиши;

«E-auksion» электрон савдо платформаси оператори хизмати учун тўловларни аукцион ғолиби томонидан тўлаш;

Компаниянинг лойиҳадаги иштирокининг фоизи (50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда).

Бунда аукцион савдоларида шаклланган нархнинг 35 фоизи бир ой ичида, қолган қисми тенг улушларда ўн икки ой давомида тўланади.

11. Инвестиция лойиҳаси юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали амалга оширилганда — ташкил этиладиган хўжалик жамиятининг корпоратив шартномасида, оддий ширкат шартномаси орқали амалга оширилганда — оддий ширкат шартномасида қўшимча равишда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ томонларнинг бир-галикдаги мажбуриятлари;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддати (4 йилдан кўп бўлмаган муддат);

инвестиция лойиҳаси қиймати ёки киритиладиган инвестиция ҳажми;

инвестиция ҳажмларини ўзлаштириш режа-графи (йилига камида 25 фоиз);

инвестиция лойиҳасининг асосий самарадорлик (KPI) кўрсаткичлари;

Компания белгиланган аудиторлик ташкилоти томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнининг аудитдан ўтказилиши.

Компания томонидан мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларда қўшимча шартлар ва талаблар назарда тутилиши мумкин.

12. Савдо натижаларига кўра аукцион савдолари ғолиби деб топилган шахсга Компания томонидан бир томонлама қўшимча мажбуриятларни юклашга йўл қўйилмайди.

13. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш, аукцион савдоларини ўтказиш ва аукцион савдолари ғолибини аниқлашнинг ушбу Низом билан тартибга солинмаган қисми «E-auksion» электрон савдо платформасида аукцион савдолари

ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

14. Компания аукцион савдолари яқунлангандан сўнг бир ой муддатда ташкил этиладиган хўжалик жамиятига ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ва тегишли лойиҳа ҳужжатлари қайта расмийлаштирилишини таъминлайди.

3-боб. Инвестиция лойиҳаларини юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ер участкаларида амалга ошириш тартиби

15. Аукцион савдоларида шаклланган нарх, уларни ўтказиш шартларида Компаниянинг улуши 50 фоиздан кам миқдорда белгиланганда — аукцион савдолари натижаларига кўра шаклланган нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган маблағ миқдоридан кам бўлмаган маблағ аукцион савдолари ҳолиби томонидан мазкур Низомнинг 10-бандида белгиланган муддатда Компания ва аукцион савдолари ҳолиби иштирокида ташкил этиладиган хўжалик жамияти устав капиталига ҳолибнинг улуши сифатида йўналтирилади.

Бунда аукцион савдолари ҳолиби томонидан киритиладиган маблағ тўлиқ ҳажмда ўз маблағлари ва (ёки) ўз кафолати ҳисобидан жалб қилинган (истеъмолчилар маблағларидан ташқари) бошқа маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

16. Томонларнинг улушлари ўзаро келишилган ҳолда, хўжалик жамиятининг устав капиталига киритган ўз маблағлари ҳисобидан оширилиши мумкин.

17. Хўжалик жамияти устав капиталига аукцион савдолари ҳолиби томонидан киритиладиган маблағлар — ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг аукцион савдоларида шаклланган нархдан, уларни ўтказиш шартларида Компаниянинг улуши 50 фоиздан кам миқдорда белгиланганда — аукцион савдолари натижаларига кўра шаклланган нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган маблағ миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

18. Ташкил этиладиган хўжалик жамиятининг таъсис ҳужжатларида Компаниянинг улуши сотиш ёки қурилган объектнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш ҳисобидан белгиланган тартибда бегоналаштирилиши мумкин.

Бунда улуш қиймати инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг аукцион савдоларида шаклланган баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

4-боб. Инвестиция лойиҳаларини оддий ширкат шартномаси асосида ер участкаларида амалга ошириш тартиби

19. Талабгорлар аукцион савдоларида қатнашиш учун инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи бошланғич қийматининг камида 10 фоизини закатат пули сифатида кейинчалик Компания томонидан очиладиган алоҳида ҳисобвараққа «E-auksion» электрон савдо платформаси

оператори хизмат ҳақини чегирган ҳолда, «E-auksion» электрон савдо платформаси операторига ўтказлади. Бунда:

тўланадиган мазкур маблағлар ушбу Низомнинг 10-бандига мувофиқ бир ой ичида тўланиши белгиланган, аукцион савдоларида шаклланган нархнинг 35 фоизини тўлашда ҳамда оддий ширкат шартномасига мувофиқ аукцион савдолари ғолиби ҳиссасини шакллантиришда ҳисобга олинади;

аукцион савдолари ғолиби томонидан амалга ошириладиган тўловлар оддий ширкат шартномасида белгиланган алоҳида ҳисобвараққа ўтказилади.

20. Аукцион савдолари ғолиби томонидан тўланадиган маблағлар («E-auksion» электрон савдо платформаси оператори хизмат ҳақи бундан мустасно) оддий ширкат шартномасида белгиланган инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилади ва унинг ҳиссаси сифатида ҳисобга олинади. Бунда Компаниянинг ҳиссаси қиймати инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг аукцион савдоларида шаклланган нархи миқдорида белгиланади.

21. Кўчмас мулк қурилиши бўйича харажат ва даромадларнинг ҳисоби алоҳида юритилади ва лойиҳа натижасида ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг қиймати тўлангандан сўнг олинган соф фойда ёки унинг бир қисми оддий ширкат шартномасида белгиланган тартибда тақсимланади.

Бунда соф фойда тақсимои мутаносиб равишда лойиҳа иштирокчиларининг улушидан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

22. Оддий ширкат шартномаси шартлари инвестор томонидан бажарилмаган тақдирда, инвестор томонидан киритилган маблағлар қайтарилмайди.

23. Инвестиция лойиҳаси бўйича харажат ва даромадларнинг ҳисоби алоҳида юритилади ва аукцион савдолари ғолиби томонидан тўловлар тўлиқ тўлангандан сўнг олинган соф фойда оддий ширкат шартномасида белгиланган тартибда тақсимланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

24. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда аукцион савдолари ғолиби томонидан ўз ҳиссаси (улуши) тўлиқ тўлангандан сўнг ҳиссанинг (улушининг) бозор қийматидан келиб чиқиб, томонлар келишувига кўра уларнинг бири ёки иккаласининг қўшимча маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳасидаги томонларнинг ҳиссалари (улушлари) миқдори ўзгариши мумкин.

25. Ушбу Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

26. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 526-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Самарқанд вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари
ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг
бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки
реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-
режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов
қийматига киритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Самарқанд вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини (бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар ва якка тартибдаги уй-жойлар бундан мустасно) қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини (кейинги ўринларда — АРТ) ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш (кейинги ўринларда — йиғим) тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

муҳандислик-коммуникация тармоқлари — электр узатиш тармоқлари, алоқа линиялари, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва сув-оқова қувурлари, темирйўл линиялари, автомобиль йўллари, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари ва шу каби бошқа иншоотлар;

транспорт инфратузилмаси — йўловчи ва юк ташувчи, шунингдек, ушбу ташувларни амалга оширувчи ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи барча соҳа ва тармоқлар мажмуаси;

ариза берувчи — АРТ олиш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахс ёки унинг буюртмасига (шартномага асосан) мувофиқ лойиҳа ташкилоти;

жамғарма — Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Самарқанд вилоятини ривожлантириш жамғармаси;

компания — Самарқанд вилояти ҳокимлиги таъсисчилигидаги «Самарқанд Инвест компанияси» акциядорлик жамияти.

3. Самарқанд вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ киритилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Йиғимни ҳисоблаш ва ундириш тартиби

4. Йиғим тўлиқ ҳажмда Жамғармага ўтказилади ва Компания томонидан қуйидаги тадбирларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилади:

Компания томонидан, шу жумладан, инвесторлар иштирокида инвестиция лойиҳалари, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, Самарқанд вилояти инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ истикболли лойиҳаларни амалга ошириш;

Самарқанд вилоятининг алоҳида ҳудудларини ривожлантириш ва реновация дастурлари, мастер-режа ва қуриладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш;

ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;

реновация дастурларини амалга ошириш;

«Янги Ўзбекистон» массивлари, давлат уй-жой дастурларида кўзда тутилган массивлар, шунингдек, махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари (ичимлик суви ва оқова сув, электр энергияси, табиий газ тармоқлари ва автомобиль йўли) билан таъминлаш;

қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, инвесторнинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, шунингдек, халқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйидаги яхлит ер майдонларида ташкил этиладиган йўлбўйи инфратузилма объектларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш;

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг бюджет ссудаларини, тижорат банкларидан жалб қилинган кредитларни, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ ва маънавий зарарларни қоплашга ҳамда шаҳар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид тадбирларни молиялаштириш;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган ва Компания фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга ошириш.

5. Йиғим қуйидаги миқдорда ундирилади:

жами қурилиш ҳажмининг ҳар бир куб метри учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида;

объектларнинг қаватлар сони белгиланган параметрлардан оширилганда, қўшимча қурилиш ҳажмининг ҳар бир куб метри учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида.

Ушбу йиғим миқдорида нисбатан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши қарори асосида мазкур Низомга 2-иловада* келтирилган Самарқанд вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми учун тўлов миқдорини ҳисоблашнинг намунавий механизмига мувофиқ шаклда 0,5 дан 2 гача камайитирувчи ёки оширувчи коэффицентлар қўлланиши мумкин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. АРТ Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ берилади.

7. Ариза берувчининг аризаси Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилганидан сўнг АРТни ишлаб чиқишнинг қиймати кўрсатилган инвойс билан биргаликда:

ариза берувчига — Компанияга АРТ берилиши маъқуллангани ҳақидаги хабарнома (кейинги ўринларда — хабарнома) йиғим миқдори кўрсатилган ҳолда юборилади;

бошқа ариза берувчига хабарнома, Компания ва ариза берувчи ўртасида имзоланиши назарда тутилган йиғим миқдорини тўлаш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси (кейинги ўринларда — шартнома) юборилади.

8. Ариза берувчи хабарномага жавоб беришда шартномага мувофиқ йиғим суммасини бир йўла ёки бўлиб тўлаш механизмини танлайди.

Шартнома Компания ва ариза берувчи ўртасида имзоланади ҳамда йиғим миқдори тўлиқ тўлангунига қадар амал қилади.

9. Ариза берувчига АРТ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда берилади.

10. Ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ва келишади.

11. Йиғим миқдори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда олинган лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертиза хулосаси натижасига мувофиқ ҳисобланади.

12. Йиғим миқдори аниқлангандан сўнг 2 иш кунida:

ариза берувчи — Компания мустақил равишда ёки шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаси юзасидан жалб қилинган инвестор билан биргаликда йиғимни тўлаш режа-графикни тасдиқлайди ва ушбу режа-график асосида йиғим тўланишини таъминлайди;

бошқа ариза берувчи йиғим миқдорининг 20 фоизи миқдоридаги олдиндан тўловни тўлаган ҳолда, шартномани имзолайди ва йиғимнинг қолган 80 фоиз миқдори шартномага мувофиқ тўланишини таъминлайди.

3-боб. Яқунловчи қоида

13. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 526-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Самарқанд вилоятида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини
амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Самарқанд вилоятида қиймати 1 миллион АҚШ доллари-гача эквивалентдаги тижорат мақсадида фойдаланиш имкони мавжуд бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда — ДХШ) — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги;

ДХШ битимини тузиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати — баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш қиймати ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, баҳолаш ва уларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар қиймати йиғиндиси;

ДХШ лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилма вазифаларини амалга оширишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида соддалаштирилган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ДХШ объекти — ушбу Низомга 1-иловада* белгиланган объектлар негизида лойиҳалаштирилиши, қурилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция ва модернизация қилиниши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши ДХШ лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

давлат шериги — Самарқанд вилоятида ишга тушириш қиймати 1 миллион АҚШ доллари-гача эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ваколати берилган «Самарқанд Инвест компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Компания);

оператор — савдо платформасида аукцион савдоларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» акциядорлик жамияти;

хусусий шерик — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Компания таклифи асосида халқ депутатлари Самарқанд вилояти ва туман (шаҳар) Кенгашларида ҳамда жамоатчилик билан очиқ муҳокама қилган ҳолда, Самарқанд вилоятида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

4. Самарқанд вилоятида ДХШ лойиҳаси соддалаштирилган тартибда ушбу Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Хусусий шерикка ДХШ битими муддати тугагандан сўнг ДХШ объекти Самарқанд вилоят ҳокимлигига қайтариш шарти билан узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида 10 йилгача берилади.

6. ДХШ битимини тузиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати Компания томонидан ушбу Низомга асосан белгиланади.

7. ДХШ битимида назарда тутилмаган ҳамда қиймати 1 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган лойиҳаларни ушбу Низомда белгиланган соддалаштирилган тартибда аукцион савдоларга чиқаришга йўл қўйилмайди.

8. Самарқанд вилоятида қиймати 1 миллион АҚШ долларигача эквивалентдаги ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун унинг концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқиш талаб этилмайди.

2-боб. ДХШ лойиҳаси шартларини тасдиқлаш ва ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш тартиби

9. ДХШ лойиҳаси ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ намунавий шакл асосида Компания томонидан тасдиқланган шартларда амалга оширилади. Бунда:

ДХШ лойиҳасини амалга оширишда капитал қурилмалар қурмаслик, муҳандислик тармоқларига зарар етказмаслик ва объектлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик шартлари кўзда тутилиши шарт;

Компания ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартларини Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар ва ДХШ объектининг балансда сақловчилари билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

10. Ер остида муҳандислик тармоқлари ўтган ёки ташқи муҳандислик тармоқлари муҳофаза зонасида жойлашган ҳудудларда капитал қурилмалар қурмаслик, муҳандислик тармоқларига зарар етказмаслик ва объектлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик шартлари билан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ваколатли органлар билан келишилган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

11. ДХШ лойиҳаси шартлари ва (ёки) ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Компания томонидан энг яхши таклифларни танлаш йўли билан лойиҳа, консалтинг ва аудиторлик ташкилотлари жалб қилиниши мумкин.

12. ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш қийматини аниқлаш учун Компания томонидан энг яхши таклифларни танлаш йўли билан баҳолаш ташкилоти жалб қилинади.

13. Компания томонидан ДХШ битими лойиҳаси тайёрланади.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. ДХШ битимида қуйидагилар назарда тутилади:
ДХШ битимининг тарафлари тўғрисидаги маълумотлар;
ДХШ битимининг предмети;
тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;
Компания ва хусусий шерик ўртасида хавф-хатарларнинг тақсимланиши;
ДХШ объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичларга оид умумий параметрлари ва самарадорлик бўйича талаблар, шу жумладан, ДХШ битимиға мувофиқ ўтказилган ёки лойиҳалаштирилиши, қурилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, фойдаланилиши ва (ёки) хизмат кўрсатилиши лозим бўлган бошқа ДХШ объектларининг тавсифи, улардан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари;
ДХШ лойиҳаси билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддатлари ва тартиби;
тарафларнинг тегишли инфратузилмага нисбатан ва ДХШ лойиҳаси бўйича ҳуқуқлари, шунингдек, уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби;
ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун талаб этиладиган ДХШ объектларини хусусий шерикка бериш тартиб-таомили ва бошқа шартлари;
хусусий шерик томонидан товарларга, бажариладиган ишларга, кўрсатиладиган хизматларга доир нархларни, тарифларни белгилаш ва ўзгартириш шартлари;
тарафларнинг ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш усуллари, миқдорлари ва муддатлари;
ДХШ битимининг муддати ва ушбу муддатни белгилаш тартиби;
ҳақ тўлаш, эркин фойдаланиш учун тўлов, фойдаланганлик учун тўлов, хусусий шерикнинг Компанияга тўлови ва/ёки бошқа тўловларнинг шакллари, миқдорлари, муддатлари, шартлари, уларни тўлаш тартиби, шу жумладан, ДХШ лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан даромадларнинг (фойданинг) тақсимланиши;
ДХШ битимиға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;
ДХШ битимини тугатиш асослари, тартиби ва шартлари, муддатида олдин тугатилганлик учун тўлов миқдори ва тартиби;
ДХШ лойиҳасининг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби;
ДХШ лойиҳасини суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар;
ДХШ лойиҳаси доирасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажбуриятлар;
тарафларнинг ДХШ битимиға доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиги;
низоларни ҳал этиш тартиби;
Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга олиш ва меҳнатдан фойдаланишга нисбатан қўлланадиган шартлар тўғрисидаги ишонтиришлар ва кафолатлар;
хусусий шерикнинг улушларига эгалик қилишга нисбатан талаблар ва хусусий шерикнинг ҳамда унинг аффилланган шахсларининг мол-мулкига нисбатан бошқа мулкӣ ҳуқуқлар;

махфийлик;

атамалар ва уларга доир тушунтиришлар;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

15. Компания ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини барча ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг «E-auksion» электрон савдо платформасининг онлайн-аукцион савдоларига чиқаришга буюртма беради. Бунда «E-auksion» электрон савдо платформасига юклаш учун қуйидаги ҳужжатлар операторга тақдим этилади:

ДХШ лойиҳаси шартлари;

ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш бўйича баҳолаш ташкилотининг ҳисоботи;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан келишилган ДХШ битими лойиҳаси, Компания томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда; мавжуд бўлганда лойиҳа ҳужжатлари.

16. ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқаришда қуйидагилар кўрсатилади:

ДХШ объекти тўғрисида маълумот ва унинг жойлашган жойи (локацияси);

ДХШ лойиҳаси қиймати;

ДХШ битимини тузиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати ва уни тўлаш муддатлари;

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

Компания белгиланган аудиторлик ташкилоти томонидан ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнининг аудитдан ўтказилиши;

«E-auksion» электрон савдо платформаси оператори хизмати учун тўловлар аукцион савдолари ғолиби томонидан амалга оширилиши.

Бунда аукцион савдоларида шаклланган ДХШ битимини тузиш ҳуқуқи нархининг 35 фоизи бир ой ичида, қолган қисми тенг улушларда ўн икки ой давомида тўланади.

17. Аукцион савдолари натижалари бўйича ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушган маблағлар Компания томонидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Самарқанд вилоятини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

18. ДХШ лойиҳаси бўйича аукцион савдоларини ўтказишнинг ушбу Низом билан тартибга солинмаган қисми «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

19. Савдо натижаларига кўра аукцион савдолари ғолиби деб топилган шахсга Компания томонидан бир томонлама қўшимча мажбуриятларни юклашга йўл қўйилмайди.

3-боб. ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби

20. ДХШ битими икки томонлама электрон рақамли имзо билан тасдиқлангандан кейин уч календарь куни мобайнида Компания расмий тар-

тибда уч нусхадан иборат ДХШ битимининг электрон ва қоғоз кўринишдаги нусхаларини ваколатли давлат органига ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритиш учун тақдим қилади.

21. ДХШ лойиҳаси реестрга киритилгандан сўнг 5 иш куни мобайнида Компаниянинг расмий веб-сайтига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар порталига (www.data.gov.uz) жойлаштирилади.

22. ДХШ лойиҳасининг реестрда жамланган маълумотлари ва ахборотларидан ҳеч қандай тўловларсиз фойдаланилади.

23. Компания ДХШ лойиҳаси бажарилиши ва ДХШ битими шартларига риоя этилишини мониторинг қилиб боради.

24. Компаниянинг, заруратга кўра, жойларда мониторинг ўтказиши учун ДХШ объектига кириши ва тегишли ҳужжатлардан фойдаланиши таъминланади.

25. Мониторинг ўтказиш учун Компания вазирлик, идора ва консалтинг компанияларидан мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

26. Мониторинг қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

лойиҳани ўз вақтида ва самарали амалга оширишни таъминлаш;

ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари бажарилишини ўрганиш;

лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва ўрганиш, бартараф этиш бўйича ҳамкорликда тезкор чоралар кўриш;

тасдиқланган муддатлар ва ҳажмларга мувофиқ равишда лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш устидан назорат ўрнатиш;

ДХШ лойиҳаси бўйича олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

27. ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисобот Компанияга хусусий шерик томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳолда ҳар олти ойда тақдим этилади. Бунда ҳисобот шакллари Компания томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

28. Хусусий шерик ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши, тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

29. Компания хусусий шерик томонидан тақдим қилинган ҳисоботларни умумлаштиради ҳамда якуни бўйича маълумотларни Самарқанд вилояти ҳокимлигига тақдим этади.

30. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар Компаниянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 526-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Самарқанд вилоятида шаҳарсозлик реновация лойиҳаларини
амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Самарқанд вилоятида «Самарқанд Инвест компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Компания) томонидан шаҳарсозлик реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар фойдаланилади:

нотурар жой — турар жойлар сирасига кирмайдиган, шу жумладан, турар жойларга туташ ва (ёки) турар жойнинг таркибий қисми бўлган бино ва иншоотлар;

шаҳарсозлик реновацияси — аҳоли учун қулай яшаш муҳитини шакллантириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида авария ҳолатидаги мавжуд яроқсиз деб топилган, шу жумладан, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмалари эскирган, эксплуатация муддати ўтган, яроқсиз ҳолга келган турар ва нотурар жойларни ҳамда яроқли турар ва нотурар жойларни замонавий талабларга мувофиқ қайта қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилишга қаратилган ва амалга ошириладиган интенсив қурилиш тадбирлари мажмуи (кейинги ўринларда — реновация);

шаҳарсозлик реновация лойиҳаси — Компания томонидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда кўчмас мулк мулкдорлари билан келишилган ҳолда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида ташкил этиладиган техник ҳолатни аниқлаш комиссиялари хулосалари асосида алоҳида ёки бир-бирига қўшни бўлган икки ва ундан ортиқ турар ва нотурар жойларда бош режага асосан табиатга зарар етказмаган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар (кейинги ўринларда — реновация лойиҳаси).

3. Реновация лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 21 февралдаги ПФ–26-сон Фармонида белгиланган талабларга мувофиқ қуйидаги асослардан бири ёки барчаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

реновация ҳудудида жойлашган турар ва нотурар жой объектлари эскирган ёки яшаш, фойдаланиш, ишлатиш учун яроқсиз бўлиб, авария ҳолатига келиб қолгани, ҳудуд аҳолисининг ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги;

фавқулодда ҳолатларда Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси хулосалари асосида реновация лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда;

Самарқанд вилоятида реновация лойиҳаларини амалга оширишга доир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганда;

Самарқанд вилоятининг тасдиқланган бош режаси ва туман (шаҳар) ҳудуди қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳалари (мастер-режалар) га асосан реновация лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган тақдирда.

4. Реновация лойиҳаси қуйидаги шартлар бажарилган ҳолда амалга оширилади:

а) реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудудининг аниқ чегараси аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ Самарқанд вилояти ҳокимининг тегишли қарори билан белгиланади;

б) реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудудида қурилиши зарур бўлган ижтимоий инфратузилма объектлари белгиланади;

в) Компания буюртмасига асосан Кадастр агентлигининг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудудида янги қурилиш ишлари режалаштириладиган ер участкаларининг чегараларига тузатишлар киритилади;

г) турар ва (ёки) нотурар жой объекти бузилиши талаб этилганда, уларнинг мулкдорлари розилиги мавжуд бўлган тақдирда, бузиладиган объектлар ўрнига ушбу объектлар бузиладиган ҳудуддан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда уларнинг майдонидан кам бўлмаган майдон ҳажмида, аммо унинг майдонидан 1,2 баравардан ортиқ бўлмаган ҳажмда нотариал тартибда тасдиқланган келишув битими асосида мутаносиб турар ва (ёки) нотурар жой объекти билан беғараз таъминланади ёхуд мулкдорларнинг хоҳишига кўра бошқа турдаги компенсация тўланиши тартиби ва муддатлари белгиланади;

д) реновация ҳудудидаги хонадонлар мулкдорларига янги қурилган турар жойлардаги хонадонлар бериладиганда, мазкур мулкдорларга янги хонадонлар топширилгунга қадар улар оила аъзолари билан бирга вақтинча яшаши учун турар жой билан таъминланади ёки ижара ҳақи тўлаб берилади;

е) бузилиши талаб этилган турар ва (ёки) нотурар жой объекти юзасидан мулкдорларнинг ипотека мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда, мулкдорларга ушбу объектлар бузиладиган ҳудуддан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда нотариал тартибда тасдиқланган келишув битими асосида мутаносиб равишда тақдим этиладиган янги турар ва (ёки) нотурар жой объектига нисбатан мулкдорларнинг ушбу ипотека мажбуриятлари ва шартлари ўзгартирилмасдан сақлаб қолинади;

ж) реновация лойиҳаси доирасида янги қуриладиган турар ва нотурар жойлар эгаллаган майдон ҳажмининг (автотураргоҳ қисми ва реновация ҳудудида жойлашган эскирган уйлардаги хонадонлар мулкдорларига бериладиган хонадонлар майдони бундан мустасно) ҳар бир куб метри учун тасдиқланган миқдордаги тўловлар реновация лойиҳасини амалга оширишга доир тегишли инвестиция шартномасида белгиланган муддатларда тўланади;

з) зарурат мавжуд бўлган тақдирда, турар жойлар уй-жой фондидан чиқарилади;

и) зарурат мавжуд бўлган тақдирда, турар ва нотурар жойлар ихтисослиги ўзгартирилади;

к) реновация лойиҳаси ҳудудида мавжуд мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган ва умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган болалар ҳамда ўқувчилар бошқа тегишли мактабгача таълим ташкилотларига ва умумий ўрта таълим мактабларига навбатсиз жойлаштирилади;

л) реновация лойиҳасини амалга ошириш даврида ҳудуддаги жойларни бузишда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишга йўл қўйилмайди;

м) реновация лойиҳаси доирасида қурилиш ишларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига мазкур бандга мувофиқ реновация ҳудудида жойлашган турар ва нотурар жойларни қуйидагилар асосида белгиланган тартибда бузишга рухсат берилади:

уларнинг мулкдорлари билан нотариал тартибда имзоланган битимлар;

Самарқанд вилоятида ташкил этиладиган Уй ёки турар жойнинг техник ҳолатини аниқлаш комиссияларининг тегишли хулосалари;

суд қарори.

5. Реновация лойиҳаси ушбу Низомга иловада* келтирилган Реновация лойиҳасини амалга ошириш схемасига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Реновация лойиҳасини ташаббус қилиш ва амалга ошириш тартиби

6. Реновация лойиҳаси Компания томонидан мустақил равишда, шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда «Самарқанд Инвест компанияси» АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини ер участкаларида амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инвесторни танлаб олиш натижасида Компания ва аукцион савдолари фолиби ўртасида тегишли инвестиция шартномаси тузилади.

7. Реновация ҳудудида реновация лойиҳасини амалга ошириш учун барча мулкдорларнинг нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги олинган ёки реновация лойиҳаси қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз эллик минг бараваридан ошмаган ҳолатларда Компания ер участкасига ижара ҳуқуқини бериш учун аукцион савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш орқали реновация лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ҳамкорни танлаб олиш ваколатига эга.

Реновация лойиҳасини ташаббус қилиш ва тасдиқлаш тартиби халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан белгиланади.

Энг яхши таклифлар асосида реновация лойиҳасини амалга ошириш учун ҳамкорни танлаб олиш натижасида Компания ва ҳамкор ўртасида тегишли инвестиция шартномаси имзоланади.

8. Реновация лойиҳасини амалга ошириш бошланишидан камида бир ой олдин Компания:

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларга доир тегишли ёзувларни давлат реестрига киритиш учун Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг тегишли туман филиалига;

коммунал тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш учун коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига;

уйларни сақлаш харажатлари юзасидан мажбурий бадал ва тўловлардан мулкдорларнинг қарздорлиги бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш учун кўп квартиралар турар жойларни бошқариш органларига;

тегишли солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш учун солиқ органларига хабарнома юборади.

9. Реновация лойиҳаси ҳудудида қурилиш ва (ёки) реконструкция қилиш ишларини бажариш, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни белгилаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Реновация лойиҳаси натижасида қурилган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳамда тегишлича мулкдорларга ажратиш

10. Реновация лойиҳасини амалга оширувчи инвестор ёки Компания ўз номига давлат рўйхатидан ўтказилган ва фойдаланишга қабул қилинган турар жойларни тегишлича мулкдорларга шартномага мувофиқ янги уй-жойни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида ажратиб беради.

Янги уй-жойни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ушбу уй-жойга мулк ҳуқуқининг вужудга келишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ҳамда ушбу уй-жойларни мулкдор номига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишга асос ҳисобланади.

Реновация ҳудудида кўп квартиралар турар жойлар қуриш ишлари якунланганидан сўнг уч ой муддатда кўп квартиралар турар жойлар мулкдорларига мазкур турар жойлар эгаллаган ва уларга туташ ҳудудлар доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

11. Шартнома бўйича мажбуриятлардан ортган уй-жойлар инвестор томонидан мустақил тасарруф этилади.

4-боб. Якунловчи қоида

12. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

489 Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини жалб қилган ҳолда ваучер асосида касб ва хорижий тилларга ўқитиш tizimini жорий қилиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 4 октябрдаги ПҚ–347-сон ҳамда «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПҚ–12-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПҚ–12-сон қарорида:

ишсиз аҳолини, шу жумладан, камбағал оилалар аъзоларини касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш харажатларини қоплаб бериш бўйича ваучер тизими 2025 йил 1 февралдан Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида синовдан ўтказилиши ҳамда кейинчалик ушбу тизимнинг барча ҳудудларда жорий қилиниши белгилангани;

аҳолига касб ва хорижий тилларга ўқитадиган таълим ташкилотларини мустақил танлаш ҳуқуқи берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (кейинги ўринларда — вазирлик)нинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

ваучер тизими бўйича бозор талабидан келиб чиқиб, таълим йўналишларини ҳамда мазкур йўналишлар учун энг юқори нархни белгилаш, бунда энг юқори нархни ўқув соати, гуруҳдаги тингловчиларнинг сони, ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва таълим ташкилотини сақлаш харажатларидан келиб чиқиб белгилаш;

вазирликнинг ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида малака талабларини белгилаган ҳолда, ўқув ва имтиҳон жараёнларини масофавий мониторинг қилиш имкониятини яратиш;

иш берувчилар буюртмаси ва тижорат банклари мижозлари эҳтиёжи асосида ишсиз аҳолини, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан иш берувчи (тижорат банклари мижози), таълим ташкилоти ҳамда вазирликнинг туман (шаҳар) бўлими томонидан тузиладиган уч тарафлама шартномага мувофиқ манзилли ўқитиш;

вазирликка иш берувчиларнинг талабидан келиб чиқиб, касбий кўникмалар марказларининг намунавий ўқув дастури мавзулари, соатлари ва дарс шакллари мустақил белгилашга рухсат бериш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 августда эълон қилинган.

таълим ташкилотларида ўқув ва имтихон жараёнларини назорат қилиш тизимини тўлиқ жорий этиш, шунингдек, иш берувчилар томонидан тингловчиларни ходим сифатида танлаб олиш мақсадида уларга имтихон жараёнини кузатиш имконини яратиб бериш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Касб ва хорижий тилларга ўқитиш учун ваучер бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни касб ва хорижий тилларга ўқитиш харажатларини ваучер тизими асосида қоплаб бериш тартиби;

ваучер тизими асосида ўқитадиган таълим ташкилотлари реестрини шакллантириш;

ваучер бериш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ваучер тизими асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш тартиби.

4. Белгилансинки:

а) вазирлик томонидан:

вазирликнинг ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида ваучер тизими асосида ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни ўқитадиган таълим ташкилотларининг электрон реестри (кейинги ўринларда — реестр) юритилади;

ишсиз аҳолини, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни ваучер тизими асосида ўқитмоқчи бўлган таълим ташкилотларига қўйиладиган талаблар белгиланади ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтида ва ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида очик эълон қилинади;

белгиланган талабларга жавоб берадиган давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари реестрга киритилади;

б) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

босқичма-босқич вазирлик тизимидаги касбий кўникмалар марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилади (Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти асосида ташкил этилган касбий кўникмалар минтақавий марказлари бундан мустасно);

марказлар даромадларининг камида 25 фоизи бино ва иншоотларни сақлаш, моддий-техник таъминот, шунингдек, коммунал ва бошқа харажатларга йўналтирилади;

иш берувчилар ва таълим ташкилотларига касбий таълим, хорижий тиллар ҳамда дуал таълим курсларини ташкил этиш учун тўғридан-тўғри шартномалар асосида, биринчи навбатда, ўзини ўзи молиялаштириш имкониятига эга бўлмаган марказларнинг бино ва иншоотларини иш берувчилар ва таълим ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар асосида текин фойдаланиш ёки узоқ муддатли ижарага беришда ўзини ўзи молиялаштириш имкониятига эга бўлмаган марказлар танланади;

в) марказлар ходимларининг штат жадвали вазирлик билан келишган ҳолда ушбу марказлар томонидан белгиланади.

5. Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда ўзларининг дастурий таъминотларини вазирликнинг ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотига интеграция қилсин.

6. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 август,
527-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 20 августдаги 527-сон қарорига
ИЛОВА

**Касб ва хорижий тилларга ўқитиш учун ваучер бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни касб ва хорижий тилларга ўқитиш харажатларини ваучер тизими асосида қоплаб бериш ҳамда мазкур жараёнда иштирок этувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти асосида ташкил этилган касбий кўникмалар минтақавий марказларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

ваучер — ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган, иш қидираётган шахсларнинг касб ва хорижий тилларга ўқиш харажатларини қоплаб бериш имконини берувчи ҳужжат;

давлат таълим ташкилотлари — вазирлик тизимидаги касбий кўникмалар марказлари (кейинги ўринларда — марказлар), Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги техникумлар, касб ва хорижий тилларга ўқитадиган бошқа давлат таълим ташкилотлари;

ишсиз — туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) бўлимлари) томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахслар;

«Камбағал оилалар реестри» — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг электрон базасига киритилган камбағал оилалар рўйхати;

нодавлат таълим ташкилотлари — давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибда таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахс — ишга жойлашишда кўмак олиш учун туман (шаҳар) бўлимларига мурожаат қилган ва у ерда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахс;

сертификат — давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ва якуний малака имтиҳон-

ларини муваффақиятли топширган шахсларга ушбу Низомга 1-иловадаги* намуна асосида тақдим этиладиган ҳужжат;

талабгор — ваучер олиш истагида туман (шаҳар) бўлимларига тўғридан-тўғри ёки маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари орқали, шунингдек, ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали онлайн мурожаат қилувчи ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахслар;

таълим ташкилотлари — давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари;

ҳудудий бошқарма — Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари;

Таълим ташкилотларининг электрон реестри (кейинги ўринларда — электрон реестр) — касб ва хорижий тилларга ўқитиш дастурларида иштирок этувчи таълим ташкилотлари тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни ўзида жамлайдиган электрон ахборот тизими;

ўқув дастури — ўқув юкмаси асосида Республика касбий кўникмалар маркази томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда вазирлик билан келишилган касб ва хорижий тиллар бўйича фаннинг мазмуни ва ўқитиш тартиби, тингловчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва кўникмаларнинг ҳажмини белгилаб берадиган дарслар мажмуаси;

ўқув курси тингловчилари (битирувчилари) — ўқув дастури асосида касб ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ташкил этилган ўқув курсларида таҳсил олаётган (битирган) фуқаролар.

2-боб. Ваучер тизими асосида ўқитадиган таълим ташкилотлари реестрини шакллантириш

4. Вазирлик томонидан:

вазирликнинг ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида ваучер тизими асосида ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни ўқитадиган таълим ташкилотларининг электрон реестри юритилади;

ишсизлар, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни ваучер тизими асосида ўқитмоқчи бўлган таълим ташкилотларига қўйиладиган талаблар белгиланади ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтида ва ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида очиқ эълон қилинади.

5. Ваучер тизимидан фойдаланиш учун таълим ташкилотлари электрон реестр орқали рўйхатдан ўтади.

6. Таълим ташкилотлари электрон реестрга киришлари учун ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда электрон ариза билан вазирликка мурожаат қилади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Таълим ташкилоти электрон реестрга кириш учун вазирлик томонидан электрон реестрда шакллантирилган таълим йўналишларини танлайди ва белгиланган нарх чегарасига розилик билдиради.

Бунда:

вазирлик томонидан белгилаб бериладиган энг юқори нархлар ўқув курсларининг жамиятдаги устуворлик даражаси, меъёр бўйича ўқув соати, гуруҳдаги тингловчилар сони, ўқитувчига мазкур курслар тингловчиларига лозим даражада таълим бериш мақсадида оширилган миқдорда иш ҳақи қўлланиши, ўқитувчига бериладиган иш ҳақидан ташқари таълим ташкилотининг сақлаш харажатлари ва бошқа ҳолатларни назарда тутган ҳолда вазирликнинг тегишли ишчи гуруҳи томонидан шакллантирилади;

таълим ташкилоти томонидан таклиф қилинган таълим йўналиши нархи вазирлик томонидан белгиланган энг юқори нархдан кам бўлган ҳолларда, таълим ташкилоти томонидан таклиф қилинган нарх электрон реестрда мазкур таълим ташкилоти учун жорий тақвим йили якунига қадар амал қилади.

8. Электрон реестрга киритиш бўйича аризалар ҳудудий бошқарма масъуллари томонидан 15 иш кунигача ўрганиб чиқилади, талабга жавоб берган таълим ташкилотлари электрон реестрга киритилади ва вазирлик томонидан бир иш кунida тасдиқланади.

Белгиланган талабларга жавоб бермаган таълим ташкилотлари электрон реестрга киритилмайди ва камчиликларини кўрсатган ҳолда аризаси рад этилади. Таълим ташкилотлари камчиликларни бартараф этганидан сўнг такроран ариза беришлари мумкин.

9. Таълим ташкилоти қуйидаги ҳолларда электрон реестрдан чиқарилади:

таълим ташкилоти томонидан таълим хизматлари сифатсиз кўрсатилганда ёки умуман кўрсатилмаганда;

таълим ташкилоти белгиланган ўқув дастурларига риоя қилмаганда;

таълим ташкилоти ушбу Низомда белгиланган талаблар ва шартларга риоя этмаганда;

таълим ташкилотига берилган лицензия белгиланган тартибда бекор қилинганда;

таълим ташкилоти фаолияти тўхтатилганда ёки тугатилганда.

3-боб. Ваучер бериш ва ундан фойдаланиш тартиби

10. Талабгор ваучер олиш учун туман (шаҳар) бўлимларига тўғридан-тўғри ёки маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари орқали, шунингдек, ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

11. Талабгор ваучер беришни сўраб мурожаат қилганда, биринчи навбатда, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан бир кун муддатда талабгорга унинг мутахассислигидан келиб чиқиб, мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари таклиф қилинади. Фуқаронинг мутахассислиги бўлмаганда ёки таклиф этилган иш ўрни маъқул келмаганда, унга касб ёки хорижий тилга ўқитиш бўйича ваучер тақдим этиш масаласи кўриб чиқилади.

Ваучер тақдим этиш масаласини кўриб чиқишда талабгор ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида реал вақт режимида скорингдан ўтказилади. Талабгорнинг скоринг натижасида ишсиз, шу жумладан, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оила аъзоси ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахс эканлиги аниқланса, у ваучер олиш ҳуқуқига эга бўлади.

12. Ваучер талабгорнинг доимий яшаш ҳудудидан қатъи назар, экстерриториаллик тамойили асосида берилади.

Бунда талабгор расмий яшаш манзили бўлмаган ҳудуддаги туман (шаҳар) бўлимларига мурожаат қилганда, мазкур туман (шаҳар) бўлими талабгорнинг расмий яшаш манзилидаги туман (шаҳар) бўлимига электрон тарзда сўров жўнатади ва сўров жўнатилган туман (шаҳар) бўлимининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган смета маблағлари доирасида ваучер шакллантириб берилади ҳамда ваучер қийматида бўлган маблағ харажатлар сметасида банд қилинади.

Талабгор мурожаат этган туман (шаҳар) бўлимининг ўқитиш режаси бажарилиши кўрсаткичи сифатида қайд қилинади.

13. Ваучер QR-код билан тасдиқланади. QR-кодни сканер қилиш орқали талабгор электрон реестрга киритилган таълим ташкилотларининг манзилини, уларда ўқитиладиган касблар ва хорижий тилларни аниқлаш имконига эга бўлади ҳамда манзили ва шароити бўйича ўзига маъқул келадиган таълим ташкилотларини танлаши мумкин бўлади.

14. Талабгор ваучердан у берилган санадан бошлаб 3 ой муддатда фойдаланиши (фаоллаштирилиши) лозим.

Ушбу муддатда фойдаланилмаган (фаоллаштирилмаган) ваучерлар ўз қучини йўқотади ва бекор қилинган ваучерлар рўйхатига киритилади. Бунда фуқаролар янги ваучер олиш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилишлари мумкин.

Ваучер таълим ташкилоти томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб (ўқув гуруҳи шакллантирилган ёки шакллантирилмаганидан қатъи назар) фаоллашган ҳисобланади.

Ваучер асосида касб ва хорижий тилларни ўрганиш истагини билдирган талабгор бир маротаба бепул ўқиш ҳуқуқига эга.

15. Талабгорда ваучерда кўрсатилган касб ёки хорижий тилни ўзгартириш истаги пайдо бўлганда, ваучер олинган ҳудуддаги туман (шаҳар) бўлимларига ваучернинг фаоллаштириш муддати тугагунга қадар қайта мурожаат қилиши мумкин.

Бунда дастлабки берилган ваучер таълим ташкилотлари томонидан фаоллаштирилмаган бўлиши шарт.

16. Талабгор ваучерни таълим ташкилотида фаоллаштириш жараёнида таълим ташкилоти таълим тури анъанавий ёки қисман онлайнлиги ҳақида фуқарони ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини хабардор қилади.

17. Вазирликнинг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида иш берувчи томонидан киритилган бўш иш ўринлари учун зарурий кўникмаларга эга бўлган иш қидираётган фуқаролар мав-

жуд бўлмаган ҳолларда иш берувчининг талабига мувофиқ ваучер тизими бўйича ишсиз фуқаро (гуруҳ) ўқитилади.

Бунда туман (шаҳар) бўлими, иш берувчи ва ишсиз фуқаро томонидан уч томонлама шартнома тузилади ва иш берувчи битирувчиларни камида 6 ой давомида узлуксиз меҳнат билан таъминлаш мажбуриятини олади. Шартноманинг бошқа шартлари ва мажбуриятлари томонлар келишуви асосида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

18. Таълим ташкилотлари меҳнат бозори талаблари, соҳада кузатилаётган тенденциялар ва ўзгаришлар, таълим олувчиларнинг хоҳиши ёки иш берувчиларнинг талабидан келиб чиқиб, вазирлик томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастури мавзулари, соатлари ва дарс шаклларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича вазирликка таклифларни исталган вақтда тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда келиб тушган таклифлар вазирлик томонидан 15 кун муддатда кўриб чиқилади ҳамда таълим сифатининг пасайишига ва харажатларнинг ошиб кетишига таъсир қилувчи омиллар мавжуд бўлмаганда, таълим ташкилотларига ўзгартирилган ўқув дастури бўйича таълим хизматларини кўрсатишга рухсат этилади.

4-боб. Ваучер тизими асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш тартиби

19. Вазирлик томонидан белгиланган йўналишлар бўйича ўқув курсларининг энг юқори нарх чегарасини белгилаш мақсадида вазирликнинг буйруғи билан талаб юқори бўлган йўналишлар учун мақбул нархларни белгилаш бўйича ишчи гуруҳ тузилади.

20. Таълим ташкилотлари томонидан ўқув курсининг назарий қисмини ўқитишда видеодарслардан фойдаланилганда, ўқув курси нархи тегишли соатлар бўйича 50 фоизга камайтирилган ҳолда белгиланади.

Бунда таълим ташкилоти видеодарслардан фойдалангани тўғрисида тегишли туман (шаҳар) бўлимларини ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали хабардор қилиши шарт.

21. Ўқув курслари таълим ташкилоти томонидан тўлиқ масофавий (онлайн) тарзда ўқитиладиган бўлса, ушбу онлайн шаклда ўқитилган дарс соатлари учун ваучер 50 фоиз миқдорида тўланади.

Бунда таълим ташкилоти ўқув курслари масофавий (онлайн) тарзда ўқитиладигани тўғрисида тегишли туман (шаҳар) бўлимларини ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали хабардор қилиши шарт.

22. Талабгорларни ваучер тизими асосида касб ва хорижий тилларга ўқитиш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

23. Ваучер тизими доирасида ўқитиш харажатларининг 50 фоизи ўқиш бошланишидан олдин, қолган қисми ўқиш якуни бўйича талабгор томонидан якуний имтиҳон муваффақиятли топширилган тақдирда тўланади.

24. Ваучер тизими доирасида ўқитиш харажатларининг 50 фоизи қуйидаги тартибда олдиндан тўланади:

таълим ташкилоти томонидан талабгор тақдим қилган ваучер рўйхатга олинади;

таълим ташкилотида ҳар бир йўналиш бўйича ўқув курсини бошлаш учун гуруҳ шакллантирилади;

таълим ташкилоти гуруҳ шакллантирилгандан сўнг ўқув курсини бошлашдан бир кун аввал бу ҳақда ваучер тақдим қилган туман (шаҳар) бўлимларига ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали электрон шартнома ҳамда гуруҳдаги тингловчилар тўғрисида маълумотни юборади;

таълим ташкилоти томонидан электрон шартнома молиявий мажбурият сифатида шакллантирилади ҳамда тўловлар шартномавий хусусиятга эга бўлмаган ҳолда, туман (шаҳар) бўлимига келиб тушгандан сўнг 5 (беш) иш кунida ўқув харажатининг 50 фоизи тўлаб берилади.

25. Ўқув курслари якуни билан ecosys.mehnat.uz дастурий таъминотида жойлаштирилган тест топшириқлари асосида якуний имтиҳонлар ўтказилади ва таълим ташкилотлари томонидан шакллантирилган тест топшириқларидан камида 71 балл олган битирувчи якуний имтиҳонни муваффақиятли топширган ҳисобланади ва унга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

26. Таълим ташкилотлари:

ўқув ва имтиҳон жараёнларини ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали назорат қилиш тизими тўлиқ жорий этилишини таъминлайди;

ўқув курсларида қатнашаётган тингловчиларни кейинчалик ходим сифатида танлаб олиш учун иш берувчиларга ўқув ва имтиҳон жараёнларини кузатиш имконини яратади.

27. Таълим ташкилотлари ўқув курслари якунлангандан сўнг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали электрон сўровномалар юборади.

Туман (шаҳар) бўлимлари таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган сўровномаларга асосан ваучерларнинг қолган 50 фоизини 5 иш кунida тўлаб беради.

28. Ўқув курси якуний имтиҳонини муваффақиятли топшира олмаган тингловчилар учун аввалдан тўланган 50 фоиз маблағлар қайтариб олинмасдан таълим ташкилотида қолдирилади.

29. Тингловчилар қуйидаги ҳолатларда ўқишдан четлаштирилади:

ўз хоҳишига биноан;

таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганда;

узрли сабабларсиз меъёр бўйича ўқув соати 50 фоиздан ортиқ қолдирганда. Бунда тингловчи автоматик тарзда ўқишдан четлаштирилади ҳамда тингловчи учун аввалдан тўланган 50 фоиз маблағ таълим ташкилотидан қонунчиликда белгиланган тартибда қайтариб олинади, шунингдек, ушбу тингловчи учун берилган ваучернинг амал қилиш ҳолати бекор бўлиб, бир йил давомида унга ваучер қайта берилмайди.

Тингловчиларнинг давомати CRM (Customer Relationship Management — мижозлар билан муносабатни бошқариш) дастури орқали автоматик назорат қилинади.

30. Тингловчи узрли сабабларга кўра (бахтсиз ходиса ва оғир касаллиги) ўқув курсларида қатнаша олмаса, тингловчининг аризаси ва ўқув курсига қатнаша олмаслигини асословчи ҳужжатга мувофиқ тингловчи 1 йил давомида ўқишини давом эттириши мумкин бўлади. Бунда:

тингловчи ва таълим ташкилоти ўртасидаги ўзаро келишув асосида тингловчи учун қўшимча дарс соатлари ташкил этилади;

олдиндан тўланган 50 фоиз маблағ таълим ташкилотида сақланиб қолади ва тингловчи ўқув курсини давом эттириб, якуний имтиҳонни муваффақиятли топширса, қолган тўловлар ушбу Низомда белгиланган тартибда таълим ташкилотига тўлаб берилади.

31. Таълим ташкилоти тингловчини сабабсиз ўқув курсида иштирок этмаган ёки бошқа сабаб билан ўқишдан четлаштиргани ҳақида 3 кунлик муддатда туман (шаҳар) бўлимига бу ҳақда тегишли маълумотни ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти орқали юборади.

32. Қуйидаги ҳолларда таълим ташкилотига ваучер тизими тўловининг қолган 50 фоиз қисми тўлаб берилмайди:

тингловчи ўқишни якунласа, бироқ якуний имтиҳонни муваффақиятли топшира олмаса;

тингловчи озодликдан маҳрум этилса, хорижга чиқиб кетса ёки вафот этса.

33. Қуйидаги ҳолларда таълим ташкилотига ушбу Низом талаблари асосида таҳсил олаётган тингловчи учун ваучер тўловининг қолган қисми тўлаб берилмайди ва дастлабки тўланган 50 фоиз маблағ ҳам қайтариб олинади:

таълим ташкилоти томонидан тингловчилар ҳақида ecosys.mehnat.uz дастурий таъминоти сохта маълумотлар киритилганда;

таълим ташкилоти томонидан дарс жараёнлари ташкил этилмагани ёки ўқув курслари белгиланган ўқув дастурларига риоя қилинмаган ҳолда ташкил этилгани аниқланганда (таълим ташкилотлари меҳнат бозори талаблари, соҳада кузатилаётган тенденциялар ва ўзгаришлар, таълим олувчиларнинг хоҳиши ёки иш берувчиларнинг талабидан келиб чиқиб, вазирлик томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастури мавзулари, соатлари ва дарс шаклларига вазирликнинг рухсати билан тегишли ўзгартириш киритган ҳолда ўқув дастурларини ўқитиш ҳолатлари бундан мустасно);

тингловчи таълим ташкилотининг ташаббуси билан асоссиз равишда ўқишдан четлатилганда;

таълим ташкилотининг лицензияси ёки тасдиқномаси ёхуд маълум бир йўналишни ўқитиш учун рухсатномаси мазкур ўқув курси бўлиб ўтган даврда мавжуд бўлмаганда ёки амал қилиш муддати тугаган ёки бекор қилинганда.

34. Маблағлар таълим ташкилоти томонидан ихтиёрий равишда қайтарилмаган тақдирда, улар туман (шаҳар) бўлимлари томонидан суд тартибда ундирилади.

5-боб. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш

35. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисоби-

дан ваучер тизими харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали ҳудудий бошқармалар сўровларига асосан маҳаллий даражада очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига маблағлар молиялаштириб борилади.

36. Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ваучер тизими харажатлари учун молиялаштирилган маблағлар жорий йил якунида фойдаланилмаган тақдирда, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига қайтарилади ҳамда йил якуни билан ўтувчи қарздорликлар ҳисоб-китоб қилинган ҳолда келгуси йилда ажратиб берилади.

37. Туман (шаҳар) бўлими томонидан ваучер тизими учун ажратилган харажатлар сметасида тасдиқланган маблағлар доирасида айнан ваучер тизими харажатлари учун маблағлар етарли бўлганда, ваучер шакллантириб берилади.

6-боб. Вазирлик тизимидаги марказлар томонидан ваучер тизими бўйича кўрсатилган хизматлар ҳамда бошқа пулли хизматлардан келиб тушган маблағлардан фойдаланиш

38. Марказлар томонидан ваучер тизими бўйича кўрсатилган хизматлар ҳамда бошқа пулли хизмат маблағлари уларнинг бюджетдан ташқари жамғармасига келиб тушади.

39. Марказларнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ҳамда харажатлар амалга оширилади.

40. Қуйидагилар марказларнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари манбалари ҳисобланади:

ўқитишдан тушган маблағлар;

фаолият тури бўйича товарлар (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган маблағлар;

марказлар томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва мол-мулкни ижарага беришдан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан марказларга ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан олинган даромадлар;

ўқув жараёнлари давомида тайёрланган маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) сотишдан тушган маблағлар;

Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган маблағлар; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

41. Марказлар бюджетдан ташқари жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун кетма-кетлик устуворлиги бўйича фойдаланади:

ўқув курсларини бевосита ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш (ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш ҳақи тўловлари ҳамда ўқув жараёни учун зарур бўладиган хомашёлар);

ўқув курсларини бевосита ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қоплангандан сўнг қолган маблағларнинг кўпи билан 75 фоизи мар-

каз ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш ҳамда камида 25 фоизи марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун йўналтирилади.

Аниқ мақсадлар учун келиб тушган ҳомийлик ёки бошқа маблағлар айнан ушбу мақсадлар учун сарфланади.

42. Марказнинг хўжалик фаолияти натижасида тушган маблағлар ҳисобидан ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълим усталари ва бошқа ходимларга иш ҳақи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

43. Марказларнинг бюджетдан ташқари шахсий разна ҳисобварағида йил бошига қолдиқ маблағларидан тегишли равишда улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади ҳамда ҳар чоракда фойдаланилган маблағлар бўйича вазирликка ҳисобот тақдим этилади. Мазкур маблағлар харажат қилинмаган тақдирда, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига қайтарилади.

44. Касбий кўникмалар марказлари ваучер тизими ва хўжалик фаолияти натижасида тушган маблағлар ҳисобидан ўзининг сақлаш харажатларини қоплай олмаган тақдирда, биноларини (иншоотларни) ёки уларнинг бир қисmini жиҳозлари билан бирга белгиланган тартибда ижарага бериши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

45. Худудий бошқармалар, туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари талабгорларга ваучер беришнинг тўғри йўлга қўйилганини, ўқув жараёнининг ташкил этилгани ҳамда давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрга киритилишини ушбу Низом талаблари асосида ўз ваколатлари доирасида доимий назорат қилиб боради.

46. Вазирликнинг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги иш берувчи ташкилотнинг бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларига асосан туман (шаҳар) бўлимлари орқали ваучер тизимида таълим олиб, сертификатга эга бўлган фуқароларга мавжуд бўш иш ўринлари таклиф қилиб борилади ёки иш берувчининг буюртмаси асосида реестрга киритилган таълим ташкилотларида ўқиётган фуқаролар учун бўш иш ўрини захирада сақлайди ва бу ҳақда иш берувчига маълум қилади.

47. Вазирлик ҳамда вазирлик тизимидаги ташкилотлар, уларнинг худудий бўлинмалари ушбу Низом бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади.

48. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

490 Олий таълим ташкилотлари талабалари учун тайёрланган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари, хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари педагог ходимлари томонидан давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ тайёрланган ўқув адабиётларини сифатли, адолатли ва шаффоф тарзда экспертизадан ўтказиш ҳамда таълим соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим ташкилотлари талабалари учун тайёрланган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Маъмурий регламент) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

республикада фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари, хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари учун давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ тайёрланган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишни давлат хизмати асосида ташкил этиш тартиби;

экспертлар томонидан ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш тартиби;

давлат хизматидан фойдаланганлик учун тўлов ундириш тартиби;

ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш жараёнида иштирок этувчи мутахассисларга шартнома асосида ҳақ тўлаш тартиби;

давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш асослари.

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Маъмурий регламентга мувофиқ ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишни давлат хизмати асосида ташкил этишни мувофиқлаштиради ҳамда ўн кун муддатда ушбу давлат хизматини кўрсатувчи ишчи органни белгиласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун республикада фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари, хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар фақат Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қиладилар;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 августда эълон қилинган.

давлат хизмати орқали экспертизадан ўтказилган ва ижобий хулоса берилган ўқув адабиётларининг муаллиф(лар)и томонидан давлат хизматларидан фойдаланиш учун сарфланган харажатлари муаллиф(лар) фаолият юри-таётган олий таълим ташкилоти томонидан қоплаб берилади.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

Маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида муро-жаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўр-сатилгани учун йиғим, давлат божи ва барча турдаги тўловларнинг Ягона биллинг тизимига уланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-ликаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 август,
530-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 22 августдаги 530-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотлари талабалари учун тайёрланган
ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент республикада фаолият юритувчи давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари, хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари (кейинги ўринларда — олий таълим ташкилотлари) учун тайёрланган дарслик ёки ўқув қўлланма (кейинги ўринларда — ўқув адабиёти)ни экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент талаблари:

олий таълим ташкилотлари томонидан тайёрланган электрон ўқув адабиётларига, олий ҳарбий таълим муассасаларининг «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» ва «Махфий» грифлари мавжуд бўлган ўқув адабиётларига ҳамда «Исломунослик» ва «Диншунослик» соҳаларига оид ўқув адабиётларига нисбатан қўлланилмайди;

академик ва молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари учун тавсиявий тусга эга ҳисобланади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дарслик — муайян ўқув фанининг мавзулари тизимли, чуқур ва тўлиқ ёритилган, тегишли фан мазмунини белгиланган ҳажмда мукамал ўзлаштиришга қаратилган, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта махсус, касбий таълим, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) мос, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига, ижодий қобилиятлар ривожланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқландиган асосий ўқув наشري;

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ушбу Регламентга мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш ваколати берилган таркибий бўлинма ва (ёки) идоравий мансуб ташкилот;

талабгор — ушбу Регламентга мувофиқ ўқув адабиётини экспертизадан ўтказишни сўраб мурожаат қилган, олий таълим ташкилотида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ва (ёки) илмий тадқиқотчи;

эксперт — соҳага оид таълим муассасаси, илмий муассаса ва бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган ҳамда ишчи орган билан шартнома расмийлаштирган олий маълумотли мутахассис (раҳбар);

экспертиза маълумотномаси — экспертиза натижасига кўра ижобий хулоса билан баҳоланган ўқув адабиёти учун ишчи орган томонидан талабгорга бериладиган электрон шаклдаги QR-кодли (матрик штрихли код) ҳужжат;

Ўқув қўлланма — дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, фан асосларининг мукамал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта махсус, касбий таълим, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) мос, назарий ёки амалий машқ ва машғулотларга мўлжалланган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган ўқув наشري.

4. Давлат хизмати Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали ишчи орган томонидан кўрсатилади.

5. Ўқув адабиётини давлат хизмати орқали экспертизадан ўтказиш муддати (ҳар бир ариза учун хулоса бериш) йигирма беш иш кунини ташкил этади.

6. Электрон ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш тартиби олий таълим ташкилотлари томонидан, олий ҳарбий таълим муассасаларининг «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» ва «Махфий» грифлари мавжуд бўлган ўқув адабиётларини чоп этишга рухсат бериш тартиби тизимида ушбу олий ҳарбий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар томонидан, «Исломшунослик» ва «Диншунослик» соҳаларига оид ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси томонидан белгиланади.

7. Давлат хизматлари маркази ва ишчи орган ўртасидаги ахборот электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

8. Ишчи орган томонидан Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали келиб тушган ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш учун таълим соҳалари бўйича олий таълим ташкилотларининг етук мутахассисларидан иборат таркибда экспертлар фаолияти ташкил этилади.

9. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишда иштирок этадиган экспертларга ҳақ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг буйруғи асосида белгиланади.

2-боб. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби

10. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматлари мазкур Регламентга 1-иловадаги* схемага мувофиқ кўрсатилади.

11. Талабгор ўзи томонидан тайёрланган ўқув адабиётини экспертизадан ўтказиш мақсадида Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилди ёки ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтади.

12. Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, ўқув адабиётини экспертизадан ўтказиш учун аризани электрон шаклда тўлдиради ҳамда тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агар ўқув адабиёти ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, асосий муаллиф ёки ҳаммуаллифлардан бири қолган муаллифлар билан келишган ҳолда уларнинг номидан ариза бериши мумкин.

Бунда аризада ҳаммуаллифларга тегишли маълумотлар тўғри қайд этилгани учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда ариза автоматик тарзда ишчи органга юборилади.

13. Талабгор аризани ЯИДХП орқали тўлдирганда, ундан ЭРИ талаб этилмайди.

14. Талабгор Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, Давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан мазкур Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги аризани тўлдиради ҳамда ушбу Регламентга 3-иловада* келтирилган ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилади, рўйхатдан ўтказди ва талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг аризани 10 дақиқа мобайнида экспертизадан ўтказиш учун ишчи органга юборади.

15. Ишчи орган уч иш куни ичида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали юборилган аризага тегишли ҳужжатларни дастлабки техник экспертизадан ўтказди.

Дастлабки техник экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

олий таълим ташкилотининг расмий йўлланма хатида келтирилган маълумотлар ўқув адабиётининг электрон шаклида келтирилган маълумотларга мос келишини текшириш;

экспертиза жараёнининг адолатли ва холис ўтказилишини таъминлаш мақсадида ўқув адабиётининг электрон шаклида муаллиф, тақризчилар ва олий таълим ташкилоти номи кўрсатилмаганлигини аниқлаш;

олий таълим ташкилотининг кенгаш қароридан кўчирмани текшириш, унда, плагиаторлик (кўчирмачилик) қилинмаганлиги алоҳида кўрсатилганлиги, ўқув режа ва ўқув дастурлардаги мавзуларга мос тайёрланганлигини аниқлаш;

тақдим этилган ўқув адабиётини плагиаторликка (кўчирмачиликка) қарши текширувдан ўтказиш.

16. Талабгорга дастлабки техник экспертиза жараёнида аниқланган камчиликларни уч иш куни ичида бартараф этиш имконияти берилади.

Давлат хизматини кўрсатиш камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади ва бу ҳақида талабгорга хабар юборилади.

17. Ишчи орган дастлабки техник экспертизадан ўтган аризаларни экспертга юборади.

18. Эксперт ахборот тизими орқали юборилган ўқув адабиётини йигирма беш иш куни ичида ушбу Регламентга 4-иловада* келтирилган баҳолаш мезонлари асосида экспертизадан ўтказди ҳамда қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида баҳолайди:

баҳолаш натижаси бўйича 86 баллдан 100 баллгача балл билан баҳоланган ўқув адабиёти чоп этишга тавсия этилади ҳамда экспертнинг ижобий хулосаси асосида ишчи органга юборилади;

баҳолаш натижаси бўйича 85 балл ва ундан паст балл билан баҳоланган

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўқув адабиёти чоп этишга тавсия этилмайди ҳамда экспертнинг салбий хулосаси асосида қайта ишлаш учун ишчи орган томонидан бир иш куни ичида талабгорга қайтарилади.

Талабгор салбий баҳоланган ўқув адабиётини эксперт томонидан берилган хулоса асосида камчиликларни бартараф этган ҳолда Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали қайта ариза бериши мумкин.

Бунда қайта бериладиган ариза янги ариза сифатида қабул қилинади ва тўлов ундирилишига асос бўлади.

19. Ўқув адабиётига берилган хулосага эксперт шахсан масъул ҳисобланади.

20. Ишчи орган бир иш куни ичида ўқув адабиётининг экспертиза маълумотномасини (матрик штрихли код қўйилган) расмийлаштиради ва ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон шаклда юборади.

Бунда Ишчи орган томонидан берилган ҳужжатларнинг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

талабгор(лар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ID-карта) маълумотлари;

ўқув адабиётининг номи, тури ва бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги шифри ҳамда номи;

ҳужжатнинг ҳисобга олиш рақами ва берилган санаси.

Реестр электрон шаклда юритилади ва унинг шакли ишчи орган томонидан тасдиқланади.

21. Экспертиза маълумотномасида техник камчиликлар (ўқув адабиётининг номи, тури — дарслик ва (ёки) ўқув қўлланма ва бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги шифри ҳамда номидаги хатоликлар) мавжудлиги аниқланган тақдирда, ишчи орган томонидан ушбу маълумотнома қайта расмийлаштириб берилади.

22. Ўқув адабиётининг ижобий экспертизадан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотнома асосида талабгор ушбу ўқув адабиётини чоп этиши ҳуқуқига эга бўлади,

23. Марказлашган маблағлар ҳисобидан нашр этиладиган ўқув адабиёти ишчи орган томонидан таълим соҳалари бўйича шакллантириладиган эҳтиёж асосида Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг тегишли буйруғи билан амалга оширилади.

3-боб. Давлат хизматидан фойдаланганлик учун тўлов ундириш тартиби

24. Ишчи орган томонидан дастлабки техник экспертизадан ўтказилган ва камчилик аниқланмаган аризаларни экспертизадан ўтказиш ва давлат хизматини кўрсатиш учун ариза топшириш вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади ва тўлов тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, тўлов суммасининг 90 фоизи миқдоридаги маблағ ундирилади.

25. Тўловлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига талабгор шахсан мурожаат этганда:

18 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

40 фоизи — тегишлилиги бўйича ишчи органнинг Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига;

30 фоизи — ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишда иштирок этадиган экспертларга шартнома асосида хизматига ҳақ тўлаш учун эксперт фаолият юритаётган олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари шахсий ҳисобварағига;

қолган қисми — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

40 фоизи — тегишлилиги бўйича ишчи органнинг Бюджет муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига;

30 фоизи — ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишда иштирок этадиган экспертларга шартнома асосида хизматига ҳақ тўлаш учун эксперт фаолият юритаётган олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари шахсий ҳисобварағига;

қолган қисми — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази ҳисобварағига ўтказилади.

26. Давлат хизматини кўрсатиш қуйидаги сабабларга кўра рад этилади:

давлат хизматини кўрсатиш учун тўлов амалга оширилмаганда;

талабгор томонидан дастлабки техник экспертизада кўрсатилган камчиликлар уч иш куни ичида бартараф этилмаганда.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

27. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишни унга хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида рад этиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат

хизматларидан фойдаланишни рад этганда, унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

4-боб. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш

28. Талабгор томонидан тақдим этилган ўқув адабиёти экспертлар томонидан салбий хулоса билан баҳоланган тақдирда, мазкур хулосадан қоникмаган талабгор салбий хулоса тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кuni ичида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали электрон равишда ишчи органга апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга.

29. Талабгор апелляция шикоятини бериш учун ушбу Регламентга 5-иловага* мувофиқ шаклдаги аризани Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда тўлдиради.

30. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун ишчи органнинг буйруғи билан 5 — 7 нафар ишчи орган ходимлари, тажрибали педагоглар ва малакали мутахассислардан иборат бўлган таркибда Апелляция комиссияси тuzилади.

Апелляция комиссияси таркибига таълим соҳалари бўйича фаолият олиб бораётган экспертлар киритилмайди.

Апелляция шикояти ўн беш иш кuni мобайнида кўриб чиқилади.

Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ЯИДХП орқали хабардор қилинади.

31. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

экспертиза натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш;

экспертиза натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш.

32. Экспертиза натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Регламент талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топмаса.

33. Экспертиза натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги қарор шикоятда кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топса қабул қилинади.

34. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

35. Талабгор Апелляция комиссияси қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

36. Давлат хизматлари маркази ва ишчи орган ходимлари томонидан талабгор тўғрисидаги шахсий маълумотларнинг махфийлиги таъминланади.

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, талабгор тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

37. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

38. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG‘I****491 Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab
olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi
to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish
haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3481-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabrdagi PQ–3413-son “Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 30-apreldagi PQ–155-son “Ichki ishlar organlari tizimini raqamli transformatsiya qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2023-yil 2-noyabrdagi 601-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3481, 2023-yil 6-dekabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 07.12.2023-y., 10/23/3481/0923-son) bilan tasdiqlangan Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir**A. TASHPULATOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 7-avgust,
440-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-avgustda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
ichki ishlar vazirining 2025-yil 7-avgustdagi
440-son buyrug'iga
ILOVA

**Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish
tadbirlarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi
yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. 5-bandda:

birinchi xatboshidagi “to'rtinchi xatboshisida” degan so'zlar “beshinchi xatboshisida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi to'rtinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Bunda, axborot texnologiyalari bo'linmalariga xizmatga kirish istagini bildirgan axborot texnologiyalari sohasidagi mutaxassis nomzodlar o'rganish bosqichidan antropometrik parametrlar tatbiq etilmagan holda sog'lig'ining umumiy xizmatga yaroqlilik darajasiga oid talablar asosida o'tadi.”;

to'rtinchi xatboshi beshinchi xatboshi deb hisoblansin.

2. 15-bandning birinchi va uchinchi xatboshilaridagi “doimiy yashash joyi” degan so'zlar “yashash joyi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 43-bandning to'rtinchi xatboshisidagi “134 ball” degan so'zlar “94,5 ball” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 68-banddagi “doimiy yashash joyi” degan so'zlar “yashash joyi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 1-ilovanning nomidan “tanlovlarsiz” degan so'z chiqarib tashlansin.

6. 2-ilovanning “Izohlar” qismi 1-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Ushbu ro'yxatdagi ayrim lavozimlar mazkur Yo'riqnomaning 1-ilovasiga muvofiq Ichki ishlar organlariga xizmatga qabul qilinadigan tor ixtisoslik bo'yicha mutaxassisliklar va lavozimlar ro'yxatiga kiritilganligi bois, ushbu lavozimlar uchun nomzodlar xizmatga tanlovning saralash bosqichisiz qabul qilinadi.”.

7. 12-ilovanning matnidagi “Doimiy yashash joyi” degan so'zlar “Yashash joyi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGINING
QARORI

492 “Kasb-hunar kollejlarni o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan ta'minlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2427-1*

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O'RQ-957-son “Ma'muriy islohotlar doirasida ta'lim sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 3-iyuldagi PQ-200-son “Ma'muriy islohotlar doirasida oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi va Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazining 2013-yil 29-yanvardagi 19, 12 va 02/QQ-2-son “Kasb-hunar kollejlarni o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan ta'minlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 2427, 2013-yil 14-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 7-son, 98-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, Madaniyat vazirligi, Sport vazirligi, Transport vazirligi, Energetika vazirligi va O'zbekiston Badiiy akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vazirining
birinchi o'rinbosari**

I. NORQULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 24-iyul,
274-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-avgustda e'lon qilingan.

**Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri**

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-iyul,
01/62-4/1-6285-son

Kelishildi:

Sog'liqni saqlash vaziri

A. XUDAYAROV

2025-yil 9-iyul

Madaniyat vaziri

O. NAZARBЕКOV

2025-yil 27-iyun

Sport vaziri

A. IKRAMOV

2025-yil 30-iyun

Transport vaziri

I. MAXKAMOV

2025-yil 26-iyun

Energetika vaziri

J. MIRZAMAHMUDOV

2025-yil 30-iyun

***O'zbekiston Badiiy
akademiyasi raisi***

A. NURIDINOV

2025-yil 25-iyun

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
24-iyuldagi 274-son hamda Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 15-yuldagi
01/62-4/1-6285-son qaroriga
ILOVA

**“Kasb-hunar kollejlari o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish
uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan
ta'minlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “Kasb-hunar kollejlari” degan so'zlar “Davlat professional ta'lim tashkilotlarini” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) nomidagi “Kasb-hunar kollejlari” degan so'zlar “Davlat professional ta'lim tashkilotlarini” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom davlat professional ta'lim tashkilotlarini (bundan buyon matnda professional ta'lim tashkilotlari deb yuritiladi) o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan ta'minlash tartibini belgilaydi.”;

3) 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Mazkur Nizomning 1 va 2-ilovalariga muvofiq Davlat professional ta'lim tashkilotlarini o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan ta'minlash me'yorlari (bundan buyon matnda Me'yorlar deb yuritiladi) asosida tegishli xom ashyo va materiallar, shu jumladan, yonilg'i-moylash materiallarini xarid qilish xarajatlari uchun mablag'lar Davlat byudjeti parametrlarida rejalashtiriladi.”;

4) 2-banddagi “kasb-hunar kollejlari” degan so'zlar “professional ta'lim tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

5) 3 — 5-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Professional ta'lim tashkilotlari tomonidan Me'yorlar asosida zaruriy xom ashyo va materiallar, shu jumladan, yonilg'i-moylash materiallarini xarid qilish uchun har yili 1-iyunga qadar kelgusi moliya yili uchun talabnoma ishlab chiqiladi hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar boshqarmalariga (bundan buyon matnda hududiy boshqarmalar deb yuritiladi) taqdim etiladi. Bunda har bir kasbdagi o'quvchilar kontingenti, mavjud moddiy-texnik baza (sharoitlar) hamda o'tgan moliya yilida ishlatilmay qolgan xom ashyo va materiallar hisobga olinadi.

4. Zaruriy xom ashyo va materiallar, shu jumladan, yonilg'i-moylash materiallarini xarid qilish uchun talab etiladigan mablag'lar bo'yicha talabnomalar hududiy boshqarmalar tomonidan umumlashtiriladi va har yili 15-iyunga qadar Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligiga (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) taqdim etiladi. Vazirlik tomonidan hududiy boshqarmalar talabnomalari

umumlashtirilib, joriy yilning 1-iyulidan kechiktirmay O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga taqdim etiladi.

5) Vazirlik tomonidan taqdim etilgan zaruriy xom ashyo va materiallar, shu jumladan, yonilg'i-moylash materiallarini xarid qilish uchun talab etiladigan mablag'lar bo'yicha umumlashtirilgan talabnomalar O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan o'rganib chiqilib, mazkur tadbirlarga kelgusi moliya yili uchun mablag'lar Davlat byudjeti parametrlarida rejalashtiriladi hamda mahalliy byudjetlarga taqsimlanadi.”;

6) 6-banddagi “kasb-hunar kollejarining” va “O'MKHT boshqarmalari” degan so'zlar tegishli ravishda “professional ta'lim tashkilotlarining” hamda “hududiy boshqarmalar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

7) 7-banddagi “Kasb-hunar kollejlari” degan so'zlar “Professional ta'lim tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 8-banddagi “kasb-hunar kolleji” degan so'zlar “professional ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 9-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “kasb-hunar kolleji” degan so'zlar “professional ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “kasb-hunar kollejining” degan so'zlar “professional ta'lim tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 10-banddagi “kasb-hunar kollejining” degan so'zlar “professional ta'lim tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 11-banddagi “kasb-hunar kollejida” degan so'zlar “professional ta'lim tashkilotida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Professional ta'lim tashkiloti direktori tomonidan Ishchi guruh xulosasiga asosan, chiqindilar va ishlatilgan xom ashyo va materiallarni hisobdan chiqarish to'g'risida buyruq chiqariladi. Hisobdan chiqarilgan chiqindilar hamda xom ashyo va materiallarning metall qismi belgilangan tartibda rangli metallolomi va chiqindilari xarid qilish korxonalariga topshiriladi va ulardan tushgan mablag'lar professional ta'lim tashkilotining g'aznachilik bo'limlarida ochilgan byudjetdan tashqari rivojlantirish jamg'arma hisobvarag'iga kirim qilinadi.”;

13) 15-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “kasb-hunar kollejining” degan so'zlar “professional ta'lim tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “kasb-hunar kolleji” degan so'zlar “professional ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 16-banddagi “kasb-hunar kollejining” degan so'zlar “professional ta'lim tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

15) 17-banddagi “Kasb-hunar kollejlari” degan so'zlar “Professional ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 18-banddagi “Kasb-hunar kollejlari” va “O'MKHT boshqarmalari” degan so'zlar tegishli ravishda “Professional ta'lim tashkilotlari” hamda “hududiy boshqarmalar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

17) 19-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. Mazkur hisobotlar hududiy boshqarmalar tomonidan besh kun ichida o‘rganib chiqilib, umumlashtirilgan holda Vazirlikka ma’lumot uchun taqdim etiladi.”;

18) 20-banddagi “kasb-hunar kollejlari” va “kasb-hunar kollejlariga” degan so‘zlar tegishli ravishda “professional ta’lim tashkilotlari” hamda “professional ta’lim tashkilotlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

19) 21-banddagi “kasb-hunar kolleji” degan so‘zlar “professional ta’lim tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

20) 1-ilovada:

ilova belgisi va nomidagi “Kasb-hunar kollejlarini” degan so‘zlar “Davlat professional ta’lim tashkilotlarini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

izoh qismidagi “KHKlaridagi”, “Kasb-hunar kollejida” va “kasb-hunar kollejlari” degan so‘zlar tegishli ravishda “Professional ta’lim tashkilotlaridagi”, “Professional ta’lim tashkilotida” hamda “professional ta’lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

21) 2-ilovada:

ilova belgisi va nomidagi “Kasb-hunar kollejlarini” degan so‘zlar “Davlat professional ta’lim tashkilotlarini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

izoh qismidagi “KHKlaridagi”, “Kasb-hunar kollejida” va “kasb-hunar kollejlari” degan so‘zlar tegishli ravishda “Professional ta’lim tashkilotlaridagi”, “Professional ta’lim tashkilotida” hamda “professional ta’lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

493 «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 3 майдаги 65-сон «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2591, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон, 275-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШПУЛАТОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 31 июль,
427-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХУДАЯРОВ

2025 йил 9 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2025 йил 31 июлдаги
427-сон буйруғига
ИЛОВА

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ **буюраман:**».
2. Низомда:
 - 1) низом муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) йўлиққан шахсларга (бундан буён матнда ҳукм қилинган шахслар деб юритилади) нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартибини белгилайди.»;
 - 2) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:
«3¹. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган ҳукм қилинган шахслар мажбурий даволанишда бўлиши даврида даволаш мақсадида ва уларнинг жисмоний ҳолати ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек тиббий кўрсатмаларга мувофиқ уларга нисбатан меҳнат терапияси қўлланилади.»;
 - 3) 4-банд қуйидаги таҳрирдаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:
«Ўмумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазо муддатини ўтаётган ҳукм қилинган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхонада амалга оширилади.
 - Манзил-колонияларида жазо муддатини ўтаётган ҳукм қилинган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида амалга оширилади.»;
 - 4) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«7. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашга ҳукм қилинган шахсларни текшириш ва даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган стандартлар ва клиник баённомаларга мувофиқ амалга оширилади.
 - Ҳукм қилинган шахсни мажбурий даволаш давомийлиги ўн саккиз ойдан ошмаслиги керак.»;
 - 5) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«10. Стационар даволаниш учун ётқизилган алкоголизм билан касалланган ҳукм қилинган шахсларнинг наркологик стационар бўлимидаги минимал

даволаниш муддати қирқ беш кундан, гиёҳванд ёки заҳарвандларни эса олти-миш кундан кам бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир ҳукм қилинган шахсга тиббий карта (касаллик тарихи) тўлдирилади, унга ҳукм қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар киритилади.»;

6) 11-банддаги «тегишли даволаш ишлари амалга оширилади.» деган сўзлар «тегишли даволаш, шу жумладан тиббий-ижтимоий реабилитация ишлари амалга оширилади.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги биринчи — учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«12. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган ҳукм қилинган шахслар билан тегишли даволаш ишларини ташкил этиш ҳамда самарали тиббий-ижтимоий реабилитацияни йўлга қўйиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаси раҳбарининг буйруғи билан доимий фаолият юритадиган тиббий комиссия (бундан буён матнда тиббий комиссия деб юритилади) ташкил этилади.

Тиббий комиссия таркиби ички ишлар органлари ходимлари орасидан камида беш кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

Бунда, жазони ижро этиш муассасаси даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими бошлиғи тиббий комиссия раиси ҳамда шифокор-нарколог, шифокор-психиатр ва шифокор-терапевтлари комиссия аъзолари ҳисобланади.»;

биринчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Мажбурий даволаш курси тугалланмаган ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган тақдирда, ушбу муассаса маъмурияти ҳукм қилинган шахс яшайдиган манзилдаги наркология муассасаси ҳамда ички ишлар органларини мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ қуйидаги муддатларда хабардор қилади:

суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлганлиги муносабати билан озод этилишидан ўн кун олдин;

жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, амнистия акти ёки афв этиш муносабати билан озод этилган кундан бошлаб уч кун ичида.

Бунда, наркология муассасасига ҳукм қилинган шахснинг тиббий амбулатор картасидан кўчирма ҳам юборилади.

Хабарноманинг бир нусхасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Тиббиёт бўлимига юборилади.»;

9) Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирдаги илова билан тўлдирилсин.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

494 Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro'yxatiga o'zgartirish kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3611-1*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-oktabrdagi PQ-411-son "Aholini sifatli dori vositalari va tibbiy buyumlar bilan ta'minlash yuzasidan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 27-fevraldagi 5-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3611, 2025-yil 12-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.03.2025-y., 10/25/3611/0232-son) bilan tasdiqlangan Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro'yxatining matni ilovaga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 28-iyul,
6-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining
huquqlari va qonuniy manfaatlarini
himoya qilish bo'yicha vakil o'rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 23-iyul

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 22-iyul

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-avgustda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining 2025-yil 28-iyuldagi
6-son buyrug‘iga
ILOVA

“

1-bob. Dori vositalari ro‘yxati		
T/r	Dori vositasining xalqaro patentlanmagan nomi va analoglari	Dori shakli
1.	Aflibersept (Aflibercept)	Tomir ichiga kiritish uchun eritma, ko‘z ichiga kiritish uchun eritma
2.	Burosumab (Burosumab)	Inyeksiya uchun eritma
3.	Deflazakort (Deflazacort)	Tabletka yoki eritma
4.	Perampanel (Perampanel)	Tabletka
5.	Vigabatrin (Vigabatrin)	Tabletka yoki kapsula
6.	Modafinil (Modafinil)	Tabletka
7.	Tetrakozaktid (Tetracosactide)	Inyeksiya uchun eritma
8.	Pleriksafor (Plerixafor)	Inyeksiya uchun eritma
9.	Pegfilgrastim (Pegfilgrastim)	Inyeksiya uchun eritma
10.	Deksrazoksan (Dexrazoxane)	Inyeksiya uchun eritma
11.	Yodlangan yog‘ kislotalarining etil efiri (Ethyl iodized fatty acid esters)	Suyuqlik
12.	Dimerkaptopropan sulfonat natriy (Sodium dimercaptopropane sulfonate)	Inyeksiya uchun eritma
13.	Veritsiguat (Vericiguat)	Tabletka
14.	Riotsiguat (Riociguat)	Tabletka
15.	Tirofiban (Tirofiban)	Inyeksiya uchun eritma
16.	Kangrelor (Cangrelor)	Inyeksiya uchun eritma
17.	Glyukagon (Glucagon)	Inyeksiya uchun eritma
18.	Semaglutid (Semaglutide)	Inyeksiya uchun eritma
19.	Piridostigmina bromid (Pyridostigmine bromide)	Tabletka yoki inyeksiya uchun eritma

20.	Omalizumab (Omalizumab)	Inyeksiya uchun eritma
21.	Ikatibant (Icatibant)	Inyeksiya uchun eritma
22.	Busulfan (Busulfan)	Tabletka yoki inyeksiya uchun eritma
23.	Fludarabin (Fludarabine)	Inyeksiya uchun eritma
24.	DC Bead (DC Bead)	Mikrosfera (embolizatsiya uchun)
25.	Amil nitrit (Amyl nitrite)	Ingalyatsiya uchun suyuqlik
26.	Klonazepam (Clonazepam)	Tabletka yoki sirop
27.	Klobazam (Clobazam)	Tabletka
28.	Baklofen (Baclofen)	Tabletka yoki inyeksiya uchun eritma
29.	Imiglyutseraza (Imiglucerase)	Flakon
30.	Venetoklaks (Venetoclax)	Tabletka
31.	Midostaurin (Midostaurin)	Kapsulalar
32.	Foskarnet natriy (Foscarnet sodium)	Inyeksiya uchun eritma (IV infuziya)
33.	Uro-Tainer Suby G (Uro-Tainer Suby G)	Urologik irrigatsion eritma (kateterlarni yuvish uchun)
34.	Mirabegron (Mirabegron)	Tabletka (giperaktiv siydik pufagi uchun)
35.	Pseudoefedrin (Pseudoephedrine)	Tabletka (burun bitishida ishlatiladi)
36.	Fotolon (Photolon)	Gel yoki eritma
37.	Finerenon (Finerenone)	Tabletka
38.	Bempedoy kislota (Bempedoic acid)	Tabletka
39.	Bempedoy kislota / Ezetimib (Bempedoic acid / Ezetimibe)	Tabletka
40.	Rifampitsin / Izoniyazid / Pirazinamid (Rifampicin / Isoniazid / Pyrazinamide)	Tabletka
41.	Izoniyazid / Rifapentin (Isoniazid / Rifapentine)	Tabletka
42.	Etambutol (Ethambutol)	Tabletka

43.	Izoniiazid (Isoniazid)	Tabletka
44.	Rifapentin (Rifapentine)	Tabletka
45.	Pirazinamid (Pyrazinamide)	Tabletka
46.	Sikloserin (Cycloserine)	Kapsula
47.	Tezepelumab (Tezepelumab)	Shprints
48.	Nintedanib (Nintedanib)	Kapsula
49.	Palivizumab (Palivizumab)	Flakon
50.	Benralizumab (Benralizumab)	Ampula
51.	Tenekteplaza (Tenecteplase)	Inyeksiya uchun liofilizat
2-bob. Tibbiy buyumlar ro'yxati		
T/r	Tibbiy buyumlar nomi	Amaliyotda qo'llanilishi
1.	Intraokulyar linza SWIF modeli — bir martalik sarf vositasi (Intraocular lens SWIF model — disposable)	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
2.	Intraokulyar linza RSP-3 modeli (Intraocular lens RSP-3 model)	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
3.	Intraokulyar linza T-26 modeli (Intraocular lens T-26 model)	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
4.	Iris retraktor — bir martalik sarf vositasi (Iris retractor — disposable)	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
5.	Iridokopsulyar retraktor — bir martalik sarf vositasi (Iridocapsular retractor — disposable)	Asoratli katarakta jarrohlik amaliyoti vaqtida intraoperatsion asoratlarda ishlatiladi
6.	Konyuktiva uchun alloplant — sarf vositasi (Alloplant for conjunctiva — graft)	Ko'z olmasi shilliq qavatlari turli sabablarga ko'ra chandiqlanish holatlarida ishlatiladi
7.	Sklera uchun alloplant — sarf vositasi (Alloplant for sclera — graft)	Ko'z olmasi shilliq qavatlari turli sabablarga ko'ra chandiqlanish holatlarida ishlatiladi
8.	Ventral churralar (grija) plastikasi uchun biomaterial (“yamoq”) (Biomaterial patch for ventral hernia repair)	Jarrohlik amaliyotida ishlatiladi

9.	Silikon qorin devori nuqsoni silosi sumkasi (Silicone ventral wall defect silo bag)	Gastroshizis holatida qo'llaniladigan qopcha
10.	Laparoskopik jarrohlikda chiqarish sumkasi (Laparoscopic surgery retrieval pouch)	Laproskopiya va torakoskopiyada yekstraksiya uchun qo'llaniladigan qopcha
11.	3M Iodan antimikrobiyal kesma qopqog'i (3 M Iodan Antimicrobial Incise Drape)	Mikroblarga qarshi lenta
12.	Kolorado mikrodiseksion igna (Colorado micro-dissection needle)	Mikrokoagulyatsiya uchun qo'llaniladi
13.	Kolorado mikro-diseksion ignasi (Pfm medical mepro Lk VSD (valve system device))	Qorinchalararo to'siq nuqsonini davolashda ishlatiladi
14.	Pfm tibbiyot mepro PDA (klapan tizimi qurilmasi) (Pfm medical mepro PDA occlude)	Ochiq arterial naychani davolashda ishlatiladi
15.	Pfm tibbiyot mepro PDA yopuvchi qurilma (Pfm medical mepro PFO occlude)	Ochiq arterial naychani davolashda ishlatiladi
16.	Pfm tibbiyot mepro PFO yopuvchi qurilma (Amplatzer vascular plug)	Tomirlar okklyuziyasida ishlatiladi
17.	Amplatzer tomir plagi (Transcatheter Pulmonary Valve System)	O'pka arteriyasi klapani transkateter protezlashda ishlatiladi
18.	Neyrodiagnostik kontakt pastasi (Neurodiagnostic contact gel)	EEG tekshiruvini o'tkazish uchun ishlatiladi
19.	Glaukomatoz klapan Ahmed FP-7 (Ahmed glaucoma valve FP-7)	Antiglaukomatoz jarrohligida ishlatiladi
20.	Luer Lock tirqishli to'g'ri aortal kanyulya, metall mustahkamlagich bilan birga (Luer-Lock straight aortic cannula with metal trowel)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
21.	DLP to'g'ri aortal kanyulya (DLP straight aortic cannula)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
22.	DLP metall mustahkamlagichlik egilgan venoz kanyulya (DLP bent venous cannula with metal reinforcement)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
23.	To'g'ri venoz kanyulya mustahkamlagichi bilan birga (Straight venous cannula with reinforcement)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
24.	Koronar arteriya uchun kanyulya (Coronary artery cannula)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi

25.	Yangi tug'ilgan chaqaloqlar, bolalar va kattalar uchun so'rg'ichlik kardioplegik kanyulya (Cardioplegia cannula suction for neonates, pediatric and adult)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
26.	Chap qorincha kanyulyasi (Left ventricular cannula)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
27.	Gegara bujlari 10 mm dan 36 mm gacha o'lchamlarda (Diaphragm balloons, 10 — 36 mm size)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
28.	Tomir bujlari (kengaytirgichlar) 2 mm dan 20 mm gacha (Vascular balloons (dilators) 2 — 20 mm size)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
29.	Ftorlavsan nuqsoni uchun yamoqlar (PFO defect closure patches)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
30.	Ksenoperikard (Xenopericardium)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
31.	Iplar PTFE, ikki marta teshuvchi igna (diametri 0,040 mm dan 0,4 mm gacha) (PTFE sutures with double-armed needle (0,040 — 0,4 mm)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi (USP 0,040 mm dan 0,4 mm gacha)
32.	Coseal Bio Glue	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
33.	Floseal Bio Glue	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
34.	Ekstrakorporal membranal oksigenatsiya (YECMO) uchun arterial kanyulya (Arterial cannula for veno-arterial (YECMO)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
35.	Ekstrakorporal membranal oksigenatsiya (YECMO) uchun venoz kanyulya (Venous cannula for veno-arterial (YECMO)	Bolalar yurak jarrohligida ishlatiladi
36.	Qizilo'ngach varikoz tomirlarini bog'lash uchun endoligator (Esophageal variceal ligator — endoligator)	Portal gipertenziya, qizilo'ngach varikoz kengayishida ishlatiladi
37.	Qizilo'ngachning ballon dilatatori, kattalar va bolalar uchun (Esophageal balloon dilator — adult & pediatric)	Qizilo'ngachning chandikli stenozi va strikturalarida ishlatiladi
38.	Qizilo'ngachning endoskopik buj to'plami (komplekt) (Esophageal endoscopic bougie set)	Qizilo'ngachning chandikli stenozi va strikturalarida ishlatiladi
39.	Biodegradatsiyalanuvchi qizilo'ngach stenti (Biodegradable esophageal stent)	Qizilo'ngachning chandikli stenozida ishlatiladi

40.	Mikrokateter QuickSross 0.035/150 sm	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
41.	Angio Seal tikuv qurilmasi (Angio-Seal vascular closure device)	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
42.	Proglide tikuv qurilmasi (ProGlide suture-mediated closure system)	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
43.	Kateter, bachadon arteriya embolizatsiyasi uchun (Uterine artery embolization catheter)	Bachadon arteriyasi embolizatsiya/mioma va adenomalari uchun ishlatiladi
44.	Tromboekstraktor (Thrombo-extractor)	Surunkali arterial oyoq yetishmovchiligi (diabetik to'piq), ballon angioplastika/stentlash amaliyotida ishlatiladi
45.	Qon tomirlar qisqichlari (doimiy va vaqtinchalik) (Vascular clamps (permanent & temporary))	Bosh miya qon-tomirlari anevrizmlari va arterio-venoz malformatsiyalarida ishlatiladi
46.	Oqimni yo'naltiruvchi stent (Flow-diverting stent)	Bosh miya qon-tomirlari anevrizmlarida ishlatiladi
47.	Jarrohlikdan so'ng plevraning faol aspiratsiyasi uchun sozlanuvchan bosimli uskuna (Adjustable chest tube suction device)	Yuqori darajali yo'qotilgan qon hajmini yig'ish va nazorat qilish uchun qo'llaniladi
48.	Kontegra (o'pka allograftlari) (Contegra pulmonary allograft)	O'pka klapani va qon tomirlarini almashtirish uchun ishlatiladi
49.	Traxeya bo'shlig'i plastikasi uchun T-simon silikon stent (T-shaped silicone stent for tracheal lumen reconstruction)	Traxeyada jarrohlik amaliyotidan so'ng ishlatiladi
50.	VTS jarrohligi uchun silikon jarohat kengaytirgich (Silicone tissue expander for VT surgery)	Aortakoronar shuntlash jarrohlik amaliyotida ishlatiladi
51.	Tomirlar retraksiyasi uchun silikon jgut (Silicone vessel retractor loop)	Aortakoronar shuntlash jarrohlik amaliyotida ishlatiladi
52.	Yurak to'siqlari transseptal funksiyasi uchun to'plam (Transseptal cardiac septal occluder set)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
53.	O'ta qattiq o'tkazgich: Extra stiff wire guide Lunderquist (Extra-stiff Lunderquist guide wire)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
54.	Gidrofil o'tkazgichlar (Hydrophilic guide wires)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi

55.	Periferik nitinol o'tkazgich (Peripheral nitinol guide wire)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
56.	Gayd uzaytirgich Guide Extension Catheter Guidezilla TM II (Guidezilla TM II guide extension catheter)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
57.	Periferik tomirlarni yembolizatsiyasi uchun tolali spiral (Coil for peripheral vascular embolization)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
58.	Koronar arteriyalar uchun tromboaspirator (Coronary thrombo-aspirator)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
59.	IVL uskunalari uchun oqim datchiki (Intravascular lithotripsy flow sensor)	Endovaskulyar amaliyotlar uchun qo'llaniladi
60.	Arterial qon bosimini o'lchash uchun invaziv datchik DP-ED-20 (Invasive arterial pressure transducer DP-ED-20)	Respirator terapiyada ishlatiladi
61.	LUMINEX 200 komplekti va reaktivlari bilan (Luminex 200 system with reagents)	Immun holatni aniqlash uchun qo'llaniladi
62.	Operatsion maydon uchun ishlatiladigan tibbiyot jarrohlik plyonkasi (Surgical field drape film)	Travmatologiyada ochiq usulda operativ muolajalarida qo'llaniladi
63.	Gel 7% (Kollost gel 7%) — I tipdagi so'rilib ketuvchi bioplastik kollagen material (Collost gel 7% absorbable type I collagen bioplastic)	Chuqur kuygan yaralarini plastik yopishda sun'iy o'stirilgan teri hujayralarini tashuvchi vosita
64.	Gistoekvivalent-bioplastik material (Histoequivalent bioplastic material)	Katta maydonli yuza va chuqur kuygan yaralarini davolash uchun qo'llaniladi
65.	Ko'tariluvchi aortaning protezi (Ascending aortic prosthesis)	Ko'tariluvchi aortani protezlashda ishlatiladi
66.	Aorta ravog'ining 3 shoxli protezi (Three-branch aortic arch graft)	Aorta ravog'ini protezlashda ishlatiladi
67.	Metall sim (steel) (Steel wire)	Yurak qon-tomir amaliyotidan so'ng ko'krak qafasini yopish uchun qo'llaniladi
68.	Koronar rezinka (Coronary artery bypass graft — rubber band)	Koronar shuntlash amaliyotida qon ketishini nazorat qilish uchun qo'llaniladi
69.	Oshqozon-ichak traktining qon ketayotgan tomirlari uchun qisqichlar (Gastrointestinal (GI) vascular hemorrhage clips)	Oshqozon ichak traktidan qon ketish holatlarida ishlatiladi

70.	Turli xil o'lchov va shakldagi titanli anevrezmatik qisqichlar (standart va mini variantlar) (Titanium aneurysm clips (various sizes))	Bosh miya qon-tomir jarrohlik amaliyotlarida (anevrizmlar, malformatsiyalar) ishlatiladi
71.	Blekmor zondi turli xil o'lchamlari (Blackmore tube (various sizes))	Bolalarda qizilo'ngachning varikoz vena tomirlaridan qon ketishni to'xtatish uchun qo'llaniladi
72.	Qizilo'ngach kengaygan vena tomirlariga endoskopik ligatorlar (Endoscopic ligators for esophageal varicose veins)	Qizilo'ngach kengaygan vena tomirlardan qon ketganda ishlatiladi
73.	Venalarni yopishtirish tizimi (Vein adhesion system)	Yurak aritmiyalarida radiochastotali ablyatsiyasi uchun qo'llaniladi
74.	Langarli ushlab turuvchi (fiksator) (Anchoring fixation device)	Paylar va boylamlar fiksatsiyasi uchun qo'llaniladi
75.	Menisk tikish uchun asbob (All-inside va inside-outside usuli bo'yicha meniskni tuzatish) (Meniscal repair instrument (All-inside & inside-out techniques))	Travmatologik jarohatlarda ishlatiladi
76.	Turniket (manjetli jgut) (Tourniquet (cuffed))	Qo'l va oyoq ortopedik hamda travmatologik amaliyotlarda ishlatiladi
77.	Vertebroplastikalar uchun iganalar (Vertebroplasty needles)	Umurtqa pog'onasi jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
78.	Bosh miya qattiq pardasining o'rnini bosuvchi vosita (implant) (Dural substitute implant)	Bosh miya jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
79.	Orqa miya sintetik yopishtiruvchi (kley) (Spinal synthetic adhesive glue)	Muhrlanish va yopishqoqlikka qarshi tizim. Neyroxirurgiya jarrohlik amaliyotida orqa miya qattiq parda vositasiga standart usullariga qo'shimcha sifatida foydalanish uchun ko'rsatilgan
80.	Transpedikulyator fiksatorlar sistemasi (6 vintlik) (Transpedicular fixation system (6 screw))	Umurtqa pog'onasi jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
81.	Z-plate plastina (Z-plate fixation plate)	Umurtqa pog'onasi jarrohlik amaliyotlari uchun qo'llaniladi
82.	Epidermal o'sish omili EGFR 113 retseptorlari uchun monoklonal sichqon antitanachalari, 1:20 suyultirilgan (Mouse monoclonal anti-EGFR (clone 113), 1:20 dilution)	Davolashda epidermal o'sish omili retseptorlari mutatsiyalarini aniqlash
83.	Sitokreatin-6 antitanachalari (Anti-cytokeratin-6 antibodies)	Sitokeratin 6 o'smasi markerini aniqlash

84.	Epidermal membrana antigeni (GPI.4) antitanachalari (Anti-epidermal membrane antigen (GPI.4) antibodies)	Bullyoz pemfigoidi markerlari
85.	r16 antitanachalari (Anti-r16 antibodies)	O'sma hujayralari proliferatsiyasi markerlari
86.	r53 antitanachalari (Anti-r53 antibodies)	O'sma hujayralari o'sishi monitoringi
87.	MUM-1 antitanachalari (Anti-MUM-1 antibodies)	Ko'p miyeloma markerlari
88.	Multi-sitokreatinlar (AYE1/AYE3) antitanachalari (Anti-multi-cytokeratins (AYE1/AYE3) antibodies)	AYE1/AYE3 o'smalari markerlarini aniqlash
89.	VGFR ga sichqon monoklonal antitanachalari, parafinlangan kesimlarda immunogistokimyoviy tadqiqotlar, VG1 kloni uchun suyuq, konsentrlangan shakli, 1:25 suyultirilgan (Mouse monoclonal anti-VGFR antibody, clone VG1, liquid, concentrated, dilution 1:25, for immunohistochemistry on paraffin-embedded sections)	Qon tomirlar endoteliyasi o'sish faktorini aniqlash
90.	Melanoma markeri (HMB-45) antitanachalari (Anti-HMB-45 melanoma marker antibodies)	Mezotelima diagnostikasi
91.	Mezotelioma sichqon monoklonal antitanachalari (Mouse monoclonal anti-mesothelioma antibodies)	Yumshoq to'qima va ter pleomorf o'smalarini bo'linishi
92.	Kriopaketlar (Cryopack(s))	Sovutilgan/suyultirilgan biomaterial
93.	Transbronxial ultratovush aspiratsiya ignasi (EBUS-TBNA) (Transbronchial Ultrasound Aspiration needle (EBUS-TBNA))	O'pkaning periferik to'qimasi va paraezofagial sohalaridan endoskopik ultratovush yordamida tashxislash va aspiratsion igna orqali namuna olish
94.	Endoskopiya ultratovush aspiratsiya ignasi (EUS-FNB) Endoscopic Ultrasound Aspiration needle (EUS-FNB)	Endoskopik ultratovush yordamida me'da orqali yuqori hazm sistemasi shilliq osti to'qimasi va tashqi yon atrofidagi a'zolaridan aspiratsion igna orqali namuna olish va aniq tashxislash
95.	Gastroduodenal stent (Gastroduodenal inner cavity medical stent)	Qizilo'ngach, me'da va 12 barmoqli ichak stenozli holatlarini bartaraf etish

96.	Lipiodol Ultra Fluid Endolimfatik yuborish uchun eritma 480 mg/10 ml (Lipiodol Ultra Fluid 480 mg/10 ml)	Yuqori texnologiyali kam invaziv arteriya ichi kimyoembolizatsiya va embolizatsiya jarrohlik amaliyotlari uchun embolizatsiya maqsadida
97.	Lazerli orqali Ikki manjetli og'iz traxeya trubkasi 5,0 mm (Laser Oral Tracheal Tube Dual Cuffed 5.0 mm)	Hiqildoq saratoni birinchi bosqichida SO2 lazer xirurgiyada qo'llash uchun
98.	SDN elektrodlar RD/BK/GN 15/15000 (SDN electrodes RD/BK/GN 15/15000)	Operatsiya vaqtida nervlarni topish uchun
99.	Aspiratsiya uchun silikon garmoshka 200 ml (Silicone aspiration reservoir, 200 ml)	Operatsiyadan so'ng jarohat sohasiga to'planadigan suyuqlikni tortib olish uchun
100.	ULTRACLIP II ultratovush yordamida to'qimalarining markerli tasmasi (ULTRACLIP II Tissue Marker Ultrasound Ribbon)	Sut bezi birlamchi o'smasiga belgi qo'yiladigan klipslar
101.	Biopsiya uchun igna 14 G (15 sm) (Biopsy needles 14 G (15 sm))	Sut bezi o'smasidan bir martalik trepan igna orqali namuna olish va aniq tashxislash
102.	Plevroevakuator (Plevroevakuator)	Plevra bo'shlig'ini naychalashdan keyingi vakuum hosil qiladigan moslama
103.	Teri orqali gastrostomik to'plam (Percutaneous endoscopic gastrostomy kit (PEG kit))	Me'daga funkcion usul bilan oziqlash maqsadida qo'llaniladi
104.	Irrigatsiya porti bo'lgan tirqishli (yoki fenestrlangan) drenaj kateteri (Slotted (or fenestrated) drainage catheter with irrigation port)	Amaliyotdan keyingi qorin bo'shlig'ini naychalash maqsadida
105.	Silikon nayli jarrohlik drenaji (Bleyk tipidagi) (Silicone fluted surgical drain (Blake-type))	Amaliyotdan keyingi qorin bo'shlig'ini naychalash maqsadida
106.	Silikon nayli jarrohlik drenaji irrigatsiya porti bilan (Bleyk tipidagi) (Blake-type fluted surgical drain with irrigation port)	Amaliyotdan keyingi qorin bo'shlig'ini naychalash maqsadida
107.	Teri orqali jigar orqali biliar drenaj to'plami (Seldinger usuli) (Percutaneous transhepatic biliary drainage kit (Seldinger technique))	Jigar va o't-pufagidan chiqadigan o't suyuqligini o'n ikki barmoq ichakka olib boruvchi yo'llarni naychalash maqsadida
108.	Ichakni dekompressiyalash (yoki intubatsiya) trubkasi qo'shimcha kanali bilan (Intestinal decompression (or intubation) tube with additional channel)	Amaliyotdan keyingi vaqtda oziqlantirish va dekompressiya maqsadida qo'llaniladi

109.	Laparoskopik drenaj (Laparoscopic surgical drainage catheter)	Qorin bo'shlig'ini naychalash maqsadida
110.	Torakal drenajlar (Thoracic drain (chest drain))	Plevra bo'shlig'ini naychalash maqsadida
111.	Nefroureteral stent (Nefroureteral stent)	Peshob yo'llarini naychalash maqsadida
112.	Oltingugurt geksafloridi (Sulfur hexafluoride)	Siydik ajratish tizimi ultratovush tekshiruvida kontrast modda sifatida foydalaniladi
113.	Falloprotez (1 komponentli) (Single component fallopian tube prosthesis)	Erektile disfunktsiyani davolash uchun
114.	Falloprotez (3 komponentli) (Three-component fallopian tube prosthesis)	Erektile disfunktsiyani davolash uchun
115.	Imuran (azatioprin) flakonda BSJ Imuran vial (Imuron — azathioprine brand)	Gipper aktiv qovuq
116.	AMS 800 peshob yo'llari uchun sun'iy sfinkter (AMS 800 artificial urinary sphincter)	Siydik tuta olmaslik
117.	Tikuv ipi 180 CV-23 ½ 17 mm, 6", 15 sm, 30 sm (V-Loc 180 CV-23 ½ 17 mm, 6", 15 sm, 30 sm, green/verte)	Laparoskopik prostatektomiyada anastomoz quvishini davolash uchun
118.	Metanefrin (Metanefrin)	Feoxromotsitoma kasalligini tashxislash uchun

”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG'I

**495 O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va
bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3668*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, "Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi va "Texnik jihatdan tartibga solish to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 4-avgust,
15-2025/B-son

Kelishildi:

***Qurilish va uy-joy kommunal
xo'jaligi vaziri***

Sh. XIDOYATOV

2025-yil 1-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 4-avgustdagi 15-2025/B-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik
vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy
hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 7-oktabrdagi 61-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2047, 2009-yil 24-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 48-son, 516-modda) bilan tasdiqlangan Issiqlik izolyatsiya materiallari ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar issiqlik izolyatsiya materiallari ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normalarlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 5, 6, 13 va 32-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 8 va 9-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”;

f) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

g) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

h) 17-banddagi “sanitariya qoidalari va me'yorlariga” degan so'zlar “sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

i) 35-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Tashkilot ma'muriyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va vakolatli sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.”;

j) 36 va 37-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

37. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

k) 39-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“39. Majburiy tibbiy ko'riklar korxonalarga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa korxona joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

l) 40-banddagi “tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 41-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

n) 43-banddagi “QMQ 2.09.12 “Ishlab chiqarish binolari” talablariga” degan so'zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o) 45-banddagi “QMQ 2.03.13 “Pollar” talablariga” degan so'zlar “SHNQ 2.03.13-24 “Pollar” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

p) 47 va 48-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talabiga muvofiq bo'lishi lozim.

48. Bino va inshootlarning ishlab chiqarish xonalarida havodagi zararli moddalar miqdori SanQvaN 0294-11 “Ish joylari havosidagi zararli moddalar ruxsat etilgan miqdorining gigiyena normativlari” talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

q) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

r) 53-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“53. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq boʻlishi lozim”;

s) 54-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlar tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

t) 60 va 61-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“60. Tashkilot hududidagi hojatxonalar issiq va oqova suvlar tizimiga ulangan boʻlishi lozim.

61. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yoʻq boʻlganda Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qoʻmitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) boʻlimlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qoʻl yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat oʻralariga ruxsat etiladi.”;

u) 62-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

v) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Har bir tashkilotda SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda maʼmuriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga va mazkur Qoidalarga muvofiq sanitariya-maishiy va qoʻshimcha xonalar boʻlishi lozim.”;

x) 80-banddagi “GOST 12.3.002-75” degan soʻzlar “GOST 12.3.002-2014” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

y) 82-bandning “b” kichik bandidagi “GOST 12.1.003-83” degan soʻzlar “GOST 12.1.003-2014” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

z) 83-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“83. Ishlab chiqarish jarayonlarining yongʻin va portlash xavfsizligi, ularni rejalashtirish, tashkillashtirish va olib borish GOST 12.1.033-81 talablariga va ushbu Qoidalarga muvofiq taʼminlanishi lozim.”;

oʻ) 96-banddagi “QMQ 2.09.19-97 “Neft va neft mahsulotlari omborlari” talablariga” degan soʻzlar “SHNQ 2.09.19-22 “Neft va neft mahsulotlari omborxonalari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

gʻ) 110-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“110. Tashkilot hududiga keladigan materiallar va uskunalari uchun shu maqsadga ajratilgan va tayyorlangan maxsus omborlar hamda yuk ortish-tushirish maydonchalari boʻlishi va ularning tuzilishi va joylashishi SHNQ 2.09.03-23 “Omborxonalar. Loyihalash meʼyorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq boʻlishi kerak.”;

sh) 200-bandning “j” kichik bandidagi “QMQ 2.01.05-88 “Tabiiy va sunniy

yorug'lik" talabiga" degan so'zlar "SHNQ 2.01.05-24 "Tabiiy va sun'iy yoritish" shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ch) 209-banddagi "QMQ 2.04.05-97 "Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash" talablariga" degan so'zlar "SHNQ 2.04.05-22 "Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash" shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ng) 245-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"245. Tola chiqarish uskunasi operator GOST EN 14052-2015, GOST 13087-1-2016 bo'yicha kaska va GOST 12.4.144-84 bo'yicha yuzni himoyalovchi vosita bilan ta'minlanishi lozim."

2. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 28-oktabrdagi 64-B-son (ro'yxat raqami 2048, 2009-yil 24-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 48-son, 517-modd) buyrug'i bilan tasdiqlangan Matbaachilik ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Qoidalar matbaachilik ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.";

b) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.";

d) 5, 6, 12 va 30-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"8. O'zbekiston Respublikasi "Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.";

f) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"10. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.";

g) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

h) 32-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“32. Tashkilot ma'muriyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va vakolatli sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.”;

i) 33 va 34-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

Xodimlar majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishdan bo'yin tovlashga haqli emas.

34. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

j) 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

k) 37-banddagi “tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

l) 38-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 40-banddagi “QMQ 2.09.02 “Ishlab chiqarish binolari” talablariga” degan so'zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

n) 42-banddagi “QMQ 2.03.13 “Pollar” talablariga” degan so'zlar “SHNQ 2.03.13-24 “Pollar” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o) 44-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

p) 45-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45. Bino va inshootlarning ishlab chiqarish xonalarida havodagi zararli moddalar miqdori SanQvaN 0294-11 “Ish joylari havosidagi zararli moddalar ruxsat etilgan miqdorining gigiyena normativlari” talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

q) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

r) 50-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“50. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo’lishi kerak.”;

s) 51-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so’z “oqova suvlar tizimiga” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

t) 57 va 58-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“57. Tashkilot hududidagi hojatxonalar issiq va oqova suvlar tizimiga ulangan bo’lishi lozim.

58. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yo’q bo’lganda O’zbekiston Respublikasi Sog’liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo’mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo’limlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo’l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o’ralariga ruxsat etiladi.”;

u) 59-band, 81-bandning ikkinchi xatboshisi hamda 88-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish” talablariga” degan so’zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

v) 67-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“67. Har bir tashkilotda SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga va mazkur Qoidalariga muvofiq sanitariya-maishiy va qo’shimcha xonalar bo’lishi lozim.”;

x) 78-banddagi “SanMvaQ II-89-80 “Sanoat korxonalarini bosh plani” talablariga” degan so’zlar “SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

y) 116-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“116. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish zarur.”.

3. O’zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 28-dekabrdagi 81-B-son buyrug’i (ro’yxat raqami 2059, 2010-yil 7-yanvar) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2010-y., 1-2-son, 8-modda) bilan tasdiqlangan Klinik diagnostika laboratoriyalarida ishlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar klinik diagnostika laboratoriyalarida mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 5 va 9-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Laboratoriyalarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni o'rganish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

f) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

g) 24-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. Xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.”;

h) 25-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“25. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

i) 28-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash talablari”ga” degan so'zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 29-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Laboratoriya xonalari tabiiy va sun'iy yorug'ligi darajasi SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi kerak.”;

k) 30-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Laboratoriyalar shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari hamda yong'in xavfsizligi talablariga muvofiq bo'lishi kerak.”;

l) 31-band quyidagi tahririda bayon etilsin:

“31. Laboratoriyalarning joylashishi, xonalari tarkibi va umumiy maydonlari o'rnatilgan tartibda SHNQ 3.01.04-19 “Qurilishi tugallangan obyektlarni foydalanishga qabul qilish. Asosiy holatlar” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga asosan foydalanishga qabul qilinishi lozim.”;

m) 33 va 34-bandlar quyidagi tahririda bayon etilsin:

“33. Laboratoriyalar “SHNQ 2.08.02-23 “Jamoat binolari va inshootlari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga binoan vodoprovod, issiq suv, oqova suv, markaziy isitish tizimi va gaz bilan (agar mavjud hudud tabiiy gaz bilan ta'minlangan bo'lsa) ta'minlanishi zarur.

34. Vodoprovod va oqova suvlar bo'lmagan hududlarda laboratoriyalar uchun

mahalliy vodoprovod, oqova suvlar tizimi va zararsizlantiruvchi uskunolari bo'lgan tozalash inshootlari qurilishi kerak.”;

n) 41-band quyidagi tahririda bayon etilsin:

“41. Laboratoriyalarda elektr uskunolari va jihozlarni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste'molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste'molchilar elektr qurilmalarini xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq joylashtirish va o'rnatish zarur.”;

o) 43-banddagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

p) 92 — 94-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“92. Ishlatilgan yonuvchan eritmalar maxsus germetik yopiluvchi idishga yig'iladi va regeneratsiya yoki yo'qotilish uchun jo'natiladi. Ularni oqova suvlarga oqizish mumkin emas.

93. Ishlatilgan kislota va ishqorlar alohida maxsus idishlarga yig'iladi. Kichik hajmdagi ishqor moddalarni ko'p marta suyultirib, oqova suvlarga oqizish mumkin.

94. Uchuvchan va keskin noxush hidli moddalarni to'kish uchun havo tortuvchi shkafda vodoprovod suvi keltirilgan alohida oqova suvlar tarmog'i o'rnatilishi lozim.”.

4. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 10-dekabrdagi 76-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2061, 2010-yil 11-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 1-2-son, 10-modda) bilan tasdiqlangan Kitob savdosi tashkilotlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar kitob savdosi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 5, 6 va 13-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis

lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

f) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

g) 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Tashkilot rahbariyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va vakolatli sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.”;

g) 23 — 25-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

24. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.

25. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

h) 26-banddagi “tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

i) 27-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 29-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

k) 30-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Bino va inshootlarning ishlab chiqarish xonalarida havodagi zararli moddalar miqdori SanQvaN 0294-11 “Ish joylari havosidagi zararli moddalar ruxsat etilgan miqdorining gigiyena normativlari” talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

l) 2-bobning 7-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 35-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

n) 39-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“39. Tashkilot hududidagi hojatxonalar issiq va oqova suvlar tizimiga ulangan bo‘lishi lozim.”;

o) 41 va 61-bandlardagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish” talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

p) 47-banddagi “Tabiiy va sun’iy yoritish” QMQ 2.01.05-98 talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

q) 49-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“49. Kitob bazalarida SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga va mazkur Qoidalarga muvofiq sanitariya-maishiy va qo‘shimcha xonalar bo‘lishi lozim.”;

p) 56-banddagi “Jamoatchilik binolari va inshootlari” QMQ 2.08.02-96 talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.08.02-23 “Jamoat binolari va inshootlari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

q) 64-band quyidagi tahririda bayon etilsin:

“64. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish kerak.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

496 O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3669*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to'g'risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati, Raqamli texnologiyalar vazirligi va Adliya vazirligi bilan kelishilgan.

4. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 1-avgust,
19/1-son

Kelishildi:

Davlat xavfsizlik xizmati raisi

B. KURBANOV

2025-yil 18-iyul

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. SHERMATOV

2025-yil 11-iyul

Adliya vaziri

A. TASHKULOV

2025-yil 5-iyul

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
1-avgustdagi 19/1-son qaroriga
1-ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining axborot xavfsizligi
va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining, shu jumladan mikromoliya banklarining (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar va qisqartmalardan foydalaniladi:

avtomatlashtirilgan bank tizimi — bank faoliyati sohasida axborotni to'plash, saqlash, izlash, unga ishlov berish va undan foydalanishni amalga oshirish uchun mo'ljallangan axborot tizimi;

antivirus dasturi — kompyuter virusiga qarshi dastur, viruslarni aniqlash uchun mo'ljallangan va ularni yo'q qilish taklifini berishi mumkin bo'lgan yoki yo'q qiluvchi dastur;

antivirus himoyasi — antivirus dasturlari yordamida kompyuter viruslari ta'sirining oldini olish, viruslarni topish va zararsizlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar majmui;

autentifikatsiya qilish — foydalanuvchi, dastur, qurilma yoki ma'lumotlarning haqiqiyligini tasdiqlash tartib-taomili;

axborot aktivlari — bank faoliyati uchun muhim bo'lgan axborotlar (mijoz ma'lumotlari, operatsion ma'lumotlar, dasturiy ta'minot, ma'lumotlar bazalari, hodisalar jurnallari va boshqalar) hamda ularni saqlash, uzatish, qayta ishlash va muhofaza qilishga xizmat qiluvchi barcha resurslar (axborot tizimlari va resurslari, serverlar, ma'lumotlar omborlari, aloqa kanallari va dasturiy ilovalar);

axborot resursi — axborot tizimi tarkibidagi elektron shakldagi axborot, ma'lumotlar banki, ma'lumotlar bazasi, shu jumladan axborot tizimlarida ochiq shaklda joylashtiriladigan yoxud e'lon qilinadigan audio, video, grafik va matnli axborot;

axborot tizimi — axborotni to'plash, saqlash, izlash, unga ishlov berish hamda undan foydalanish imkonini beradigan, tashkiliy jihatdan tartibga solingan jami axborot resurslari, axborot texnologiyalari va aloqa vositalari;

axborot xavfsizligi — axborot sohasida shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining himoyalanganlik holati;

axborot xavfsizligi noxush hodisasi — axborot xavfsizligining yagona voqeasi yoki bir qator noxush yoxud kutilmagan voqealari bo'lib, ushbu voqealar tufayli axborotning oshkor bo'lishi va axborot xavfsizligiga tahdidlar ehtimoli;

hujum — axborot aktivlarini yo'q qilish, ochish, o'zgartirish, blokirovkalash, tutib olish, ruxsat etilmagan foydalanish huquqini olish yoki axborot aktivlaridan ruxsatsiz foydalanishga urinish;

kompyuter virusi — destruktiv xususiyatga, o'z nusxasini ko'paytira olish (asl nusxa bilan to'liq mos bo'lmasligi ham mumkin) va foydalanuvchi bilmagan holda ularni kompyuter tizimlari, tarmoqlari turli resurslari va shu borada joriy etish qobiliyatiga ega bo'lgan dasturdir (bajariladigan kodlar to'plami);

monitoring — avtomatlashtirilgan bank tizimi va axborot tizimlari holatini kuzatish;

server xonasi — bank serverlari, telekommunikatsiya qurilmalari, uzluksiz quvvat manbalari va boshqa hisoblash texnikalari joylashgan xona;

tarmoqlararo ekran — tizimga kelib tushadigan va (yoki) tizimdan chiqib ketadigan axborotning nazorat qilinishini amalga oshiradigan dastur va (yoki) dasturiy vosita;

xesh summasi — kriptografik algoritm yordamida hisoblangan, fayl butligini tekshirish summasi;

shaxsga doir ma'lumotlar — muayyan jismoniy shaxsga taalluqli bo'lgan yoki uni identifikatsiya qilish imkonini beradigan, elektron tarzda, qog'ozda va (yoki) boshqa moddiy jismda qayd etilgan axborot;

elektron arxiv — arxiv maqomiga ega bo'lgan, bank elektron hujjatlarini jamlovchi, hisobga oluvchi, saqlovchi va foydalanishni amalga oshiruvchi bankning tarkibiy bo'limi;

elektron hujjat — elektron shaklda qayd etilgan, elektron raqamli imzo bilan tasdiqlangan va elektron hujjatning uni identifikatsiya qilish imkoniyatini beradigan boshqa rekvizitlariga ega bo'lgan axborot;

oxirgi nuqtalar (Endpoint) — tarmoq tizimiga ulanadigan fizik uskunalardir. Bunda, mobil qurilmalar, kompyuterlar, virtual mashinalar, o'rnatilgan uskunalar yoki serverlar oxirgi nuqtalar bo'lishi mumkin;

kiberxavfsizlik tavakkalchiligi — axborot tizimlari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasi yoki raqamli xizmatlariga qarshi yo'naltirilgan tahdidlar natijasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan moliyaviy zarar, operatsion faoliyatning izdan chiqishi yoki tashkilot obro'siga putur yetishi ehtimoli;

DLP (Data Loss Prevention) — ma'lumotlarni ruxsatsiz tarqalishidan himoyalash tizimi;

PAM (Privileged Access Management) — axborot tizimlariga imtiyozli kirish huquqlariga ega bo'lgan foydalanuvchilarni tizimga kirishini boshqarish, nazorat qilish va himoya qilish tizimi;

IDS/IPS (Intrusion Detection/Prevention System) — tajovuzlarni aniqlash va oldini olish tizimlari;

Wi-Fi (Wireless Fidelity) — ma'lumotlarni simsiz uzatish texnologiyasi;

VPN (Virtual Private Network) — virtual shaxsiy tarmoq.

2. Banklar axborot tizimlari va axborot resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashi hamda butun ish faoliyati davomida saqlab turishi lozim.

2-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati

3. Banklar va ularning filiallarida (filiallar, amaliyot boshqarmalari, bank xizmatlari ofislari (markazlari) va boshqa alohida bo'linmalar) axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash maqsadida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati (bundan buyon matnda Xizmat deb yuritiladi) tashkil etiladi.

4. Xizmat bankning axborot aktivlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash, shuningdek tizimning vaqtincha to'xtashi, to'lov ma'lumotlarining noqonuniy o'zgarishi, bank yoki uning mijoziga zarar yetkazish holatlarini oldini olish va bartaraf etish bo'yicha mas'ul hisoblanadi.

5. Xizmat o'z faoliyatida:

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni boshqarish tizimini tashkil qilishi, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash talablarining bank bo'linmalari hamda xodimlari tomonidan bajarilishini tashkillashtirishi va nazorat qilishi;

axborotning saqlanishini ta'minlash ustidan nazoratni tashkil etishi;

axborotni muhofaza qilish masalalarida bank bo'linmalari va xodimlariga uslubiy va amaliy yordam ko'rsatishi;

axborot aktivlarida axborotni muhofaza qilish tizimini loyihalash, sinovdan o'tkazish, qabul qilish va amaliyotda qo'llash jarayonlarida ishtirok etishi, ushbu jarayonlarda bank siriga oid va boshqa konfidensial ma'lumotlar chetga chiqishining oldini olish choralarini ko'rish;

o'z vakolati doirasida bankning axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini boshqarish, ta'minlash va nazorat qilish usullari, vositalari va mexanizmlarini tanlash, joriy etish va qo'llashni amalga oshirishi;

axborot aktivlarida axborotdan ruxsatsiz foydalanishga urinishlar bo'lganligi, unga boshqacha shaklda aralashilganligi aniqlanganda hamda tizimning ishlash qoidalari buzilganda mazkur tizimdagi axborotni muhofaza qilish chora-tadbirlarini ko'rish;

axborot aktivlariga nisbatan amalga oshiriladigan kibertahdidlar va hujumlarni aniqlashi, tahlil qilishi hamda ularni bartaraf etish choralarini ko'rish;

axborot xavfsizligi noxush hodisasi (bundan buyon matnda noxush hodisa deb yuritiladi) to'g'risidagi ma'lumotlarni yig'ishi, qayta ishlashi, tahlil qilishi va saqlashi;

noxush hodisalarni tekshirish bo'yicha ishlarni amalga oshirishi;

axborotni muhofaza qilish chora-tadbirlarining holati va samaradorligini tahlil qilishi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash dasturiy ta'minotlari va apparat-dasturiy qurilmalarining to'g'ri ishlashini nazorat qilishi va ta'minlash;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bilan bog'liq monitoringni olib borishi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash masalalari bo'yicha takliflar tayyorlashi;

axborot aktivlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash choralarini ko'rish uchun talablarni belgilashi;

bankning axborot aktivlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda nazorat qilish bo'yicha rejalarni tuzishi;

konfidensial, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlarning saqlanishini nazorat qilishi;

axborot tizimlarida to'xtash, avariya holatlari, kiberxavfsizlik hodisasi hamda noxush hodisa sodir bo'lganda tizimlarni qayta tiklash jarayonida ishtirok etishi va axborot tizimlarining to'liq ishchi holatiga kelishini nazorat qilishi;

bank hujjatlariga muvofiq boshqa funksiyalarni amalga oshirishi kerak.

6. Xizmatning vazifalari, vakolatlari va majburiyatlari bankning ichki hujjatlari bilan belgilanishi mumkin, bunda mazkur Nizom talablari inobatga olinadi. Xizmat o'zining vazifa va majburiyatlarini bajarishga zarur bo'lgan texnik resurslar bilan ta'minlanishi lozim.

7. Xizmat xodimlarining soni ularga yuklatilgan vazifalar, axborot resurslari va axborot tizimlari soni hamda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimlarining avtomatlashtirilganlik darajasidan kelib chiqib belgilanadi.

8. Xizmat hamda axborot texnologiyalari bo'linmalari bank boshqaruvi organining turli a'zolariga bo'ysunishi lozim, bunda Xizmat to'g'ridan to'g'ri bank boshqaruvi raisiga bo'ysunadi.

Xizmat xodimlarini ularning asosiy faoliyati bilan bog'liq bo'lmagan ishlarga jalb etish taqiqlanadi.

9. Banklar tizimli ravishda har yili kamida ikki marotaba axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash sohasiga ixtisoslashtirilgan o'quv kurslarida Xizmat xodimlarining malakasini oshirishni ta'minlashi kerak. Bunda Xizmatning barcha mas'ul xodimlarini yo'nalishi bo'yicha o'qitish va malakasini oshirish inobatga olinishi lozim.

10. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablar hamda bankning axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga oid ichki hujjatlari bilan tartibga solinadi.

11. Bank axborot xavfsizligiga oid ichki siyosatni ishlab chiqishi va qabul qilishi lozim.

Axborot xavfsizligi siyosatida bankda mavjud bo'lgan barcha axborot tizimlari va axborot resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablar belgilanadi.

12. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga oid ichki hujjatlar va ularda belgilangan talablar bankning har bir xodimiga tanishtirilishi shart. Bank xodimlari ushbu hujjatlarda belgilangan talablarga qat'iy rioya qilishlari kerak.

13. Axborot tizimlari va axborot resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bilan bog'liq mazkur Nizomda belgilangan barcha chora-tadbirlar amalga oshirilganligi yozma yoki elektron shaklda o'z tasdig'iga ega bo'lishi lozim.

14. Agar bank filiallar tarmog'iga ega bo'lsa, har bir filialda bankning tasdiqlangan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga oid hujjatlari to'plami mavjud bo'lishi kerak. Muayyan filiallarning xususiyatlarini hisobga olish zarur bo'lsa, bank ushbu xususiyatlarni inobatga olgan holda o'z ichki hujjatlarini ishlab chiqilishini ta'minlaydi.

15. Bankning axborot aktivlariga dasturiy o'zgartirish kiritish yoki yangi axborot resurslari va tizimlarini joriy etish Xizmat bilan kelishilgan holda amalga oshirilishi lozim.

16. Banklarga o'zlarining axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmalari hamda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimlarini boshqarish, nazorat qilish va uzluksiz ishlashini ta'minlash vazifalarini shartnoma asosida xizmat ko'rsatuvchi tadbirkorlik subyektlariga (outsorsing) berish taqiqlanadi.

3-bob. Konfidensial ma'lumotlarning oshkor etilishidan himoyalash

17. Bank qonunchilik hujjatlari va o'zining ichki hujjatlari bilan belgilangan konfidensial ma'lumotlarning oshkor etilmasligini ta'minlaydi. Bunda, bank tomonidan quyidagilar bajarilishi lozim:

bankka yoki uning bo'linmasiga taalluqli bo'lgan konfidensial ma'lumotlar, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlar ro'yxatini belgilash va uning aktualligini ta'minlash;

yetkazilgan zararni qoplash maqsadida har bir xodim bilan konfidensial ma'lumotlarni sir saqlash bo'yicha majburiyatnomani imzolash;

konfidensial ma'lumotlardan foydalanishga ruxsati mavjud bo'lmagan xodimlarning ushbu ma'lumotdan foydalanmasligini ta'minlash;

konfidensial ma'lumotlarni o'zida saqlovchi kompyuterlar va ulardagi hujjatlarning ishonchli saqlanishini ta'minlash;

O'zbekiston Respublikasining "Bank siri to'g'risida"gi va "Shaxsga doir ma'lumotlar to'g'risida"gi qonunlarida ko'rsatilgan talablar bajarilishini ta'minlash;

konfidensial ma'lumotlardan ruxsatsiz foydalanishning oldini olish bo'yicha choralar ko'rish.

18. Telekommunikatsiya tarmog'i orqali davlat sirlarini tashkil etuvchi ma'lumotlarning uzatilishi taqiqlanadi.

4-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimini tashkil etish hamda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini boshqarish

19. Bankda huquqiy, tashkiliy, texnik choralar va axborot muhofazasi tizimlari (qurilmalari) yig'indilaridan iborat bo'lgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimi tashkil etiladi.

20. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashda foydalaniladigan dasturiy-texnik vositalar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga muvofiq litsenziyalangan va sertifikatlangan bo'lishi lozim. Bunda barcha dasturiy ta'minotlarni texnik qo'llab-quvvatlash bo'yicha amalga oshiriladigan ishlar dasturiy ta'minotning egasi yoki yetkazib beruvchi tomonidan ta'minlanishi shart.

21. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimi quyidagilarni:

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini aniqlash, oldini olish va bartaraf etishni;

barcha axborot tizimlari va axborot resurslarining axborot muhofazasini ta'minlashni;

xalqaro standartlar asosida tajribadan o'tgan eng ilg'or yechimlarni qo'llashni; yuqori ishonchga ega bo'lgan, xizmat ko'rsatilishi oson bo'lgan tizim, qurilma va uskunalarni qo'llashni;

barcha jarayon va qurilmalardagi axborotlar bo'yicha ma'lumotlarni qayd etib borishni, axborot xavfsizligining buzilishi, dastur, qurilma va foydalanuvchilarning ishlaridagi o'zgarishlarni aniqlashni;

ish jarayonining soddaligini ta'minlashni va maksimal darajada harakatlarni avtomatlashtirishni;

muhofaza to'siqlarini bir necha pog'onalarda tashkil etishni;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning uzluksizligini ta'minlashni;

noxush hodisalarni oldini olish va yuzaga kelganda ularni bartaraf etish hamda axborot tizimlarning ish faoliyatini qayta tiklashni;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni doimiy mukammallashtirib borishni ta'minlaydi.

22. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimi quyidagilarni amalga oshiradi:

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimlariga kirishni nazorat qilish;

tarmoq xavfsizligini ta'minlash;

axborot tizimlariga kirishni boshqarish va nazorat qilish;

zarar keltiruvchi dasturlardan (kompyuter viruslari va boshqalardan) muhofaza qilish;

muhofaza qilinayotgan ma'lumotlar va dasturlarni nazorat qilish, qayta tiklash, butligini aniqlash va monitoringini yuritish;

ma'lumotlarni qayta ishlash, saqlash va uzatilishida muhofazasini ta'minlash;

veb-resurslar, ma'lumotlar bazasi, ma'lumotlarni saqlash omborlari va boshqa axborot resurslarini turli axborot xavfsizligi xatarlaridan saqlash;

axborot muhofazasining ta'minlanganlik darajasini tekshirish, tahlil qilish va baholash;

elektron raqamli imzo kalitlari va sertifikatlarini taqsimlash, hisobini yuritish va boshqarish;

ma'lumotlarning uchinchi shaxslarga oshkor bo'lishini oldini olish;

axborot tizimida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik sozlamalari hamda axborot tizimining butligi bilan bog'liq barcha o'zgarishlarni nazorat qilish va elektron qayd yozuvlarini yuritish.

23. Banklar tizimlardagi xatoliklar va tashqi salbiy ta'sirlar natijasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini boshqarish tizimini yaratishi kerak.

24. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini boshqarish tizimi quyidagi funksiyalarni o'z ichiga olishi kerak:

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini aniqlash, yig'ish, ro'yxatga olish, baholash, kamaytirish choralarini ko'rish, monitoring va nazorat qilish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini bartaraf etish ishlarini rejalashtirish va boshqarish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini boshqarish bo'yicha hisobotni shakllantirish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini qayta ko'rib chiqish.

25. Xizmat axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimining nazoratini olib boradi va uzluksiz ishlashini ta'minlaydi.

Xizmat tomonidan bankda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash yuzasidan ma'lum bo'lgan tavakkalchilik va qo'llaniladigan boshqarish vositalari va usullarining ro'yxati tuzilishi hamda bank boshqaruvi raisi tomonidan tasdiqlanishi lozim.

Bank axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklari ro'yxatining dolzarbligini ta'minlashi kerak.

26. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini doimiy ravishda baholash va tahlil qilib borish Xizmat tomonidan amalga oshiriladi.

Xizmat bank boshqaruvi raisiga tavakkalchiliklarni ortishi bo'yicha tegishli ma'lumotlarni taqdim etib borishi lozim.

27. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini boshqarish bo'yicha amalga oshirilgan chora-tadbirlar hujjatlashtirilishi va yiliga kamida bir marotaba bank boshqaruvi raisi tomonidan ko'rib chiqilib, tavakkalchiliklarni kamaytirish yuzasidan tegishli chora-tadbirlar o'tkazilishi kerak.

28. Banklar faoliyatida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik darajasini baholash bo'yicha reyting axborot tizimi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan yuritiladi.

Reyting axborot tizimiga banklar tomonidan o'z vaqtida va to'g'ri (haqqoniy) ma'lumotlar kiritilishi lozim.

5-bob. Noxush hodisalar va kiberxavfsizlik hodisalarini oldini olish hamda bartaraf etish

29. Banklarda axborot xavfsizligi siyosatining buzilishi quyidagilarga olib keladi:

axborot konfidensialligining buzilishi;

axborot butligining buzilishi;

texnologik jarayonning buzilishi;

axborotdan erkin foydalanish huquqining buzilishi.

30. Bankda noxush hodisalar to'g'risidagi ma'lumotlarni olish uchun monitoring tizimlari joriy etiladi. Bunda ushbu tizimlarning ishlashini monitoring qilish va yuzaga kelgan noxush hodisalarni bartaraf etish bo'yicha doimiy ravishda ishlaydigan ishchi guruh tuziladi.

31. Noxush hodisalarni bartaraf etish uchun tashqi ekspertlar yoki texnik xizmat ko'rsatuvchi tashkilot mutaxassislari jalb qilinishi mumkin. Noxush hodisalarni bartaraf qilish uchun tashqi ekspertlar yoki texnik xizmat ko'rsatuvchi tashkilot mutaxassislari jalb qilinganda, bank ular bilan konfidensial ma'lumotlarni oshkor qilmaslik to'g'risida shartnoma tuzishi lozim.

32. Aniqlangan noxush hodisalar to'g'risidagi ma'lumotlar Xizmat tomonidan hujjatlashtirib borilishi lozim.

Xizmat noxush hodisa aniqlangan vaziyatda axborot xavfsizligi monitoringi tizimi ma'lumotlaridan foydalanishi va noxush hodisa ro'y bergan vaqtdagi axborot tizimlarining elektron jurnallari va noxush hodisa sodir bo'lgan tizim serverlarining shu vaqtdagi zaxira nusxalarini (backup, snapshot va boshqalar) saqlashi va ularning butligini ta'minlashi kerak.

33. Banklar texnik vositalardan foydalanganda noxush hodisalarni oldini olish maqsadida quyidagilarni ta'minlashlari zarur:

texnik vositalardan ruxsatsiz foydalanishni taqiqlash;

texnik vositalarni ruxsatsiz o'chirib qo'yilishidan himoya qilish;

monitoring va noxush hodisalarning elektron bayonnomalarini elektron arxivda saqlash va ruxsatsiz o'zgartirish yoki yo'q qilishdan himoyalash;

axborot tizimlari va resurslarini qonunchilikda belgilangan tartibda kiberxavfsizlik talablariga muvofiqlik yuzasidan ekspertizadan o'tkazish.

34. Ish jarayonida noxush hodisalar aniqlanganda, bank xodimlari zudlik bilan bu haqda Xizmatni xabardor qilishlari kerak.

Noxush hodisalar sodir etilgan vaqtda Xizmat tomonidan amalga oshiriladigan harakatlar bankning ichki hujjatlarida belgilanadi.

35. Bank sodir bo'lgan noxush hodisa to'g'risida Markaziy bank va vakolatli davlat organiga zudlik bilan yozma yoki elektron shaklda xabar berishi lozim.

6-bob. Axborot tizimlari va resurslarini monitoring qilish

36. Banklar konfidensial ma'lumotlar va barcha axborot aktivlaridan foydalanish monitoringini amalga oshiradi. Bunda monitoring qilishda quyidagilar belgilanadi:

axborot infratuzilmasining axborotga ishlov berish, saqlash va tarmoqda uzatish uchun qo'llaniladigan dastur va qurilmalar hisobini yuritish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalarini tahlil qilish, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini monitoring qilish hamda ogohlantirish imkonini beruvchi SIEM (Security Information and Event Management) yoki boshqa tizimlarni joriy qilish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalari to'g'risidagi ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish va ularga javob berish jarayonlarini avtomatlashtirish imkonini beruvchi SOAR (Security Orchestration, Automation and Response) tizimlarni joriy qilish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik holatini monitoring qilish tizimi ma'lumotlarini tahlil qilib borish va aniqlangan holatlarni (axborot tarmog'iga ruxsatsiz kirish va kirishga urinish, tizimdagi to'xtalishlar, axborot resurslarining yetishmovchiligi, tarmoqdagi uzilishlar, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashdagi cheklanishlar va boshqa hodisalar) bartaraf etish va (yoki) ularni oldini olish bo'yicha choralar ko'rish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini tun-u kun (24/7) rejimida monitoring qilish ishlarini tashkil etish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini monitoring qilish tizimini

Markaziy bank “CERT-CBU” kiberxavfsizlik markazining monitoring tizimiga bog‘lanishini ta‘minlash.

7-bob. Axborot tizimlari va resurslariga kirishni boshqarish

37. Banklar axborot tizimlari va resurslariga kirish va ushbu tizimlarda foydalanuvchilarning ishlash tartibini ishlab chiqishi kerak. Bunda yangi foydalanuvchilarning axborot tizimlari va resurslariga kirish hamda ushbu tizimlarga kirish huquqi bekor bo‘lgan foydalanuvchilarni undan chiqarish qoidalari inobatga olinishi lozim.

38. Yangi foydalanuvchilar axborot tizimlari va resurslariga Xizmat tomonidan kerakli texnik choralar ko‘rib, ruxsat berilganidan keyin kiritiladi.

39. Xizmat axborot tizimlari va resurslariga kirishga ruxsat berilgan foydalanuvchilar ro‘yxatini hamda ularning ushbu tizimlardan foydalanishi bankda o‘rnatilgan tartibga muvofiqligini nazorat qiladi.

40. Banklar markazlashgan holda quyidagilarni ta‘minlashi zarur:

axborot tizimlarida ishga yangi qabul qilingan xodimlar uchun hisobga olish yozuvlarini avtomatik tarzda yaratish;

xodimlarga ularning lavozim majburiyatlaridan kelib chiqib tegishli axborot tizimlariga kirish huquqlarini berish;

xodimlar axborot tizimlariga masofadan himoyalangan aloqa kanallari orqali, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta‘minlash talablariga rioya qilgan holda, faqatgina O‘zbekiston Respublikasi hududida kirishini ta‘minlash;

xodim boshqa lavozimga o‘tganida, mehnat ta‘tiliga chiqqanida yoki ishdan bo‘shaganida uning hisobga olish yozuvlarini (akkauntlarini) o‘zgartirish, bloklash va cheklash.

41. Bank xodimlarga axborot tizimlari va resurslaridan foydalanish huquqini ularning funksional vazifalariga muvofiq holda beradi. Bunda, Xizmat quyidagilarni ta‘minlashi lozim:

bankning axborot tizimlari va resurslaridagi xodimlarning hisobga olish yozuvining (akkaunt) butun hayot davrini boshqarish, uzluksiz nazorat qilish, shuningdek kadrlar tizimidagi ma‘lumotlarga asoslanib, xodimlarning lavozim majburiyatlari va vakolatlarini doimiy ravishda tekshirib turish;

bankning tashkiliy tuzilmasi asosida rollarga asoslangan kirish modelini boshqarish va nazorat qilish, shuningdek xodimning atributlari va holatiga asoslangan holda axborot resurslarini (ular bilan bog‘liq hisob yozuvlari, kirish huquqlari va axborot tizimlaridagi vakolatlar) dinamik tarzda tayinlashni ta‘minlash;

xodimning biznes roli yoki vazifasi o‘zgarganda, markazlashtirilgan tizim orqali yangi rolga mos ravishda kirish huquqlari va vakolatlarini avtomatik tarzda berish;

har bir axborot tizimi foydalanuvchilarining amaliy kirish huquqlari va vakolatlarini nazorat qilish hamda kelishilgan kirish huquqlari o‘rtasidagi farqlarni aniqlash;

bankning har qanday axborot tizimlari va resurslariga kirish huquqlari va vakolatlarini (to‘g‘ridan to‘g‘ri tayinlash, rol modeli bo‘yicha tayinlash, so‘rov

orqali tayinlash) paydo bo'lish manbasini kuzatib borish hamda vakolatning paydo bo'lish manbasi va zanjiri haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lish.

42. Xizmat bank xodimlariga berilgan ortiqcha huquqlarni aniqlash vositalari bilan ta'minlanishi lozim.

43. Bank tomonidan axborot aktivlaridan foydalanishda foydalanuvchi amalga oshirgan operatsiya to'g'risidagi quyidagi ma'lumotlar:

bajarilgan operatsiya sanasi (kun, oy, yil) va vaqti (soat, daqiqa, soniya);

foydalanuvchiga tizimlarda hamda axborot dasturlarida berilgan foydalanuvchi identifikatori;

foydalanuvchi qurilmasining identifikatsiya ma'lumotlari (IP-manzil, MAC-manzil, qurilmaning nomi va boshqa identifikatorlari);

foydalanuvchining tizimdagi faol sessiyasi davrida bajargan barcha amaliyotlari va harakatlari tegishli elektron bayonnomalarda qayd etib borilishi lozim. Bunda, elektron bayonnomalardagi yozuvlarni o'zgartirish yoki o'chirish imkoniyati faqatgina bank boshqaruv raisining buyrug'i bilan yuklatilgan Xizmat xodimlarida bo'lishi shart.

44. Xizmat bank xodimlarining lavozim majburiyatlari, vakolatlari va axborot aktivlariga kirish huquqlarini bir oyda kamida bir marotaba tekshirib turishi hamda tekshiruv natijalarini hujjatlashtirib borishi lozim.

45. Xizmat bankning axborot tizimlari va resurslaridan ruxsatsiz foydalanishni oldini olish maqsadida:

foydalanuvchilarni identifikatsiya va autentifikatsiya qilishi hamda ushbu jarayonni boshqarishi;

muvaqqiyatsiz kirishga urinishlarni aniqlashi va ularni cheklashi hamda ushbu foydalanuvchining axborot tizimlari va resurslariga kirish huquqini (akkauntini) bloklashi;

foydalanuvchining uzoq vaqt oralig'ida harakatsizligi aniqlanganda ish sessiyasini to'xtatishi;

axborot aktivlari hamda ishchi stansiyalarda foydalanuvchining ishlash davrida foydalanuvchi akkauntining bir vaqtning o'zida bir nechta qurilmalarda ishlashini (multisessiya) cheklashi;

foydalanuvchining axborot aktivlarida shu axborot aktivlarining faoliyatiga ta'sir etadigan sozlamalarini (parametrlarini) o'zgartirish imkoniyatini cheklashi;

muhim axborot infratuzilmasi obyekti sifatida, qonunchilikda belgilangan tartibda bankning axborot tizimlari hamda resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik holati bo'yicha baholash ishlari o'tkazilishini ta'minlashi;

axborot tizimlari va resurslarini kiberxavfsizlik talablariga muvofiqlik yuzasidan ekspertizadan o'tkazish hamda kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik holatini baholash jarayonlarida aniqlangan kamchilik va zaifliklarni zudlik bilan bartaraf etishi lozim.

46. Axborot tizimlarida to'lovlarga oid ma'lumotlarni kiritish, o'zgartirish, tasdiqlash va o'chirish huquqiga ega bo'lgan foydalanuvchilarni autentifikatsiya qilish apparat-dasturiy qurilmalar orqali amalga oshiriladi.

Har bir foydalanuvchi tizimga kirish uchun uning o'ziga ajratilgan apparat-dasturiy qurilmadan foydalanishi lozim.

47. Masofadan turib bank xizmatlarini ko'rsatishning barcha jarayonlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash choralari bankning ichki hujjatlarida belgilanadi.

Masofadan turib bank xizmatlarini ko'rsatish tizimida foydalanuvchilarning tizimga kirishi, axborot almashinuvi va ularning amallari to'g'risidagi to'liq ma'lumotlar (IP va (yoki) MAC manzili, mobil telefondan foydalanganda — IMEI-kod) elektron bayonnomalarda qayd etib borilishi kerak.

Banklar barcha tizim foydalanuvchilariga ruxsat berilgan vaqtdan tashqari holatda bank tizimiga ulanishini taqiqlashi lozim. Bunda, bank tizimi bilan bog'lanuvchi faol sessiyalar uzilishi shart.

48. Bankning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmalari, axborot tizimlari va resurslari hamda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimlari administratorlarining barcha harakati PAM tizimi orqali amalga oshirilishi shart. Bunda foydalanuvchilarning harakatlarini ushbu tizim orqali qayd etish va imtiyozli sessiyalarini audit qilish talab etiladi.

49. Banklar PAM tizimida foydalanuvchilarning harakati qayd etilgan ma'lumotlarni kamida olti oy davomida saqlanishini ta'minlashi lozim.

8-bob. Ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimi

50. Banklar ma'lumotlar bazasi sozlanishlarida xatoliklarni oldini olishi va tajovuzkorning quyidagi harakatlarini cheklashlari kerak:

ma'lumotlar bazasiga kirish;

ma'lumotlar bazasining maxsus interfeysini qo'llash, komandalar kiritish va dasturlarni ishlatish;

administrator va foydalanuvchilar parollarini bilib olish;

ma'lumotlar bazasining tizim fayllariga kirish;

zararli dasturlar o'rnatish;

serverning ilova dasturlariga egalik qilish;

ma'lumotlar bazasi va serverga masofadan hujum qilish.

51. Banklar ma'lumotlar bazasiga kiritiladigan barcha dasturiy o'zgartirishlarni hujjatlashtirishi va kiritilgan o'zgartirishlarning hisobini yuritishi lozim.

Ishchi stansiyalar va boshqa hisoblash texnikalarining operatsion tizimi, antivirus dasturi va boshqa dasturiy o'zgartirishlar test-sinov ishlari yakuniga ko'ra ishga tushiriladi. Ma'lumotlar bazasiga kiritiladigan barcha dasturiy o'zgartirishlar avval test-sinov serverida tekshirilishi hamda ijobiy natijaga erishilganda ishchi serverga joriy etilishi lozim.

52. Ma'lumotlar bazasida o'rnatilgan serverning ish jarayoni uchun zarur bo'lmagan xizmatlar to'xtatilishi va axborot portlari yopib qo'yilishi lozim. Ishlatiladigan axborot portlarining ro'yxati foydalanish maqsadi ko'rsatilgan holda bank boshqaruvi raisi tomonidan tasdiqlanadi.

53. Bankda real vaqt rejimida shubhali harakatlarni tezkor aniqlash va oldini olish uchun ma'lumotlar bazasi faoliyatini monitoring qilish tizimi DAM (Database Activity Monitoring) joriy etilishi lozim.

54. Ma'lumotlar bazasining administratori va ma'lumotlar bazasida axborot

xavfsizligini ta'minlovchi xodimlarning vazifalari, vakolatlari va javobgarliklari bankning ichki hujjatlari bilan belgilanadi.

55. Ma'lumotlar bazasi administratorining paroli 12 ta belgidan kam bo'lmashligi lozim, bunda parolning belgilari sifatida pastki va yuqori registr harflari, raqamlar va maxsus belgilar (@, #, \$, &, % va h.k.) qo'llaniladi. Parollar va tokenlar ma'lumotlar bazasida shifrlangan holda saqlanishi lozim.

56. Bank ma'lumotlar bazasiga boshqa tashkilotlarni faqatgina veb-servis (API) orqali ulanishini ta'minlashi shart. Boshqa tashkilotlarni to'g'ridan to'g'ri ulash (DB Link) taqiqlanadi.

9-bob. Tarmoq xavfsizligi

57. Tarmoq xavfsizligini loyihalashtirish, joriy etish va boshqarish quyidagi standartlar asosida amalga oshiriladi:

O'z DSt ISO/IEC 27033-1:2016 "Axborot texnologiyasi. Xavfsizlikni ta'minlash usullari. Tarmoq xavfsizligi. 1-qism. Sharh va konsepsiyalar";

O'z DSt ISO/IEC 27033-2:2016 "Axborot texnologiyasi. Xavfsizlikni ta'minlash usullari. Tarmoq xavfsizligi. 2-qism. Tarmoq xavfsizligini loyihalashtirish va joriy etish bo'yicha rahbariy ko'rsatmalar";

O'z DSt ISO/IEC 27033-4:2016 "Axborot texnologiyasi. Xavfsizlikni ta'minlash usullari. Tarmoq xavfsizligi. 4-qism. Xavfsizlik shlyuzlarini qo'llagan holda tarmoqlararo xavfsizligini ta'minlash uchun kommunikatsiyalar";

O'z DSt ISO/IEC 27033-5:2016 "Axborot texnologiyasi. Xavfsizlikni ta'minlash usullari. Tarmoq xavfsizligi. 5-qism. Virtual xususiy tarmoqlarni qo'llagan holda tarmoqlararo xavfsizligini ta'minlash uchun kommunikatsiyalar".

58. Banklar tarmoq xavfsizligini ta'minlash uchun quyidagi shartlarni bajarishi kerak:

korporativ tarmoq va axborot tizimlarining o'zaro bog'lanishida telekommunikatsiya hamda tarmoq servislari uzluksiz ishlashi va xavfsizligini ta'minlash;

tarmoq qurilmalari va dasturiy ta'minotning sozlamalari va uning komponentlarini ruxsatsiz ko'rish yoki o'zgartirishni cheklash;

tarmoqlarni alohida segmentlarga bo'lish;

kibertahdidlarni real vaqt rejimida monitoring va tahlil qilish hamda bloklash imkoniyatini ta'minlash;

tarmoqdagi faollik to'g'risidagi batafsil ma'lumotlarni yig'ish va saqlash;

tuzoqlar (honeypot) yaratish va ularni emulyatsiya qilish imkoniyatini ta'minlash;

tarmoq trafiginı turli protokol va dasturlar darajasida tahlil qilish imkoniyatini ta'minlash;

tarmoqlararo axborot almashinuvida ma'lumotlarning konfidensialligini ta'minlash va tarmoqda ruxsatsiz harakatlarni oldini olish.

59. Korporativ tarmoqqa faqat ruxsat berilgan qurilmalar (hisoblash texnikasi) ulanishiga ruxsat berilishi lozim.

Bankka tegishli bo'lmagan kompyuter qurilmalarini bankning korporativ tarmog'iga ulanishiga ruxsat berishda quyidagilar ta'minlanishi shart:

korporativ tarmoqqa Xizmat bilan kelishgan holda bank rahbariyati ruxsati bilan ulash;

ulanadigan qurilmaning texnik parametrlari va identifikatorlarini qayd etish;

ulanadigan qurilmada litsenziyalangan antivirus dasturining mavjudligiga ishonch hosil qilish;

ulanadigan qurilmaga ma'lumotlarni ruxsatsiz tarqalishidan himoyalash tizimini (DLP) o'rnatish;

ulanadigan qurilmaga axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmalari hamda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimlarida ishlashga ruxsat berilishi ko'zda tutilgan bo'lsa, uni PAM tizimi orqali ulash;

konfidensial ma'lumotlar bilan ishlash tartibi bilan tanishtirish va majburiyatnoma imzolatish;

korporativ tarmoqqa ulanuvchi qurilmalarda internet tarmog'iga ulanishni oldini olish;

bankda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha belgilangan qo'shimcha choralarni ko'rish.

60. Korporativ tarmoqda axborot almashinuvining elektron bayonnomasi yuritilishi va elektron bayonnomada tizimga kirgan foydalanuvchining nomi (user name), vaqti, IP va (yoki) qurilmaning MAC manzili qayd etib borilishi kerak.

61. Banklar tomonidan tashkil etilgan korporativ tarmoqning (Markaziy bank tarmog'iga, Internet jahon axborot tarmog'iga, telekommunikatsiya provayderlariga, filiallarga va boshqa tarmoqlarga bog'lanish) chizmasi Markaziy bank bilan kelishiladi.

62. Korporativ tarmoq xavfsizligining to'liq nazorati va monitoringi doimiy ravishda Xizmat tomonidan amalga oshiriladi.

63. Bankning tarmoqlararo axborot almashinuvi xususiy virtual tarmoqlarni (VPN) tashkil etish yo'li bilan muhofazalanadi.

Korporativ tarmoqda ilova serverlari bilan foydalanuvchilar o'rtasidagi o'zaro axborot almashinuvida himoyalangan protokol qo'llanilishi lozim.

64. Bankning lokal hisoblash tarmog'iga boshqa tarmoqlardan va (yoki) tashqi aloqa kanallari orqali bog'lanish nuqtalari tarmoqlararo ekran qurilmalari bilan muhofazalanadi.

65. Telekommunikatsiya shkaflari qulflanishi va videokuzatuv tizimlari orqali nazoratga olingan bo'lishi lozim.

Lokal hisoblash tarmoqlari kabellarini telekommunikatsiya shkaflari bilan hisoblash texnikalari, bankomat va boshqa qurilmalarning bog'lanish nuqtalarigacha muhofazalanmagan tarzda o'tkazilishi taqiqlanadi.

66. Bankning barcha bo'linmalari lokal hisoblash tarmog'ida virtual mahalliy tarmoqlar (VLAN) hosil qilish yo'li bilan bir-biridan ajratilishi lozim.

67. Bankda tarmoq xavfsizligini ta'minlashda qo'llaniladigan dasturiy ta'minot va texnik vositalarning holatlarini monitoring qilib borilishi, statistik ma'lumotlar yig'ilishi va tahlil qilinishi, yuzaga kelayotgan muammolar ilk bosqichda aniqlanishi va ular asosida favqulodda vaziyatlar paydo bo'lishining oldi olinishi lozim.

68. Banklar tarmoqdagi tahdidlarni aniqlash va ularga qarshi javob beruvchi tizimlarni NDR (Network Detection and Response) joriy qilishi lozim.

69. Banklar tajovuzlarni aniqlash va oldini olish tizimini (IDS/IPS) qo'llashi lozim, ya'ni bank tarmoq ichida noodatiy harakatlarni va lokal hisoblash tarmoqlaridagi hujumlarni aniqlash, oldini olish va to'sish uchun mo'ljallangan dasturiy yoki dasturiy-apparat vositalarni joriy etishlari lozim.

Banklar real vaqt rejimida tarmoq dasturlari ishlashidagi og'ishlar, shuningdek kompyuter tizimi yoki tarmoqda ruxsat etilmagan foydalanish (ruxsatsiz kirish yoki tarmoqqa hujumlar) holatlarini aniqlash imkoniyatiga ega bo'lishi kerak. Bank IDS/IPS tizimlarining bazasini aktual holatda bo'lishini ta'minlaydi.

IPS/IDS tizimlari tarmoq infratuzilmasining miqyosi serverlar va kommutatsiya uskunalari (marshrutizatorlar, kommutatorlar, aloqa liniyalari) interfeyslarining o'tkazish qobiliyatidan kelib chiqib tanlanadi va joriy etiladi. Agar telekommunikatsiya qurilmalari ma'nan eskirgan bo'lsa va IPS/IDS tizimlariga ishlash imkoniyatini bermasa, ushbu qurilmalar yangilanishi lozim.

70. Banklarda qo'llaniladigan tarmoqlararo ekran qurilmalari O'z DSt 2815:2014 "Axborot texnologiyalari. Tarmoqlararo ekran." standarti talablarining kamida ikkinchi toifasiga mos bo'lishi kerak.

Tarmoqlararo ekran qurilmalarining sozlanishlari tasdiqlanishi va ruxsat berilgan axborot almashinuvi protokollari asoslangan bo'lishi lozim. Sozlanishlarga kiritiladigan o'zgartirishlar bank tomonidan amalga oshiriladi.

71. Asosiy va zaxira tarmoqlararo ekran qurilmalarining sozlamalari bir xil bo'lishi hamda aktual holda elektron arxivda saqlanishi kerak.

72. Tarmoqlararo ekran qurilmalari va proksi-serverlarning elektron bayonnomalari Xizmat tomonidan tahlil qilib boriladi va tashqi hujumlar aniqlanganda zudlik bilan Markaziy bankka xabar beriladi.

10-bob. Elektron pochta va internet tarmog'idan foydalanish

73. Bank o'zining ichki elektron pochta tizimi serverini bankning lokal hisoblash tarmog'ida yaratadi.

Tezkor xabarlar almashish tizimlari (messenger) yoki dasturlaridan foydalanish, bank tomonidan internet tarmog'idan va elektron pochta tizimlaridan foydalanishda axborot muhofazasini ta'minlash, xodimlarni tizimga kiritish, ularga cheklovlar qo'yish, javobgarlik, xodimlar harakati va tizimning axborot xavfsizligi ustidan nazorat qilish bankning ichki hujjatlarida belgilanadi.

74. Bank xodimlariga bank faoliyatiga tegishli bo'lmagan ma'lumotlarni bankning elektron pochta orqali uzatish taqiqlanadi.

75. Bank bo'limlari va filiallari o'rtasida axborot almashinuvi elektron hujjat aylanishi dasturlari yoki bankning ichki elektron pochta tizimi orqali amalga oshiriladi.

76. Fayllarni uzatish protokolidan (FTP) foydalanib tashkil qilingan umumiy katalog (FTP Server) orqali fayl almashinuvini amalga oshirish va bank siri ma'lumotlarini tarmoqda erkin o'qish uchun joylashtirish taqiqlanadi.

Elektron pochta orqali qabul qilinadigan va yuboriladigan ma'lumotlarda zararli kodlarning mavjudligini tekshirish tizimi (Sandbox) joriy etilishi lozim. Xizmat ushbu tizimni nazorat qilib boradi.

77. Bank o'zining elektron pochta tizimi hamda internet tarmog'idan

foydalanish tartibini ichki hujjatlari bilan belgilaydi hamda elektron pochta orqali yuborilgan va qabul qilingan ma'lumotlarni Xizmat tomonidan nazorat qilinishini ta'minlaydi. Bunda, faqat ruxsat berilgan foydalanuvchilar internet tarmog'idan foydalanishi mumkin.

78. Bankda internet tarmog'idan foydalanishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash choralari ko'rilishi kerak.

Konfidensial, jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlar bilan ishlaydigan foydalanuvchilarning kompyuterlarini internet tarmog'iga proksi server orqali ulashga ruxsat etiladi. Bunda faqat ish faoliyatiga oid axborot resurslarining ro'yxati asosida internet tarmog'iga ulanishi tashkil etilishi lozim.

79. Avtomatlashtirilgan bank tizimi ma'lumotlar bazasi serverlari, dastur serverlari, to'lov tizimi ma'lumotlarini qayta ishlovchi barcha serverlar hamda bankning ish faoliyatida qatnashuvchi boshqa muhim serverlari bankda tashkil etilgan alohida ajratilgan va muhofaza qilingan tarmoq segmentida joylashtirilishi lozim.

Bankning internet tarmog'i orqali ulanadigan axborot tizimlari va resurslari hujumni aniqlash va uni oldini olish bo'yicha IDS/IPS, WAF (Web Application Firewall) hamda Anti-DDoS tizimlari bilan muhofazalangan bo'lishi kerak.

80. Axborot muhofazasini kuchaytirish maqsadida tarmoq protokolida tarmoq tranzit paketlarining IP manzillarini o'zgartirish imkonini beruvchi tarmoq manzillarini o'zgartirish protokoli (NAT) qo'llanilganda, barcha ulanishlarning elektron jurnallari asl IP manzillar ko'rsatilgan holda yuritilishi va belgilangan tartibda elektron arxivga olinishi lozim.

Internet tarmog'idan foydalanish tartibi nazoratga olingan bo'lishi va bank xodimlarining internet tarmog'idan foydalanishlari ularning lavozim yo'riqnomasiga ko'ra belgilanishi lozim.

81. Internet tarmog'idan foydalangan xodimning logini, foydalanish vaqti, resurs nomi va boshqa ma'lumotlar aks ettirilgan elektron bayonnomalar yuritilishi kerak. Xizmat ushbu elektron bayonnomalarni tahlil qilib boradi.

82. Internet tarmog'idan foydalanishda axborot muhofazasini ta'minlash tarmoqlararo ekran qurilmalari, proksi-serverlar, antivirus vositalari, ruxsatsiz kirishni aniqlash va oldini olish (IDS/IPS) hamda boshqa axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimlarini qo'llash yo'li bilan amalga oshiriladi.

83. Bank tarmog'i va kompyuterlarga modemlar yoki uyali telefonlarni ulash, shuningdek internet tarmog'ida ishlashda tashqi proksi-serverlardan foydalanish va bankning ichki lokal tarmog'ini simsiz tashkil etish va bank kompyuterlarida simsiz axborot almashinuvi tizimlaridan foydalanishga yo'l qo'yilmasligi ta'minlanishi kerak.

84. Mijozlar va bank iste'molchilari uchun qulayliklar yaratish maqsadida bank binosida Wi-Fi zonalari tashkil etilishi mumkin.

Bunda, Wi-Fi texnologiyasi bank ichki lokal tarmog'idan jismonan ajratilgan bo'lishi hamda unda quyidagi axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash choralari ko'rilgan bo'lishi kerak:

Wi-Fi tarmog'i orqali faqatgina internet tarmog'iga kirishga ruxsat berish;
mijozni identifikatsiyadan o'tkazish;

mijozlararo ulanishni taqiqlash (client isolation);
IPS/IDS yoki proksi filtrlash orqali shubhali va zararli trafikni bloklash;
DoS hujumlarini oldini olishda tezlik (QoS) va sessiyalarni cheklash;
Wi-Fi tarmog'iga ulanish to'g'risidagi bayonnomalarni (MAC, IP, sana/vaqt, mehmon identifikatori) kamida olti oy davomida saqlash;

WPA2/WPA3-PSK yoki WPA2-Enterprisedan foydalanish va trafikni majburiy shifrlash;

himoyasiz ochiq parolli (shifrlanmagan) Wi-Fi tarmog'idan foydalanishni taqiqlash;

real vaqt rejimida anomal faollik, skanerlash va hujumga urinishlar hamda taqiqlangan resurslarga ulanishni kuzatish;

Rogue AP, Spoofing va boshqa hujumlarni aniqlash va oldini olish tizimini (WIDS/WIPS) ishlatish.

85. Bank internet tarmog'idagi tashqi axborot resurslarini muntazam ravishda kuzatib borishi shart. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad bankning ramziy belgisi, ishbilarmonlik obro'si va boshqa elementlaridan noqonuniy foydalangan holda mijozlar va hamkorlarni chalg'itishning oldini olish hisoblanadi. Bunda, bank bilan bog'liq quyidagi holatlar aniqlanishi lozim:

bankning rasmiy veb-saytiga o'xshatib yaratilgan soxta veb-saytlar (fishing nusxalar, soxta domenlar, sahifa nusxalari);

ijtimoiy tarmoqlar, messenjerlar, onlayn savdo maydonchalari, reklama platformalari va forumlardagi soxta akkauntlar;

rasmiy mobil ilovalar do'konlaridagi (Google Play, App Store va boshqalar) soxta ilovalar;

bank nomidan yuborilgan fishing yoki firibgarlik xarakteridagi elektron pochta va SMS-xabarlar;

bankning tovar belgisi, ramziy belgisi (logo) yoki domeni nomidan noqonuniy foydalanish holatlari;

mijozning ishonchini yo'qotish yoki ularni chalg'itishga qaratilgan salbiy axborotlar (soxta ma'lumotlar, qalbakilashtirilgan yangiliklar, bank nomidan yozilgan sharhlar va hokazo);

bank nomidan noqonuniy foydalanish bilan bog'liq boshqa holatlar.

Bank internet tarmog'idagi tashqi axborot resurslarida yuqoridagi holatlarni aniqlagan taqdirda, bu haqda bir kun ichida Markaziy bank va O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat inspeksiyasiga xabar berishi hamda o'zining rasmiy axborot manbalarida e'lon qilishi lozim.

11-bob. Texnik vositalarni boshqarish tizimi

86. Banklar axborot aktivlarida tarmoq obyektlari bo'lgan foydalanuvchilar, kompyuterlar, serverlar va boshqa texnik vositalarni boshqarish (Active Directory yoki boshqa muqobil) tizimini joriy etadi.

Bunda ushbu tizim yordamida kompyuterlarda foydalanuvchilar tomonidan faqat o'zlarining ish faoliyatiga tegishli bo'lgan dasturlar ishlatilishi va kompyuterlarga kirish himoyalaniishi (parollar) ta'minlanadi.

Foydalanishga yo'l qo'yiladigan dasturlar ro'yxati bank tomonidan belgilanadi. Ro'yxatda bo'lmagan barcha dasturlarni ishlatish va qo'shimcha dasturlar o'rnatish kabi harakatlar taqiqlanadi.

87. Texnik vositalarni boshqarish tizimi administrator tomonidan amalga oshiriladi, bunda Xizmat administratorning tizimdagi barcha harakatlarini nazorat qilishi kerak.

88. Xizmat kamida bir oyda bir marotaba texnik vositalarni boshqarish tizimining sozlamalari va elektron bayonnomalarini tahlil qilishi, texnik vositalardan foydalanishda bankning axborot xavfsizligiga oid siyosatida belgilangan talablarning bajarilishini nazorat qilishi kerak.

12-bob. Oxirgi nuqtalarda xavfsizlikni ta'minlash

89. Banklar axborot tizimlaridan ruxsatsiz ma'lumotlar uzatilishining oldini olish maqsadida ma'lumotlarni ruxsatsiz tarqalishidan himoyalash tizimini (DLP) joriy etishlari lozim.

Konfidensial ma'lumotlar bilan ishlash huquqi berilgan barcha oxirgi nuqtalar DLP tizimiga ulangan bo'lishi lozim.

90. Ma'lumotlarni himoya qilishda banklar tomonidan:

muhofazalanadigan ma'lumotlarni ruxsatsiz turli tarmoq kanallari orqali uzatilishi, ruxsatsiz hisobga olinmagan tashqi tashuvchiga ko'chirilishi, ruxsatsiz chop etilishi aniqlanishi hamda bu haqda bank rahbariyatiga ma'lumot berish va kelgusida shu kabi salbiy holatlar bo'lmasligining oldini olish choralari ko'rilishi;

muhofazalanadigan ma'lumotlarni server va kompyuterlarda saqlanishi nazorat qilinishi lozim.

91. Nazorat qilish tartib-qoidalari bankning ichki hujjatlari bilan belgilanadi va ma'lumotlarni ruxsatsiz tarqalishidan himoyalash Xizmat tomonidan amalga oshiriladi.

92. Banklarda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash uchun antivirus himoyasi tashkil etilishi lozim.

93. Bankda antivirus dasturlarining o'rnatilishi hamda ishlashi Xizmat tomonidan nazorat qilinadi.

94. Banklar kompyuter virusi aniqlanganda, ularning tarmoq orqali tarqalishini oldini olish maqsadida amalga oshiriladigan choralarni belgilashi kerak.

Bankning axborot infratuzilmasiga kompyuter virusi zarar keltirganligi aniqlanganda, banklar shu virusning kelib chiqishi va uning turi haqida Markaziy bankka ma'lumot berishi lozim.

95. Xizmat Bank xodimlari tomonidan ularning kompyuteridagi antivirus dasturining sozlamalarini o'zgartirish imkoniyatini cheklashi kerak. Kompyuter virusi aniqlanganda, xodimlar tomonidan amalga oshiriladigan harakatlar banklar tomonidan belgilanishi hamda barcha xodimlarga tanishtirilishi lozim.

96. Banklar antivirus himoyasini tashkil etishda quyidagilarni ta'minlashi shart:

litsenziyaga ega antivirus dasturlaridan foydalanish va ularning litsenziyasining amal qilish muddati aktualligini ta'minlash;

antivirus dasturlarini markazlashgan holda boshqarish;

antivirus dasturlari bazalarini har kuni yangilab borilishini yo'lga qo'yish; antivirus dasturining rusumi aktual (ma'nan eskirmagan) bo'lishini ta'minlash; barcha serverlar, kompyuterlar, bankomatlar, infokiosklar va boshqa antivirus dasturlari o'rnatilishi mumkin bo'lgan hisoblash vositalariga antivirus dasturlarini o'rnatish.

97. Banklar axborot tizimlaridagi yangilanishlar va tuzatmalarni boshqarish tizimini joriy etishi lozim.

Zararli dasturlar va ekspløitlardan himoyalanish maqsadida anomal faoliyatni kuzatish imkonini beruvchi EDR (Endpoint Detection and Response) texnologiyasidan foydalanilishi lozim.

Oxirgi nuqtalarda xavfsizlikni ta'minlash uchun Wi-Fi tarmoqlariga ulanishni taqiqlash lozim.

98. Bank tomonidan konfidensial ma'lumotlar bilan ishlash uchun berilgan mobil qurilmalar markazlashtirilgan holda boshqariladi va ularda xavfsizlik siyosatidan foydalaniladi (qurilmani masofadan bloklash, ma'lumotlarni masofadan o'chirish va boshqalar).

99. Bank o'zining axborot aktivlarida ruxsat etilmagan o'zgarishlar haqida darhol ogohlantiruvchi va konfiguratsiya fayllarining yaxlitligini nazorat qilish tizimlaridan FIM (File Integrity Monitoring) foydalanishi shart.

13-bob. Elektron raqamli imzo va shifrlash kalitlaridan foydalanish

100. Banklarda elektron hujjatlarning asliga to'g'riligini tasdiqlash va tashqi muhit ta'siridan muhofazalash uchun bankning elektron raqamli imzo kalitlarini ro'yxatga olish markazi tomonidan yaratilgan elektron raqamli imzo va shifrlash kalitlari qo'llaniladi.

101. Banklar tashqi tizimlar bilan o'zaro ishlashda bank tavakkalchiliklaridan kelib chiqqan holda elektron raqamli imzo va shifrlash kalitlarini qo'llash bo'yicha talablarni o'zaro kelishgan holda amalga oshiradi.

102. Axborot aktivlari foydalanuvchilarining elektron raqamli imzo kalitlari maxsus yoki mobil qurilmalarga yozilgan bo'lishi hamda har qanday usul bilan ruxsatsiz nusxa olishdan himoyalangan bo'lishi lozim.

103. Elektron to'lov hujjatlarini kirituvchi, tasdiqlovchi va elektron to'lovlar bilan tegishli amallarni (bosh buxgalter, so'nggi nazorat) bajaruvchi barcha mas'ul xodimlar elektron raqamli imzo bilan ta'minlangan bo'lishlari va avtomatlashtirilgan bank tizimlarida ushbu elektron raqamli imzodan foydalanishlari zarur.

Bank tomonidan masofaviy xizmat ko'rsatilganda, elektron to'lov hujjatlarini kirituvchi, tasdiqlovchi va elektron to'lovlar bilan tegishli amallarni bajaruvchi barcha xodimlar elektron raqamli imzo bilan elektron to'lov hujjatlarini tasdiqlashi lozim.

104. Banklar tarmoq orqali uzatilayotgan to'lov ma'lumotlarini elektron raqamli imzo va shifrlash kalitlari qo'llanilgan holda himoya qilinishini ta'minlaydi.

105. Elektron raqamli imzo kaliti sertifikatining amal qilish muddati elektron raqamli imzo ro'yxatga olingan paytdan e'tiboran yigirma to'rt oydan oshmasligi

kerak. Bunda elektron raqamli imzo kaliti sertifikatining amal qilish muddati ikki martadan ko'p bo'lmagan muddatga uzaytirilishi mumkin.

Foydalanuvchilarning elektron raqamli imzo ochiq kalitlari avtomatlashtirilgan bank tizimida ro'yxatga olinishi va hisobi yuritilishi kerak.

106. Elektron raqamli imzo kalitining sertifikati ro'yxatga olish markazi orqali yaratiladi. Bunda, sertifikatga quyidagi ma'lumotlar kiritiladi:

elektron raqamli imzo yopiq kalitining egasi bo'lgan jismoniy shaxsning familiyasi, ismi va otasining ismi;

xodimning lavozimi va shaxsini tasdiqlovchi hujjat ma'lumotlari;

jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami;

elektron raqamli imzoning ochiq kaliti;

mazkur sertifikatni bergan ro'yxatga olish markazining nomi va joylashgan manzili;

elektron raqamli imzodan foydalanish maqsadlari to'g'risidagi ma'lumotlar;

elektron raqamli imzolar kalitlari sertifikatlari reyestrining elektron manzili.

107. Elektron raqamli imzo va shifrlash kalitlarining yaratilish jarayonlari muhofazalanishi lozim.

108. Elektron raqamli imzoning yopiq kalitidan faqat uning egasi foydalanishi lozim.

Bank tizimidagi elektron raqamli imzo kalitlari qo'llanilishi Xizmat tomonidan nazorat qilinadi.

Elektron raqamli imzoning yopiq kalitini ish kompyuter xotirasida yoki ish kompyuteriga doimiy ulangan holatda turuvchi tashqi xotirada saqlash taqiqlanadi.

109. Elektron raqamli imzo bilan tasdiqlanmagan va shifrlash jarayonidan o'tmagan elektron to'lovlar qayta ishlash uchun qabul qilinishi taqiqlanadi.

110. Markaziy bank tomonidan berilgan elektron raqamli imzo kalitlari buzilganda, yo'qotilganda va boshqa shunga o'xshash holatlarda banklar elektron raqamli imzoning yangilanish sabablarini ko'rsatgan holda Markaziy bankka murojaat qiladi. Markaziy bank murojaat asosida bir kun ichida elektron raqamli imzoni yangilab beradi.

14-bob. Elektron arxivni tashkil qilish va elektron arxiv hujjatlarining tarkibi

111. Elektron arxiv bank arxivining tarkibiy bo'linmasi sifatida tashkil qilinadi.

112. Elektron arxiv o'zining elektron arxiv axborot tizimiga ega bo'lishi va uning axborot resurslari shakllantirilishi lozim.

113. Elektron arxivning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat bo'lishi kerak:

elektron hujjatlarni jamlash, hisobga olish, ularni saqlash, shuningdek ulardan foydalanishni ta'minlash;

axborot resurslarining arxiv nusxalarini tayyorlash va ularni qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlarda davlat saqloviga topshirish;

elektron hujjatlarni rasmiylashtirish bo'yicha bankning tarkibiy bo'linmalariga uslubiy yordam ko'rsatish;

elektron arxiv axborot resursining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlash.

114. Elektron arxiv hujjatlari tarkibiga quyidagi axborot resurslari kirishi lozim:

bank amaliyot kunidagi elektron ma'lumotlarning to'liq bazasi;

muddati tugagan shifrlash va elektron raqamli imzo kalitlarining ochiq kalitlari;

bank amaliyot kuni dasturlari va boshqa alohida foydalanilayotgan dasturlar majmuasi;

bank axborot tizimlari va resurslari bilan bog'liq barcha dasturlarning, dasturiy va apparat-dasturiy qurilmalarning elektron bayonnomalari hamda noxush hodisalar bilan bog'liq elektron bayonnomalar;

elektron pochta orqali qabul qilingan va uzatilgan to'lovlarga tegishli (farmoyish, qaror va boshqa) hujjatlar;

shifrlangan va shifrlanmagan ko'rinishdagi barcha kiruvchi va chiquvchi elektron to'lov hujjatlari;

tijorat banklarining kredit va boshqa bank operatsiyalariga taalluqli ma'lumotlari;

banklarning boshqaruv, shaxsiy tarkib hujjatlari va boshqa ma'lumotlar.

115. Bankda elektron arxivda saqlanuvchi ma'lumotlar ro'yxati shakllantirilishi va bir yilda bir marta yangilab turilishi lozim.

Banklar o'zining siyosati, mavjud bo'lgan axborot tizimlari va bank oldiga qo'yilgan talablardan kelib chiqib, elektron arxivda saqlanuvchi ma'lumotlar ro'yxatini belgilashi mumkin.

116. Elektron arxiv belgilangan vazifalarni bajarish uchun tegishli texnik qurilma-vositalar va dasturlar bilan ta'minlangan bo'lishi kerak.

Elektron arxivning axborot resursi tashqi saqlovchilarga ko'chirilib, seyfa yoki temir shkafda saqlanishi lozim.

117. Asosiy ish jarayonidagi ma'lumotlar va ularning xotirasida (server disklarida) saqlanayotgan ma'lumotlar elektron arxivning axborot resursi hisoblanmaydi.

118. Banklar elektron arxivning axborot resursi nusxalarini saqlash uchun kamida ikkita bir-biriga bog'liq bo'lmagan saqlash joylarini tashkil etishlari lozim.

Elektron arxiv har kuni dasturiy ravishda axborot resursini shakllantirishi (arxivlashi) hamda elektron axborot tashuvchi vositalarga yozilishi jarayonini elektron jurnalda qayd etib borishi lozim. Elektron jurnalda axborot resursiga ko'chirilgan axborotlar to'g'risidagi (vaqti, nomi, hajmi va boshqa) ma'lumotlar hamda elektron arxiv butligini aniqlash maqsadida ushbu axborotlarning xesh summasi (nazorat raqamlari) qayd etib borilishi kerak. Elektron arxivning mas'ul xodimi ushbu ishlarni amalga oshirganligi to'g'risida maxsus daftarda qayd qilib boradi.

119. Bankning ichki audit xizmati xodimi har oyda kamida bir marta elektron arxivning ishlarini tekshirishi va tekshiruv natijalarini arxiv ishlarini qayd etish maxsus daftariga kiritib borishi zarur. Kamchiliklar aniqlangan taqdirda bankning ichki audit xizmati tomonidan dalolatnoma rasmiylashtirilishi va kamchiliklarni bartaraf etish choralari ko'rilishi tashkillashtiriladi.

120. Elektron arxiv tomonidan elektron arxivning axborot resursi ma'lumotlari

har olti oyda bir marta butligi yuzasidan tekshirib turiladi hamda ushbu tekshirish natijalari maxsus daftarda yuritiladi. Agar elektron arxiv axborot resurslari ma'lumotlari qisman yoki umuman buzilganligi aniqlansa, tegishli ma'lumotlar qayta tiklanishi va bu haqida dalolatnoma tuzilishi lozim.

121. Elektron arxivga topshirilgan elektron hujjatlarning (elektron resurslarning) saqlanish muddati qog'oz asosdagi hujjatlar uchun o'rnatilgan muddatlardan kam bo'lmasligi lozim.

Bank tomonidan saqlanish muddati doimiy bo'lgan elektron ma'lumotlar idoraviy arxivda o'n besh yil mobaynida saqlangandan so'ng ularning bir nusxasi o'rnatilgan tartibda davlat arxivlariga topshirilishi lozim.

122. Bankning filiallari faoliyati tugatilganda, elektron arxivning axborot resursi bankning hududiy filiallariga, hududiy filiallari mavjud bo'lmagan banklar bosh bankka belgilangan tartibda topshiriladi. Bank faoliyati tugatilib boshqa bankka qo'shib yuborilganda, elektron arxiv ma'lumotlari qo'shib yuborilayotgan bankning elektron arxiviga belgilangan tartibda topshiriladi.

123. Bank faoliyati tugatilganda elektron arxivning axborot resurslari davlat arxiviga topshiriladi.

124. Elektron arxiv xodim(lar)i axborot resurslarining to'liqligi, to'g'ri shakllanganligi hamda ishonchliligi uchun shaxsan javobgar hisoblanadi.

15-bob. Axborot aktivlari ish jarayonlarining uzluksizligi va qayta tiklanishini ta'minlash

125. Banklar axborot aktivlari ish jarayonining uzluksizligini ta'minlashi hamda buning uchun tashkiliy va texnikaviy choralarni ko'rishlari kerak.

Banklar axborot aktivlari ish jarayonida to'xtashlar, texnik nosozliklar, favqulodda holatlar va katta zarar yetkazuvchi holatlar yuzaga kelganda ish uzluksizligini ta'minlashi va buning uchun tegishli choralarni avvaldan ko'rgan bo'lishlari lozim.

126. Bankda axborot aktivlari ish jarayonlari uzluksizligini ta'minlash bo'yicha talablar ishlab chiqilishi, shu jumladan uzilishlar (to'xtashlar) vaqtida amalga oshiriladigan ishlar (barcha holatlar uchun) bo'yicha reja tasdiqlanishi kerak. Rejada ishtirok etuvchi xodimlar harakati yoritilishi va bu xodimlar tegishli tayyorgarlik ko'rib qo'ygan bo'lishlari kerak.

127. Banklar axborot aktivlari quyi tizimlarini qayta tiklash tartibini ishlab chiqishi, ma'lumotlarni va tegishli dasturlarni zaxiralashi, yilda kamida ikki marotaba qayta tiklash sinov ishlarini o'tkazishi hamda amalga oshirilgan barcha ishlarni hujjatlashtirishi lozim. Qayta tiklash rejasi barcha mavjud axborot tizimlari, operatsion tizimlar va texnik qurilmalarni inobatga olgan holda tuzilishi lozim.

128. Bank axborot tizimlarini qisqa muddatlarda qayta tiklash maqsadida tegishli elektron ma'lumotlarni shakllantirishi kerak. Bunda to'lov tizimiga bog'liq bankdagi barcha axborot tizimlarining qayta tiklanuvchi ma'lumotlari kechagi kun yakuniga nisbatan aktual tarzda saqlanishi tashkil etilishi kerak.

129. Qayta tiklanuvchi elektron ma'lumotlar ro'yxati, ularni ko'chirish (hosil qilish) vaqti va boshqalar bank tomonidan belgilanadi.

Banklar qayta tiklanuvchi elektron ma'lumotlarning himoyasini ta'minlashi lozim.

130. Bankning ichki audit xizmati har oyda kamida bir marta ma'lumotlarni qayta tiklash tizimining holatini tekshirishi va tekshiruv natijalarini maxsus daftarida qayd qilib borishi kerak. Kamchiliklar aniqlangan taqdirda, bu haqida dalolatnoma rasmiylashtirilishi lozim.

131. Axborot aktivlarining texnik vositalari ishdan chiqishi holatlari yuz berganda, tizimning beto'xtov ishlashini ta'minlash uchun banklar zaxira tiklanish rejasi, dastur va uskunalariga ega bo'lishlari shart.

132. Axborot aktivlaridagi serverlar va kompyuterlar ekspert tasdig'idan o'tgan yoki litsenziyalangan dasturlarga ega bo'lishi lozim.

133. Bankning axborot aktivlari, axborotni himoyalash vositalari, ma'lumotlar bazasi, veb-serverlari, to'lov tizimi va boshqa serverlari bankning ma'lumotlarni qayta ishlash asosiy va zaxira markazlarida joylashtiriladi.

Mazkur markazlar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablarga qat'iy rioya etishi, shuningdek konfidensial, jumladan bank sirini tashkil etuvchi ma'lumotlarning sizib chiqishini oldini olishni hisobga olib, bankning binosida, filial(lar)ida, boshqa banklarda, Markaziy bankning bulutli texnologiya asosida yaratilgan data-markazida yoki davlat data-markazlarida tashkil etilishi mumkin.

Banklar axborot aktivlarini favqulodda (yong'in, zilzila, suv toshqini va boshqa) holatlardan himoya qilish uchun 50 km dan kam bo'lmagan masofada joylashgan hududlardagi shahar markazlarida zaxira ma'lumotlarni qayta ishlash markazini tashkil etishi lozim.

134. Asosiy axborot tizimlarida ishlatilayotgan dastur va ma'lumotlarning zaxira nusxalari bankning zaxira markazida saqlanadi. Zaxira markazidagi ma'lumotlarning qayta tiklanishi (sinxronizatsiya) davriyligi kuniga bir martadan kam bo'lmasligi kerak.

16-bob. Bankda tashkil etilgan ma'lumotlarni qayta ishlash markazlari va server xonalarining xavfsizlik talablari

135. Banklarda tashkil etilgan ma'lumotlarni qayta ishlash markazlari quyidagi talablarga javob berishi lozim:

ma'lumotlarni qayta ishlash markazining provayderi tegishli litsenziya va sertifikatlarga ega bo'lishi (PCI DSS, ISO 27001);

Tier III yoki Tier IV xalqaro standartlariga mos kelishi;

xizmat ko'rsatish darajasini SLA (Service Level Agreement) belgilovchi hujjatning mavjudligi.

136. Bank server xonasining kafolatli elektr ta'minoti tizimini joriy etishi lozim. Bunda, turli elektr podstantsiyalardan elektr ta'minotining ikkita kirishlari va bitta avtomatik tarzda ishga tushuvchi dizel elektr stansiyasi mavjud bo'lishi kerak. Elektr energiyasining barcha uchta manbai elektr ta'minotining asosiy (zaxira) fideriga avtomatik tarzda qayta ulanishi ta'minlanishi kerak.

137. Elektr ta'minoti liniyalarining, avtomatik dizel elektr stansiyasi va uning zaxirasi avtomatik kirishining parametrlari uskuna va server xonasi tizimlarining

iste'mol qilinadigan umumiy quvvatidan kelib chiqib aniqlanishi va quvvat bo'yicha zaxiraning kamida 10 foizini ta'minlashi kerak.

138. Bank uzluksiz ishlashi uchun kamida bir sutkaga yetadigan yoqilg'i zaxirasiga ega bo'lgan dizel elektr stansiyasi bilan ta'minlanishi lozim, bunda bankda elektr quvvati bo'lmaganda dizel elektr stansiyasi avtomatik ravishda ishga tushishi kerak.

139. Banklar server xonasini uzluksiz elektr ta'minoti manbai (UPS) bilan jihozlashlari lozim.

Bunda elektr ta'minoti manbai (UPS) quvvati barcha ta'minlanadigan uskuna va kelajakdagi ehtiyoj uchun zaxira hisobga olingan holda joriy qilingan bo'lishi kerak. Elektr ta'minoti manbai (UPS) orqali avtonom ishlashda ehtiyojlar, shuningdek zaxira liniyalariga va avtomatik dizel elektr stansiyasiga o'tish hamda qayta o'tish uchun kerak bo'ladigan vaqt hisobga olinadi.

140. Server xonasiga kirish faqat tasdiqlangan ro'yxatga muvofiq amalga oshiriladi.

141. Server xonasiga kirishga ruxsat berilgan xodimlar ro'yxatida bo'lmagan shaxslar server xonasiga kirish zarurati paydo bo'lgan hollarda ularning kirishi asoslangan holda talabnoma bilan rasmiylashtirilishi lozim. Ushbu talabnoma axborot texnologiyalari bo'linmasi rahbari tomonidan ko'rib chiqilishi va imzolanishi, shuningdek Xizmat rahbari bilan kelishilishi zarur. Server xonasiga kirish server administratori kuzatuvi ostida amalga oshiriladi.

142. Xodimlar server xonasiga nazorat qilish tizimi orqali nazoratdan o'tgan holda (biometrik yoki boshqa usullardan) kirishi kerak.

143. Server xonasiga axborot aktivlariga xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar xodimlari kiritilganda, bu haqda ro'yxatga olish jurnaliga kirish va chiqish sanasi, vaqti, amalga oshirilgan ishlar nomi, bajaruvchining familiyasi, ismi, lavozimi, tashkilot nomi yozilishi hamda ushbu xodimning imzosi qo'yilishi kerak.

144. Server xonasi quyidagi jihozlanish talablariga javob berishi shart:
mustahkam devorlar va ishonchli to'siqlarga ega bo'lishi;
ishonchli (kodli) qulflar o'rnatilgan mustahkam eshiklar bilan jihozlanishi;
derazalar xonaga kirishdan himoya qilish vositalariga ega bo'lishi, shuningdek begona shaxslarning ko'z yoki maxsus qurilmalar bilan kuzatishidan himoya qiluvchi deraza pardalari, qo'riqlash va ogohlantirish qurilmalari bilan jihozlanishi;
yong'inga qarshi himoya tizimi va vositalari bilan jihozlanishi.

145. Server xonasiga o'rnatilgan videokuzatuv tizimi quyidagi talablarga javob berishi kerak:

serverlar bilan bevosita jismoniy kontaktlar yozib borilishi;
uzluksiz videokuzatuv amalga oshirilishi;
serverlarning (server shkaflarining) oldi va orqa tarafini kechayu-kunduz nazorat qilish imkoniyati bo'lishi;

videokameralarning tasvirga olish imkoniyatlari texnologik qurilmalarga xizmat ko'rsatayotgan xodimlarning yuzlarini ishonch bilan farqlashiga yetarli bo'lishi.

146. Videokuzatuv qurilmalari va binoga (yo'laklarga, xonalarga) kirishni nazorat qilish tizimlari ma'lumotlari bank to'lov tizimi lokal tarmoqlaridan

ajratilgan va tashqi ta'sirlardan himoya qilingan bo'lishi hamda elektr ta'minoti uzilgan vaqtdan boshlab 12 soat ichida energiyaga bog'liq bo'lmagan holda avtonom ravishda ishlash imkoniyatiga ega bo'lishi, shuningdek videoarxiv 2 oydan kam bo'lmashligi lozim.

147. Videoarxiv ma'lumotlarini yuritish va foydalanish bankning xavfsizlik bo'yicha mas'ul bo'linmasi tomonidan amalga oshiriladi.

148. Server xonasi binoning o't o'chirish tizimiga bog'liq bo'lmagan avtomatik gazli o't o'chirish qurilmasi bilan jihozlangan bo'lishi lozim.

Gazli o't o'chirish tizimi bevosita bankning server xonasidagi maxsus jihozlangan shkafda yoki buning uchun ajratilgan maxsus xonada joylashtirilishi kerak.

Gazli o't o'chirish tizimini ishga tushirish yong'indan xabar beruvchi tutun xabargohlaridan, shuningdek xona tashqarisida, devorga pol sathidan 1,5 m balandlikda o'rnatilgan qo'lda ishga tushiriladigan xabargohlardan amalga oshirilishi kerak.

149. Gazli o't o'chirish tizimi xonaning ichkarisida va tashqarisida joylashgan avtomatik gazli o't o'chirish qurilmasi ishga tushganligi to'g'risida xodimlarga xabar beruvchi tabloga va xonaning tashqarisida o'rnatilgan tovushli xabar beruvchi moslamaga ega bo'lishi kerak.

150. Gaz va tutunni chiqarib yuborish tizimi yong'inni o'chirish tizimi ishga tushganidan so'ng server xonasidan gaz va tutunning chiqib ketishini ta'minlashi kerak. Ushbu tizim binoning ventilyatsiya tizimidan alohida bino tomiga havo quvuri chiqarilgan holda bajariladi. Tizim server xonasidagi havo hajmidan uch hissa oshadigan hajmdagi gaz havo aralashmasini chiqarib tashlash imkoniyatiga ega bo'lishi kerak.

151. Sovitish va ventilyatsiya quyi tizimiga qo'yiladigan asosiy talablar quyidagilardan iborat:

a) server xonasida quyidagi iqlim sharoitlariga rioya qilinishi kerak:

xonadagi havo harorati $18 - 24^{\circ}\text{C}$;

haroratning yo'l qo'yiladigan og'ishlari $\pm 2^{\circ}\text{C}$;

havoning nisbiy namligi $40 - 50$ foiz;

havoni sovitish tizimining haqiqiy sovitish quvvati server xonasida joylashgan barcha uskunalar va tizimlarning umumiy issiqlik chiqarishidan ortiq bo'lishi kerak;

b) server xonasining havosini sovitish tizimi 100 foiz zaxiralashdan foydalangan holda bajariladi (kamida, har biri mustaqil ravishda xonaning havo rejimini ta'minlay oladigan ikkita mustaqil konditsioner);

v) sovitish tizimi masofadan monitoringni amalga oshirish imkoniyatini ta'minlashi kerak.

17-bob. Bankning tashqi axborot tizimlari bilan axborot almashinuvida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga qo'yilgan talablar

152. Bank boshqa yuridik shaxsning axborot tizimi (bundan buyon matnda

tashqi axborot tizimi deb yuritiladi) bilan axborot almashinuvini shartnoma asosida amalga oshiradi.

153. Bank va tashqi axborot tizimi o'rtasida axborot almashinuvi amalga oshirilishi uchun quyidagi axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash talablari belgilab olinishi kerak:

bank tomonidan beriladigan ma'lumotlar ro'yxati va shakli;
bankning axborot tizimiga kirish imkoniyatlarini chegaralash chora-tadbirlari;
axborot almashinuvida autentifikatsiya va identifikatsiya jarayonlari;
elektron raqamli imzo, shifrlash va boshqa axborot muhofazasi qurilmalari, dasturlari va uskunalari;

bank siri ma'lumotlarini tashqariga chiqishining oldini olish;
mazkur Nizomda ko'rsatilgan tarmoq xavfsizligi talablari va boshqa axborot muhofazasi talablari bajarilishi;

axborot almashinuvida qatnashuvchi xodimlarni tayinlash, ularning vazifalari, majburiyatlari va javobgarliklari.

Bank tashqi axborot tizimi bilan axborot almashinuvini boshlashdan oldin Markaziy bankni xabardor qilishi va axborot almashinuvini Markaziy bankning axborot muhofazasi bo'yicha talablariga rioya qilgan holda amalga oshirishi shart.

18-bob. Uchinchi shaxslar bilan ishlashda xavfsizlikni ta'minlash

154. Banklar uchinchi shaxslar bilan ishlashda xavfsizlikni ta'minlash maqsadida quyidagilarni bajarishlari lozim:

uchinchi shaxslarga ma'lumotlardan foydalanish huquqini berishdan oldin xavf darajasini tahlil qilgan holda baholash;

konfidensial ma'lumotlardan foydalanish huquqi berilgan uchinchi shaxslar bilan ma'lumotlarni oshkor qilmaslik to'g'risidagi NDA (Non-Disclosure Agreement) kelishuvlarini imzolash;

uchinchi shaxslarga faqatgina o'z majburiyatlarini bajarishi uchun zarur bo'ladigan ma'lumotlar va axborot aktivlariga kirishga ruxsat berish;

uchinchi shaxslarning har bir xodimi uchun alohida foydalanuvchi akkauntini yaratish va majburiy tartibda ko'p faktorli autentifikatsiyadan o'tkazish;

uchinchi shaxslar bilan hamkorlik qilish tugatilganidan keyin ularda mavjud barcha konfidensial ma'lumotlarni qaytarish, yo'q qilish hamda axborot aktivlariga kirish uchun berilgan ruxsatlar va foydalanish akkauntlarini bekor qilish.

19-bob. Bankning axborot aktivlariga masofadan ulanishda xavfsizlikni ta'minlash

155. Banklar o'z axborot aktivlariga masofadan ulanishda quyidagi xavfsizlik choralari ko'rishlari lozim:

bank xodimlariga axborot aktivlariga o'zining shaxsiy qurilmalaridan foydalangan holda masofadan turib ulanishiga ruxsat bermaslik;

xodimlarni korporativ tarmoqqa masofadan turib ulashda virtual xususiy tarmoqlardan foydalanish va ko'p faktorli autentifikatsiyadan o'tkazish;

masofadan turib ishlashda foydalanuvchilarning barcha harakati PAM tizimi orqali amalga oshirilishini ta'minlash;

xodimlarga masofadan turib ishlashda faqatgina o'z vazifalarini bajarishlari uchun zarur bo'ladigan axborot resurslaridan foydalanishiga ruxsat berish.

20-bob. Zaifliklar va konfiguratsiyalarni boshqarish

156. Banklar axborot infratuzilmalarida mavjud zaifliklarni aniqlash va bartaraf etishda quyidagilarni bajarishlari lozim:

zaifliklarni aniqlash uchun axborot aktivlarini muntazam ravishda skanerlash ishlarini olib borish;

zaifliklarni tasniflash va tavsiflashda xalqaro CVE (Common Vulnerabilities and Exposures) kabi ma'lumotlar bazalaridan foydalanish;

zaifliklarning muhimlik darajasini aniqlashda xalqaro CVSS (Common Vulnerability Scoring System) kabi baholash tizimlaridan foydalanish;

zaifliklarni bartaraf etishda kerak bo'ladigan yangilanish va tuzatishlarni (patch) o'rnatish;

zaifliklar holatini doimiy ravishda monitoring qilish va bank rahbariyatiga hisobot berish jarayonlarini yo'lga qo'yish.

157. Banklar axborot aktivlari konfiguratsiyalarining xavfsizligini ta'minlashda quyidagilarni bajarishi lozim:

axborot aktivlarining barcha tarkibiy qismlari, jumladan serverlar, ishchi stansiyalar, tarmoq qurilmalari va ilovalar uchun xavfsiz konfiguratsiyalarning asosiy liniyalarini SCB (Security Configuration Baselines) yaratish;

konfiguratsiya tavsifini unifikatsiyalashda xalqaro CCE (Common Configuration Enumeration) kabi ro'yxatlardan foydalanish;

barcha konfiguratsiya o'zgarishlarini tegishli tekshiruv, tasdiqlash va hujjatlashtirishdan o'tishini ta'minlash uchun o'zgarishlarni boshqarishning rasmiylashtirilgan jarayonlarini joriy etish;

joriy qilingan konfiguratsiyalarning belgilangan standartlar va xavfsizlik siyosatlariga muvofiqligini muntazam ravishda tekshirib borish va baholash;

konfiguratsiyalarni boshqarish jarayonlarini avtomatlashtirish va ularning belgilangan standartlarga muvofiqligini ta'minlash uchun maxsus dasturiy vositalar va platformalardan foydalanish.

21-bob. Bankning axborot tizimlari va resurslarining hayot davri bosqichlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash

158. Bankning axborot tizimlari va resurslarining hayot davri modeli quyidagi bosqichlardan iborat bo'lishi lozim:

texnik topshiriqlarni ishlab chiqish;

loyihalash;

yaratish va sinovdan o'tkazish;

qabul qilish va ishga tushirish;

foydalanish;

texnik xizmat ko'rsatish va takomillashtirish;
foydalanishdan chiqarish.

159. Axborot tizimi mustaqil ravishda ishlab chiqilganda, hayot davri modelining barcha bosqichlarida axborot tizimining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi ko'rib chiqilishi kerak.

160. Tayyor axborot tizimi xarid qilinganda, axborot tizimining hayot davri modelining quyidagi:

qabul qilish va ishga tushirish;
foydalanish;

texnik xizmat ko'rsatish va takomillashtirish;
foydalanishdan chiqarish bosqichlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi ta'minlanishi lozim.

161. Axborot tizimlari kiberxavfsizlik xatarlarini inobatga olingan holda loyihalanishi va ishlab chiqilishi lozim.

162. Axborot tizimi hayot davrining barcha bosqichlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash masalalariga oid ishlar Xizmat bilan kelishgan holda va uning nazorati ostida amalga oshiriladi.

163. Axborot tizimini ishlab chiqish yoki modernizatsiya qilish bo'yicha texnik topshiriqlarda va bankning texnologik jarayonlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablar kiritilishi lozim.

Axborot tizimi va (yoki) uning tarkibiy qismlarini yaratish hamda sinovdan o'tkazish bosqichlarida konfidensial, jumladan bank siriga oid ma'lumotlardan foydalanish taqiqlanadi.

Bankda dasturiy ta'minotni hayot davri bosqichlarida boshqarish platformalarining faqat lokal (on-premise) talqinlaridan (Gitlab va hokazo) foydalanishga ruxsat beriladi. Bunda, platformadagi dastur kodi avtomatik ravishda tahlil qilinishi lozim (SAST/DAST).

Bankning dasturiy ta'minotini hayot davri bosqichlarida boshqarish platformalarini internet tarmog'iga ulash taqiqlanadi.

Bankning dasturiy ta'minotni hayot davrini boshqarish platformalariga masofadan ulanishni faqat himoyalangan VPN tarmoq orqali amalga oshirishga ruxsat beriladi.

164. Axborot tizimini ishga tushirishdan oldin ularda mavjud zaifliklar tekshirilishi shart. Barcha zaifliklar bartaraf etilganidan keyin axborot tizimini ishga tushirish mumkin.

Bankda foydalanishda bo'lgan axborot tizimi va (yoki) uning tarkibiy qismlarida joriy etilgan himoya choralarining tavsifini o'z ichiga olgan hujjatlar bo'lishi shart.

165. Bankda dastur ishlab chiqaruvchilar tomonidan axborot tizimini ishlab chiqish va yetkazib berish bosqichlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash talablari qayd etilishi lozim.

Banklar dastur ishlab chiqaruvchilar tomonidan ishlab chiqilgan axborot tizimlarida amalga oshirilgan himoya choralarini tahlil qilishi va zarur hollarda qo'shimcha talablarni belgilashlari mumkin.

Banklar axborot tizimlarini ishlab chiquvchi yoki tayyor axborot tizimlarini

yetkazib beruvchi tashkilotlar bilan tuzgan shartnomalarida axborot tizimining butun xizmat muddati davomida texnik qo'llab-quvvatlash bo'yicha shartlarni kiritishi lozim. Agarda shartnomada mazkur shartlar ko'rsatib o'tilmasa, bank yetkazib beruvchidan uning ishtirokisiz axborot tizimi va uning tarkibiy qismlarini qo'llab-quvvatlash imkoniyatini beruvchi hujjatlar to'plamini olishi shart.

166. Axborot tizimidan foydalanish davrida quyidagi tartib-taomillar belgilanishi, bajarilishi va ro'yxatdan o'tkazilishi lozim:

joriy etilgan himoya choralarining ishlashi (faoliyati, samaradorligi)ni nazorat qilish, shu jumladan tashkiliy himoya choralarining amalga oshirilishini tekshirish, qo'llanilayotgan texnik himoya choralarining tarkibi va sozlash parametrlarini kuzatib borish;

uskunalar va dasturiy ta'minotda zaif tomonlar mavjud emasligini tekshirish; sozlash parametrlari va qo'llanilayotgan texnik himoya choralariga o'zgartirishlar kiritilishini nazorat qilish;

dasturiy ta'minotning, shu jumladan texnik himoya choralarning zaruriy yangilanishlarini nazorat qilish.

167. Axborot tizimidan foydalanish davrida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha amalga oshirilgan barcha funksiyalarni tiklash uchun zarur bo'lgan tartib-qoidalar aniqlanishi, bajarilishi, qayd etilishi va nazorat qilinishi lozim.

Axborot tizimidan foydalanish davrida o'rnatiladigan va (yoki) foydalaniladigan dasturiy ta'minotning tarkibini nazorat qilish tartiblari belgilanishi, bajarilishi va qayd etilishi shart.

Axborot tizimidan foydalanish davrida konfidensial, jumladan bank siriga oid ma'lumotlar saqlanayotgan vositalarning xavfsizligini ta'minlash uchun zarur bo'lgan tartib-qoidalar aniqlanishi, amalga oshirilishi va nazorat qilinishi kerak.

Axborot tizimini foydalanishdan chiqarish jarayonida bank faoliyatiga zarar yetkazishi mumkin bo'lgan ma'lumotlar texnik himoya choralari bilan qo'llaniladigan axborotni tiklash imkoniyatini istisno qiluvchi algoritmlar va (yoki) usullar yordamida axborot tizimlarining doimiy xotirasidan hamda tashqi tashuvchilardan o'chiriladi, bundan qonunchilikda belgilangan va shartnomaviy hujjatlarda qayd etilgan muddatlar davomida saqlanishi ko'zda tutilgan elektron hujjat arxivlari va bayonnomalar (loglar) mustasno.

22-bob. Data-markazlar xizmatlaridan foydalanishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablar

168. Banklar o'zining ma'lumotlarni qayta ishlash bo'yicha asosiy va zaxira markazlarini quyidagi talablarga muvofiq bo'lgan data-markazlarga joylashtirishlari mumkin:

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha xalqaro ISO/IEC 27001, PCI DSS sertifikatlari va (yoki) axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha boshqa xalqaro sertifikatlarning mavjud bo'lgan;

SOC 2 standartiga muvofiq bo'lgan;

Tier III yoki Tier IV xalqaro standartlariga mos keladigan;

xizmat ko'rsatish darajasini belgilovchi SLA hujjati mavjud bo'lgan;

uzluksiz ishlash vaqtida (uptime) va nosozliklar ro'y berganda, qayta tiklash muddatlari kafolatlangan;

kirish nazorati, videokuzatuv, qo'riqlash xizmati va tabiiy ofatlardan himoyalaniş kabi xavfsizlik choralari mavjud bo'lgan;

turli aloqa kanallari (telefon, elektron pochta, chat) orqali kun-u tun (24/7) faoliyat yurituvchi texnik yordam xizmatiga ega bo'lgan;

data-markaz administratorlari tomonidan ko'p omilli autentifikatsiya va minimal imtiyozlar tamoyiliga asoslangan kirish boshqaruv tizimi mavjud bo'lgan;

banklarga o'z ma'lumotlariga kirish va so'rov bo'yicha ma'lumotlarni o'chirish imkoniyati yaratilgan;

muntazam ravishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik auditlari o'tkaziladigan hamda natijalari banklarga taqdim etiladigan;

yangi tahdidlardan himoyalaniş uchun dasturiy ta'minot va texnologiyalarni o'z vaqtida yangilab boradigan;

Markaziy bankka tekshiruvlar o'tkazish imkoniyati yaratilgan;

kirish qaydnomalari (loglar) va o'zgarishlarni kamida 5 yil davomida saqlash imkoniyati yaratilgan;

zaifliklarni tahlil qilish va xavfsizlik sinovlari (pentestinglar) yiliga kamida bir marotaba o'tkaziladigan;

biznesning uzluksizligini ta'minlaydigan va qayta tiklanish rejalarining samaradorligini tekshirish uchun muntazam ravishda sinovdan o'tkazib turish ishlari yo'lga qo'yilgan.

169. Data-markazlar o'z xodimlariga muntazam ravishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha mashg'ulotlar o'tkazib turishi lozim.

170. Data-markaz administratorlari barcha o'zgartirishlarni bank bilan kelishilgan holda PAM tizimi orqali amalga oshirishi lozim.

Data-markaz zamonaviy keyingi avlod tarmoqlararo ekranlarning apparat-dasturiy vositalari bilan muhofazalangan bo'lishi kerak.

171. Data-markazlar banklarning ma'lumotlarini qayta ishlash markazlarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlash tizimlarini Markaziy bank "CERT-CBU" kiberxavfsizlik markazi monitoring tizimiga ulashi shart.

172. Banklar o'zining ma'lumotlarni qayta ishlash bo'yicha zaxira markazlarini data-markazlarga joylashtirishda ularda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash majburiyatini ko'zda tutishi lozim.

173. Banklar o'zining ma'lumotlarni qayta ishlash markazlarining joylashuv manzili o'zgarganligi to'g'risida zudlik bilan Markaziy bankka xabar berishi lozim.

23-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablar ustidan nazorat

174. Bank axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik darajasini aniqlash maqsadida tashqi tashkilotlar xizmatidan foydalanishi va ichki auditini amalga oshirishi mumkin.

175. Tashqi tashkilot xizmatlari audit yoki ekspertiza ko'rinishida amalga oshirilishi mumkin. Bank audit yoki ekspertiza ishlarini o'tkazuvchi tashkilotlarga konfidensial, shu jumladan bank siri ma'lumotlarini taqdim etish yuzasidan ichki

hujjat ishlab chiqishi lozim. Bunda, ushbu ma'lumotlar tegishli shartnoma asosida berilishi kerak.

176. Bosh bankning Xizmati bank va uning filiallarida mazkur Nizom talablarining bajarilishi ustidan doimiy nazorat olib borishi lozim.

24-bob. Yakuniy qoida

177. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
1-avgustdagi 19/1-son qaroriga
2-ILOVA

O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 25-yanvardagi 2/4-son "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklari avtomatlashtirilgan bank tizimlarida axborotni muhofaza qilish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 3224, 2020-yil 10-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.03.2020-y., 10/20/3224/0312-son).

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 28-maydagi 12/3-son "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklari avtomatlashtirilgan bank tizimlarida axborotni muhofaza qilish to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 3224-1, 2021-yil 17-iyun) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 17.06.2021-y., 10/21/3224-1/0567-son).

3. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2023-yil 21-yanvardagi 1/13-son "O'zbekiston Respublikasi tijorat banklari avtomatlashtirilgan bank tizimlarida axborotni muhofaza qilish to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 3224-2, 2023-yil 31-yanvar) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.02.2023-y., 10/23/3224-2/0064-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI VAZIRINING
BUYRUG'I

497 O'quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o'rta ta'lim
muassasasidan boshqasiga o'tkazish tartibi to'g'risidagi
nizomning 5-bobini o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2684-5*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 14-iyuldagi 439-son "Ilk rivojlanish markazlari faoliyatini bosqichma-bosqich yo'lga qo'yish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vazirining 2015-yil 2-iyundagi 13-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2684, 2015-yil 17-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 24-son, 319-modda) bilan tasdiqlangan O'quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o'rta ta'lim muassasasidan boshqasiga o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 5-bobi o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq 2025-yil 1-sentabrdan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

E. KARIMOVA

Toshkent sh.,
2025-yil 8-avgust,
8-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-avgustda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

498 Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3263-3*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va 2025-yil 17-apreldagi O'RQ-1058-son "Tadbirkorlik subyektlarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 27-iyundagi 15/9-son qarori (ro'yxat raqami 3263, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3263/1100-son) bilan tasdiqlangan Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 30-iyul,
17/7-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 21-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
30-iyuldagi 17/7-son qaroriga
ILOVA

**Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish
tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va
qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo'riqnoma mikromoliya tashkilotlari, lombardlar, ipotekani qayta moliyalashtirish, faktoring va kafolatlar berish tashkilotlari (bundan buyon matnda nobank kredit tashkiloti deb yuritiladi) uchun buxgalteriya hisobini yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibini belgilaydi.”.

2. 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Mikromoliya tashkilotlari, lombardlar va faktoring tashkilotlari O'zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari va mazkur Yo'riqnoma, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari (bundan buyon matnda ipoteka tashkiloti deb yuritiladi) va kafolatlar berish tashkilotlari O'zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari, Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari va mazkur Yo'riqnoma muvofiq o'z hisob siyosatini ishlab chiqishi, tasdiqlashi va amalda qo'llashi, shuningdek ish xususiyatlaridan kelib chiqqan holda hujjatlar aylanish tartibini belgilashi lozim.”.

3. 3-bobning nomidagi “Mikromoliya tashkilotlari va lombardlarda” degan so'zlar “Mikromoliya tashkilotlari, lombardlar va faktoring tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 60-bandning birinchi xatboshisi “lombard” degan so'zdan keyin “va faktoring tashkiloti” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

5. 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Asosiy vositalarga egalik huquqini tasdiqlovchi barcha hujjatlar — ularning bahosi, sug'urta polisi va boshqa hujjatlari alohida yig'ma jildlarda saqlanishi lozim.”.

6. 101-banddagi “faktoring (pul talabini berish) to'g'risidagi shartnoma” degan so'zlar “faktoring (pul talabnomasidan boshqa shaxs foydasiga voz kechish evaziga moliyalash) shartnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 109-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Aktivlarni inventarizatsiya qilish O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish”ga (ro'yxat raqami 3548, 2024-yil 12-avgust) asosan amalga oshiriladi.”.

8. 125-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“125. Ushbu hisobvaraqlardagi mablag'larni inventarizatsiya qilish O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (19-sonli BHMS) “Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish”ga (ro'yxat raqami 3548, 2024-yil 12-avgust) asosan amalga oshiriladi.”.

9. 4-bobning nomidagi “Ipoteka tashkilotida” degan so'zlar “Ipoteka tashkiloti va kafolatlar berish tashkilotida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

10. 134-banddagi “Ipoteka tashkilotida” degan soʻzlar “Ipoteka tashkiloti va kafolatlar berish tashkilotida (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

11. 135-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“135. Tashkilotlarda kassa operatsiyalarini amalga oshirish tartibi amaldagi qonunchilikka muvofiq tashkilotlar tomonidan belgilangan tartibda amalga oshiriladi.”.

12. 136 va 140-bandlardagi “Ipoteka tashkilotida” degan soʻzlar “Tashkilotlarda” degan soʻz bilan almashtirilsin.

13. 137-banddagi “Ipoteka tashkilotining aktivlari (banklarga ajratilgan resurslar)” degan soʻzlar “Tashkilotlarning aktivlari (kredit tashkilotlariga ajratilgan resurslar)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

14. 139-banddagi “Ipoteka tashkilotining” degan soʻzlar “Tashkilotlarning” degan soʻz bilan almashtirilsin.

15. 1-ilovada:

3-banddagi “mikromoliya tashkiloti, lombard va ipoteka tashkiloti” degan soʻzlar “mikromoliya tashkilotlari, lombardlar, ipotekani qayta moliyalashtirish, faktoring va kafolatlar berish tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

9-bandning oltinchi xatboshisidagi “nazorat kaliti” degan soʻzlar “qoʻshimcha tartib raqami” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

10-banddagi “nazorat kalitini tashkilot oʻzi hisoblab chiqaradi,” degan soʻzlar “qoʻshimcha tartib raqami 0 dan 9 gacha boʻlgan tartib raqami bilan hamda” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2-bob “45201 Koʻrsatilgan xizmatlar va vositachilik uchun olingan daromadlar” balans hisobvaragʻidan keyin quyidagi mazmundagi 45217 balans hisobvaragʻi bilan toʻldirilsin:

“45217 Sotib olingan debitorlik qarzlari boʻyicha daromadlar — Faktoring”;

3-bob “45201 Koʻrsatilgan xizmatlar va vositachilik uchun olingan daromadlar” balans hisobvaragʻidan keyin quyidagi mazmundagi 45217 balans hisobvaragʻining nomi va taʼrifi bilan toʻldirilsin:

“45217 Sotib olingan debitorlik qarzlari boʻyicha daromadlar — Faktoring

Hisobvaraqlarning taʼrifi: sotib olingan debitorlik qarzlari boʻyicha olingan daromadlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqlarning kreditida qarzdor tomonidan sotib olingan debitorlik qarzini qoplashda ishlab topilgan daromad summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqlarning debetida notoʻgʻri olingan daromadlarning qaytarilish summasi, shuningdek moliyaviy hisobot yilining oxirida bankning moliyaviy natijasi sifatida 31206 hisobvaragʻiga oʻtkaziladigan daromadlar summasi aks ettiriladi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

499 O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3558-2*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son "Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni hamda 2025-yil 23-maydagi PQ-190-son "Majburiy raqamli markirovkalash tizimi samaradorligini oshirishga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 21-avgustdagi 168-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3558, 2024-yil 7-oktabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 10.10.2024-y., 10/24/3558/0803-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Ushbu buyruq O'zbekiston Respublikasi Hisob palatasi va Soliq qo'mitasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 12-avgust,
277-son

Kelishildi:

*Hisob palatasi raisining
birinchi o'rinbosari*

M. ABDULLAYEV

2025-yil 29-iyul

Soliq qo'mitasi raisi

Sh. KUDBIYEV

2025-yil 8-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 21-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
12-avgustdagi 277-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish
qoidalariga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 16-banddagi “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 55-banddagi “moliya” degan so'z “iqtisodiyot va moliya” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 157-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hududiy iqtisodiyot va moliya organlari tegishli ravishda Qoraqalpog'iston Respublikasi respublika byudjeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy byudjetlari daromadlarining prognoz ko'rsatkichlariga kiritilgan o'zgartirishlar haqida Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar soliq boshqarmalariga xabar qiladi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

**500 Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risidagi
yo'riqnomaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
20-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2169-9*

O'zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksi va O'zbekiston Respublikasining "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 17-dekabrda 105-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2169, 2010-yil 22-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 51-son, 502-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 4-avgust,
275-son

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
4-avgustdagi 275-son buyrug'iga
ILOVA

**Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risidagi
yo'riqnomaga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. Quyidagi mazmundagi I¹-bo'lim bilan to'ldirilsin:

"I¹-bo'lim. Tovar-moddiy zaxiralarni olishga ishonchnoma

56¹. Tashkilotlar tomonidan qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda yetkazib beruvchilardan tovar-moddiy zaxiralarni olish uchun ishonchli shaxsga ishonchnoma beriladi. Ishonchli shaxs unga ishonchnoma bo'yicha berilgan vakolatlar doirasida harakat qiladi.

56². Tovar-moddiy zaxiralarni olishga ishonchnomalar tashkilotlar ixtiyoriga ko'ra, mazkur Yo'riqnomaning 24¹-ilovasiga muvofiq shaklda (berilgan ishonchnomalar "Ishonchnomalar daftari"da hisobga olingan hollarda) yoki mazkur Yo'riqnomaning 24²-ilovasiga muvofiq shaklda (berilgan ishonchnomalar

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-avgustda e'lon qilingan.

“Berilgan ishonchnomalarni hisobga olish jurnali”da hisobga olingan hollarda) rasmiylashtiriladi.

Ishonchnomalar tashkilot rahbari yoki boshqa vakolatli shaxslar tomonidan imzolanadi.

56³. Ishonchli shaxs talab etilayotgan tovar-moddiy zaxiralarni bir joydan (bir ombordan), biroq bir necha shartnoma va boshqa bitimlar bo'yicha olishi lozim bo'lsa, unga shartnoma va boshqa bitimlarning raqam va sanalari ko'rsatilgan bitta ishonchnoma yoki tovar-moddiy zaxiralar bir necha ombordan olinishi kerak bo'lsa, bir nechta ishonchnomalar beriladi.

Ishonchnomada Olinishi kerak bo'lgan tovar-moddiy zaxiralar ro'yxati, agar ishonchnomada ko'rsatilgan jo'natish hujjatida (shartnoma va shu kabilarda) olinishi kerak bo'lgan tovar-moddiy zaxiralar nomi va soni keltirilmagan bo'lsa yoki ishonchnomalar bo'yicha jo'natish hujjatida keltirilgan tovar-moddiy zaxiralarning faqat bir qismigina olinsa, to'ldiriladi. Agar ishonchnoma bo'yicha jo'natish hujjatida ko'rsatilgan barcha nom va miqdordagi tovar-moddiy zaxiralar olinsa, unda ishonchnomaning orqa tomonidagi Olinishi kerak bo'lgan tovar-moddiy zaxiralar ro'yxati to'ldirmasligi mumkin. Bunda, ishonchnomaning ushbu qismida jo'natish hujjatining nomi, raqami va sanasi, shuningdek olinadigan tovar-moddiy zaxiralarning umumiy summasi ko'rsatiladi.

Ishonchnoma axborot tizimlarini qo'llagan holda elektron shaklda rasmiylashtirilishi mumkin.

Elektron ishonchnoma mazkur Yo'riqnomaning 24²-ilovasiga muvofiq shaklda tuziladi. Elektron ishonchnomaning nusxalarini taqdim etish imkoniyati ta'minlangan bo'lishi lozim.

Elektron ishonchnoma tashkilot rahbari yoki boshqa vakolatli shaxslar tomonidan elektron raqamli imzosi bilan tasdiqlanishi lozim.

56⁴. “Ishonchnomalar daftari” va mazkur Yo'riqnomaning 24³-ilovasiga muvofiq shakldagi “Berilgan ishonchnomalarni hisobga olish jurnali” raqamlanadi va ip bilan tikiladi. Daftarning so'nggi varag'ida tashkilot rahbari yoki u tomonidan belgilangan shaxslarning imzosidan keyin “Mazkur daftarda ... varaq raqamlandi” degan yozuv qayd etiladi. Varaqlar soni so'z bilan ko'rsatiladi.

“Ishonchnomalar daftari” va “Berilgan ishonchnomalarni hisobga olish jurnali” ishonchnomalarni ro'yxatdan o'tkazish uchun mas'ul bo'lgan shaxsda saqlanishi lozim.

To'liq yoki qisman to'ldirilmagan ishonchnomalarni berish taqiqlanadi.

Elektron ishonchnomalarning hisobi axborot tizimlarida avtomatik ravishda “Berilgan ishonchnomalarni hisobga olish jurnali”da elektron shaklda yuritiladi.

56⁵. Ishonchnomaning amal qilish muddati tovar-moddiy zaxiralarni olish va olib chiqib ketish imkoniyatiga bog'liq ravishda belgilanadi, biroq qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatdan oshmasligi kerak.

56⁶. Ishonchli shaxsni unga berilgan amal qilish muddati hali tugamagan ishonchnomalar bo'yicha tovar-moddiy zaxiralarni olish huquqidan mahrum qilishda tashkilot darhol tegishli ishonchnomalar bekor qilinganligi haqida yetkazib beruvchini xabardor qiladi. Bunday xabarnoma olingan paytdan boshlab bekor qilingan ishonchnoma bo'yicha tovar-moddiy zaxiralarni berish to'xtatiladi.

56⁷. Ishonchli shaxs tovar-moddiy zaxiralarni olgandan so'ng topshiriqlar bajarilganligi va u olgan tovar-moddiy zaxiralar omborga (omborxonaga) topshirilganligi to'g'risidagi hujjatlarni tashkilot buxgalteriyasiga va (yoki) tegishli moddiy javobgar shaxsga taqdim etadi.

Foydalanilmagan ishonchnomalar amal qilish muddati tugagan kundan keyingi sanada uni bergan tashkilotga qaytarilishi kerak.

Foydalanilmagan ishonchnomalarning qaytarilganligi to'g'risida ishonchnomalar daftarida ("Topshiriq bajarilganligini tasdiqlaydigan hujjatning raqami va sanasi" ustunida) yoki berilgan ishonchnomalarni hisobga olish jurnalida ("Ishonchnoma bo'yicha topshiriq bajarilganligi to'g'risidagi qaydlar" ustunida) "foydalanilmagan" yozuvi qayd etiladi.

Bunda, qaytarilgan foydalanilmagan ishonchnomalar ularni ro'yxatdan o'tkazish uchun javobgar bo'lgan shaxs tomonidan hisobot yili tugagunga qadar saqlanadi.

Hisobot yili tugagach foydalanilmagan ishonchnomalar yo'q qilinadi va bu haqda tegishli dalolatnoma tuziladi.

Amal qilish muddati tugagan ishonchnomalardan foydalanish to'g'risida hisobot bermagan shaxslarga yangi ishonchnomalar berilmaydi.

56⁸. Ishonchnomalar amal qilish muddatidan qat'i nazar tovar-moddiy zaxiralarning dastlabki berilishida yetkazib beruvchida qoldiriladi. Tovarmoddiy zaxiralarni qismlarga bo'lib berishda har bir berilgan qismga yukxat (qabul qilish-topshirish dalolatnomasi yoki boshqa tegishli hujjat) tuziladi, unda ishonchnomaning raqami va sanasi ko'rsatiladi.

Bunda, yukxatning (qabul qilish-topshirish dalolatnomasi yoki boshqa tegishli hujjatning) bir nusxasi tovar-moddiy zaxiralarni oluvchida, ikkinchi nusxasi esa yetkazib beruvchida qoladi hamda mazkur ishonchnoma bo'yicha rasmiylashtirilgan yukxat tovar-moddiy zaxiralarni berish ustidan kuzatuv va nazorat uchun qo'llaniladi.

56⁹. Quyidagi hollarda ishonchnomalar bo'yicha tovar-moddiy zaxiralarni berishga yo'l qo'yilmaydi:

ishonchnoma to'ldirish tartibi buzilgan yoki rekvizitlari to'ldirilmagan holda taqdim etilganda;

ishonchnomada ko'rsatilgan shaxsning biometrik pasporti yoki ID kartasi taqdim etilmaganda;

ishonchnomaning amal qilish muddati tugaganda;

qabul qilib oluvchidan ishonchnoma bekor qilinganligi to'g'risida xabar olinganda;

uning nomidan ishonchnoma berilgan tashkilotning faoliyati to'xtatilganda.

56¹⁰. Ishonchnomalar berishning belgilangan tartibiga rioya etilishi hamda tovar-moddiy zaxiralarni ishonchnomalar bo'yicha berish ustidan nazorat qilish tashkilot rahbari tomonidan belgilangan mas'ul shaxs zimmasiga yuklanadi."

2. 82-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"82. Asosiy vositalarning butligi ustidan nazoratni yo'lga qo'yish va ularning hisobini tashkil etish uchun har bir obyekt (predmet)ga o'n to'rt belgidan iborat inventar raqami beriladi."

3. 94-bandda:

uchinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

to'rtinchi xatboshi uchinchi xatboshi deb hisoblansin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Kutubxona fondlari, sahnaga qo'yish vositalarining hisobi soni va obyektlarning qiymati inventar raqam bo'yicha inventar kartochkalarda yuritiladi.”.

4. Mazkur qo'shimcha va o'zgartirishlarning 1 — 3-illovalariga* muvofiq tahrirda 24¹ — 24³-illovalar bilan to'ldirilsin.

* Ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**501** Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3670*

Ўзбекистон Республикасининг «Пробация тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШПУЛАТОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 июль,
403-сон

Келишилди:

Олий суд раиси

Б. ИСЛАМОВ

2025 йил 16 июль

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2025 йил 9 июль

Мудофаа вазири

Ш. ХАЛМУХАМЕДОВ

2025 йил 15 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 августда эълон қилинган.

*Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2025 йил 14 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХУДАЯРОВ

2025 йил 15 июль

*Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири*

К. ШАРИПОВ

2025 йил 11 июль

*Мактабгача ва мактаб
таълими вазири*

Х. УМАРОВА

2025 йил 14 июль

*Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси*

З. МАХКАМОВА

2025 йил 17 июль

*Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси раиси*

К. КУРАНБАЕВ

2025 йил 17 июль

*Ёшлар ишлари агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари*

Д. КАТТАХАНОВА

2025 йил 8 июль

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2025 йил 19 июлдаги
403-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан
назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларнинг, шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

пробацияга оид ахборот тизими — манфаатдор давлат органлари ўртасида пробацияни амалга ошириш соҳасидаги ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

пробация назорати — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларнинг, шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширишга, уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиришга, суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга риоя этилишини таъминлашга, шунингдек уларни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган фаолият;

пробация назоратидаги шахс — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган, шартли ҳукм қилинган, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ҳамда пробация ҳисобига қўйилган шахс;

пробация бўлинмалари — туман ва шаҳар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) жамоат хавфсизлиги хизматларининг пробация бўлинмалари (гурӯҳлари);

электрон кузатув воситаси (электрон браслет) (бундан буён матнда электрон браслет деб юритилади) — озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсни масофадан туриб назорат қилишга мўлжалланган, қўлга ёки оёққа тақиладиган электрон қурилма.

2. Суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбурият-

ларга риоя этилиши устидан пробация назорати текширувлар ўтказиш воситасида амалга оширилади.

2-боб. Пробация назоратидаги шахсларни пробация ҳисобига қўйиш

3. Пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобига қўйиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия акти ёхуд афв этиш асос бўлади.

4. Пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобига қўйиш мазкур шахснинг яшаш жойидаги пробация бўлинмасининг ходими томонидан пробацияга оид ахборот тизимига ушбу шахснинг шахсга доир маълумотларини ҳамда суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори тўғрисидаги маълумотларни кириштириш орқали амалга оширилади.

Пробацияга оид ахборот тизимига киритилаётган маълумотлар пробация бўлинмаси ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

5. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори пробация бўлинмасига келган куннинг ўзида ушбу бўлинма томонидан пробация назоратидаги шахс ҳисобга олиш журналида қайд қилинади ва унга нисбатан шахсий йиғмажилд очилади.

6. Шахсий йиғмажилднинг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилиб ўтилган пробация назоратидаги шахснинг тартиб рақамига мос бўлиши керак.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган ёхуд жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларга жазони ижро этиш муассасаларида юритилган шахсий йиғмажилди давом эттирилади.

Шахсий йиғмажилдда пробация назоратидаги шахснинг жазосини ўташга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлари ҳамда ҳукм (ажрим)нинг нусхалари сақланади.

Шахсий йиғма жилдлар темир шкафларда сақланади ҳамда иш куни тузаганидан сўнг шкафлар қулфланиб, муҳрланади.

7. Пробация бўлинмалари томонидан ҳукм чиқарган судга, шунингдек агар шахс жазони ижро этиш муассасасидан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган ёхуд жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган бўлса, мазкур жазони ижро этиш муассасасига уч кун муддатда мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда ҳукмни ижро қилиш учун қабул қилинганлиги ва шахс пробация ҳисобига олинганлиги ҳақида хабарнома юборилади.

8. Суд ҳукмида (ажримда) унинг ижроси учун тўсқинлик қилувчи тушунмовчиликлар бўлса, пробация бўлинмаси ҳукмни ижро қилиш учун қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома билан бирга ҳукм (ажрим) чиқарган судга уларни бартараф этишни сўраб мурожаат қилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Пробация ҳисобида жазо муддатини ўтаб келаётган шахс томонидан содир этилган янги жиноят учун суд ҳукми (ажрим)нинг нусхаси келса ва ушбу ҳукм (ажрим)да биринчи содир этилган жиноятнинг оқибатлари ҳақида кўрсатма бўлмаса, пробация бўлинмаси уч кун муддатда аввалги жазо чораси ҳақидаги масалани ҳал қилишни сўраб тегишли судга мурожаат қилади. Бунда, суд томонидан мазкур масала ҳал этилгунга қадар биринчи ҳукмнинг ижроси тўхтатилмайди.

10. Пробация бўлинмаси пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобига қўйиш чоғида қуйидагиларни амалга оширади:

пробация назоратидаги шахсга унинг хулқ-атвори устидан назоратнинг амалга оширилиш тартибини, суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов) ва мажбуриятларга риоя этилиши шартларини, шунингдек мазкур тақиқ (чеклов)ларни бузган ёки ушбу мажбуриятларни бажармаган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларни тушунтиради;

пробация назоратидаги шахсни суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори билан таништирилганлиги фактини тасдиқлаш учун бармоқ изларини таниб олиш тизимидан фойдаланади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, меҳнат органлари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари, таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига Ўзбекистон Республикасининг «Пробация тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган ваколатлар доирасида ижтимоий мослаштириш тадбирларини ташкил этиш учун хабарномалар юборади.

3-боб. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш

1-§. Умумий қоидалар

11. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида пробация назоратидаги шахснинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

12. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога қўшимча равишда тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси асосий жазони ижро этувчи орган томонидан амалга оширилади.

Жазони ижро этувчи орган асосий жазо муддатининг тугашига 20 кун қолганда ёки пробация назоратидаги шахс жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилганда ёхуд жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилганда озод этиш куни пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойидаги пробация бўлинмасига қўшимча жазосини ижро этиш учун ҳукм нусхасини юборади.

Пробация назоратидаги шахснинг озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотномада унинг қўшимча жазоси мавжудлиги кўрсатилиши шарт.

2-§. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижросини таъминловчи органлар ва уларнинг вазифалари

13. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми ижросини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда ИИБ деб юритилади) Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизматининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари (бундан буён матнда ИИББ деб юритилади), вилоятлар ички ишлар бошқармалари (бундан буён матнда ИИБ деб юритилади) жамоат хавфсизлиги хизматининг (бундан буён матнда ЖХХ деб юритилади) пробация бошқармалари, бўлим ва бўлинмалари зиммаларига юклатилади.

14. Суд ҳукми (ажрими)нинг ижроси пробация назоратидаги шахсларнинг яшаш жойидаги пробация бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

15. Пробация бўлинмалари:

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган пробация назоратидаги шахсларни рўйхатга олади;

пробация назоратидаги шахс ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ва (ёки) муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда хабарнома юборади;

пробация назоратидаги шахснинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишини текширади;

пробация назоратидаги шахсга нисбатан суд томонидан транспорт воситасини бошқариш юзасидан тақиққа (чекловга) риоя этиши устидан назорат ўрнатиш учун суд ҳукми нусхаси ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларига пробация назоратидаги шахс ҳисобга олинганидан кейин уч иш кунида юборади;

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган пробация назоратидаги шахслар транспорт воситаларини бошқарганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган ёки жазони ўтаётган даврда ҳайдовчилик гувоҳномаси янгитдан расмийлаштириш учун мурожаат қилганида ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари туман (шаҳар) пробация бўлинмаларини бу ҳақда зудликда хабардор қилади;

пробация назоратидаги шахс ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлардан нусхалар талаб қилиб олади ҳамда иш жойларига ташриф буюриб тегишли ҳужжатлар билан таъминлади;

пробация назоратидаги шахс ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек, муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун бе-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини чоракда камида бир маротаба текшириб туради ва бу ҳақда маълумотнома тузади;

пробация назоратидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигини аниқлаш мақсадида ИИБ Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаментининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар базасидан ҳар чоракда бир маротаба текширади;

пробация назоратидаги шахс ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёхуд кирган тақдирда пробация бўлинмаси ҳукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки пробация назоратидаги шахс хизматни ўтаётган жойга юборади;

ҳукм талаблари корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар ёхуд пробация назоратидаги шахс томонидан бажарилмаётганлиги аниқланган тақдирида, бу ҳақда тегишли далолатнома расмийлаштириб, қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чоралар кўради.

3-§. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукмини ижрога қабул қилиш ва расмийлаштириш

16. Суддан, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан келиб тушган ҳукм нусхалари ички ишлар органида рўйхатга олиниб, ички ишлар органи раҳбарининг кўрсатмаси билан пробация бўлинмасига топширилади.

17. Ҳукм нусхасини пробация бўлинмаси томонидан ижрога олинган куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда ҳисобга олиш журналида қайд қилинади ва пробация назоратидаги шахсга мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда шахсий йиғмажилд очилади.

Шахсий йиғмажилднинг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилиб ўтилган пробация назоратидаги шахснинг рақамига мос бўлиши керак.

4-§. Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳамда муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатнома берган ваколатли органларнинг мажбуриятлари

18. Пробация назоратидаги шахс ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти пробация бўлинмаларидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида қуйидагиларни амалга оширади:

пробация назоратидаги шахс эгаллаш ва шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолияти туридан уни озод қилади;

пробация бўлинмасига ҳукм талаблари ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатларни илова этган ҳолда хабар йўллайди;

пробация назоратидаги шахс бошқа ишга ўтказилган ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда пробация бўлинмасига хабар қилади.

19. Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатнома берган

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ваколатли орган пробация бўлинмасидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кунлик муддатда пробация назоратидаги шахс шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйишга ва бу ҳақда пробация бўлинмасига хабар йўллашга мажбур.

4-боб. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш

1-§. Умумий қоидалар

20. Мажбурий жамоат ишлари пробация назоратидаги шахсни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Пробация назоратидаги шахс ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

21. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо ижроси пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойидаги пробация бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

22. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг аниқ турлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра пробация бўлинмалари томонидан пробация назоратидаги шахс яшайдиган ҳудудда белгиланади.

2-§. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этувчи органлар ва уларнинг мажбуриятлари

23. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизматининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ, вилоятлар ИИБ ЖХХ пробация бошқарма, бўлим ва бўлинмалари зиммаларига юклатилади.

24. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини таъминлашда пробация бўлинмалари қуйидагиларни амалга оширади:

пробация назоратидаги шахсларнинг ҳисобини юритади;

пробация назоратидаги шахсларга жазони ўташ тартиби ва шартларини тушунтиради;

пробация назоратидаги шахс томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини назорат қилади;

пробация назоратидаги шахс жазони ўтайдиган жойда (объектда) ташкилотлар (органлар) томонидан ҳукм талабларининг бажарилишини назорат қилади;

пробация назоратидаги шахс ишлаган вақт ҳисобини юритиши ва ташкилотларнинг (органларнинг) мажбурий жамоат ишлари ўталадиган жойлар (объектлар) бўйича пробация назоратидаги шахслар ишлаган вақт ҳисобга

олиниши тўғрисидаги маълумотларни солиштириб чиқишни ҳар икки ойда бир маротаба амалга оширади;

қидирув эълон қилиш ёки жазонинг ўталмай қолган муддатини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома юборади;

пробация назоратидаги шахс талабига кўра жазодан озод қилингани ёки жазони ўтаб бўлгани ҳақида маълумотнома тақдим этади;

пробация назоратидаги шахс вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганида ёки узрли сабабларга кўра яшаш жойидан чиқиб кетганида жазони ижро этиш бошланиши вақтини кечиктиради.

25. Пробация назоратидаги шахс касалликка чалиниши (агар мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган шахс ўзининг касаллиги ҳақида маълум қилса, у пробация бўлинмаси томонидан меҳнатга лаёқатлилигини аниқлаш учун тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига юборилади) сабабли, жазони ўташдан бўйин товлаш вақтида (агар у ўзининг яшаш жойини узрли сабабларсиз ташлаб кетган ҳамда мажбурий жамоат ишларига пробация бўлинмасини хабардор қилмаган ҳолда чиқмай қўйган бўлса), битирув имтиҳонларини топширишда, пробация назоратидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этгани учун маъмурий қамоқ остида бўлган вақтида, шунингдек пробация назоратидаги шахс томонидан янги жиноят содир этилгани сабабли ушланган ҳолатларда жазони ижро этишни вақтинча тўхтатиб туриши шарт.

3-§. Мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлаш тўғрисидаги суд ҳукмини ижрога қабул қилиш ва расмийлаштириш

26. Ҳукм (ажрим) пробация бўлинмаси томонидан ижрога олинган куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда ҳисобга олиш журналида қайд қилинади ва пробация назоратидаги шахсга мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда шахсий йиғмажилд очилади.

Шахсий йиғмажилднинг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилиб ўтилган пробация назоратидаги шахснинг тартиб рақамига мос бўлиши керак.

4-§. Мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш

27. Мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахс суднинг ҳукм, ажрим ёки қарори қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги хабарномаси пробация бўлинмасига келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жазони ўташга жалб қилинади.

28. Пробация назоратидаги шахс мажбурий жамоат ишларига пробация бўлинмаси йўлланмаси бўйича жалб қилинади. Иш берувчи — ташкилот (орган) уч кун ичида пробация бўлинмасига қабул қилинган қарори ҳақида жавоб юбориши шарт.

29. Пробация назоратидаги шахсни мажбурий жамоат ишларига жалб қилишда қўйдагилар инobatга олиниши мақсадга мувофиқ:

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пробация назоратидаги шахснинг касбий кўникмалари (мавжуд бўлган-да), агар улар мажбурий жамоат ишлари турлари рўйхатига мос бўлса;

содир этилган жиноят тури;

пробация назоратидаги шахснинг иш ва (ёки) ўқишга эга бўлса асосий иш ва (ёки) ўқиш жадвали;

пробация назоратидаги шахснинг ёши;

пробация назоратидаги шахснинг соғлигининг ҳолати;

пробация назоратидаги шахснинг иш жойининг транспорт учун яқинлиги.

30. Вояга етмаган пробация назоратидаги шахс мажбурий жамоат ишларига жалб қилинганда ишларнинг турлари ва мазмуни қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

иш вояга етмаганларнинг қўлидан келадиган (кучи етадиган) бўлиши;

иш мақбул ишчанлик қобилятини, фойдали ҳаётий кўникма ва билимларни ривожлантиришга имкон яратиши.

31. Ўн саккиз ёшгача бўлган пробация назоратидаги шахснинг меҳнатини меҳнат шароити зарарли ва (ёки) хавфли бўлган ишларда, ер ости ишларида, шунингдек бажарилиши уларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликларни, тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар) қўллашга йўл қўйилмайди.

32. Пробация назоратидаги шахс қўйидаги ҳолатларда мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазони ўташдан бўйин товлайётган деб ҳисобланади:

суднинг ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ўн кун ичида яшаш жойидаги пробация бўлинмасида ҳисобга турмаслик, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш мақсадида яшириниш;

ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмасада, мажбурий жамоат ишларида бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок этмаслик;

ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойи (объекти)даги ташкилот (орган)нинг ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида уч мартадан кўп бузиш (бундай ҳолатда меҳнат тартиби қоидаларини бузиш деб қўйидагилар тушунилади: ишга кечикиш, ишга маст ҳолда келиш; ишни ўзбошимчалик билан тўхтатиш; иш вақти давомида жазони ўташ жойини муддатидан аввал ташлаб кетиш; тасдиқланган нормалар ва ишлаб чиқариш вазифаларини қасддан бажармаслик; техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини қасддан бузиш; иш давомида жамоат тартибини бузиш ва меҳнат мажбуриятларини бажариш давомида ташкилотга моддий зарар етказиш);

пробация назоратидаги шахснинг пробация бўлинмаси йўлланмасида кўрсатилган муддатда ишларни бажаришни бошлашдан асоссиз равишда бош тортиши;

яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида пробация бўлинмасини хабардор қилмаслик.

33. Пробация бўлинмаси пробация назоратидаги шахс томонидан жазони ўташ тартиби ва шартлари бузилиши оқибатлари ҳақида уни мазкур Йўриқ-номанинг 7-иловасига* мувофиқ шаклда огоҳлантиради.

34. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган пробация назоратидаги шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45¹-моддаси (вояга етмаганга нисбатан эса — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82¹-моддаси)га мувофиқ пробация бўлинмаси томонидан мажбурий жамоат ишларини бошқа жазо тури билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома юборилади.

35. Пробация назоратидаги шахснинг турган жойи маълум бўлмаган тақдирда, пробация бўлинмаси унга нисбатан қидирув эълон қилиш учун судга тақдимнома юборади.

36. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташ даврида меҳнат қобилиятини йўқотган ёки пенсия ёшига етган шахс, шунингдек бундай жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ёки туғиш таътили берилган аёллар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 75-моддасига кўра жазони ўташдан озод этиш учун судга тақдимнома юборилади.

5-§. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо муддати ва вақтини ҳисоблаш

37. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо муддати пробация назоратидаги шахс мажбурий жамоат ишларини ўташи давомидаги соатлар билан ҳисобланади.

38. Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва дам олиш кунлари ҳамда пробация назоратидаги шахс ўқишда ёки асосий ишда банд бўлмаган кунлари тўрт соатдан ошмаган ҳолда ўталади. Иш кунлари, ўқув машғулотлари ўтказиладиган кунлари эса, иш ёки ўқишдан олдин ёки кейин икки соатдан, пробация назоратидаги шахснинг илтимосига кўра эса, тўрт соатдан ошмаган ҳолда олти ой давомида, пробация назоратидаги шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса бир йилгача бўлган муддат давомида ўталади. Пробация назоратидаги шахс томонидан бажариладиган мажбурий жамоат ишларининг вақти ҳафтасига ўн икки соатдан кам бўлмаслиги лозим.

39. Мажбурий жамоат ишлари меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Вояга етмаган томонидан ўталадиган мажбурий жамоат ишлари вақти дам олиш кунлари ва пробация назоратидаги шахс ўқишда ёхуд асосий ишда банд бўлмаган кунлари уч соатдан, иш кунлари, ўқув машғулотлари ўтказиладиган кунлари эса икки соатдан, бироқ ҳафтасига уч кундан ошмаслиги лозим. Мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқув жараёнини бузмаслиги лозим.

40. Мажбурий жамоат ишлари муддатларига жазони ўташдан бўйин товланилган вақт қўшиб ҳисобланмайди.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**5-боб. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг
ижросини ташкил этиш**

1-§. Умумий қоидалар

41. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг ижроси қонуний кучга кирган суд ҳукми (ажрим)га мувофиқ пробация назоратидаги шахснинг ўз иш жойида ёки пробация бўлинмаси белгилаб берган бошқа жойларда ўталади.

42. Ахлоқ тузатиш ишлари корхона, муассаса ва ташкилотларда ўталади.

43. Жазони ўз иш жойида ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотларда ўтайди. Бундай шахсларни бошқа ишга ёки лавозимга ўтказиш меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

44. Пробация бўлинмаси белгилаб берадиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида пробация бўлинмасининг ёзма рухсатсиз меҳнат шартномасини пробация назоратидаги шахснинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Пробация бўлинмаси рухсатнома беришни рад этган тақдирда юқори турувчи мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида, пробация назоратидаги шахс ҳеч қаерда ишламаса, пробация бўлинмаси белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўталади.

45. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, пробация бўлинмасига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида пробация бўлинмасини хабардор қилишга, чақирувга биноан пробация бўлинмасида ҳозир бўлишга мажбур.

**2-§. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро
этувчи органлар ва уларнинг мажбуриятлари**

46. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойидаги пробация бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Пробация назоратидаги шахс яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги пробация бўлинмаси зиммасига юклатилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизматининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ, вилоятлар ИИБ ЖХХ пробация бошқарма, бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

47. Пробация бўлинмалари:

ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади;
пробация назоратидаги шахсга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради;

бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади;

пробация назоратидаги шахслар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади;

пробация назоратидаги шахслар ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм (ажрим) талаблари ижро этилишини текширади. Бунда, ҳукм (ажрим) талаблари ижро этилиши йилига камида икки мартаба, пробация назоратидаги шахснинг иш ҳақидан чегириб қолинган пул маблағларини ўз вақтида давлат фойдасига ўтказилмаган тақдирда, кейинги ойнинг 15 санасига қадар бевосита корхона, муассаса ва ташкилотнинг ўзида амалга оширилади. Текширув якуни тўғрисида икки нусхада далолатнома тузилади ва далолатноманинг бир нусхаси корхона, муассаса ва ташкилотда, иккинчи нусхаси эса пробация бўлинмасидаги пробация назоратидаги шахснинг йиғмажилдига тикиб қўйилади;

пробация назоратидаги шахсни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказди, зарур материалларни тайёрлайди ва тегишли хизматга оширади;

ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсатнома бериш масаласини кўриб чиқади;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган, пенсия ёшига етган, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанларни жазони ўташдан озод қилиш ҳақида судга тақдимнома киритади;

пробация назоратидаги шахс ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ой муддатда уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини, агар пробация назоратидаги шахс ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқаради;

пробация назоратидаги шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган тақдирда жазонинг ўталмаган муддатини бошқа оғирроқ жазо турига алмаштириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46 ва 83-моддаларида назарда тутилган тартибда судга мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига* мувофиқ шаклда тақдимнома киритади;

пробация назоратидаги шахс чақирувга биноан ҳозир бўлмаган тақдирда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига мажбурий тартибда келтириш тўғрисида сўров юборади.

* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-§. Ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ҳақидаги ҳукмларни (ажримларни) ижрога қабул қилиш ва расмийлаштириш

48. Ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ҳақидаги суд ҳукмлари (ажримлари) ижрога келган кундан бошлаб ўн иш кунидан кечикмасдан ижро қилинади.

49. Ижро учун келган суд ҳукми (ажрими)нинг нусхаси ва ҳукм (ажрим) ни ижро этиш ҳақидаги суднинг фармойиши пробация бўлинмасига келган куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига* мувофиқ шаклда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларни ҳисобга олиш журналида қайд этилади.

50. Пробация назоратидаги шахсга мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига* мувофиқ шаклда шахсий йиғмажилд очилади.

Пробация назоратидаги шахснинг шахсий йиғмажилднинг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилиб ўтилган пробация назоратидаги шахснинг тартиб рақамига мос бўлиши керак.

4-§. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг шахсий ҳисобини юритиш

51. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан ҳукм ижросини ташкил этиш, уларни жазо ўташга жалб қилиш, уларнинг иш ҳақидан ажратмаларни тўғри ушлаб қолиш ва ўз вақтида давлат фойдасига ўтказилишини назорат қилиш, шунингдек ўз вақтида жазо ўташдан озод қилиш мақсадида ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг шахсий ҳисоби юритилади.

52. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг шахсий ҳисоби юритиладиган ҳужжатларига қуйидагилар киради:

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларни ҳисобга олиш журнали;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган маҳкумнинг шахсий йиғмажилди;

53. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахслар қуйидаги ҳисоблардан бирида туради:

тезкор;

дастлабки;

назорат;

қидирувдагилар.

54. Тезкор ҳисобда ҳукм (ажрим)лари ижро этилаётган пробация назоратидаги шахслар туради.

55. Дастлабки ҳисобда:

ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, пробация бўлинмаларида ҳисобга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ўтгандан сўнг ҳам ишга жойлашмаган пробация назоратидаги шахслар;

жазо муддатини ўтаётган вақтда олдинги иш жойида меҳнат шартнома-

* 9-10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сини бекор қилган кундан бошлаб ўн беш кун ўтгандан сўнг ҳам ишга жойлашмаган пробация назоратидаги шахслар;

дастлабки қидирув ҳаракатлари амалга оширилаётган пробация назоратидаги шахслар;

сабабсиз ишламай юрган пробация назоратидаги шахслар;

ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш учун судга тақдимнома киритилган пробация назоратидаги шахслар туради.

56. Назорат ҳисобида:

ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, ҳисобга олинганидан сўнг ўн беш кунгача ишга жойлашмаган пробация назоратидаги шахслар;

жазо ўташ вақтида ишлаб турган жойидан бўшаган кундан бошлаб ўн беш кунгача бошқа иш жойига жойлашмаган пробация назоратидаги шахслар;

касаллиги сабабли ишламаётган пробация назоратидаги шахслар;

пробация бўлинмаси ҳудудидан чиқиб кетган ва шахсий йиғмажилди олинганлиги ҳақидаги далолатномаси келмаган пробация назоратидаги шахслар;

бошқа жиноят содир этилганлиги учун эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланиб турган пробация назоратидаги шахслар;

ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташ жараёнида маъмурий жазо сифатида қамоқда сақланиб турган пробация назоратидаги шахслар;

меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганлиги учун ёхуд нафақа ёшига етганлиги, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлиги муносабати билан жазони ўташдан озод қилиш ҳақида судга тақдимнома киритилган пробация назоратидаги шахслар;

меҳнатга яроқсизлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтиш учун юборилган пробация назоратидаги шахслар;

ҳукм ижросининг бошланишидан олдин берилган навбатдаги (ҳар йилги) меҳнат таътили ҳамда ойлик иш ҳақи бермаслик шарти билан берилган таътилларидаги пробация назоратидаги шахслар;

ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик касаллиги туфайли тиббиёт муассасаларида даволанаётган пробация назоратидаги шахслар туради.

57. Суд ажрими асосида қидирув эълон қилинган пробация назоратидаги шахслар қидирувдагилар ҳисобида туради ва ҳисобдан вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилганидан сўнг чиқарилади.

58. Иш ҳақи белгиланадиган ҳудуддан бошқа ҳудудда жазо ўтаётган пробация назоратидаги шахслар амалда ишлаётган ҳудудидаги пробация бўлинмаси ҳисобида туради, бошқа ҳудудда ишлаш муддати тўрт ойдан ошадиган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда, пробация назоратидаги шахснинг иш ҳақидан тўғри ушлаб қолинаётганлигини назорат қилиш иш ҳақи белгиланадиган ҳудуддаги пробация бўлинмасига топширилади.

59. Пробация бўлинмаси белгилаб берган жойларда ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахслар яшаш жойидаги пробация бўлинма томонидан ҳисобга олинади.

Бунда, пробация назоратидаги шахслар яшаш жойидан бошқа ҳудудда ишга жойлашган ҳолларда, пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойидаги пробация бўлинмаси томонидан ҳукмнинг (ажримнинг) ижросини таъминлаш учун пробация назоратидаги шахснинг иш жойидаги пробация бўлинмасига ҳисобга олиш учун юборилади.

5-§. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташга жалб этиш

60. Ҳукм (ажрим)да ахлоқ тузатиш ишлари жазосини пробация назоратидаги шахснинг ўз иш жойида ўташи белгиланган ҳолларда пробация бўлинмаси томонидан пробация назоратидаги шахс ҳисобига олинган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан унинг иш жойига ҳукм (ажрим) нусхаси мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига* мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

Пробация бўлинмаси хабарномасини олган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти хабарномани олганлиги ҳақида жавоб хати юборади.

Пробация назоратидаги шахс иш жойидан бўшаганлиги аниқланган ҳолларда пробация бўлинмаси пробация назоратидаги шахсга бошқа ишга жойлашиши лозимлигини тушунтиради ҳамда зарур ҳолларда ишга жойлашишида амалий ёрдам беради.

61. Ҳукмда (ажримда) ахлоқ тузатиш ишларини олдинги иш жойидан бошқа жойда ўташ белгиланган ҳолларда пробация назоратидаги шахс олдинги иш жойидан дарҳол бўшатирилиб, бошқа жойга ишга юборилади.

6-§. Ахлоқ тузатиш ишлари муддатини ҳисоблаш

62. Ахлоқ тузатиш ишлари муддати пробация назоратидаги шахс ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Пробация назоратидаги шахс ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар пробация назоратидаги шахс ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ пробация назоратидаги шахс белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб бергунига қадар давом этади.

63. Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти пробация бўлинмасидан хабарнома олган кундан, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар учун эса, улар жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошланади.

64. Иш вақти жамлаб ҳисобга олинadиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган пробация назоратидаги шахсларнинг жазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда, ҳисобга олинadиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

* 11-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган пробация назоратидаги шахс олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида кечки ёки сиртқи таълим шакли бўйича ўқиш учун таътилга чиққан бўлса, ўқиш жойидан берилган маълумотнома асосида пробация бўлинмаси бошлиғи томонидан ўқиш даври тугагунга қадар мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига* мувофиқ шаклда рухсатнома берилади.

Рухсатнома йиғма жилдга жамланиб, нусхаси пробация назоратидаги шахсга тақдим этилади.

65. Пробация назоратидаги шахс ишламаган, аммо унинг иш ҳақи сақланиб турган вақт, шунингдек пробация назоратидаги шахс ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади.

66. Жазони ўташ муддатига қуйидагилар қўшиб ҳисобланмайди:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт.

7-§. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган пробация назоратидаги шахсларнинг ойлик иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш

67. Ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг ойлик иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш пробация назоратидаги шахснинг жазо муддатини ўташни бошлаган кунидан амалга оширилади.

68. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган пробация назоратидаги шахсларнинг ойлик иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ўз вақтида ушлаб қолинишини таъминлаш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш пробацияга оид ахборот тизими орқали амалга оширилади.

69. Пробация назоратидаги шахсларнинг ойлик иш ҳақидан ҳукмда назарда тутилган чегирмани давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш унинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан, ҳар бир ишланган ой учун маош тўлаш чоғида амалга оширилади ва ҳар ойнинг иккинчи ярми учун тўланган иш ҳақидан, ишдан бўшаганда эса ойнинг ишлаган қисмидан ушлаб қолинади.

70. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тартибида олинаётган нафақа ва бошқа тўловлар, иш ҳақига кирмайдиган қўшимча тўловлардан ва хизмат сафарига юборилганда харажатларни қоплаш учун тўланадиган тўловлардан, ишчининг шахсий асбоб-ускуналарида фойдаланганлиги учун ва берилмаган махсус кийим ва пойабзаллар учун тўланадиган тўловлардан ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа бадал тўловларидан ушлаб қолинмайди.

71. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг меҳнатига ҳақ пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

* 12-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маҳкамасининг 2023 йил 13 июлдаги 286-сон «Иш ҳақини натура шаклида тўлашни тартибга солиш ҳақида»ги қарори билан белгиланган ҳоллар мустасно.

72. Корхона, муассаса ва ташкилотларда пробация назоратидаги шахсга йил якуни бўйича тўланадиган мукофот пулларида жазо ўталган давр учунгина ушлаб қолинади.

73. Пробация назоратидаги шахсларнинг иш ҳақидан давлат фойдасига ушлаб қолинаётган пуллари корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти ҳар ойда ойлик иш ҳақи бериладиган куни Ягона ғазна ҳисобварағидаги ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади ҳамда тўлов ҳужжатлари пробация бўлинмасига юборади.

74. Иш ҳақидан ушлаб қолинган пул миқдорини нақд пул шаклида тўлаш тақиқланади.

75. Пробация бўлинмаси ходимлари пробация назоратидаги шахсларнинг ойма-ой иш ҳақидан ушлаб қолинган чегирмаларнинг тушганлигини «UzASBO» дастурий мажмуаси ёхуд пробацияга оид ахборот тизими орқали назорат қилиб боради ҳамда пробация назоратидаги шахсларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган чегирмалар ўз вақтида ўтказилмаганлиги аниқланган ҳолларда дарҳол ундириш чораларини кўради.

76. Пробация назоратидаги шахсларни иш ҳақидан тўғри ва ўз вақтида чегириб қолинишини ҳамда чегириб қолинган ажратмаларни давлат фойдасига ўтказилишини таъминламаган ҳолларда пробация бўлинмаси тегишли айбдор мансабдор шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

77. Суд ҳукми (ажрими) бекор қилинган барча ҳолатларда ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган маблағлар пробация назоратидаги шахсга қайтариб берилади. Ҳукмнинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиш ҳақидаги суднинг ажрими (қарори) ушлаб қолинган маблағларнинг қайтариб берилишига асос ҳисобланади.

78. Пробация назоратидаги шахснинг иш ҳақидан ушлаб қолиниб, корхона, муассаса ва ташкилот томонидан мазкур ушлаб қолинган маблағларнинг ўтказиб берилиши кечиктирилганлиги пробация назоратидаги шахснинг ҳисобдан чиқаришга тўсқинлик қилиши мумкин эмас. Бундай пробация назоратидаги шахслар корхона, муассаса ва ташкилот томонидан ушлаб қолинган маблағларнинг ўтказиб берилиши тўлиқ амалга оширилмагунча назоратга олинади.

79. Пробация назоратидаги шахс жазони ўтаб бўлганлиги ҳақида пробация назоратидаги шахснинг иш жойи маъмуриятига мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига* мувофиқ шаклда маълумотнома юборилади, белгиланган жазоси бошқа турдаги жазога ўзгартирилган, яшаш жойини ўзгартирганлиги муносабати билан пробация бўлинмаси ҳудудидан чиқиб кетганлар ва вафот этганлар бундан мустасно.

* 13-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**6-боб. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг
ижросини ташкил этиш**

1-§. Умумий қоидалар

80. Озодликни чеклаш жазоси суднинг қонуний кучга кирган ҳукми (ажрими)га мувофиқ амалга оширилади.

Озодликни чеклаш суд томонидан пробация назоратидаги шахсга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойидаги пробация бўлинмалари томонидан ёки суд белгилайдиган, пробация назоратидаги шахснинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади.

81. Суд томонидан озодликни чеклаш жазосини ўтаётган пробация назоратидаги шахсга ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаш назарда тутилган тақдирда, пробация бўлинмаси қуйидагиларни амалга оширади:

пробация назоратидаги шахсни иш ёки ўқиш жойига эга эканлигини тасдиқловчи маълумотларни олади;

иш ва ўқиш вақтига аниқлик киритган ҳолда яшаш жойидан иш ёки ўқиш жойига йўловчи машина, жамоат транспорти ва пиёда бориб келиш вақтини ҳисобга олиб, ушбу Йўриқноманинг 14-иловасига* мувофиқ шаклда рухсатнома беради.

Бунда, рухсатнома пробация назоратидаги шахсга таништирилиб, йиғма-жилдга жамланиб, нусхаси пробация назоратидаги шахсга тақдим этилади.

82. Озодликни чеклаш жазосининг муддати пробация назоратидаги шахс пробация бўлинмасининг ҳисобига олинган кундан бошлаб ҳисобланади. Пробация назоратидаги шахс узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш вақтига қўшиб ҳисобланмайди.

**2-§. Озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахслар
устидан назорат олиб борувчи ички ишлар органлари**

83. Озодликни чеклаш тўғрисидаги суд ҳукмининг ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги пробация бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

84. Суд томонидан яшаш жойи у ёки бу сабаб билан тарк этиши бутунлай тақиқланган пробация назоратидаги шахс пробация бўлинмаси ходими ва профилактика инспектори томонидан ҳар ойда камида 3 маротаба мазкур тақиқнинг бажарилаётганлигини доимий равишда назорат қилиб борилади ва текширув натижаси бўйича Йўриқноманинг 15-иловасига* мувофиқ

* 14-15-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шаклда далолатнома тузилиб, пробация назоратидаги шахснинг шахсий йиғмажилдида сақланади.

85. Сутканинг иш ва ўқиш жойига бориб келишдан ташқари вақтда яшаш жойидан чиқиши чекланган пробация назоратидаги шахслар пробация бўлинмаси ходимлари томонидан ҳар ойда камида 1 маротаба, профилактика инспекторлари ҳар ойда камида 3 маротаба иш ва ўқиш жойига бориб келишдан ташқари вақтда яшаш хонадонини тарк этишга қўйилган чекловга амал қилаётганлигини текшириш учун доимий равишда назорат қилиб борилади ва текширув натижаси бўйича Ўўрикноманинг 15-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилиб, пробация назоратидаги шахснинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

86. Пробация назоратидаги шахсларнинг турар жойлари бўйича суд томонидан белгиланган тақиқлар (чекловлар) ва юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда уларнинг хулқ-атвори устидан назоратни профилактика инспекторлари, тезкор вакиллар, патруль-пост хизмати, йўл-патруль хизмати, миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари, патруль-пост нарядлари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби тақиқ (чеклов) ва мажбуриятларга пробация назоратидаги шахслар томонидан риоя этилишини ҳар ойда камида 3 (уч) маротаба текширади ва текшириш натижасида расмийлаштирилган ҳужжатларни пробация бўлинмасига тақдим этади.

Тезкор-қидирув хизмати ходимлари муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик каби тақиқ (чеклов) ва мажбуриятларга пробация назоратидаги шахслар томонидан риоя этилиши юзасидан ҳар ойда камида 1 (бир) маротаба текширади ва текшириш натижасида расмийлаштирилган ҳужжатларни пробация бўлинмасига тақдим этади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби тақиқ (чеклов)га, жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари (патруль-пост нарядлари ёрдамида) муайян жойларга бормаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, алкоголь ичимликлар истеъмол қилмаслик, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик каби тақиқ (чеклов) ва мажбуриятларга пробация назоратидаги шахслар томонидан риоя этмаганлигини аниқланган ҳолатларда пробация бўлинмасига расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим этиб боради.

87. Пробация бўлинмаси:

озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахслар билан суҳбат ўтказиб, жазо ўташ тартиби ва шартларини тушунтиради;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахснинг иш ва ўқиш жойи маъмуриятидан пробация назоратидаги шахслар ҳақида тавсифномалар олади ва зарур ҳолларда, пробация назоратидаги шахснинг иш ва ўқиш жойи маъмурияти билан учрашув ўтказиши;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаш мақсадида ҳар чорак якунида ИИБ Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаментининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар базасидан текшириб боради;

озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади;

суд томонидан пробация назоратидаги шахс зиммасига юклатилган тақиқлар (чеклашлар) ва мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам равишда текшириб боради, уларни бажармай юрган маҳкумларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 44⁴-моддасига асосан мазкур Ўриқноманинг 16-иловасига* мувофиқ шаклда огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда далолатнома тузиб, пробация назоратидаги шахснинг шахсий йиғма жилдига қўшиб боради;

озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахс, ўзига нисбатан муайян буюмларга эга бўлишга ёки уларни сақлашга доир суд томонидан тақиқ (чеклов) белгиланган пробация назоратидаги шахсларни ушбу тақиққа (чекловга) риоя этилаётганлигини текшириш мақсадида шахсий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ашёларини, қўл юкини, бағажини кўздан кечиради ҳамда амалга оширилган текшириш натижаси бўйича ушбу Ўриқноманинг 17-иловасига* мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштиради;

озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида қарор қилинганида уч иш кунини судга тақдимнома юборади.

88. Пробация бўлинмаси суд томонидан алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиши тақиқланган шахсларни сертификатланган махсус техника воситаси ёрдамида текшириши ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида тиббий текширув ўтказилишини ташкил этади.

89. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган вояга етмаганлар устидан доимий назорат пробация бўлинмаси томонидан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи инспекторлари билан ҳамкорликда ҳокимлик, таълим соҳасидаги ҳудудий республика ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа масъул органлар иштирокида амалга оширилади.

* 16-17-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

90. Пробация бўлинмаси суд ҳукмида белгиланган тақиқ (чеклаш)ларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳукм ижрога олинган куннинг ўзида, пробация назоратидаги шахс ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборади.

91. Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган пробация назоратидаги шахснинг доимий яшаш жойидан кетиши, пробация назоратидаги шахснинг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши, шунингдек пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойини ўзгартириши ҳақидаги муурожаати асосида мазкур Йўриқноманинг 18-иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган рухсатнома санкция бериш масаласини кўриб чиқиш учун ҳудудий прокурорга юборилади.

92. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари пробация назоратидаги шахсга юклатилган тақиқ (чеклаш)ларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

3-§. Озодлиги чекланган шахсларнинг мажбуриятлари

93. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чақирув бўйича пробация бўлинмасига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахс чақирувга биноан ҳозир бўлмаган тақдирда пробация бўлинмаси уни ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига мажбурий тартибда келтириш тўғрисида сўров юборади.

94. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахс пробация бўлинмаси рухсатсиз муайян вақтда яшаш жойидан кетиши, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга бориши ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши, шунингдек яшаш жойини ўзгартириши тақиқланади.

4-§. Озодликни чеклаш тариқасидаги суд ҳукм (ажрим)ларини ижрога қабул қилиш ва расмийлаштириш

95. Суддан келиб тушган ҳукм (ажрим) нусхаси ва ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги суд фармойиши ички ишлар органида рўйхатига олиниб, ички ишлар органи бошлигининг кўрсатмаси билан пробация бўлинмасига, нусхаси ҳудудий профилактика инспекторига тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсадида берилади. Шу куннинг ўзида пробация назоратидаги

* 18-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахс мазкур Йўриқноманинг 19-иловасига* мувофиқ шаклдаги ҳисобга олиш журналида қайд қилинади ва унга нисбатан мазкур Йўриқноманинг 20-иловасига* мувофиқ шаклда шахсий йиғма жилд очилади. Пробация назоратидаги шахс шахсий йиғма жилдининг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилинган маҳкумнинг тартиб рақамига мос бўлиши керак.

96. Пробация назоратидаги шахснинг шахсий йиғмажилдида пробация назоратидаги шахснинг ҳисобга олиш учун асос бўлган ҳужжатлар, унинг ахлоқи устидан назорат ҳамда суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов) ларга риоя этилиши ва мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар тикиб қўйилади.

5-§. Озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш давомида электрон браслетни қўллаш

97. Озодликни чеклаш тарзидаги жазони ўташ тартиби талабларини бажармаётган ёки жазони ўташ даврида жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилган пробация назоратидаги шахсга нисбатан пробация бўлинмаси бошлиғининг мазкур Йўриқноманинг 21-иловасига* мувофиқ шаклдаги қарори асосида электрон браслет қўлланилади.

98. Электрон браслет қўллашдан олдин пробация назоратидаги шахсга электрон браслетдан фойдаланиш тартиби тушунтирилади ҳамда бу ҳақда пробация назоратидаги шахсдан мазкур Йўриқноманинг 22-иловасига* мувофиқ шаклда тилхат олинади.

99. Пробация бўлинмаси бошлиғининг озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тўғрисидаги қарори ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизматининг марказий аппаратида тегишли «Электрон браслет» мустақил ахборот тизими (бундан буён матнда «Электрон браслет» ахборот тизими деб юритилади)да расмийлаштирилади.

Бунда, ушбу қарор расмийлаштирилган вақтдан бошлаб бир иш кунида «Электрон браслет» ахборот тизимида ижрочи ходимлар белгиланади.

100. Электрон браслет ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, тиббий кўрсатмага кўра электрон браслетни тақиш тавсия этилмайдиган шахслар (имплант қилинган кардиостимулятор ўрнатилган)га ҳамда юкумли тери касаллиги (аллерго контакт дерматит, тери замбуруғи ёки қичима касаллиги) бўлган шахсларга қўлланилиши мумкин эмас.

101. Қуйидагилар озодликни чеклаш жазосини ижро этиш жойида бўлишини электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартибини бузиш деб ҳисобланади:

озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс ўзига электрон браслет тақилишини рад этса;

* 19 — 22-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс электрон браслетни белгиланган вақт ичида қувватлаб бормаганлиги (электр қуввати тугаганлиги) сабабли ягона электрон мониторинг маркази томонидан электрон браслет онлайн огоҳлантириш сигнали ишга тушганлиги ҳақида хабар берилган бўлса;

озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс электрон браслетни ўзбошимчалик билан ечса;

озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс ижрочи ходимларнинг ёзма рухсатисиз электрон браслетнинг техник топшириғида белгиланган радиус оралиғидан ташқарига чиқса;

озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс электрон браслетга зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширса.

102. Озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахс мазкур Ўйриқноманинг 101-бандида белгиланган ҳолатлардан бирини биринчи маротаба содир этганда, унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилади.

Огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин мазкур Ўйриқноманинг 101-бандида белгиланган ҳолатлардан бирини такроран содир этса, пробация бўлинмаси томонидан ушбу шахс ўтаётган жазони бошқа жазога алмаштириш ҳақида судга тегишли тақдимнома киритилади.

103. Электрон браслет шахс пробация ҳисобидан чиқарилаётган вақтда ечилади. Пробация назоратидаги шахс жазони ўташ тартибига риоя этган ва жамоат тартибига оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаган ҳолларда электрон браслет қўлланилган кундан эътиборан уч ой ўтгач ечилади.

6-§. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаш оқибатлари

104. Пробация назоратидаги шахс озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, пробация бўлинмаси судга пробация назоратидаги шахс учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида мазкур Ўйриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклда тақдимнома киритади.

105. Қуйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин толовчилар деб эътироф этилади:

ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган пробация назоратидаги шахс;

ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган пробация назоратидаги шахс;

яшаш жойидан яширинган, қаерда эканлиги уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган пробация назоратидаги шахс;

яшаш жойидаги пробация бўлинмасига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган пробация назоратидаги шахс.

7-боб. Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш

1-§. Умумий қоидалар

106. Пробация бўлинмаси шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

107. Шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан белгиланган синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2-§. Шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органлар

108. Шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш пробация бўлинмасига, ҳарбий хизматчилар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлигига юклатилади.

109. Шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат уларнинг яшаш жойидаги ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

110. Пробация бўлинмаси:

пробация назоратидаги шахсларнинг ҳисобини олиб боради;

зарур ҳолларда пробация бўлинмаси маҳаллий меҳнат органлари билан ҳамкорликда шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсларни ишга жойлашишда ёрдам беради;

шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб боришни ташкил этади;

синов муддати давомида пробация назоратидаги шахслар томонидан суд ҳукми бўйича юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чораларини кўради, пробация назоратидаги шахс чақирувга биноан ҳозир бўлмаган тақдирда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига мажбурий тартибда келтириш тўғрисида сўров юборади;

синов муддати давомида пробация назоратидаги шахс зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиш ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

3-§. Шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги суд ҳукмини (ажримини) ижрога қабул қилиш ва уни расмийлаштириш

111. Суддан келиб тушган ҳукм (ажрими) нусхаси ички ишлар органида рўйхатга олиниб, ички ишлар органи раҳбарининг кўрсатмаси билан пробация бўлинмасига топширилади. Шу куннинг ўзида пробация бўлинмаси то-

монидан суд ҳукми (ажрими) мазкур Йўриқноманинг 23-иловасига* мувофиқ шаклдаги ҳисобга олиш журналида қайд қилиниб, шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан мазкур Йўриқноманинг 24-иловасига* мувофиқ шаклда назорат йиғмажилди очилади. Назорат йиғмажилдиниң тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилинган пробация назоратидаги шахснинг тартиб рақамига мос бўлиши керак.

112. Назорат йиғма жилди пробация бўлинмаси ходими томонидан олиб борилади, назорат йиғма жилдида пробация назоратидаги шахсни ҳисобга олиш учун асос бўлган ҳужжатлар, унинг хулқ-атвори устидан назорат ҳамда суд орқали қўйилган мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар юритилади.

4-§. Шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш

113. Суд ҳукмида вақти-вақти билан яшаш жойидаги ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиш мажбурияти юклатилган пробация назоратидаги шахсларга нисбатан уларнинг рўйхатдан ўтиш кунлари пробация бўлинмаси томонидан белгиланади ва пробация назоратидаги шахсга бу ҳақда хабар берилади.

Бунда, пробация назоратидаги шахсдан тилхат олинган ҳолда далолатнома расмийлаштирилиб, нусхаси пробация назоратидаги шахсга берилади.

114. Пробация назоратидаги шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этганлигини аниқлаш мақсадида пробация бўлинмаси томонидан ҳар чорақда камида бир маротаба ИИВ Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаментининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар базасидан текширилади.

115. Пробация бўлинмаси томонидан:

пробация назоратидаги шахслар билан суҳбат ўтказилиб, ҳукм (ажрим) да белгиланган жазони ўташ шартлари тушунтирилади;

пробация назоратидаги шахснинг иш ва ўқиш жойлари маъмуриятларидан пробация назоратидаги шахслар ҳақида тавсияномалар сўралади ва зарур ҳолларда иш ва ўқиш жойлари маъмурияти билан учрашув ўтказилади;

суд томонидан белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар чорақда камида бир маротаба текширилади, уларни бажармай юрган пробация назоратидаги шахсларга нисбатан далолатнома тузилиб, уларнинг йиғмажилдига тикиб қўйилади;

суд томонидан рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилган пробация назоратидаги шахсларни рўйхатдан ўтказилиши амалга оширилади;

синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, синов муддати тугаши билан унинг хулқи устидан назоратни тўхтатиш тўғрисида ички ишлар органи бошлиғига маълум қилинади;

пробация назоратидаги шахсларнинг ҳисоби олиб борилади, хулқ-атвори устидан назорат қилинади, уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши таҳлил қилинади.

* 23-24-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-§. Шартли ҳукми бекор қилиш ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш

116. Шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахс хулқ-атвори устидан пробация бўлинмаси синов муддати мобайнида белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақли.

117. Пробация назоратидаги шахс зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда пробация бўлинмаси томонидан жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиш ҳамда ҳукмда (ажрида) тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

8-боб. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш

118. Пробация бўлинмаси жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахсларга суд томонидан уларнинг зиммасига юклатилган тақиқ (чеклов)ларга ва мажбуриятлар суд томонидан белгиланган муддат мобайнида бажарилишини текшириб боради.

119. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахслар мазкур Йўриқноманинг 25-иловасига* мувофиқ ҳисобга олиш журналида қайд этилиб, мазкур Йўриқноманинг 26-иловасига* мувофиқ шаклда назорат йиғмажилди юритилади.

Ҳисобга олиш журналидаги қайд этиш рақами билан юритилган шахсий йиғмажилд рақами бир хил бўлиши лозим.

120. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этганлигини аниқлаш мақсадида пробация бўлинмаси томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба ИИВ Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаментининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар базасидан текшириб борилади.

121. Пробация бўлинмаси томонидан:

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг ҳисоби олиб борилади;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахсларга уларнинг хулқ-атвори устидан назоратнинг амалга оширилиш тартиби, суд томонидан белгиланган мажбуриятларга риоя этилиши шартлари, шунингдек мазкур мажбуриятларни бажармаган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилади ва бу ҳақда тилхат олинади;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахсларга суд томонидан юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун корхона, ташкилот ва идораларга сўров хати юборилиб, ижроси назорат қилинади;

* 25-26-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахснинг иш ва ўқиш жойи маъмуриятидан у ҳақида тавсифномалар олинади, зарур ҳолларда уларнинг иштирокида суҳбат ўтказилади;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахсларнинг суд томонидан белгиланган мажбуриятларга риоя этиши ҳар чоракда камида бир маротаба текширилади ва текшириш натижаси юзасидан далолатнома тузилади;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахслар томонидан суд ҳукми бўйича юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилади;

пробация назоратидаги шахс чақирувга биноан ҳозир бўлмаган тақдирда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига мажбурий тартибда келтириш тўғрисида сўров юборилади;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларга нисбатан суд томонидан белгиланган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида, шунингдек қўшимча мажбуриятлар белгилаш ёхуд жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритилади.

122. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пробация назоратидаги шахс агарда ўталмаган жазо муддати давомида уни бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, муддати тугаши билан пробация ҳисобидан чиқарилади.

9-боб. Пробация назоратини амалга ошириш

1-§. Пробация назоратидаги шахсларни ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда назорат қилиш

123. Пробация бўлинмаси пробация назоратидаги шахснинг пробация ҳисобига олинганлиги ҳақида ушбу шахс ҳисобга олинган кундан бошлаб уч кун ичида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғига келгусида пробация назоратидаги шахс билан профилактик тадбирларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 27-илоvasига* мувофиқ шаклда билдирги орқали хабар қилади.

Бунда, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи шу куннинг ўзида ушбу билдиргини пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойи бўйича масъул бўлган профилактика инспекторига ҳуқуқбузарлик ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш борасида кўрсатмалар бериб топширади.

Билдиргининг нусхаси пробация назоратидаги шахснинг йиғмажилдига тикиб борилади.

124. Профилактика инспектори пробация назоратидаги шахс билан олиб борилаётган тезкор-профилактик ишлар ҳақида пробация бўлинмасига ҳар

* 27-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ойда камида бир маротаба шахс билан бевосита профилактик суҳбат ўтказиб, суҳбат баёнини пробация бўлинмасига тақдим қилиб боради.

125. Пробация бўлинмаси пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобига олганидан сўнг унинг яшаш жойида унга жамоат тарбиячисини бириктириш масаласини ҳал қилиш учун маҳалла фуқаролар йиғини раисига сўровнома юборади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқ-атворига ижобий таъсир кўрсата оладиган фуқароларни аниқлайди ҳамда мазкур фуқароларнинг розилиги билан уларни фуқаролар йиғини баёни асосида пробация назоратидаги шахсларга жамоат тарбиячиси этиб бириктиради.

126. Пробация назоратига олинган шахслар ҳамда пробация ҳисобидан чиқарилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ИИВ Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаментининг «Пробация ҳисоби» ахборот тизимида онлайн тарзда юборилади.

127. Пробация назоратидаги шахсларнинг суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида мазкур шахсларнинг уйларида кирилган барча ҳоллар тўғрисида йигирма тўрт соат ичида пробация бўлинмаси томонидан прокурор ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

128. Муайян шахслар билан алоқалар ўрнатиш юзасидан суд белгиланган тақиққа (чекловга) пробация назоратидаги шахс томонидан риоя этилиши устидан назорат:

жамоат тарбиячиси томонидан тақдим этилган маълумотларни текшириш;

пробация назоратидаги шахснинг яшаш, иш ва (ёки) ўқиш жойини кузатиб бориш;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят-қидирув бўлинмаларининг биргаликда ишлаши орқали амалга оширилади.

129. Алоқа воситаларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш юзасидан суд белгиланган тақиққа (чекловга) пробация назоратидаги шахс томонидан риоя этилиши устидан назорат пробация бўлинмаси томонидан қуйидагича амалга оширилади:

пробация назоратидаги шахс томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш юзасидан суд белгиланган тақиққа (чекловга) риоя этилишини назорат қилиш учун ушбу соҳага оид мутахассисларга Йўриқноманинг 28-иловасига* мувофиқ шаклда хабарнома йўллаш;

пробация назоратидаги шахс фойдаланиб келаётган уяли алоқа воситаси, шахсий компьютерини текшириб боришни ташкил қилиш;

пробация назоратидаги шахс билан бевосита ва билвосита суҳбатлар ўтказиш.

Алоҳида ҳолларда, алоқа воситаларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш юзасидан суд белгиланган тақиққа (чекловга)

* 28-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пробация назоратидаги шахс томонидан риоя этилиши пробация бўлинмаси ходимининг сўровига кўра тезкор-қидирув тадбирлари доирасида текширилиши мумкин.

130. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш юзасидан суд белгилаган мажбуриятнинг пробация назоратидаги шахс томонидан бажарилиши устидан назорат пробация бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмасига ушбу Йўриқноманинг 29-иловасига* мувофиқ шаклда хабарнома юбориш орқали амалга оширилади.

131. Пробация назоратидаги вояга етмаган шахсларни ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш чоғида улар билан якка ёки жамоавий тартибда суҳбатлар ўтказилганда ва ушбу шахсларга нисбатан ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланилганда уларнинг ёши, ўзига хос индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, вояга етмаган шахслар оила аъзоларининг ёки қонуний вакилларининг ижтимоий мослаштиришда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Вояга етмаган шахсга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларга ушбу шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда педагог, психолог, васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари жалб этилиши мумкин.

132. Пробация бўлинмаси ходими томонидан васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари билан биргаликда пробация назоратидаги вояга етмаган шахснинг яшаш шароитлари ҳар чоракда ўрганилиб, бу ҳақда ушбу Йўриқноманинг 30-иловасига* мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

133. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан суд томонидан зиммасига наркологик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ юзасидан мажбурият юклатилган ҳолларда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига тегишинча наркология муассасасининг мажбурий даволаш бўлимига ёки мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология шифохонасига ёхуд тери-таносил касалликлари диспансерига даволаниш курсини ўташга жойлаштириш учун ушбу Йўриқноманинг 31-иловасига* мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

2-§. Пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойи ўзгарганида йиғмажилдни ҳудудийлик бўйича юбориш

134. Пробация назоратидаги шахс яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида пробация бўлинмаси ходимини хабардор қилганида, пробация бўлинмаси шу куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 32-иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган далолатномани кузатув хати билан шахснинг янги яшаш жойи бўйича пробация бўлинмасига юборади.

135. Далолатномани қабул қилган пробация бўлинмаси уни олган кундан бошлаб уч кун ичида қуйидагиларни амалга оширади:

маҳалла фуқаролар йиғини ва ички ишлар органи профилактика инспек-

* 29 — 32-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тори билан ҳамкорликда пробация назоратидаги шахс томонидан берилган янги яшаш жойи мавжудлигини текширади;

пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойи ёки турган жой бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги текширилади;

тегишли далолатномани тўлдириб, уни юборган пробация бўлинмасига кузатув хати билан қайтаради.

3-§. Пробация назоратидаги шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишининг олдини олиш

136. Мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликни чеклаш жазоси тайинланган, шартли ҳукм қўлланилган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, суд томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти юклатилган пробация назоратидаги шахслардан хорижга чиқиш биометрик паспорти пробация бўлинмалари томонидан олиб қўйилиб, бу ҳақда мазкур Йўриқноманинг 33-иловасига* мувофиқ шаклда далолатнома икки нусхада тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси пробация назоратидаги шахснинг йиғмажилдига тикилади. Иккинчи нусхаси пробация назоратидаги шахсга тақдим этилади.

Бунда, ушбу шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслигини таъминлаш у пробация ҳисобига қўйилган куннинг ўзида пробацияга оид ахборот тизими орқали пробация бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

137. Пробация назоратидаги шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти олиб қўйилганидан сўнг ушбу Йўриқноманинг 34-иловасига* мувофиқ пробация назоратидаги шахслардан олиб қўйилган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортларини рўйхатга олиш журналида пробация бўлинмаси томонидан қайд этилади.

Бунда, олиб қўйилган хорижга чиқиш биометрик паспортлар темир сейфда сақланади.

Пробация назоратидаги шахснинг ўталмай қолган жазоси оғирроқ жазо тури билан алмаштирилганида ёки жазо ўташ давомида янги содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Пробация назоратидаги шахс пробация назорати давомида вафот этган тақдирда унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳудудий ички ишлар органлари миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларига юборилади.

138. Пробация назоратидаги шахслар пробация ҳисобидан чиқарилганидан сўнг мазкур шахс пробация ҳисобидан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиш юзасидан тақиқни (чекловни) олиб ташлаш учун пробацияга оид ахборот тизимида киритилади ва пробация назоратидаги шахсга ундан илгари олиб қўйилган

* 33-34-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти тилхат орқали қайтариб берилади.

139. Пробация бўлинмаси ходими ишдан бўшаганда ёки бошқа лавозимга ўтганда пробация назоратидаги шахслардан олиб қўйилган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортларини рўйхатга олиш журнали далолатнома асосида топширилади.

10-боб. Пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш

1-§. Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасини тузиш

140. Шахс пробация ҳисобига қўйилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида пробация бўлинмаси ходими ва мутахассис-психолог томонидан пробация назоратидаги шахснинг ўзига хос алоҳида белгиларини, руҳий хусусиятларини ҳамда хулқ-атворини баҳолаш натижалари асосида унинг индивидуал ижтимоий-психологик қиёфаси тузилади.

141. Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфаси Интеллектуал портрет сунъий интеллект экспресс-психодиагностика электрон дастури орқали электрон шаклда тузилади.

Пробация бўлинмаси ходими ва мутахассис-психолог пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасини тузишда махсус фотоаппарат, ёриткич лампа қурилмалари, Интеллектуал портрет сунъий интеллект экспресс-психодиагностика электрон дастури ўрнатилган компьютер ёки планшетлардан фойдаланади.

Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасини тузиш учун пробация бўлинмасининг хизмат хонасида мини фотостудия бурчаги ташкил этилади ва ушбу бурчакда пробация назоратидаги шахс расмга туширилади.

142. Пробация назоратидаги шахсни расмга тушириш учун махсус фотоаппарат мосламаси ўрнатилиб, узаткич кабели орқали компьютерга уланади ва фотоаппаратдан 0,5 — 0,75 сантиметр масофада пробация назоратидаги шахс учун ўриндиқ жойлаштирилади, ёритувчи лампани ўриндиқ томонга юзни ёритишга мослаган ҳолда, фотоаппаратнинг ердан баландлиги бурчак ўриндиғида ўтирган шахснинг юз қисмига бир хил бўлган баландликда мослаб ўрнатилади.

Пробация назоратидаги шахсни расмга туширишда, унинг юз қисми тўлиқ ёритилиши ҳамда юзининг мушаклари зўрикмаган (жилмаймаган, кулмаган, хўмраймаган) ҳолатда бўлиши талаб этилади.

143. Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфаси тузилганидан сўнг пробация бўлинмаси ходими пробация назоратидаги шахснинг хулқ-атворини баҳолаш асосида уни қуйидаги тоифалар бўйича таснифлайди:

пробация назоратидаги нейтрал хулқ-атворли шахс;

пробация назоратидаги ижобий хулқ-атворли шахс;

пробация назоратидаги салбий хулқ-атворли шахс.

Пробация бўлинмаси ходими томонидан пробация назоратидаги шахснинг баҳолаш натижалари мутахассис-психолог томонидан унинг ижтимоий-психологик қиёфасида акс эттирилади.

144. Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори уларга нисбатан рағбатлантириш чоралари, интизомий жазо чораси ва ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилганлиги, шунингдек уларнинг ижтимоий мослаштириш дастурларидаги иштироки мезонлар асосида ҳар уч ойда баҳоланади.

2-§. Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий мослаштириш дастурини ишлаб чиқиш

145. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастури пробация бўлинмаси ходими томонидан мутахассис-психолог билан ҳамкорликда, шахснинг ижтимоий-психологик қиёфаси асосида ушбу Йўриқнома-нинг 35-иловасига* мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади.

146. Ижтимоий мослаштириш дастурини тузишда пробация назоратидаги шахснинг:

соғлиғида муаммолар борлиғига;

идентификациялаш ID-картаси борлиғи ҳамда унинг амал қилиш муддатига;

аниқ турар жойи борлиғига;

аниқ даромад манбаи борлиғига (электрон меҳнат дафтарчаси нусхаси, тадбиркорлик билан шуғулланишини тасдиқловчи рухсатномаси, ўзини ўзи банд қилганлиги бўйича рўйхатга олинганлиги);

бир ойлик даромад манбаи ўзи ёки оила аъзоларининг эҳтиёжларига етаётганлиғига;

ҳуқуқий масалалар юзасидан муаммолар борлиғига;

келгусида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсади борлиғига;

касб-ҳунарга эга эканлиғига;

умумий ўрта маълумотга эга эканлиғига;

бошқа муаммолари мавжудлиғига эътибор қаратилади.

147. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастурида пробация назоратидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган ижтимоий мослаштириш чоралари, уларни амалга ошириш механизмлари, бажариш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилади.

148. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастуридан кўчирма ушбу шахс пробация ҳисобига қўйилган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида пробация бўлинмаси ходими томонидан масъул ижрочилар эътиборига етказилади ва бажариш учун юборилади.

149. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастурига ижтимоий мослаштириш чораларининг бажарилиши, уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот киритилади, шунингдек шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасидаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар ҳақида мутахассис-психолог томонидан киритиладиган маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда, ижтимоий

* 35-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мослаштириш дастурига ижтимоий мослаштириш чораларига қўшимчалар, ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қисман бекор қилиш зарурлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

**11-боб. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан
рағбатлантириш, интизомий жазо ҳамда ҳуқуқий таъсир
чораларининг қўлланилиши**

**1-§. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан
рағбатлантириш чораларининг қўлланилиши**

150. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

ташақкурнома эълон қилиш;

ёрилиқ билан тақдирлаш;

илгари қўлланилган интизомий жазо чорасини муддатидан олдин олиб ташлаш;

суд томонидан белгиланган тақиқларни (чекловларни) ва мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш.

Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши тўғрисидаги масала пробация бўлинмаси томонидан ҳар йили камида икки марта, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари муносабати билан кўриб чиқилади.

151. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан рағбатлантириш чоралари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ушбу Йўриқноманинг 36-иловасига* мувофиқ шаклдаги қарорига асосан қўлланилади.

152. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан рағбатлантириш чорасини қўллаш ҳақидаги қарор мазкур Йўриқноманинг 37-иловасига* мувофиқ шаклдаги журналда қайд этилади.

Пробация назоратидаги шахсга нисбатан рағбатлантириш чорасини қўллаш ҳақида қарорнинг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилиш рақамига мос бўлиши керак.

153. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан рағбатлантириш чорасини қўллаш ҳақидаги қарор пробация назоратидаги шахсларнинг шахсий йиғма-жилдига тикиб қўйилади.

**2-§. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан огоҳлантириш
тарзидаги интизомий жазо чорасининг қўлланилиши**

154. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилиши учун қуйидагилар асос бўлади:

суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ёки мажбуриятларга риоя этилмаганлиги;

* 36-37-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пробация хизмати ходимининг қонуний талаблари бажарилмаганлиги.

Бунда, пробация назоратидаги шахсларга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи томонидан мазкур Йўриқноманинг 16-иловасига мувофиқ шаклдаги қарори билан қўлланилади.

155. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси бевосита суд томонидан белгиланган тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятлар бузилганлиги аниқланганидан кейин, бироқ мазкур қоидабузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади.

156. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида ички ишлар органи бошлиғининг қарори мазкур Йўриқноманинг 38-иловасига* мувофиқ шаклдаги журналда қайд этилади.

Пробация назоратидаги шахсга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо қўллаш ҳақида қарорнинг тартиб рақами пробация назоратидаги шахсларга огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси қўллаш ҳақидаги қарорларни ҳисобга олиш журналида қайд қилиш рақамларига мос бўлиши керак.

157. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги қарори пробация назоратидаги шахсга ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунда имзо қўйдириб эълон қилинади.

Пробация назоратидаги шахс огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги қарор билан пробация бўлинмаси томонидан таништирилади. Пробация назоратидаги шахс интизомий жазо чорасининг қўлланилиши тўғрисидаги қарор билан танишишни ва унга имзо чекишни рад этган тақдирда далолатнома тузилади.

158. Пробация назоратидаги шахсга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида қарор пробация назоратидаги шахснинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

3-§. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш

159. Пробация бўлинмаси томонидан пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши учун қуйидагилар асос бўлади:

суд томонидан тайинланган жазони ўташдан қасддан бўйин товлаганлик; шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсга нисбатан синов муддати давомида жамоат тартибини ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги;

огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга риоя этмаганлик ёки жазони ўташ тартибини бузганлик.

* 38-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

160. Ушбу Йўриқноманинг 159-бандида назарда тутилган асослардан бири аниқланганда пробация бўлинмаси томонидан пробация назоратидаги шахсларга нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади:

қўшимча тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятлар белгилаш тўғрисида судга такдимнома киритиш;

шартли ҳукмни бекор қилиш ва ҳукм асосида тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга такдимнома киритиш;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганликни бекор қилиш тўғрисида судга такдимнома киритиш;

мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан алмаштириш тўғрисида судга такдимнома киритиш;

ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан алмаштириш тўғрисида судга такдимнома киритиш;

озодликни чеклаш тарзидаги жазонинг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш тўғрисида судга такдимнома киритиш.

Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ушбу Йўриқноманинг 39-иловасига* мувофиқ шаклдаги қарори асосида қўлланилади.

161. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг қарори мазкур Йўриқноманинг 40-иловасига* мувофиқ шаклдаги журналда пробация бўлинмаси томонидан қайд этилади.

Пробация назоратидаги шахсга нисбатан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳақидаги қарорнинг тартиб рақами пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги қарорларни ҳисобга олиш журналида қайд қилиш рақамларга мос бўлиши керак.

162. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг қарори асосида қўлланилади.

12-боб. Пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобидан чиқариш

163. Пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобидан чиқариш учун қуйидагилар асос бўлади:

жазони ўтаб бўлганлиги;

шартли ҳукмнинг бекор қилинганлиги;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш бекор қилинганлиги;

жазонинг ўталмаган қисми озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан алмаштирилганлиги;

такроран жиноят содир этганлик учун ҳукм қилинганлик;

* 39-40-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик оқибатида жазодан озод қилинганлик;

амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлик;
суд ҳукмининг (ажримининг) бекор қилинганлиги;
пробация назоратидаги шахснинг вафот этганлиги.

Бунда, пробация назоратидаги шахс пробация ҳисобидан чиқарилганлиги бўйича ҳисобга олиш журналида пробация бўлинмаси томонидан тегишли белги қўйилади.

164. Ушбу Йўриқноманинг 163-бандида назарда тутилган асослардан бири юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжат келиб тушган пайтдан эътиборан уч соат ичида пробация бўлинмаси томонидан ушбу Йўриқноманинг 41-иловасига* мувофиқ шаклда пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бунда, пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобидан чиқариш тўғрисида қарор ушбу шахснинг йиғмажилдига тикиб қўйилади.

165. Пробация назоратидаги шахс пробация ҳисобидан чиқарилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида пробация бўлинмаси томонидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига пробация назоратидаги шахсни пробация ҳисобидан чиқариш тўғрисида қарорни илова қилган ҳолда қуйидаги шахсларни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида топшириқ юборилади:

жазони ўтаб бўлган;

касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик оқибатида жазодан озод қилинган;

амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинган.

13-боб. Якунловчи қоидалар

166. Мазкур Йўриқнома талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

167. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тарикасидаги жазоларга ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахслар ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 73, 75 ва 76-моддаларига асосан жазодан озод этилиши ҳақида судга тақдимнома киритилганда, судга тақдимнома билан бирга пробация назоратидаги шахсларни жазо ўтаганликлари тўғрисидаги маълумотлар нусхалари юборилиб, уларнинг йиғма жилдлари пробация бўлинмаларида сақланади.

* 41-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2025 йил 19 июлдаги
403-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июлдаги 157-сон «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2922, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 937-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 28 августдаги 221-сон «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2922-1, 2020 йил 3 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2020 й., 10/20/2922-1/1249-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 июлдаги 376-сон «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2922-2, 2025 йил 30 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.07.2025 й., 10/25/2922-2/0665-сон).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 7-avgustdagi 440-son "Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3481-2.

2. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 24-iyuldagi 274-son hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 15 yuldagi 01/62-4/1-6285-son "Kasb-hunar kollejlari o'quv-amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun sarflanadigan materiallar hamda zarur xom ashyo bilan ta'minlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2427-1.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 31 июлдаги 427-сон "Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-3.

4. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025-yil 28-iyuldagi 6-son "Davlat ro'yxatidan o'tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo'llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O'zbekiston Respublikasida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan analoglari mavjud bo'lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro'yxatiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3611-1.

5. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 4-avgustdagi 15-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 18-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3668.

6. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil

1-avgustdagi 19/1-son “O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga doir minimal talablar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2025-yil 18-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3669.

7. O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining 2025-yil 8-avgustdagi 8-mh-son “O‘quvchilarni sinfdan sinfga va bir umumiy o‘rta ta’lim muassasasidan boshqasiga o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 5-bobini o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 20-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2684-5.

8. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 30-iyuldagi 17/7-son “Nobank kredit tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 20-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3263-3.

9. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 12-avgustdagi 277-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetini tuzish va ijro etish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 20-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3558-2.

10. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 4-avgustdagi 275-son “Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 20-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2169-9.

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 19 июлдаги 403-сон “Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3670.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/4-сон “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3224, 2020 йил 10 март), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3224-1, 2021 йил 17 июнь), (рўйхат рақами 3224-2, 2023 йил 31 январь).

2025 йил 20 ноябрдан давлат реестридан чиқарилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июлдаги 157-сон “Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тарти-

би тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2922, 2017 йил 28 август), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2922-1, 2020 йил 3 сентябрь), (рўйхат рақами 2922-2, 2025 йил 30 июль).

2025 йил 20 августда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.